

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 657.6-051:636/639 (575.1)

МЕНГЛИКУЛОВ БАХТИЁР ЮСУПОВИЧ

ЧОРВАЧИЛИКДА БИОЛОГИК АКТИВЛАРНИ САҚЛАШ  
ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ, ТАННАРХ ҲИСОБЛАШ ВА АУДИТИ  
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит ихтисослиги бўйича иқтисодиёт  
фенлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун  
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий маслаҳатчи: и.ф.д., профессор Р.Д.Дусмуратов

Тошкент – 2023

## **М У Н Д А Р И Ж А**

<b>КИРИШ . . . . .</b>	<b>4</b>
<b>I БОБ. ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОГИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>19</b>
1.1-§. Миллий иқтисодиётда чорвачилик тармоғининг ўрни ва харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари.....	19
1.2-§. Чорвачиликда биологик активларни тан олиш ва ҳисобини ташкил этишнинг назарий масалалари ҳамда бошқарувнинг ахборот таъминотидаги муаммолар.....	29
1.3-§. Чорвачиликда харажатларнинг туркумланиши ҳамда бошқарув ҳисоби жараёнларининг ташкилий жиҳатлари.....	41
<b>I боб бўйича хulosा.....</b>	<b>61</b>
<b>II БОБ. ЧОРВАЧИЛИКДА БИОЛОГИК АКТИВЛАРНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....</b>	<b>63</b>
2.1-§. Чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари.....	63
2.2-§. Чорвачиликка қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини такомиллаштириш.....	70
2.3-§. Биологик активлар ҳисобининг услугбий жиҳатларини такомиллаштириш.....	83
<b>II боб бўйича хulosা.....</b>	<b>96</b>
<b>III БОБ. ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ТАННАРХИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....</b>	<b>98</b>
3.1-§. Чорвачилик тармоғи маҳсулотлари таннархини ҳисоблашнинг назарий ва услугбий асослари.....	98

3.2-§.	Сут чорвачилиги маҳсулотлари таннархини калькуляциялашнинг услугий жиҳатларини такомиллаштириш	103
3.3-§.	Чорвачилик маҳсулотлари таннархини пасайтириш резервларини аниқлаш ва тезкор таҳлил услубини ривожлантириш.....	124
	<b>III боб бўйича хулоса.....</b>	134
<b>IV БОБ. ЧОРВАЧИЛИКДА БОШҚАРУВ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....</b>	138	
4.1-§.	Чорвачиликда бошқарув аудитининг ташкилий-услубий асосларини шакллантириш.....	138
4.2-§.	Чорвачиликда харажатлар аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш.....	155
4.3-§.	Ўстиришдаги ва бокувдаги ҳайвонлар аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш.....	164
4.4-§.	Чорвачиликда биологик активлар аудитини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш.....	178
	<b>IV боб бўйича хулоса.....</b>	193
	<b>ХУЛОСА.....</b>	198
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	204
	<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	224

## **КИРИШ (Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолига экологик тоза ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, «Келгуси ўн йилликда сут ва парранда гўшти ишлаб чиқаришнинг энг юқори суръатларда, мос равишда 22 % ва 17 % га ўсиши прогноз қилинмоқда. Кўпгина мамлакатларда гўшт ва сутни кўпроқ ишлаб чиқаришга чорва молларининг сонини қўпайтириш ва ҳар бир ҳайвондан олинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш орқали эришилади»<sup>1</sup>. Дунё мамлакатларида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва унинг ахборотларидан самарали фойдаланиш муаммоси ҳам тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Жаҳонда молиявий ҳисбот ва аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш шароитида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этиш методологиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадқиқотларда харажатлар ҳисобини ташкил этиш ва аудитини ўтказиш услубиятини такомиллаштириш, биологик активларни ҳисобга олиш, биологик активлар ҳисоби ва аудитини ташкил этишни халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, харажатларни таснифлаш услубларини шакллантириш, таннарх ҳисоблаш услубиятини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш юзасидан чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланиб, сўнгги йилларда аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида «қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ялпи

---

<sup>1</sup> OECD-FAO Agricultural Outlook 2021-2030. <https://www.fao.org/3/cb5332en/Meat.pdf>.

ички маҳсулотдаги улуши 2020 йилда эса 27,1 фоизни, 2021 йилда 26,9 фоизни ташкил этди<sup>2</sup>. Тармоқда бошқарувнинг замонавий усусларини кенг жорий этиш орқали бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартлар ҳамда тажрибалар асосида такомиллаштириш, хусусан, бошқарув ҳисоби ва аудитининг услугбий жиҳатларини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Хусусан, чорвачиликда харажатларни камайтириш, маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблаш, бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг олдидаги муҳим вазифалардан саналади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу тармоқда бир қанча муаммолар ҳозирги кунда ўз илмий ечимини кутмоқда. Бу эса, сут қорамолчилигига харажатларни туркумлаш, баҳолаш, ҳисобга олиш ва ҳисоботда акс эттириш, самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда аудиторлик текширувидан ўтказишнинг услугбий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 28 мартағи ПФ-5659-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 17 августдаги ПҚ-285-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш, тармоқ фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 18 мартағи ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 3 мартағи ПҚ-5017-сон «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 8-февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон

<sup>2</sup> Yillik statistik to‘plam. 2011-2020. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi. Toshkent-2021. hamda <https://stat.uz/uz/nashrlar/3635-yillik-statistik-to-plami>ning 2021 yil uchun ma’lumotlari

Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республикаси фан ва технологиялари устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Чорвачилик харажатлари ҳисоби, таннарҳ ҳисоблаш ва аудити, уларнинг илмий-назарий ва методологик муаммоларини ҳал қилиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, The center for economic and business research (CEBR), American Institute of Certified Public Accountants (AICPA), Harvard University, University of California, Stanford University, Princeton University (АҚШ), Auditing Practices Committee, The Institute of Internal Auditors (IIA), Pricewaterhouse Coopers, International Accounting Standards Board (Буюк Британия), Vagenengin University (Нидерландия), University Giessen (Германия), University of Calgary (Канада), Nagoya University (Япония), Россия иқтисодиёт университети, Россия давлат аграр университети К.А. Тимирязев номли Москва қишлоқ хўжалиги академияси, Новосибирск давлат университети (Россия федерацияси), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Тошкент давлат аграр университети

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.library.princeton.edu](http://www.library.princeton.edu); <https://www.cebr.com>; <https://www.ucalgary.ca>; [www.forbes.com/colleges/stanford-university](http://www.forbes.com/colleges/stanford-university); [https://www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu); [en.nagoya-u.ac.jp](http://en.nagoya-u.ac.jp) ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

(Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити методологиясини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий изланишлар натижасида қатор илмий ишланмалар ва натижалар олинган, жумладан: харажатлар ҳисоби ва аудити методологияси нуқтаи назаридан харажатлар таснифи ва туркумланиши бўйича илмий-назарий ва услубий асослари яратилган ҳамда ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган (The center for economic and business research, АҚШ); харажатлар ва биологик активларни актив сифатида тан олиш механизми асосланган ва ҳисобга олиш методологияси такомиллаштирилган (University of California, АҚШ); харажат моддалари таснифининг услубий жиҳатлари очиб берилган ва харажатлар ҳисоби методологияси таклиф этилган (Vagenengin University, Нидерландия); чорвачиликда бошқарув обьекти сифатида харажатларнинг ўрни асосланган ва таннарх аудитини ташкил этиш ва ўтказиш услубияти тавсия этилган (University Giessen, Германия); харажатлар ҳисобини ташкил этиш ва аудитини ўтказиш услублари ишлаб чиқилган (Nagoya University, Япония); чорвачилик харажатлари аудитининг методологияси ишлаб чиқилган (Auditing Practices Committee, Буюк Британия); аудитнинг халқаро стандартлари ишлаб чиқилган ва тавсия этилган (International Accounting Standards Board, Буюк Британия); биологик активларни ҳисобга олиш, чорвачилик харажатлари ҳисоби ва аудити методологияси тавсия этилган (Россия давлат аграр университети-К.А.Тимириязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академияси, Россия федерацияси).

Дунёда чорвачилик харажатлари ҳисоби, иқтисодий таҳлили ва аудитининг норматив-хуқуқий, илмий-назарий, ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: чорвачилик харажатлари ва маҳсулотлар чиқишининг дастлабки, аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этиш методологиясини ишлаб чиқиш; чорвачилик тармоғи маҳсулотлари

таннархини ҳисоблашнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш; сут йўналишидаги қорамолчилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларида маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг методологиясини такомиллаштириш; чорвачиликда асосий маҳсулот турлари таннархини таҳлил қилиш; чорвачилик маҳсулотлари таннархини пасайтириш резервларини аниқлаш ва тезкор таҳлил услубини такомиллаштириш; чорвачиликда бошқарув аудитининг ташкилий-услубий асосларини шакллантириш; чорвачиликда харажатлар аудитининг методологиясини такомиллаштириш; ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар аудитини ташкил этиш услубларини ривожлантириш; биологик активлар ҳисоби ва аудитини ташкил этиш услубиятини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда чорвачилик харажатлари ҳисоби ва аудитининг услубий ва ташкилий масалалари хорижий ва МДҲ мамлакатларининг иқтисодчи олимларидан Р.А.Алборов, А.Аренс, О.Н.Волкова, К.Друри, Т.П.Карпова, Н.П.Кондраков, Г.Р.Концевой, И.А.Ламыкин, Дж.Лоббек, В.Ф.Палий, М.З.Пизенгольц, Г.В.Савицкая, Г.Р.Хамидуллина; Дж.Фостер, Ч.Т.Хорнгрен, Л.И.Хоружий, А.Д.Шереметлар илмий ишларида тадқиқ қилинган<sup>4</sup>.

Мамлакатимиз олимларидан А.А.Абдуғаниев, А.И.Алиқулов,

---

<sup>4</sup> Алборов Р.А. Управленческий учет в организациях АПК: Монография. -М.: издательство Ижевская государственная сельскохозяйственная академия, 2016. -277 с.; Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В.Соколова. -М.:Финансы и статистика, 2013. -560 с.; Волкова О.Н. Управленческий учет. -М.: ТК Велби, издательство «Проспект», 2005. -192 с.; Воронова Е.Ю., Улина Г.В. Управленческий учет на предприятии: учебное пособие. - М.:ТК Велби, издательство Проспект, 2006. -248 с.; Друри К. Управленческий и производственный учет: пер. с англ. - 6-е изд. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. -142 с.; Карпова Т.П. Управленческий учет. Учебник для вузов. -М.: ЮНИТИ, 2002. -350 с.; Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. 2-е изд. -М.: Инфра-М, 2008. -412 с.; Концевой Г.Р. Развитие управленческого учета и контроля биологических и совокупных затрат в сельском хозяйстве: автореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.12 / Концевой Григорий Роланович. - Ижевск, 2016. - 24 с.; Ламыкин И.А. Бухгалтерский учет. Учебник. -М.: Филинъ, 2000. -520 с.; Мишин Ю.А. Управленческий учет: управление затратами и результатами производственной деятельности. - М.: Дело и сервис, 2002. -176 с.; Палий В.Ф. Современный бухгалтерский учет. -М.: «Бухгалтерский учет», 2003. -792 с.; Пизенгольц М.З. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве. - М.: Финансы и статистика, 2001. -400 с.; Шеремет А.Д. Управленческий учет. -М.:ФБК-ПРЕСС, 2000. -512 с.; Савицкая Г.В. Анализ эффективности и рисков предпринимательской деятельности: методологические аспекты. - М.: ИНФРА-М, 2008. -272 с.; Хамидуллина Г.Р. Управление затратами: планирование, учет, контроль, анализ, издержек обращения. - М.: Экзамен, 2004. -352 с.; Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. Бухгалтерский учёт: управленческий аспект. -М.: Финансы и статистика, 2000. -416 с.; Хоружий Л.И. Проблемы теории, методологии, методики и организации управленческого учета в сельском хозяйстве / Л.И. Хоружий. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 497 с.

О.Бобожонов, Р.Д.Дусмуратов, Н.Ю.Жўраев, А.К.Ибрагимов,  
А.А.Каримов, О.Машарипов, Б.Ю.Махсудов, И.К.Очилов, А.Х.Пардаев,  
Н.К.Ризаев, А.С.Сотиволдиев, У.С.Турсунов, Б.А.Хасанов,  
Р.О.Холбековларнинг тадқиқот ишларида харажатлар ҳисоби ва аудити,  
таннархни ҳисоблашнинг назарий, услубий ва ташкилий жиҳатлари  
ўрганилган<sup>5</sup>.

Ушбу иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг асарларида харажатлар ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити масалалари атрофлича тадқиқ қилинган. Лекин аграр соҳа, хусусан, чорвачилик тармоғи бўйича харажатлар таснифи чуқур ўрганилмаган. Шунингдек, чорвачилик харажатлари таснифи, ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити тизимли-комплекс тарзда тадқиқ қилинмаган. Жумладан, сут чорвачилигига ихтисослашган хўжаликларда биологик активларни сақлаш харажатларини туркумлаш, ҳисобга олиш, таннархини ҳисоблаш ва аудиторлик текширувидан ўтказишнинг концептуал масалалари деярли ўрганилмаган ва бу йўналишда тизимли тадқиқот ўтказиш долзарб ҳисобланади.

---

<sup>5</sup> Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари. Монография. -Т.: ТМИ, 2003. -275 б.; Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритишнинг назарий ва амалий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2005. -41 б.; Алиқулов А.И. Пахта толасини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш харажатлари ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати: 08.00.08. -Тошкент, 2012. -37 б.; Бобожонов О., Жуманиёзов К. Бошқарув ҳисоби. -Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005. -358 б.; Дўсмуратов Р.Д., Мамадијоров Д.У. Қишлоқ хўжалигига бошқарув ҳисоби: услубиёт ва амалиёт. –Т.: «Молия» нашриёти, 2008. -148 б.; Jo'rayev N.Y., Abduvaxidov F.T., Sotivoldieva D.A. Moliyaviy va boshqaruv hisobi. Darslik. TDIU. -Т.:2009, -318 б.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: 2002. -42 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. -Т.: «Istisod-moliya», 2008. - 152 б.; Машарипов О., Машарипова Н. Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби (ўқув кўлланма). –Т.: Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси, 2001. -143 б.; Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. (DSc) диссертация автореферати: 08.00.08. / - Тошкент, 2018. -46 б.; Очилов И.К. Бозор шароитларида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва аудитни тадбиқ қилиш муаммолари (Ўзбекистоннинг сут ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоғи мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертацияси автореферати. –Т.: 1999. -23 б.; Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув кўлланма. -Т.: Академия, 2002. -176 б.; Ризаев Н.К. ва б. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув кўлланма. ТДИУ «TDIU» нашриёти, 2019 й. - 224 б.; Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси. –Т.: 2002. I-II томлар.; Турсунов У.С. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулотлар таннархи аудитини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертацияси автореферати. –Т.: 2008. -19 б.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати: 08.00.08. -Тошкент, 2004. -42 б.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. –Т.: «Молия» нашриёти, 2003., 248 б.; Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ва услубиёти. Монография. – Т.: «Фан», 2005. -198 б.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қишлоқ хўжалигига бухгалтерия ҳисоби, аудит, иқтисодий таҳлил ва молия-кредит механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқотлар доирасида олиб борилган. Илмий-тадқиқот ишлари ИКХ-2012-1-1-«Чорвачилик тармоғига харажатлар ҳисоби, аудити, таҳлили ҳамда таннарх ҳисоблашни такомиллаштириш бўйича тайёрланган амалий тавсияларни жорий этиш» ҳамда ҚХИ-1-005-2015-«Фермер хўжаликларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўйича услугбий ишланмаларни жорий этиш» мавзусидаги инновация лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий, методологик ва амалий йўналишларда илмий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

миллий иқтисодиётда чорвачилик тармоғининг ўрни ва аҳамиятига баҳо бериш, бошқарувининг ахборот таъминотидаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш йўлларини кўрсатиб бериш;

чорвачилик тармоғига харажатларни таснифлашни тадқиқ қилиш асосида илмий-назарий хulosалар шакллантириш ва таклифлар тайёрлаш;

чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активларни сақлаш харажатлари ва маҳсулотлар чиқишининг бошланғич хужжатлаштирилиши ва аналитик ҳисобининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш асосида уни яхшилаш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш;

ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилишда харажатларни ҳисобга олиш ва таннархга олиб бориша харажатларни ҳисоб обьектларига тақсимлаш бўйича амалий тавсиялар тайёрлаш;

сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг услубарини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

қорамолчиликда қилинган харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитининг илмий-назарий, ташкилий, норматив-ҳуқуқий ва услугбий жиҳатларини шакллантириш бўйича илмий таклиф ишлаб чиқиш;

биологик активлар аудитини ўтказиш услубини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар тайёрлаш.

**Тадқиқот обьекти** сифатида Ўзбекистонда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети** чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг илмий-назарий, амалий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда диалектика, анализ, синтез, абстракциялаш, конкретлаштириш, умумлаштириш, индукция, дедукция, фикран эксперимент, манбаларни шарҳлаш, ҳужжатлар ва фаолият натижаларини ўрганиш каби назарий ва эмпирик усуллар; ҳужжатлаштириш, счётлар тизими, икки ёқлама ёзув, калькуляция, таққослаш, оддий-анъанавий таҳлил, алоҳида хўжалик фактини ўрганиш каби тадқиқот предметига хос хусусий усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

харажатлар таснифи ҳайвонларнинг ўлимидан йўқотишлиар, ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш воситалари каби қўшимча тасниф элементларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ва маҳсулотлар чиқиши бўйича бошланғич ҳисоб ҳужжатларига қўшимча реквизитларни киритиш асосида такомиллаштирилган ҳамда сут йўналишидаги қорамолчиликка қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисоби

қайдномаси тавсия этилган;

чорвачилиқда товар-моддий қийматликларни, жумладан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилишда харажатларни ҳисобга олиш ва таннархга олиб боришда ҳисоб объектларига харажатларни мутаносиб тақсимлаш услуби таклиф этилган;

«сүт чорвачилигига маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг коэффициент усули» ҳамда «соғин сигирларни сақлаш харажатларини сут ва наслга улардаги метаболик энергияга пропорционал тақсимлаш тартиби» тавсия этилган;

қорамолчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизимини баҳолаш орқали хатарларни аниқлаш тавсия қилинган ҳамда режалаштирилган иш турларини киритиш орқали харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитининг умумий режасини тузиш услуби тақомиллаштирилган;

биологик активларни ҳисобга олишга доир бошланғич ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўғрилигини танлаб текшириш, биологик активларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби ташкил этилишини текшириш каби бандларни киритиш орқали биологик активлар аудитини ўтказиш услуби таклиф этилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

чорвачилик хўжаликларида харажатлар ва олинган маҳсулотлар дастлабки ҳисоб маълумотларини тўғри ва аниқ шакллантириш мақсадида бошланғич ҳужжатларнинг тақомиллаштирилган шакллари тавсия этилган;

чорвачилик хўжаликларида аниқ аналитик ҳисоб маълумотларини шакллантириш учун «Сут йўналишидаги қорамолчиликда ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотлар ҳисоби қайдномаси» тақлиф этилган;

ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш харажатларини ҳисоб объектларига мутаносиб тақсимлаш ва таннархга тўғри олиб бориши мақсадида бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасига 1530-«Ўстиришдаги ва

боқувдаги биологик активларни харид қилиш» ишчи счётини киритиш тавсия этилган;

сүт йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини ҳаққоний ҳисоблаш учун «сүт чорвачилигига маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг коэффициент усули» ҳамда «соғин сигирларни сақлаш харажатларини сүт ва наслга улардаги метаболик энергияга пропорционал тақсимлаш тартиби» тавсия этилган;

чорвачиликда харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитини тўғри ташкил этиш мақсадида аудит ўтказиш умумий режасининг намунавий шакли ҳамда харажатлар ҳисоби бўйича ички назорат тизимини баҳолаш учун саволнома-тест тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, тадқиқотда фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар ҳисбот манбаларидан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси расмий статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити методологиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялардан келгусида чорвачилик хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асосларини янада такомиллаштиришга бағишлиланган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Шунингдек, чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялардан ОТМларда «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» каби

фанлар бўйича ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан бухгалтерия ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити ишлари тўғри ва ўз вақтида ташкил этилиши ҳамда самарали юритилиши, бошқарув қарорлари учун маълумотларни олиш имкониятини берувчи молиявий ҳисботнинг ишончлилик даражасини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чорвачилик харажатлари ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

харажатлар таснифи ҳайвонларнинг ўлимидан йўқотишлар, ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш воситалари каби қўшимча тасниф элементларини киритиш орқали такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Самарқанд вилояти Пайариқ тумани «Sutello» фермер хўжалиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги №1/20-3-2001-сон, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 1 июлдаги 04/23-1371-сон, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2022 йил 18 июлдаги 59-сон, Самарқанд вилояти Пайариқ тумани «Sutello» фермер хўжалигининг 2022 йил 23 июндаги 21-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши ҳайвонларнинг ўлимидан йўқотишлар, ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш воситалари тасниф элементлари бўйича маълумотларнинг ўз вақтида,

тўғри ва аниқ шакллантирилишини таъминлаб, таҳлил ишларини осонлаштирган ва самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишига ёрдам берган;

чорвачилиқда биологик активларни сақлаш харажатлари ва маҳсулотлар чиқиши бўйича бошланғич ҳисоб ҳужжатларига қўшимча реквизитларни киритиш асосида такомиллаштириш ҳамда сут йўналишидаги қорамолчиликка қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисоби қайдномасидан фойдаланиш бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Тошкент вилояти Тошкент тумани «Mehnat baxtli sut» МЧЖ томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги №1/20-3-2001-сон, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 1 июлдаги 04/23-1371-сон, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2022 йил 18 июлдаги 59-сон, Тошкент вилояти Тошкент тумани «Mehnat baxtli sut» МЧЖнинг 2022 йил 28 июндаги 25-сон маълумотномалари). Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши чорвачилиқда биологик активларни сақлаш харажатлари бўйича бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва аналитик ҳисоб регистрларида аналитик маълумотларни ўз вақтида ва тўғри шакллантирилишини таъминлаб, ҳисобни юритиш, режалаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланишни назорат қилиш имконини берган;

чорвачилиқда товар-моддий қийматликларни, жумладан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилишда харажатларни ҳисобга олиш ва таннархга олиб боришда ҳисоб объектларига харажатларни мутаносиб тақсимлаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий

ассоциацияси, Сурхондарё вилояти Денов тумани «Turonbek chorvasi» фермер хўжалиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги №1/20-3-2001-сон, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 1 июлдаги 04/23-1371-сон, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2022 йил 18 июлдаги 59-сон, Сурхондарё вилояти Денов тумани «Turonbek chorvasi» фермер хўжалигининг 2022 йил 29 апрелдаги 6-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши товар-моддий қийматликларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни уларнинг турлари бўйича мутаносиб тақсимлаш имконини бериб, хўжалик юритувчи субъектда товар-моддий қийматликлар, жумладан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда таннархнинг аниқ ва тўғри шакллантирилишини, бошқарув таҳлили тўғри ташкил этилиши ва унинг асосида оқилона бошқарув қарорлари қабул қилинишини таъминлаган;

«сут чорвачилигига маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг коэффициент усули» ҳамда «соғин сигирларни сақлаш харажатларини сут ва наслга улардаги метаболик энергияга пропорционал тақсимлаш тартиби»ни қўллаш бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Тошкент вилояти Қиброй тумани «Azizjon» томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 1 июлдаги 04/23-1371-сон, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2022 йил 18 июлдаги 59-сон, Тошкент вилояти Қиброй тумани «Azizjon» фермер хўжалигининг 2022 йил 23 июндаги 8-сон маълумотномалари). Мазкур тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши сут қорамолчилигига сутнинг ва насл (бузоқ)нинг таннархини тўғри ва ҳаққоний аниклаш имконини берган;

қорамолчилиқда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизимини баҳолаш орқали хатарларни аниқлаш ҳамда режалаштирилган иш турларини киритиш орқали харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитининг умумий режасини тузиш услубини такомиллаштириш бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент вилояти Тошкент тумани «Mehnat baxtli sut» МЧЖ томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 1 июлдаги 04/23-1371-сон, Тошкент вилояти Тошкент тумани «Mehnat baxtli sut» МЧЖнинг 2022 йил 28 июндаги 25-сон маълумотномалари). Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши қорамолчилиқда харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитининг умумий режасини тўғри тузиш ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби бўйича ички назорат тизимини баҳолаш бўйича аниқ саволлар рўйхатини шакллантиришни таъминлаб, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши бўйича аудит самарадорлигини оширган.

биологик активлар мавжудлигини таъминлашни текшириш, биологик активларни ҳисобга олишга доир бошланғич хужжатларнинг расмийлаштирилиши тўғрилигини танлаб текшириш, биологик активларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби ташкил этилишини текшириш каби бандларни киритиш орқали биологик активлар аудитини текшириш услубини қўллаш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти Тошкент тумани «Mehnat baxtli sut» МЧЖ томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 1 июлдаги 04/23-1371-сон, Тошкент вилояти Тошкент тумани «Mehnat baxtli sut» МЧЖнинг 2022 йил 28 июндаги 25-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши биологик активлар мавжудлиги, бошланғич хужжатларнинг расмийлаштирилиши ҳамда аналитик ва

синтетик ҳисоби ташкил этилишини тўғри текшириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 25 та, жумладан 19 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хуносалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 1 та тавсиянома, журналларда 23 та, шундан нуфузли хорижий журналларда 9 та илмий мақола нашр эттирилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 203 бетни ташкил этади.

# **І БОБ. ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОГИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИННИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Миллий иқтисодиётда чорвачилик тармоғининг ўрни ва харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари**


Чорвачилик маҳсулотлари озиқ-овқат этишмаслиги хавфининг олдини олишда, мамлакат аҳолисининг озиқ-овқатга ҳамда саноатнинг хом-ашёга бўлган талабини қондиришда катта аҳамият касб этади.

Дунёда озиқ-овқат хавфисизлигини таъминлаш масаласи тобора долзарблашиб бориши, озиқ-овқат таъминоти мамлакатдаги ижтимоий барқарорлик билан бевосита боғлиқлиги бу масалага доимо диққат эътиборда бўлишликни талаб этади. Шунингдек, чорвачиликдан олинган маҳсулотлари озиқ-овқат таркибида сезиларли даражада муҳим ҳисобланади. Бу эса, мазкур соҳани янада ривожлантириш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳамда чорвачиликка фан тараққиётининг илғор ютуқларини ва инновацион технологияларни қўллаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо қилмоқда.

Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда сўнгги йилларда чорва моллари бош сони кескин ортиши кузатилмоқда. «Республикамида барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 2021 йилда 2012 йилга нисбатан 3414,5 минг бошга, қўй ва эчкилар бош сони 5945,5 минг бошга, паррандалар бош сони эса 42248,6 минг бошга ошди»<sup>6</sup> (1.1-расм). Чорва моллари бош сони ошишини ижобий баҳолаган ҳолда аҳолини чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим.

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2011-2020. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиғма аҳборот ишлари бошкармаси. Тошкент-2020. <https://stat.uz/uz/nashrlar/3635-yillik-statistik-to-plami>



### 1.1-расм. Чорва моллари ва паррандалар бош сони динамикаси<sup>7</sup> (1 январ ҳолатига) (барча тоифадаги хўжаликлар, минг боши)

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида тўхталиб ўтиб: «Чорвачилик соҳасига тўхталадиган бўлсақ, қорамол ва парранда сонини қўпайтириш, бу борада сифат ва маҳсулдорликка эришиш учун етарли шароит яратишимииз зарур»<sup>8</sup> деб таъкидлаб ўтдилар.


Бироқ, ем-хашак экинлари майдони чекланганлиги боисдан чорва моллари бош сонини доимо ошириб бориш имкониятлари чекланган. Шу боисдан чорва моллари бош сонини ошириш орқали маҳсулот ҳажмини қўпайтириш, яъни экстенсив эмас, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш,

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2011-2020. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиғма ахборот ишлари бошқармаси. Тошкент-2020. <https://stat.uz/uz/nashrlar/3635-yillik-statistik-to-plami>

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент. 22.12.2017.

яъни интенсив йўл билан чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш чоралари кўрилиши лозим.

Бугунги кунда республикамизда асосий чорвачилик маҳсулотлари сифатида гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл териси ҳисобланади. Жумладан, барча тоифадаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотлари турларини этиштириш динамикаси ўрганилганда қуидаги маълумотларга эга бўлинди (1.2-расм).



**1.2-расм. Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш<sup>9</sup> (1 январ ҳолатига) (барча тоифадаги хўжаликлар, минг тонна)**

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2011-2020. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йигма ахборот ишлари бошкармаси. Тошкент-2020. <https://stat.uz/uz/nashrlar/3635-yillik-statistik-to-plami>

1.2-расмда келтирилган маълумотларга қўра 2021 йилда 2012 йилга нисбатан мос равишда гўшт (тирик вазнда) етиштириш 967,6 минг тоннага, сут 3976,0 минг тоннага, тухум 4179,4 млн. донага ошган. Чорва маҳсулотлари етиштиришнинг микдор жиҳатдан бундай ошишини ҳам ижобий баҳолаш лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича сут ишлаб чиқариш бўйича статистика таҳлил қилинганда қўйидаги маълумотларга эга бўлинди (1.1-жадвал).

### **1.1-жадвал**

#### **Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича сут ишлаб чиқариш<sup>10</sup> (1 январ ҳолатига), (барча тоифадаги хўжаликлар, минг тонна)**

Вилоятлар	Йиллар									
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	7310,9	7885,5	8431,6	9027,8	9703,4	10047,9	10466,4	10714,3	10976,9	11286,9
Қорақалпоғистон Республикаси	224,8	272,0	296,5	322,1	347,0	364,0	378,0	386,3	404,8	419,3
Андижон	655,4	712,6	763,2	822,2	892,6	899,2	929,8	953,6	978,2	990,5
Бухоро	625,0	674,2	724,0	779,1	852,8	905,8	940,7	965,6	1 002,6	1020,4
Жizzах	400,2	438,2	468,8	501,0	536,7	566,1	593,9	609,5	627,2	650,1
Қашқадарё	772,0	830,1	887,1	952,2	1 023,1	1 089,0	1 131,2	1 149,0	1 179,4	1248,4
Навоий	315,6	335,9	359,9	388,5	415,1	444,8	454,0	468,8	483,0	498,3
Наманган	464,5	498,8	536,3	581,0	637,4	665,5	678,3	696,3	724,2	734,7
Самарқанд	930,1	994,4	1064,6	1132,3	1 228,3	1 240,9	1 241,8	1 273,9	1 307,3	1337,1
Сурхондарё	624,9	672,8	706,4	750,2	781,5	809,6	844,6	867,1	885,7	909,2
Сирдарё	237,3	252,9	270,5	290,3	318,9	317,2	341,5	350,3	356,2	370,8
Тошкент	653,3	688,8	735,7	787,0	838,2	860,9	898,3	919,7	923,9	966,3
Фарғона	696,4	750,9	802,5	854,5	909,6	921,4	1 022,0	1 038,4	1 050,4	1070,6
Хоразм	711,4	763,9	816,1	867,4	922,2	963,5	1 012,3	1 035,8	1 054,0	1071,2

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5853-сон Фармони<sup>11</sup>да «сигирларнинг ўртача сут

<sup>10</sup> Yillik statistik to‘plam. 2011-2020. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi. Toshkent-2021. <https://stat.uz/uz/nashrlar/3635-yillik-statistik-to-plami>

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5853-сон Фармони

маҳсулдорлигини ошириш (2025 йилда 3100 кг/ бош, 2030 йилда 3500 кг/ бош), умумий экин майдонлари таркибида озуқа экинлари майдонлари улушкини (2025 йилда 12 %, 2030 йилда 15 %) кўпайтириш, шунингдек чорвачилиқда маҳсулдорликни ошириш, балиқ ва парранда гўшти, шунингдек, сут ишлаб чиқаришни барқарор интенсивлаштиришга қаратилган тадқиқот ишларини олиб бориш (2022 йил IV чорак)» вазифалари белгиланган. Бу вазифаларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Мамлакат аҳолиси ва саноатнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун ўз навбатида, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, тармоқнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш, моддий ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатиш инфратузилмасини сифат жиҳатдан яхшилашни талаб этмоқда.

Бу борада Н.С.Хушматов ва У.М.Куччиевларнинг чорвачилик тармоғи корхоналари фаолиятида модернизация имкониятларидан фойдаланиш хусусидаги қўйидаги фикрлари эътиборга моликдир: «Республикамизда чорвачилик тармоғини модернизациялаш, биринчи навбатда қўйидаги шартларга жавоб бериши лозим, деб ҳисоблаймиз:

- ички ва ташқи бозорда рақобатбардош чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда тармоқнинг рақобатбардошлиқ хусусиятларини сақлаб қолиш;

- мавжуд аграр ресурсларни максимал даражада тежаш асосида ресурслар сарфи бирлиги ҳисобига нисбатан кўпроқ бозор талабига жавоб берадиган чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш (ресурс тежамкорлиги мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда);

- чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жараёнини ривожлантиришни, қўшилган қиймат яратиш жараёнини иқтисодий ва ҳуқуқий рағбатлантириш билан биргаликда олиб бориш;

- бозорга чиқиладиган тайёр чорвачилик маҳсулотлари таркибида қайта ишланган ва чукур қайта ишланган маҳсулотлар салмоғини ошириб боришни

рағбатлантириш... ва ҳ.к.»<sup>12</sup>.

Чунки, чорвачилик аграп тармоқнинг яхши ривожланаётган соҳаларидан бири бўлиб, 2021 йилда мамлакатда аграп соҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг сезиларли улуши чорвачиликнинг ҳиссасига тўғри келган. Соҳанинг ўзига хос хусусияти шундаки, маҳсулотнинг катта қисми унчалик йирик бўлмаган томорқа (дехқон) хўжаликларида ишлаб чиқарилмоқда. Аксарият чорвачилик маҳсулотлари етиширадиган дехқон хўжаликларининг майдалиги замонавий технологияларни қўллаш имкониятини бермайди. Бу эса, соҳа самарадорлиги кўрсаткичларининг юқори эмаслигида кўринади. Шу билан бирга, республикамизда чорвачилик соҳасини ривожлантиришнинг айrim муаммолари ҳам мавжуд. Жумладан, энг катта муаммо озуқа етишмаслиги, яъни озуқа экинлари майдонларининг кескин қисқартирилганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати юқоридаги айтиб ўтилган муаммолар жиддийлигини сезган ҳолда, соҳани ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар кўрмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартағи ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори<sup>13</sup>, 2019 йил 28 мартағи ПФ-5659-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони<sup>14</sup>, 2022 йил 28 янаврдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони<sup>15</sup> ушбу жараёнда муҳим дастурил амал бўлмоқда.

<sup>12</sup> Н.С.Хушматов, У.М.Куччиев. «Чорвачилик тармоғини модернизациялаш иқтисодий моҳияти, амал қилиш қонуниятлари ва асосий шартлари». Рисола. -Т.: «ЁШ КУЧ ПРЕСС МАТБУОТИ» МЧЖ, 2012. 25-26 б.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартағи ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. <https://lex.uz/docs/4245443>.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартағи ПФ-5659-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4259331>

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 янаврдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

ПФ-60-сон Фармонга 1-илова сифаттида келтирилган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» З-устувор йўналиши «Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш» деб номланган бўлиб, ушбу йўналишнинг 32-мақсади «Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 - 2 баравар кўпайтириш» вазифаси белгиланган.

Бугунги кунда аграр соҳада чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари, масъулияти чекланган жамиятлари етакчи ўрин тутиб, сўнгти йилларда улар сонининг ошиши, ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари микдорининг барқарор ўсиши ва истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришда улушининг ошиши кузатилмоқда. Бундай шароитда тармоқ корхоналарининг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва таннарх ҳисоблашни тўғри шакллантиришга боғлик ҳисобланади.

Чорвачиликнинг асосий маҳсулотлари - сут, гўшт, тухум, асал, тери ва ҳоказолар ҳисобланади. Чорвачилик маҳсулотларида киши организми учун зарур бўлган протеин, ёғ, витаминалар ва минерал моддалар мавжуд.

Чорва маҳсулотлари оқсилга бой бўлади ва қиммат туради. Иқтисодчи олимлар А.Исмоилов ва О.Муртазаевлар таъкидлашича «... чорва маҳсулотлари оқсили ўсимлик маҳсулотлари оқсилига нисбатан жуда қиммат туради. Чунки, 1 кг сут оқсилига 3-5 озуқа бирлиги, мос равишда тухум оқсилига 4-6, мол гўшти оқсилига эса 15-20 озуқа бирлиги сарфланади»<sup>16</sup>.

Сут таркиби одам организми учун керакли бўлган лактоза ва бошқа моддаларга бой ҳисобланади.

Чорвачиликни йил бўйи интенсив ривожлантириб борилганда, ишчи кучидан бир меъёрда фойдаланиш имкони яратилади ҳамда хўжаликка чорвачиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан соғ тушум кўпаяди, яъни доими даромад келиб туради.

---

<sup>16</sup>А.Исмоилов., О.Муртазаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Самарқанд «Уникомм-С» МЧЖ, 2003. – Б. 397  
25

Чорвачиликда ем-хашак таъминоти муҳим масалалардан биридир. Амалиётда қишлоқ хўжалик корхоналарининг ем-хашак билан таъмин этилганлиги йил даврлари бўйича кўриб чиқилади.

Биринчи давр - йил бошидан то ем-хашак йигиб териб олингунгача бўлган вақтдир. Бу давр таҳлил қилинаётганида ўтган йил охиридан қолган ем-хашак ва бутун давр ичидаги унга бўлган эҳтиёж кўриб чиқилади.

Иккинчи давр - ем-хашак йигиб олингандан кейин календарь йил охиригача бўлган вақт. Бу даврда фойдаланилган ем-хашак миқдори кўрсаткичлари, ем-хашакни сарф қилиш меъёрларига риоя қилинганлигини назорат этиш нуқтаи назаридан муҳим роль ўйнайди.

Мазкур даврларда ем-хашакдан фойдаланиш таҳлили ўтказилиб бўлгандан кейин хўжаликнинг келгуси йил 1 январдан янги ҳосил териб, йигиб олингунгача ем-хашак билан таъмин этилиш даражаси белгиланади.

Чорвачилик хўжаликларида мустаҳкам озуқа базасининг бўлмаслиги чорвачиликнинг ривожланишига халақит беради. Шу боисдан, чорвачилик хўжаликларда мустаҳкам озуқа базасини яратиш учун:

- хўжаликда озуқа базасини шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиши лозим;
- чорва молига бериладиган ҳар бир озуқа бирлигининг таннархини ўз вақтида, аниқ маълумотларга асосланган ҳолда ҳисоблаш лозим;
- хўжаликда ем-хашакдан фойдаланишни яхшилаш ва тармоқлар самарадорлигини ошириш учун ички резервларни аниқлаш керак.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатлари соҳалар ва турлар бўйича фарқ қиласи. Харажатлар бўйича ушбу фарқларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда эътибор қаратиш лозим.

Чорвачилик соҳасидаги ишлаб чиқариш харажатлари ўсимликчилик ва бошқа соҳалардаги каби турли хил бўлади. Мазкур харажатларга моддий харажатларни, яъни озуқа, биопрепаратлар, дори-дармонлар, турли материаллар ва ҳоказолар, меҳнат харажатларини, асосий воситаларни сақлаш

харажатларини ва бошқалар киритиш мумкин. Бу эса, чорвачилик харажатларини уларнинг турлари бўйича бухгалтерия ҳисобида, жумладан бошқарув ҳисобида қатъий ҳисобга олиниши шарт қилиб қўяди.

Чорвачилик тармоғида ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни хўжалик операцияларининг бир маромда содир бўлиши ўсимликчилик соҳасидан сезиларли даражада фарқ қиласди. Бу ўзига хос хусусиятлар эса, албатта, ишлаб чиқариш харажатларини режалаштириш ва ҳисобга олишни ташкил этишга эътибор қаратишни талаб қиласди.

Чорвачилиқда ўсимликчиликдан фарқ қилиб, маҳсулот етиштириш учун харажатлар қилиниши ва маблағлар сарфланиши билан маҳсулотлар олиш даврларидағи узилишлар қисқароқ бўлади. Бу эса, жорий йилдаги барча қилинган харажатлар мазкур йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархига олиб борилади. Демак, бухгалтерия ҳисобида чорвачилик харажатларини, дехқончиликдаги сингари, ёндаш йилларга ажратиш зарурияти йўқ. Чорвачилиқдаги барча харажатлар жорий йил маҳсулотлари учун қилинадиган харажатлар ҳисобга олинадиган счёtlарда акс эттирилади.

Чорвачилик тармоғида дехқончилик тармоғи каби бажариладиган ишлар тури жуда ҳам қўп эмас. Чорвачилиқда ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни бажариладиган ишларнинг, жумладан озиқлантириш, чорва молларига қараш ва маҳсулот олиш каби қилинадиган ишлар бир хил бўлади. Мазкур бажариладиган ишларнинг ҳаммаси, вақт бўйича қатъий чегараланмасдан балки узлуксиз давом этади.

Умуман олганда, чорвачилик тармоғида ишлаб чиқариш жараёни бир жойга жамланган ҳолда ташкил этилади. Мисол учун, сут ишлаб чиқариш сутчилик мажмуаларида ва бошқалар. Бу эса, ишлаб чиқариш харажатларини айрим ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича бухгалтерия ҳисобида алоҳида ҳисобга олинмайди.

Шундай қилиб, чорвачилиқда ишлаб чиқариш харажатларини иш турлари, ишлаб чиқариш бўлимлари, кетма-кет бир неча йиллар ва ҳоказо

бўйича алоҳида ҳисобга олиб боришга эҳтиёж пайдо бўлмайди.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатларни мазкур йўналишларда амалга ошириш ва ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ҳайвонларни ишлаб чиқаришнинг асосий турлари ва гурӯҳлари бўйича, хусусан, маҳсулдор ҳайвонлар, ишчи ҳайвонлар, боқувдаги ҳайвонлар; 6 ойгача бузоқлар, 1 ёшгача бузоқлар, 2 ёшгача бузоқлар ва ҳоказо;

- ишлаб чиқариш харажатларнинг асосий турлари бўйича, жумладан моддий харажатлар, асосий воситаларнинг амортизацияси, меҳнат харажатлари, иш ва хизматлар ва бошқалар.

Чорвачиликда харажатлар ҳисоби ҳамда таннарх ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари қуидагиларда намоён бўлади:

- чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ер билан, ер майдонлари билан боғлиқлиги харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва юритишга сезиларли даражада таъсир қилиши;

- чорвачиликда харажатлар ҳисобини ташкил этишга иқлим ўзгаришларининг, яъни об-ҳаво ўзгаришининг сезиларли даражада таъсир кўрсатиши;

- чорвачиликда қўлланиладиган технологиянинг ўзига хослиги ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх ҳисоблашга маълум даражада таъсир қилиши;

- чорвачиликда маҳсулот этиштириш йирик-йирик майдонларда амалга оширилиши харажатларнинг кўпайишига таъсир кўрсатиши;

- чорвачиликда биологик активларнинг сезиларли улушга эга эканлиги, улар бошланғич ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг хусусиятлари мавжудлиги;

- чорвачиликда биологик активларни сақлашнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари борлиги;

- чорвачиликда биологик активларни баҳолаш ва улардан олинган маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятга эгалиги.

## **1.2. Чорвачиликда биологик активларни тан олиш ва ҳисобини ташкил этиш ҳамда бошқарувнинг ахборот таъминотидаги муаммолар**

Мамлакатимизда ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга, иқтисодиётни ривожлантиришга ҳамда халқаро ҳамжамиятга интеграциялашишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бу эса, бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини кўллаш ва улардан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда.

2016 йил 13 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддасида «Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисботга доир талаблар молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларида белгиланади»<sup>17</sup> деб қайд этилиши республикамизда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МХХС) кўлланилишининг хуқуқий асосларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони<sup>18</sup>да 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши кўрсатилган. Шу билан бирга, стратегияда корхоналарни бошқариш тизимида халқаро стандартларни кенг жорий этиш вазифаси белгиланган.

Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида бошқа корхоналар сингари, чорвачилик хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби обьектлари тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ шакллантириш, ҳисоб-китобларни тўғри олиб бориш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида иқтисодиёт масаласига тўхталиб: «Иқтисодиёт - бу ҳисоб-китоб дегани. Ҳар

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», 22-модда. 13.04.2016.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони. 7.02.2017.

бир ишимиизда пухта ҳисоб-китоб биринчи ўринда туриши лозим»<sup>19</sup> деб таъкидлаб ўтдилар. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар ҳам ўз фаолиятларини самарали олиб боришлари учун етказиб берувчилар, харидорлар, пудратчилар, банк, солик ва бошқа билан шартномада белгиланган муддатда, тўғри ва тўлиқ ҳисоб-китоблар амалга оширилиши лозим.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларни бошқаришда ва бошқарув учун самарали қарорларни қабул қилишда ҳам ахборотлар асосан бухгалтерия ҳисобидан олинади. Бухгалтерия ҳисоби томонидан шакллантирилган молиявий ҳисобот маълумотларидан ташқи фойдаланувчилар ҳамда корхонанинг менежерлари самарали қарорлар қабул қилишни таъминлаши керак. Бугунги кунда аграр соҳада ҳисоб ташкил этилиши ва юритилишини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га мослаштириш талаб этмоқда. Биологик активлар тушунчаси нисбатан янги тушунча бўлиб, аграр соҳанинг ўзига хос ҳисоб обьекти ҳисобланади.

Демак, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда бухгалтерия ҳисоби обьектлари тўғрисидаги ахборотни тўғри шакллантириш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектларда, жумладан аграр соҳада фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг активлари (маблағлари) таркибида муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган ҳисоб обьектларидан бири биологик активлар ҳисобини уларнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда тўғри ташкил этиш, тан олиш ва баҳолаш, ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш бугунги куннинг долзарб масаларидан бири ҳисобланади. Чунки, миллий ҳисоб ва ҳисобот тизимимизга биологик активлар тушунчаси янги кириб келган иқтисодий категориялардан бири бўлиб, улар хўжалик субъекти активларининг бир тури сифатида акс эттирилиб келинмоқда.

«Биологик активлар» чорвачиликка ихтисослашган айрим хўжаликлар активлари таркибида ҳам мавжуд бўлиб, баъзи хўжаликларда катта улушни ташкил қиласди.

<sup>19</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент. 22.12.2017. -43 б.

Халқаро амалиётда эса, биологик активлар тушунчаси кенг қўлланилади ва уларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш 41-сонли «Қишлоқ хўжалиги» номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БХХС) билан тартибга солинади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: биологик активлар нималар киради, унинг қандай турлари бор?

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва илмий адабиётларни ўрганиш, биологик активлар тушунчасига алоҳида ҳисоб обьекти сифатида турли таъриф ва ёндашувлар билдирилган. Жумладан, биологик активларга 41-сонли «Қишлоқ хўжалиги» номли БХХСда қўйидагича ёндашув келтирилган: «биологик активлар - бу тирик ҳайвонлар ёки ўсимликлардир»<sup>20</sup>.

Шунга ўхшаш таъриф 5-сонли «Қишлоқ хўжалиги» номли миллий бюджет ҳисоби стандартида қўйидагича баён қилинган: «биологик актив - ҳайвонлар ёки ўсимликлар»<sup>21</sup>.

Хорижлик иқтисодчи олим В.Ф.Палий эса, биологик активларни қўйидагича таърифлайди: «биологик активлар - бу қишлоқ хўжалиги фаолияти учун, яъни ҳозир ва келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти олиш мақсадида сотиш, алмаштириш ёки уларни сонини кўпайтириш учун қўлланиладиган ўсимликлар ва ҳайвонлардир»<sup>22</sup>.

Иқтисодчи олим Н.Н.Агошкованинг фикрига кўра, «Биологик актив - бу биотрансформация жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки қўшимча биологик активларни ишлаб чиқаришга қодир бўлган ва шу билан ташкилотга иқтисодий фойда келтирадиган ҳайвон ёки ўсимлик»<sup>23</sup>.

Соҳа мутахассислари И.И.Кружкова, Л.И.Проняева ва А.И.Солодовниклар « ... биологик активларга қишлоқ хўжалиги фаолиятида

<sup>20</sup> 41-сонли «Қишлоқ хўжалиги» бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. [https://www.mf.uz/media/file\\_uz/inter\\_stand/MHXS/IAS\\_41\\_uzb.doc](https://www.mf.uz/media/file_uz/inter_stand/MHXS/IAS_41_uzb.doc)

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисоби стандарти (5-БХС) “Қишлоқ хўжалиги” <https://www.lex.uz/docs/4124747>

<sup>22</sup> В.Ф.Палий Международные стандарты учета и финансовой отчетности: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2011. -512 с.

<sup>23</sup> Агошкова Н.Н. Совершенствование воспроизведения внеоборотных биологических активов в сельском хозяйстве // Международный бухгалтерский учет. 2013. №15. <https://scienceforum.ru/2015/article/2015014958>

ишлатиладиган ҳайвонлар ва ўсимликлар киради»<sup>24</sup> деб таъкидлаб ўтганлар.

Хорижлик соҳа мутахассислари С.Б.Жабуева ва И.Б.Цыреновалар таъкидлашича, «Биологик активларга ўстиришдаги ва бокувдаги ҳайвонлар, ёш чорва моллари, маҳсулдор ва зотдор чорва моллари, арилар, балиқ ва бошқалар киради»<sup>25</sup>.

Шунингдек, республикамизда ҳам олимлар ва соҳа мутахассислари томонидан ҳам биологик активларни ҳисобга олиш ва молиявий ҳисботда акс эттиришнинг айрим жиҳатлари тадқиқ қилиб ўрганилган. Жумладан, иқтисодчи олим З.У.Махаммадиев томонидан миллий стандартимизда биологик активларга қуйидагича таърифни беришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди: «Биологик активлар - бу корхоналар ихтиёридаги ўзига хос биологик хусусиятларга эга бўлган, улар томонидан янги биологик активларни ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш, айрибошлиш, ижарага бериш йўли билан иқтисодий манфаат олиш мақсадларида бошқариладиган ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ҳамда кўп йиллик ўсимликлардир»<sup>26</sup>. Шу билан бирга, иқтисодчи олим томонидан биологик активлар, улардан олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда ушбу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан олинадиган тайёр маҳсулотлар таркиби чорвачилик ва ўсимликчилик соҳаси бўйича белгиланган ҳолда таклиф қилинган.

Иқтисодчи олимлар Р.Д.Дусмуратов ва Н.К.Ризаевлар 41-сонли “Қишлоқ хўжалиги” БҲҲСнинг мақсади, уни амал қилиш соҳалари ҳамда республика аграр соҳасида уни қўллаш масалалари тадқиқ қилиб ўрганилган. Хусусан, биологик активлар талқини миллий амалиётни таҳлил қилиб ўрганиш асосида қуйидагича баён қилинган: «Миллий амалиётга мурожаат

<sup>24</sup> Кружкова И.И., Проняева Л.И., Солодовник А.И. Биологические активы: экономическая интерпретация, оценка, проблемы отражения в отчетности//Международный бухгалтерский учет. – 2013. - №8. <https://scienceforum.ru/2015/article/2015014958>

<sup>25</sup> С.Б.Жабуева, И.Б.Цыренова. Перспективы внедрения и методологические аспекты учета биологических активов. Научное сообщество студентов XXI столетия. Экономические науки: сб.ст. по мат. XXXII междунар. студ. науч.-практ. Конф. №5(32).URL:[http://sibas.info/archive/economy/5\(32\).pdf](http://sibas.info/archive/economy/5(32).pdf)

<sup>26</sup> З.У.Махаммадиев. Корхоналарда модернизация жараёнлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. –Т.: 2021. – 76 б.

қиладиган бўлсак, бухгалтерия ҳисоби қонунчилиги ва миллий стандартларда биологик активлар тушунчаси бошқача талқинда берилган: жумладан, 21-сон БХМСда (Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасини қўллаш бўйича йўриқнома, 1-бўлим, 2-банд) “Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар”, “Кўп йиллик ўсимликлар” ва “Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счёtlар” номи билан ҳисобга олинади»<sup>27</sup>.

Юқоридаги норматив-хуқуқий хужжатлар ҳамда иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий асарларида биологик актив тушунчасига ёндашувларини эътиборга лойиқлигини таъкидлаган ҳолда, ушбу тушунчага қуидагича муаллифлик ёндашуви шакллантирилди: «Биологик активлар - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки бошқа биологик активларни берадиган тирик ўсимликлар ёки ҳайвонлар бўлиб, бунда биотрансформациядан фойдаланилади».

Биологик активлар тушунчаси юқорида шарҳланган манбалардаги таърифлардан бизнинг ёндашувимиз икки жиҳати бўйича фарқ қиласди. Биринчидан, биологик активлардан фойдаланишдан кўзланган асосий мақсад бу фойда олиш ҳисобланади. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектлар асосий хўжалик жараёнини биотрансформациядан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Чунки, биотрансформация - бу ўсиш, насл қолдириш, ишлаб чиқариш ва кўпайиш жараёни натижасида биологик активда содир этиладиган сифат ва сон ўзгаришидир. Иккинчидан, биологик активлардан фойдаланиш натижасида тегишли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ёки бошқа биологик активлар олинади. Масалан, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигида сигир биологик актив ҳисобланади. Ундан насл сифатида бузоқ ва тайёр маҳсулот сифатида сут олинади. Мазкур ҳолатда сигирдан соғиб олинган сут маҳсулоти қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳисобланса, олинган насл (бузоқ) янги биологик активdir.

---

<sup>27</sup> Р.Д.Дусмуратов, Н.К.Ризаев. Аграр соҳада молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари: назария ва амалиёт. “Логистика ва иқтисодиёт” илмий электрон журнали. I –сон, 2020 йил. <http://www.economyjournal.uz>

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳозалардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкин-ки, келтирилган ёндашув ва тавсиялар биологик активлар тушунчасининг мазмунини англаш, уларни бухгалтерия ҳисобида ҳамда ҳисботда акс эттириш тартибини халқаро стандартларга уйғуллаштириш имконини берган.

41-сон «Қишлоқ хўжалиги» номли БҲҲСга кўра қишлоқ хўжалик маҳсулотлари актив сифатида ҳосилни йиғишириш пайтида ҳисобга олинса, 2-сон «Захиралар» номли МҲҲСга асосан эса товар-моддий захира деб тан олинади.

41-сон БҲҲСда биологик активларни тан олиш масалалари ёритилган бўлиб, бу БҲҲСларининг умумий принципларига мос келади, деб тъкидлаш мумкин. «Айнан биологик активлар аграр корхона томонидан қўйидаги ҳолларда тан олинади:

- а) фаолият натижасида ҳосил бўлган активнинг корхона назоратида бўлиши;
- б) келажакда корхонага актив билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф олиниши;
- в) активнинг ҳаққоний қиймати ёки таннархини етарли даражадаги ишончлилик билан ўлчаш (аниқлаш)<sup>28</sup>.

Хорижлик соҳа мутахассисларидан бири У.В.Фастова биологик активнинг ҳақиқий қийматини ҳисоблаш ва аниқлаш мақсадида мазкур услугни тавсия қиласи: «қишлоқ хўжалиги экинларини йигиб олиш вақтида; улардан чиққан чиқиндиларни ўғитлар сифатида; шунингдек ишлаб чиқаришдан олинган озуқа сифатида фойдаланишда; маълум зотдаги ҳайвонларни бир хил ёш ва фойдаланиш йўналишида; ва кўп йиллик экинлар»<sup>29</sup>.

Юқоридагилар асосида шуни тъкидлаш жоизки, мамлакатимизда

<sup>28</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/>. Международные стандарты финансовой отчетности.

<sup>29</sup> Фастова Е.В. Учет биологических активов по справедливой стоимости в соответствии с МСФО 41 «Сельское хозяйство» // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. -2007. -№1. -33-39 с.

фаолият юритаётган чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳамда молиявий ҳисботни тузиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларда биологик активларни алоҳида ҳисоб объекти сифатида акс эттириш зарурати юзага келди. Шу сабабли, республикамиизда ҳам биологик активларни алоҳида ҳисоб объекти сифатида ҳисобга олиниши ва 41-сонли БХХС қоидалари қўлланилиши лозим.

Амалдаги бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда биологик активлар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича қоидалар берилмаган.

Мамлакатимизда иқтисодиёт соҳаси бўйича олимлар ва мутахассислар томонидан ҳам биологик активлар мазмуни ва ҳисоби масалалари ўрганиб чиқилмаган ва илмий асарларида ёритилмаган.

Халқаро стандартларда келтирилган қоидаларга эътибор қаратадиган бўлсак, 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БХХС)да биологик активлар мазмун-моҳияти, ҳисоби ва шу каби бошқа масалалар келтирилган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида бошқарув ва қарор қабул қилиш учун керак бўладиган ҳисобни ташкил этиш ва корхонани бошқаришда унинг тутган ўрнига объектив қарашлар ўзгармоқда. Шунинг учун ҳам чорвачиликка ихтисослашган корхоналар бошқарув ходимлари ҳамда бухгалтерия ҳисобининг олдига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, халқ хўжалигини режали бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлиқ усулидаги камчиликларни таҳлил қилган ҳолда бошқарув ҳисобини мақсадга мувофиқ равиша ташкил этиш учун керакли шароитлар яратилмоқда.

Бизнес-режа ва шартнома мажбуриятларининг қандай бажарилаётганлиги устидан узлуксиз назорат ўрнатмасдан туриб, хўжалик юритувчи субъектларни мақсадга мувофиқ бошқариш мумкин эмас.

Корхона ишлаб чиқаришини бошқариш деганда, энг аввало, олдига

қўйилган функцияларни бажариш мақсадида кўзланган ишлар тушунилади. Бу вазифаларни бажаришда бошқарув ҳисобини ишлаб чиқаришда қўллаш ишлаб чиқаришни кенг қамровли бошқариш тизими доирасида муҳим аҳамиятга эга.

Ўз вазифасини бажаришда менежерлар учун бошқарув ҳисоби фойдали восита бўлиб ҳисобланади, бунда молиявий ҳисоб тизими учун хос бўлган ахборотларнинг бир қисмидан ҳам фойдаланилади. Бошқарув ҳисоби асосий эътиборни нима қилиш кераклигига қаратади, шу билан у ижодий ёндашувлар ва изланишлар макони бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, бошқарув ҳисоби кенг қамровли бошқарув тизими учун муҳим ахборот манбаи ва узвий боғлиқликда муҳим воситадир. Шунингдек, у қарорлар қабул қилиш, назоратни ва бизнес-режа тузишни такомиллаштиришга йўналтирилган воситаларни ҳам назарда тутади.

Агарар соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари республика иқтисодиётининг асосий бўғини ҳисобланади. Шу боисдан, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини самарадорлигини ошириш учун, аввало ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтириш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни юқори савияда олиб бориш, янги техника ва технологияларни жалб қилиш ҳамда фойдаланиш лозим.

Бу чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар самарали бошқарув қарорлари қабул қилишларини тақозо этади. Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида бошқариш учун зарур бўлган ҳисоб ва ҳисботини ташкил этиш ва юритишдаги мустақиллик, бошқарувнинг ички эҳтиёjlари учун ҳисобни йўлга қўйишни тартибга соловчи хужжатлар етишмаслиги, ташкилий ва ҳисоблаш техникаларининг мавжудлиги ишлаб чиқариш ҳисобини бошқарув ҳисобига қайта ташкил этиш йўли билан юқорида санаб ўтилган вазифаларни ҳал этиш имконини беради.

Энг юқори самарага эришиш учун обьектга таъсир кўрсатиш жараёни ёки хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадидаги

бошқарув жараёни бошқарувнинг предмети ҳисобланади. Бошқарув предметига таъсир кўрсатиш эса режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш ва назорат қилиш ёрдамида амалга оширилади. Бошқарув ҳисоби, бошқарув мақсадлари ва вазифаларига жавоб берадиган ўз тизимини ташкил этиб, айнан шундай функцияларни бажаради.

Чорвачиликда бошқарув тизими, умуман олганда, бошқариш учун зарур бўлган қарорларни қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаши лозим. Бунинг учун эса тегишли ахборотлар зарур. Бошқарув масалаларига тааллуқли, тегишли ахборотлар таҳлил қилингандан сўнг самарали деб топилганлари асосида бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Ҳар бир бошқарилувчи обьект томонидан фойдаланиладиган ахборотларнинг барчаси ундаги бошқаришнинг ахборот тизимини ташкил қиласди. Бу ахборот тизими бошқариш тизимининг барча устунларига зарур бўлган бошқариш ахборотларини йиғиш, ишлаш ва топшириш усуслари ва техник воситаларнинг йиғиндисидир. Бошқарув ахбороти таркибида иқтисодий ахборотлар ҳам ўзининг микдори жиҳатидан салмоқли ўринни эгаллайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар янада самарали фаолият кўрсатишлари учун ўзаро боғлиқ бўлган маълумотлар йиғиндисидан фойдаланиб иш қўриши лозим. Бу маълумотлар субъектнинг ва унинг айрим тармоқлари фаолиятининг микдор ва сифат жиҳатларига тавсиф беради. Шу маълумотлар асосида уларнинг фаолияти режалаштирилади, ҳисоб ва ҳисботлари ҳамда бажарилган ишлари баҳоланиб, тегишли тартибда рағбатлантирилади.

Чорвачиликда бошқарув ҳисоби бизнес-режани тайёрлаш, молия-хўжалик фаолиятида харажатларни бухгалтерияда ҳисобга олиш, таннархни ҳисоблаш, ҳисоб ахборотларини таҳлил қилиш ва натижаларини умумлаштириш тизимини ташкил этиб, корхона фаолиятининг муқобил варианtlарини тузишга қаратилган ва уни бошқаришга доир қарорларни қабул қилиш жараёнларининг ахборот таъминоти учун мўлжаллангандир.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар бошқарув тизимининг ахборот таъминоти талаб даражасида ташкил этилган деб бўлмайди. Шу боисдан, чорвачилик хўжаликлари фаолиятида бошқарув тизимининг ҳолати ва ахборот таъминотидаги муаммолар бошқарув ҳисобини умумий бухгалтерия ҳисобининг алоҳида қўйи тизими сифатида муайян ишлаб чиқариш тармоғининг хусусиятларини (ташкилий, технологик, агротехник ва ҳоказолар) ҳисобга олган ҳолда шакллантириш орқали эришилади.

Ҳақиқатда вазият олдинги ҳолатга нисбатан тубдан ўзгарган. Мулкнинг аксарият қисми хусусийлаштирилди, ҳисоб-китоблар компьютерлар орқали олиб борилмоқда, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мос миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг ҳаммаси бошқарувни оптималлаштириш, бунинг учун эса ахборотларнинг тезкорлигини таъминлаш ва кераклисини олишни талаб қилмоқда.

Чорвачилиқда бошқарув ҳисоби ва ҳисботининг мазмун моҳиятини ифодалашда бошқарув таҳлили мухим роль ўйнайди ва унинг асосий ахборот манбалари бўлиб:

- бизнес - режа маълумотлари;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи;
- статистика ҳисоби ва ҳисботи;
- бошқарув (тезкор) ҳисоби ва ҳисбот;
- ҳисоб ва ҳисботдан ташқари маълумотлар;
- қонунлар, фармонлар, қарорлар, буйруқлар, меъёрлар, тармоқ кўрсаткичлари.

Ушбу санаб ўтилган маълумотлар ичида энг асосийларидан бири ҳисоб ахборотлари ҳисобланади, чунки тахминан 70 фоиз иқтисодий таҳлил маълумотлари бухгалтерия ҳисобидан олинади. Бошқарув таҳлилида ҳам шу ҳисботлар асосий маълумотлар манбаи бўлиб қолади. Таҳлил қилиш жараёнида йиллик ҳисботга ёзилган тушунтириш хати ҳам ҳар томонлама

кўриб чиқилади. Таҳлил қилиш жараёнида ҳисобдан ташқари маълумотлардан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Буларга текшириш далолатномалари, аудиторлик хуносалари, юқори ташкилотлар, молия ва солик идоралари, банкларнинг бажарган таҳлил натижалари, корхона меҳнат жамоасининг умумий мажлис материаллари, тушунтириш ва маъруза хатлар, ижро этувчилик билан шахсий суҳбат ўтказиш материаллари ҳам киради.

Таҳлилда қўлланиладиган маълумот манбаларининг тўғрилигини текшириш муҳим аҳамиятга эга. Таҳлил қилишнинг самараси, авваламбор ҳисобот маълумотларининг сифатига боғлиқ. Шунинг учун ҳисоб ва ҳисобот материалларини текширишнинг бир неча усуслари мавжуд.

1. Ҳисоботларни тузиш қоидаларига амал қилиш. Ушбу текшириш ўз ичига қўйидагиларни олади: ҳисобот шаклларини тўғри тўлдирилиши ва уларнинг Молия вазирлиги ишлаб чиқсан ва тасдиқлаган шаклларга мос келиши, айрим миқдорий қўрсаткичларни аниқлашда арифметика амалларини тўғри қўлланилганлиги кабилар. Ҳисобот шакллари ва ҳужжатларда ҳеч қандай тузатиш ёки рақамларни бўяб ёзиш мумкин эмас. Ҳисобот шакллари раҳбар ва бухгалтер томонидан имзолангандан бўлиши керак.

2. Турли ҳисобот шаклларида бериладиган иқтисодий қўрсаткичлар суммасининг бир-бирига мос келиши. Ушбу текширишнинг моҳияти қўйидагидан иборат. Бир қанча иқтисодий қўрсаткичлар турли ҳисобот шаклларида берилади ва бинобарин ҳисобот тузишда иқтисодий қўрсаткичлар суммасининг бир-бирига тўғри келиши шарт. Масалан, устав капиталининг миқдори 1-шакл (Бухгалтерия баланси) ва 5-шакл (Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот)да берилади.

3. Ҳисобот маълумотини таҳлилий жиҳатдан қайта ишлашнинг усусларидан бири таҳлилий жадвалларни тузиш ҳисобланади. Жадвалга таҳлил қилинадиган қўрсаткичларнинг асос ва амалдаги даражаси киритилади, мутлақ фарқи, қўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари аниқланади ҳамда хуноса ёзилади. Таҳлилий жадвалларнинг устунлиги ва афзаллиги

шундан иборатки, у кўрсаткичларнинг ўзаро боғланишини жуда ҳам аниқ кўргазмали тарзда намоён этади.

4. Таҳлилнинг сўнгги босқичини унинг натижаларини расмийлаштириш ҳисобланади. Таҳлил натижаларига асосланган ҳолда маълумотнома ёки изоҳнома ёзилади. Изоҳномада корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятида кўлга киритилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлари акс эттирилади ҳамда бу камчиликларни бартараф қилиш йўллари кўрсатилади. Бу ўринда, айниқса аниқланган ички хўжалик резервларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жалб этиш йўллари кўрсатилади. Изоҳнома жуда ҳам қисқа ва мазмунли баён этилиши лозим. Қайсики унга таяниб таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин бўлсин.

Бундан кўриниб турибдики, бошқарув ҳисоби ва ҳисботининг вазифаси фақат тегишли ахборотларни тайёрлаш билангина чекланмайди, балки у оқилона бошқарув учун тегишли ахборотлар тизимини ҳам тартибга солиш учун кўмаклашишга асос бўлади.

Амалиётни ўрганиш натижасида, чорвачиликда бошқарувнинг ахборот таъминотинида қўйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- чорвачилик тармоғида харажатларни туркумлаш зарурлиги ҳамда ҳисобининг ташкилий-услубий асослари такомиллаштиришга мухтож эканлиги;
- чорвачилик хўжаликларида биологик активларни сақлаш харажатлари ва олинган маҳсулотларнинг дастлабки ҳисоби олиб борилишида ҳар хил ёндашувларнинг мавжудлиги, яъни бошланғич хужжатларнинг юритилишининг ахборотларни шакллантириш бўйича турли кўринишда эканлиги;
- чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда қилинган харажатлар ва маҳсулотлар чиқиши бўйича бухгалтерия ҳисоби ташкил этилиши ва юритилишининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш асосида уни ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсиялар тайёрланишнинг зарур эканлиги;

- чорвачилик тармоғи маҳсулотлари таннархини ҳисоблашда фақатгина анъанавий таннарх ҳисоблашнинг қўлланилиши ва илмий асосли таннарх ҳисоблаш ишларининг амалда қўлланилмаётганлиги;
- сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг услубий таъминоти такомиллаштирилишга муҳтожлиги;
- чорвачиликда асосий маҳсулот турлари таннархини таҳлил қилишининг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва услубий жиҳатдан такомиллаштириш зарурлиги;
- чорвачиликда бошқариш учун бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг илмий-назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини шакллантириш кам ўрганилганлиги ва асосланган таклифлар ишлаб чиқилмаганлиги;
- чорвачиликда харажатлар ва таннарх ҳисоби ҳамда аудитининг ташкилий-услубий жиҳатлари етарлича тадқиқ қилинмаганлиги;
- чорвачиликда биологик активлар ҳисоби ва аудити ташкил этилиши ва юритилишининг деярли тадқиқ қилинмаганлиги, ўрганилганлиги ва улар ҳисоби ва аудитини ривожлантириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва амалий тавсияларнинг тайёрланмаганлиги ва х.к.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш йўллари иккинчи, учинчи ва тўртинчи бобларда келтирилади.

### **1.3. Чорвачиликда харажатларнинг туркумланиши ҳамда бошқарув ҳисоби жараёнларининг ташкилий жиҳатлари**

Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида чорвачилик харажатлари ва олинган маҳсулотлар бухгалтерия ҳисоби, биологик активлар биотрансформацияси жараёнларига мослашувчан ҳолда қабул қилиниши керак. Бунда қарорларни қабул қилиш учун ҳисобнинг соддалиги ва ахборотларнинг релевантлигини таъминлаши лозим. «Чорвачиликни бошқаришда ҳисоб маълумотларидан самарали фойдаланиш ҳисоб жараёнлари, маълумотларни қайта ишлаш алгоритми, ҳисоб регистрлари, маълумотларни умумлаштириш

усуллари, уларни олиш даврийлиги, қарорлар қабул қилишда фойдаланиш учун ҳисобот шаклида тизимлаштиришга боғлиқ»<sup>30</sup>.

«Сут чорвачилигига харажатлар ва маҳсулотлар чиқиши бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишда ҳисоб тизимининг барча элементларини, унинг кейинги ривожланишига таъсир этувчи чорвачиликнинг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек назорат, таҳлил ва чорвачиликни бошқаришнинг бошқа функцияларини ҳисобга олиши зарур»<sup>31</sup>:

Чорвачиликда ишлаб чиқариш харажатлари, олинган маҳсулотлар ва молиявий натижаларни «харажатлар - олинган маҳсулот - натижа» бошқарув модели бўйича ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чорвачилик харажатларини таснифлаш бу уларни тармоқ ҳисоби тизимида акс эттириш учун ажратилган кўплаб хусусиятларнинг умумийлигига мувофиқ амалга оширилади, унинг батафсил тавсифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»нинг “Б. Хўжалик юритувчи субъектнинг молияхўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар рўйхати” қисмида келтирилган.

Сут қорамолчилигига маълумотларнинг ўз вақтида, тўғри ва аниқ шакллантириш ва таҳлил ишларини осонлаштириш мақсадида харажатлар таснифи такомиллаштирилди (1.2-жадвал).

Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши ҳайвонларнинг ўлимидан йўқотишлар, ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш воситалари тасниф элементлари бўйича маълумотларнинг ўз вақтида, тўғри ва аниқ шакллантирилишини таъминлаб, таҳлил ишларини осонлаштирган ва самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишига ёрдам берган.

---

<sup>30</sup> Алборов Р.А. Бухгалтерский управленческий учет / Р.А. Алборов. - М.: Дело и Сервис, 2005. - 224 с.

<sup>31</sup> Концевой Г.Р. Развитие управленческого учета и контроля биологических и совокупных затрат в сельском хозяйстве: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.12 / Концевой Григорий Роланович. -Ижевск, 201 б. -24 с.

## 1.2-жадвал

### Чорвачиликда ишлаб чиқариш харажатларининг таснифланиши<sup>32</sup>

Тасниф белгиси	Тасниф элементи
Иқтисодий элементи бўйича (мақсадидан қатъий назар харажатларнинг бир хил тури)	<ul style="list-style-type: none"> <li>- моддий харажатлар (қайтариладиган чиқнандилар киймати чегириб ташланган)</li> <li>- меҳнат харажатлари</li> <li>- <b>ижтимоий солик</b></li> <li>- амортизация</li> <li>- бошқа харажатлар</li> </ul>
Калькуляция моддаси бўйича (харажат мақсади)	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган моддий ресурслар, шу жумладан:           <ol style="list-style-type: none"> <li><b>1.1. Ҳайвонларни ҳимоя қилиши воситалари,</b></li> <li>1.2. Озука, шу жумладан:</li> </ol> <ol style="list-style-type: none"> <li>a) ўтган йиллар сотиб олинган ва ўзида ишлаб чиқарилган;</li> <li>б) жорий йил ўзида ишлаб чиқарилган;</li> </ol> <ol style="list-style-type: none"> <li>1.3. Нефт маҳсулотлари;</li> <li>1.4. Ёқилғи ва энергия (технологик мақсадлар учун);</li> <li>1.5. Учинчи томон ташкилотларининг ишлари ва хизматлари.</li> </ol> <li>2. Иш ҳаки, шу жумладан:           <ol style="list-style-type: none"> <li>а) асосий,</li> <li>б) кўшимча,</li> <li>с) <b>натура</b>,</li> <li>д) бошқа тўловлар.</li> </ol> <li>3. Ижтимоий соликлар.</li> <li>4. Асосий воситаларни сақлаш, шу жумладан:           <ol style="list-style-type: none"> <li>а) амортизация,</li> <li>б) асосий воситаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш.</li> </ol> </li> <li>5. Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг ишлари ва хизматлари.</li> <li>6. Соликлар, йигимлар ва бошқа тўловлар.</li> <li>7. Бошқа харажатлар.</li> </li></li></ol> <p><b>8. Ҳайвонларнинг ўлимидан ўқотишлар</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>9. Умушишлаб чиқариш харажатлари</li> <li>10. Умумий иқтисодий харажатлар</li> </ol>
Ишлаб чиқариш жараёнига муносабати бўйича	<ul style="list-style-type: none"> <li>- меҳнат буюмларининг харажатлари</li> <li>- меҳнат харажатлари</li> <li>- <b>жонли меҳнат харажатлари</b></li> </ul>
Таннархга киритиш усули бўйича	<ul style="list-style-type: none"> <li>- тўгри, яъни бевосита ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган</li> <li>- эгри, яъни айрим турдаги маҳсулотларнинг таннархига киритиладиган</li> </ul>
Даврийлиги бўйича	<ul style="list-style-type: none"> <li>- бир марталик</li> <li>- жорий</li> <li>- даврий</li> </ul>
Режалаштириш қамрови бўйича	<ul style="list-style-type: none"> <li>- режалаштирилган</li> <li>- режалаштирилмаган</li> </ul>
Меъёрлаштириш қамрови бўйича	<ul style="list-style-type: none"> <li>-меъёрлаштирилган</li> <li>- меъёрлаштирилмаган</li> </ul>
Лимитлаш бўйича	<ul style="list-style-type: none"> <li>- лимитланган (соликка тортиш мақсадида)</li> <li>- лимитланмаган</li> </ul>

<sup>32</sup>Илмий ва ўқув манбаларидаги маълумотларни тадқиқ қилиш асосида муаллиф томонидан такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Олинган маҳсулот ҳажми ва турига қараб, ишлаб чиқариш харажатлари, аввало, фаолият турин бўйича гуруҳларга ажратилади. Шу асосда ишлаб чиқариш қўйидаги гуруҳларга ажратилади: асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий барқарор бўлиши учун асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари, хусусан, бозорда сотилган товар маҳсулотларнинг ҳажми кўп бўлиши жуда муҳимдир. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар сут, насл, жун, ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширади.

Умуман олганда, агар тармоқда асосий ишлаб чиқаришни ўсимликчилик, чорвачилик ва саноат ишлаб чиқариши бўйича маҳсулот этиштирадиган соҳаларга ажратиш мумкин.

Чорвачилик хўжаликларида ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳам мавжуд бўлиб, бу ишлаб чиқариш асосий ишлаб чиқаришга тегишли хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш орқали ёрдам беради.

Чорвачилик хўжаликларида асосий ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш учун ёрдамчи ишлаб чиқариш қўйидаги гуруҳларни ўз ичига олган ҳолда ҳисоби юритилади: автотранспорт, от транспорти, машина ва трактор парклари, таъмирлаш ишлари, сув таъминоти, энергия таъминоти, иссиқлик ва газ таъминоти ва совутиш хизматлари.

Хизмат кўрсатиш тармоқлари ва хўжаликлар асосан хўжаликда ишловчиларга ва айrim ҳолларда хўжалик ҳудудида яшовчи аҳолига турли ижтимоий ва майший хизмат кўрсатиш ишларини олиб боради. Хизмат кўрсатиш тармоқлари ва хўжаликлар ишчи-ходимлар ва аҳолининг истеъмол эҳтиёжларидан келиб чиқиб қўйидаги гуруҳларга ажратилиб ҳисобга олиб борилади: умумий овқатланиш, майший хизмат, уй-жой коммунал хўжалиги, мактабгача таълим муассасалари, маданий муассасалар, бошқа тармоқлар, нотижорат фаолият.

«Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳисбот (калькуляция) даври

охирига маҳсулотнинг таннархини шакллантиради. Шу сабабли маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи моддий, меҳнат воситалари ва предметлари харажатлари, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун молиявий харажатларнинг пул ифодаси сифатида қаралади. Ушбу таърифдан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти таннархи ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган, яъни уларсиз ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш (амортизация, моддий харажатлар, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқалар) мумкин бўлмаган харажатлар, шунингдек меҳнат воситалари ва иш кучини такрор ишлаб чиқариш шартларидан ҳисобланган айrim молиявий харажатлар (сугурта тўловлари, ижтимоий ажратмалар) ва бошқа барча харажатларни ўз ичига олади. Харажатларни ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритишнинг асосий мезонлари куйидагилардир:

- а) харажатлар ушбу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлиши керак;
- б) харажатлар ушбу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг тўлиқ технологик жараёнини амалга оширишнинг, шунингдек ишлаб чиқариш воситалари (амортизация, сугурта тўловлари ва бошқалар), иш кучи (ижтимоий ажратмалар) шартларидан бўлиши керак;
- в) харажатлар хужжатлаштирилиши (хужжатлар асосида тасдиқланиши) керак»<sup>33</sup>.


Чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини таннархга киритишда юқорида келтирилган асосий мезонларга эътибор қаратган ҳолда хўжаликдаги ишларни ташкил этиш ва амалага ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

«Чорвачиликда харажатларни иқтисодий мазмунига кўра туркумлаш алоҳида маҳсулотларни (асосий, ёндаш ва қўшимча маҳсулотларни уларнинг

---

<sup>33</sup> Концевой Г.Р. Развитие управлеченческого учета и внутреннего контроля цикла формирования затрат и цикла выпуска сельскохозяйственной продукции / Г.Р. Концевой // Вестник Ижевской государственной сельскохозяйственной академии. - 2016. - № 2 (47). - С. 65-76.

аниқ турлари бўйича) ишлаб чиқариш ҳамда тармоқ бўйича бутунлигicha ишлаб чиқариш харажатларини тирик ва моддийлашган меҳнат харажатларига нисбатини, шунингдек меҳнат унумдорлигини (ишлаб чиқаришнинг агробиотехнологик ва агротехник шароитлари даражасининг уларга таъсирини белгилаш), ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини таҳлил қилиш ҳамда меҳнат ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, моддий, биологик ва молиявий ресурсларни оптимал (мақбул) меъёrlаштириш (режалаштириш)да улардан фойдаланиш самарадорлиги устидан назоратни амалга ошириш йўли билан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур»<sup>34</sup>. Харажатларни юкорида келтирилганидек туркумлашдан амалиётда самаралироқ фойдаланиш учун уларни туркумлашни янада аниқлаштириш лозим. Шундай қилиб, сут чорвачилигига харажатларнинг туркумланишини қуидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ (1.3-расм):



**1.3-расм. Сут чорвачилигига харажатларнинг туркумланиши<sup>35</sup>**

Чорвачилиқда моддий харажатларга қуидагиларни киритиш мумкин: ёқилғи-мойлаш материаллари, чорва молларини касалликлардан ҳимоя қилиш дори-дармонлари, асосий воситалар амортизацияси, моддий сарфлар ва бошқа харажатлар киради. Биологик харажатларга чорва моллари учун озуқа, (чорва моллари тагига) тўшамалар, шунингдек биологик активлар (маҳсулдор чорва

<sup>34</sup> Алборов Р.А. Бухгалтерский управлеченческий учет / Р.А. Алборов. - М.: Дело и Сервис, 2005. - 224 с.; Хоружий Л.И. Проблемы теории, методологии, методики и организации управлеченческого учета в сельском хозяйстве / Л.И. Хоружий. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 497 с.

<sup>35</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

моллар) амортизацияси харажатлари киради.

Ишлаб чиқариш харажатлар миқдорини қуйидаги формула билан ифодалаш мүмкін:

$$ХМ_{иң} = МХТХ + МРИКХ + БРИКХ + МХ, \quad (1.1)$$

бу ерда:

МХТХ - меңнатга ҳақ тұлаш харажатлари;

МРИКХ - моддий ресурсларни истеъмол қилиш харажатлари;

БРИКХ - биологик ресурсларни истеъмол қилиш харажатлари;

МХ - молиявий фаолият харажатлари.

«Чорвачиликда ушбу күрсатилған харажатлар моҳияти ва таркибини тушуниш қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш учун зарур:

- меңнат харажатлари, моддий ва биологик меңнат предметлари харажатлари, биологик меңнат предметлари бүйича суғурта резервларини шакллантиришнинг илмий асосланған мөъёрлаштирилиши;
- чорвачиликда меңнат, унга ҳақ тұлаш, моддий ва биологик ишлаб чиқариш захиралари харажатларини режалаштириш (бюджетлаштириш), дастлабки ва бошқарув ҳисобини тегишли тарзда ташкил қилиш;
- биологик активлар қийматини амортизациялаш усулларини такомиллаштириш орқали биологик актив (маҳсулдор ҳайвон)ларни истеъмол қилиш харажатлари бошқарув ҳисоби бүйича таклифларни аниқлаш;
- чорвачилик маҳсулотлари таннархига киритиладиган моддий ва биологик меңнат предметлари харажатларини баҳолашнинг илмий асосланған усулларидан фойдаланиш;
- моддий ва биологик меңнат предметлари харажатлари, маҳсулотлар таннархи ва уни сотищдан молиявий натижаларини бузиб күрсатувчи уларнинг ҳақиқий бўлмаган (нореал) четланишларини ҳисобдан чиқаришни бошқарув ҳисоби счёtlарида акс эттириш бўйича таклифларни аниқлаш;
- сут чорвачилигига маҳсулот ишлаб чиқаришга меңнат, моддий, биологик ва молиявий харажатларни назорат қилишнинг услубий

жиҳатларини ишлаб чиқиши;

- оператив, тактик ва стратегик бошқарув қарорларини ишлаб чиқиши, қабул қилиши ва ижро қилиши учун қишлоқ хўжалик корхоналари менежерларига моддий, биологик, меҳнат ва молиявий харажатлар тўғрисида маълумотларни тақдим этиш учун умумлаштириш усуллари ва ҳисбот шаклларини аниқлаш»<sup>36</sup>.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатлари моҳияти ва таркибини тўлиқ тушуниб олишда юқорида келтирилган муаммолар ечимини топишда катта аҳамият касб этади.

«Сут чорвачилигига ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш (технологик) жараёнга нисбатан асосий (технологик) ва ташкилий-бошқарув (устама) харажатларга ажратилади. Амалиётда харажатларни гурухлашнинг бошқа мезонларидан ҳам фойдаланиш мумкин: ишлаб чиқариш ҳажмига нибатан (ўзгарувчан, шартли ўзгарувчан, аралаш ва доимий); режалаштиришга нисбатан (режа-норматив, ҳақиқий, режа-нормативдан четланиш) ва бошқалар»<sup>37</sup>.

Сут чорвачилигига куйидаги тамойиллар ва қоидаларга асосан ҳисоб жараёни амалга оширилиши таъминланиши мақсадга мувофиқ бўлади:

« - харажатларни иқтисод қилиш режимига амал қилиниши ва амалга оширилган хўжалик муомалаларини уларнинг иқтисодий мазмуни ва хуқуқий асослари нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни таъминлайди;

- харажатлар ҳисоб объектлари, калькуляция объекти ва калькуляция бирликларининг, шунингдек ишлаб чиқариш ҳисоби (жараёнли ва бошқа) методларининг асосланган ҳолда танланиши ва уларнинг харажатлар (тўлиқ

<sup>36</sup> Концевая С.М. Управление затратами, объемами и результатами сельскохозяйственного производства. С.М.Концевая, О.П.Князева, Е.В.Захарова // Вестник. Ижевской государственной сельскохозяйственной академии. - 2008. - №1(15). - С. 39-41.; Концевой Г.Р. Совершенствование классификации совокупных и биологических затрат в управлеченческом учете сельскохозяйственного производства / Г.Р. Концевой// Вестник профессиональных бухгалтеров. - 2014. - № 1. - С. 36-41.

<sup>37</sup> Алборов Р.А. Бухгалтерский управлеченческий учет / Р.А. Алборов. - М.: Дело и Сервис, 2005. - 224 с.; Хоружий Л.И. Проблемы теории, методологии, методики и организации управлеченческого учета в сельском хозяйстве / Л.И. Хоружий. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 497 с.

ёки ўзгарувчан харажатлар) ҳисоби тизими билан мақбул боғлиқлиқда фойдаланиши;

- харажатлар элементлари ва моддаларини ҳисобнинг умумий тизимининг услубий метод ва амалларидан фойдаланиш йўли билан молиявий ва бошқарув ҳисобида уларнинг прогрессив номенклатурасини тузишни;

- «дастлабки ҳисоб-ишлаб чиқариш ҳисоби-бошқарув ҳисоби тизими-бошқарув тизими» схемаси бўйича бошқарув ҳисоби коммуникацияси самарадорлигини ошириш асосида унинг маълумотларини хўжалик жараёнларини бошқаришда қўлланиши;

- чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, уларнинг рентабеллигини ошириш учун фойдаланилмаётган ички резервларни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга сафарбар қилишни»<sup>38</sup>.

Сут йўналишидаги қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлар молия-хўжалик фаолияти ва харажатларни ҳисобга олиш мобайнида юқорида қайд этилган тамойиллар ва қоидаларга асосланган ҳолда ҳисоб жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш лозим.

«Бу ҳолатда харажатлар бошқарув ҳисобида бошқарув тизими (бошқарув аппаратига, шу жумладан биринчи даражадаги менежерларга - ферма мудирлари) хўжалик жараёнларини режалаштириш (ишлаб чиқаришни бюджетлаштириш), назорат қилиш, таҳлил қилиш ва қарорлар қабул қилиш учун харажатлар, маҳсулот чиқиши ва қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқариши ҳақидаги маълумотларни тўплаш, ўлчаш, рўйхатга олиш, акс эттириш, қайта ишлов бериш, интерпретация, интеграциялаш, умумлаштириш, расмийлаштириш ва тақдим этиш каби маҳаллий амаллар амалга оширилади»<sup>39</sup>.

---

<sup>38</sup> Хоружий Л.И. Управленческий учет затрат /Л. И. Хоружий // Аудиторские ведомости. -2010. -№4. -С. 13.; Хоружий Л.И. Управленческий учет и анализ затрат на качество в организациях агросферы / Л.И. Хоружий, Ю.Н. Катков // Бухучет в сельском хозяйстве. - 2013. - № 8. - С. 56-65.

<sup>39</sup> Алборов Р.А. Предпосылки и моделирование развития управлеченческого учета в сельском хозяйстве / Р.А. Алборов, С.М. Концевая, С.В. Козменкова // Международный бухгалтерский учет. - 2015. - № 15 (357). - С. 37-51.; Хоружий Л.И. Управленческий учет и анализ затрат на качество в организациях агросферы / Л.И. Хоружий, Ю.Н. Катков // Бухучет в сельском хозяйстве. - 2013. - № 8. - С. 56-65.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ахборотларнинг мувофиқлигини таъминлаш учун бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва бюджетлаштириш керак бўлади.

«Сут чорвачилигига ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил этиш ва юритишда ушбу жараёнларни шундай ташкил қилиш керак-ки, бўлинмалар фаолияти харажатлари ва натижалари бошқарув тизимини «харажатлар-маҳсулот чиқиши-натижа» модели бўйича фойдали маълумотлар билан таъминлаш муҳим услубий жиҳатлардан ҳисобланиши керак»<sup>40</sup>. Бошқарувнинг бундай тизими мазмунининг асосий элементлари қуидагилардир: прогнозлаштириш, режалаштириш, меъёрлаштириш, масъулият марказлари бўйича ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш фаолияти таҳлили, ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш ва тартибга солиш.


Сут чорвачилигига бошқарув ҳисобининг норматив-маълумот, услубий ва технологик базасини ташкил қилиш асосида аналитик ва синтетик ҳисобни ташкил этиш қуидаги методологик жиҳатларга асосланиши мақсадга мувофиқ бўлади (1.4-расм).

Калькуляция моддалари бўйича харажатларни ҳисобга олиш маҳсулот (иш, хизмат)лар бирлиги таннархини ҳисоблашни таъминлайди, уларнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини аниқлашга, таннархнинг ушбу даражасининг шаклланишига таъсир кўрсатган омилларни аниқлашга, шунингдек, харажатларни камайтириш ёки маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи таркибини оптималлаштириш йўлларини излашга имкон беради.

Бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиладиган зарур маълумотларни олиш ҳамда молиявий ва бошқарув ҳисботларни шакллантириш мақсадида чорвачиликда харажатлар ҳисобини қуидаги элементлар ва

<sup>40</sup> Бобрикова С.В. Организация рациональной модели управлеченческого учета затрат по центрам ответственности / С.В.Бобрикова, Е.Л.Мосунова, О.О.Злобина // Вестник ИПБ (Вестник профессиональных бухгалтеров). - 2015. №1. - С. 25-29.; Злобина О.О. Организация бухгалтерского учета в системе управления деятельностью производственного предприятия / О.О.Злобина, Е.Л.Мосунова // Все для бухгалтера. - № 4 (288). - С. 2-8.

моддалар бўйича гурухлаш мақсадга мувофиқ бўлади (1.4-жадвал).



#### **1.4-расм. Чорвачиликда бошқарув ҳисоби жараёнларининг ташкилий жиҳатлари<sup>41</sup>**

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига интеграциялашган ҳолда ҳисобни ташкил этиши зарур. Шу боисдан, хўжалик бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботда «Кишлоқ хўжалиги» номли 41-сонли БҲҲС қоидалари, тамойиллари ва талабларини қўлласа ёки ушбу хўжаликда таркибий тузулмалар масъулият марказлари сифатида ўз-ўзини назорат қилиш, ўзини-ўзи бошқариш тамойилларида фаолият олиб борса, хўжалик ҳисобидаги бўлинманинг маҳсулот етиштириш

<sup>41</sup> Концевой Г.Р. Развитие управлеченческого учета и контроля биологических и совокупных затрат в сельском хозяйстве: автореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.12 / Концевой Григорий Роланович. - Ижевск, 2016. - 24 с.

самарадорлигини назорат қилиш ва баҳолаш учун намунавий (амалдаги) аналитик ҳисоб регистрлари ўрнига аналитик ҳисоб қайдномаси (ишлаб чиқариш-бошқарув ҳисоботи)ни кўллаши зарур.

#### 1.4-жадвал

#### **Чорвачиликда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби элементлари ва моддалари<sup>42</sup>**

№	Харажатлар номлари	Молиявий ҳисобда харажатлар элементлари	Бошқарув ҳисобида харажат моддалари
1	2	3	4
1	Мехнат харажатлари		
	1.1. Мехнатга ҳақ тўлаш, шу жумладан:	+	+
	а) асосий меҳнатга ҳақ тўлаш	-	+
	б) кўшимча меҳнатга ҳақ тўлаш	-	+
	в) меҳнатга натура кўринишида ҳақ тўлаш	-	+
	г) меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан бошқа тўловлар	-	+
2	Моддий харажатлар	+	-
	2.1. Чорва молларини касалликлардан ҳимоя қилиш доридармонлари	-	+
	2.2. Нефт маҳсулотлари	-	+
	2.3. Ёкилғи ва электр энергия (технологик мақсадлар учун)	-	+
	2.4. Асосий воситалар амортизацияси	-	+
	2.5. Меҳнатнинг моддий воситалари (асосий воситалар) ни таъмираш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари	-	+
	2.6. Ёрдамчи ишлаб чиқариш ишлари ва хизматлари харажатлари	-	+
	2.7. Бошқа материал харажатлари	-	+
3.	Биологик харажатлар	+	-
	3.1. Озуқа харажатлари	-	+
	3.2. Биологик активлар амортизацияси	-	+
	3.3. Бошқа биологик харажатлар	-	+
4.	Молиявий харажатлар ва устами сарфлар, шу жумладан:	+	-
	4.1. Бўлинмалар даражасида		
	в) умум ферма харажатлари	-	+
	4.2. Корхона кесимида тўлиқлигича		
	а) ишлаб чиқариш ходимлари бўйича ижтимоий ажратма	-	+
	б) сугурта бўйича тўловлар ва бошқа молиявий харажатлар	-	+
	в) умушилаб чиқариш харажатлари	-	+
	г) умум хўжалик харажатлари	-	+
	1-4.2 гурухлар бўйича харажатлар суммаси корхона бўйича маҳсулотнинг тўлиқ ишлаб чиқариш таниархини шакллантиради	чорвачиликда	чорвачиликда

Изоҳ. Ишлаб чиқариш ходимларига ҳисблланган ижтимоий солик анъанавий ҳисоб юритишида меҳнат ҳақи харажатлари таркибида (1-гурух) ажратилган ҳолда акс эттирилади, маъсулият марказларини шакллантириш ва улар фаолиятини ҳисобга олишда молиявий харажатлар ва устами сарфлар (4.2-гурух) таркибида акс эттирилади.

<sup>42</sup> Концевой Г.Р. Развитие управлеченческого учета и контроля биологических и совокупных затрат в сельском хозяйстве: автореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.12 / Концевой Григорий Роланович. - Ижевск, 201 б. - 24 с.; Концевой Г.Р. Совершенствование классификации совокупных и биологических затрат в управлеченческом учете сельскохозяйственного производства / Г.Р. Концевой// Вестник профессиональных бухгалтеров. - 2014. - № 1. - С. 36-41.

Ушбу регистр бир вақтнинг ўзида харажатлар ва маҳсулот чиқиши аналитик ҳисоб регистри, назорат қилиш ва таҳлил қилиш ҳамда бўлинма (масъулият маркази)нинг ишлаб чиқариш - бошқарув ҳисботи ҳисобланади. Ушбу регистр (ҳисбот) ҳисобни автоматлаштиришга мослаштирилган бўлиши ва учта бўлимни ўз ичига олиши керак. 1-бўлимда режа ва ҳақиқий харажатлар ҳисобга олинади. Шу билан бирга харажат моддалари, ишлаб чиқариш объектлари, йил даврлари ва боғланувчи счёtlар бўйича ҳақиқий харажатларнинг режа харажатларидан фарқлари кўrsatiladi. Мазкур регистрнинг 2-бўлимида бажарилган ишлар ҳажми, хусусан ўстиришдаги ҳайвонлар миқдорлари бош кўrsatкичидан кўrsatiladi.

Чорва молларидан олинган маҳсулотлар ҳажми (миқдори) центнерда, чорва моллари турлари, жумладан, сут йўналишидаги қорамолчилик, гўшт йўналишидаги қорамолчилик ва бошқа маълумотлар берилади. Шу билан бирга, регистрнинг ушбу бўлимида маҳсулотнинг ҳар бир турининг таннархи, ҳақиқий қиймати ва ички трансферт баҳолари каби маълумотлар келтирилади. Ушбу регистрнинг 3-бўлимида ишлаб чиқариш, жумладан биологик, меҳнат, моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ва ушбу масъулият марказлари (таркибий бўлинмалар) фаолияти якуний натижалари баҳоси акс эттирилади. Мазкур регистр (ишлаб чиқариш-бошқарув ҳисботи)дан амалий фойдаланиш харажатлар бошқарув ҳисби, таҳлили ва маҳсулот самарадорлиги кўrsatкичларини баҳолашни сезиларли равишда яхшилайди. Қуйида келтирилган регистр маълумотлари асосида масъулият марказлари даражасида оператив (жорий) ва тактик қарорлар, шунингдек ресурслардан самарали фойдаланиш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва корхона даражасидаги шу каби стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш мумкин.

Мазкур регистрда нималар акс эттирилши бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ёндашув ва қарашларини кўриб чиқамиз.

«Ушбу регистр (ҳисбот)нинг биринчи қисмида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришнинг ҳар бир харажат моддаси бўйича ҳақиқий ва режа

(норматив) харажатларни таққослаш йўли билан четланиш (иктисод қилиш ёки ошиқча ишлатилиши) аниқланиши ижобий услугбий жиҳатлардан ҳисобланади. Ушбу четланишлардан оператив йўл билан четланишлар жойи, масъул шахслар бўйича сабаблари аниқланади ва ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатларининг режа (норматив) миқдорларидан салбий четланишларини бартараф қилиш бўйича қарорлар зудлик билан (дарҳол) қабул қилинади.

Ушбу регистр (хисбот)нинг иккинчи қисмида маҳсулотлар чиқишини таннархи, ҳаққоний қиймати ва трансферт баҳолари бўйича ҳисобга олиниши натижасида ишлаб чиқариш захираларининг фойдаланиш самарадорлиги (фонд қайтими, материал қайтими, меҳнат унумдорлиги ва бошқалар) кўрсаткичларини ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотни баҳолашнинг турли хил услугларига боғлиқ ҳолда аниқлаш имконияти мавжуд»<sup>43</sup>.

Шу билан бирга, ялпи маҳсулотни ҳақиқий тўлиқ таннарх ва ишлаб чиқариш таннархини таққослашга, молиявий натижаларни «Қишлоқ хўжалиги» номли 41-сонли БХХС бўйича аниқлашга имкон беради. Ялпи фойдани трансферт баҳолар ва ишлаб чиқариш таннархи бўйича таққослашда операцион фойда (зарар) аниқланади. Ялпи маҳсулотни трансферт баҳолар ва ишлаб чиқариш таннархи бўйича баҳоларда таққослаш билан масъулият марказлари даражасида, шунингдек корхона даражасида операцион фойда (зарар) аниқланади.

Сут қорамолчилигига олинган маҳсулотларни ҳаққоний қиймат бўйича баҳолаш мақсадида дастлаб ушбу турдаги маҳсулот (1 ц сут, қорамол тирик вазни ўсиши, наслнинг тирик вазни)нинг ҳудуд (туман, вилоят)даги 1 центнер ҳаққоний қийматини аниқлаш зарур. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$X_{K_{ц}} = C\ddot{U}BB_{ц} - CCX_{ц}, \quad (1.2)$$

Бу ерда:

$C\ddot{U}BB_{ц}$ -сут маҳсулотини сотишнинг аниқ бир йўналиши бўйича ҳисбот

<sup>43</sup> Концевой Г.Р. Развитие управлеченческого учета и контроля биологических и совокупных затрат в сельском хозяйстве: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.12 / Концевой Григорий Роланович. - Ижевск, 201 б. - 24 с.

давридаги 1 ц сутнинг ўртача бозор баҳоси, сўм;

$\text{ССХ}_{\text{ц}}$  - корхонада 1 ц сутни сотиш харажатлари, сўм.

«Азизжон» фермер хўжалиги<sup>44</sup>да 2020 йилда 1 ц сутнинг бозор (сотиш) баҳоси 320 000 сўм, хўжаликда 1 ц ҳисобига сотиш харажатлари – 20 000 сўм.

Бу ерда  $\text{ХК}_{\text{ц}} = 320\ 000 - 20\ 000 = 300\ 000$  сўм.

Сут қорамолчилигидаги 1 ц тирик вазн ўсиши, сут чорвачилигидаги олинган наслнинг ҳаққоний қийматини ( $\text{ТВХК}_{\text{ц}}$ ) ҳисоблаш мақсадида ушбу формула тавсия этилади:

$$\text{ТВХК}_{\text{ц}} = \text{ТВЎБК}_{\text{ц}} - \text{TBCX}_{\text{ц}}, \quad (1.3)$$

Бу ерда:

$\text{ТВЎБК}_{\text{ц}}$  - аниқ сотиш йўналишлари (каналлари, жойлари) бўйича ушбу тур (чорва моли гуруҳи)нинг 1 ц тирик вазни ўртача бозор қиймати, сўм;

$\text{TBCX}_{\text{ц}}$  - чорва моли ушбу тури (ушбу гуруҳи) 1 ц тирик вазни ҳисобига сотиш харажатлари, сўм.

«Азизжон» фермер хўжалигидаги 1 ц йирик шохли қорамолнинг ўртача бозор (сотиш) баҳоси 4 200 000 сўмни, қорамолнинг 1 ц тирик вазнига тўғри келувчи сотиш харажатлари 200 000 сўмни ташкил қиласди. Бу ерда  $\text{ТВХК}_{\text{ц}} = 4\ 200\ 000 - 200\ 000 = 4\ 000\ 000$  сўм.

Сут қорамолчилигидаги олинган маҳсулотни ички трансферт баҳолар бўйича баҳолаш мақсадида 1 ц маҳсулотнинг (сут, қорамол тирик вазни ўсиши, наслнинг тирик вазни ўсиши)нинг трансферт баҳосини ( $M_{\text{тб}}$ ) қўйидаги формула билан аниқлаш тавсия қилинади:

$$M_{\text{тб}} = X_{\text{К}} \times (\dot{Y}_{\text{иҷт}} : T_{\text{иҷт}}), \quad (1.4)$$

Бу ерда:

$X_{\text{К}}$  - ушбу маҳсулот (сут, қорамол тирик вазни, наслнинг тирик вазни ўсиши) 1 ц ҳаққоний қиймати, сўм;

$\dot{Y}_{\text{иҷт}}$  - ушбу маҳсулот (сут ва бошқалар) 1 ц ўзгарувчан ишлаб чиқариш харажатлари, сўм;

<sup>44</sup> Кибрай тумани «Азизжон» фермер хўжалигининг 2020 йилдаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Тиңчт - маҳсулот (сут ва бошқалар) 1 ц түлиқ таннархи, сўм.

«Азизжон» фермер хўжалигида 1 ц. сутнинг ҳаққоний қиймати - 300 000 сўм, 1 ц. сутнинг ўзгарувчан ишлаб чиқариши таннархи 260 000 сўм, 1 ц сутнинг тўлиқ ишлаб чиқариши таннархи 330 000 сўм. Бу ердан  $\bar{X}K_{ц} = 300\ 000 \times (260\ 000 : 330\ 000) = 236\ 364$  сўм.

Сут қорамолчилигида олинган маҳсулотни баҳолангандан сўнгуларни бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади: Дебет 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти, Кредит 2010- «Асосий ишлаб чиқариши» счёти - маҳсулот (сут, насл, тирик вазн ўсиши) ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олишда; Дебет 9110- «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счёти, 2810- «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти - маҳсулот (сут, наслнинг тирик вазни ўсиши) ҳақиқий таннархига.

Кейинчалик чорвачиликда маҳсулотларни ҳақиқий сотиш чегарасида унинг ҳаққоний қиймати маҳсулотнинг таннархини ташкил қиласи, потенциал фойда ва заарлар бухгалтерия ҳисоби счёtlарида акс эттириш йўли билан одатий фаолият турларидан ҳақиқий молиявий натижаларга трансформацияланади: 9910-«Якуний молиявий натижа» счёт дебети, 9110- «Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи» счёти кредити - зарар суммасига; 9010- «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромад» счёти дебет, 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти кредит- соф фойда суммасига.


Чорвачиликда ишлаб чиқариш харажатларини тезкор таҳлил ва назорат килиш асосида иқтисодий самарадорликни кўпайтириш, жумладан рентабеллигини ошириш учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни тартибга солиш керак бўлади. Бухгалтерия ҳисоби бошқарувнинг кўрсатилган функцияларини амалга ошириш учун маълумот манбаси ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқаришни бошқариш учун корхона раҳбарияти ва мутахассисларини оператив, ишончли ва ўз вақтида маълумотлар билан таъминлаши шарт.

Бу эса, бухгалтерия ҳисобининг алоҳида йўналиши бўлган бошқарув ҳисобини юритишнинг прогрессив шакллари ва усулларини жорий қилиш

кераклигини билдиради.

Бошқарув ҳисобини қуидаги йүналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ҳужжатлар айланиш даврини сезиларли равишда пасайтиради ва йўлини қисқартиради, шунингдек ҳисоб ходимларининг пассив ҳаракатларини ва бухгалтерия ёзувларини тақорорлашни бартараф қиласи, иккинчидан ҳисобнинг назорат функциясини (1.5-расм).



**1.5-расм. Масъулият марказлари бўйича бошқарув ҳисоби ва назорати маълумотларини бошқариш коммуникация модели<sup>45</sup>**

<sup>45</sup> Концевой Г.Р. Развитие управленческого учета и внутреннего контроля цикла формирования затрат и цикла выпуска сельскохозяйственной продукции / Г.Р. Концевой // Вестник Ижевской государственной сельскохозяйственной академии. - 2016. - № 2 (47). - С. 65-76.

Операцион соф даромад марказлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати бўйича харажатларни туркумлашсиз анъанавий вариантида улар ҳисобга олинади, операцион фойда марказлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан харажатларни туркумлаш гурухлари бўйича “директ-костинг” харажатлар ҳисоби тизими қўлланилади.

Чорвачилик бўлимлари (масъулият марказлари) фаолиятини объектив баҳолаш учун таркибий бўлинмалар ва турлари бўйича маҳсулотлар чиқишинг тўлиқ ва алоҳида ҳисоби уларнинг микдор ва сифати бўйича ёппасига ҳужжатлаштириш йўли билан таъминланган бўлиши керак. Сут чорвачилигига маҳсулот таннархини калькуляциялаш объективлиги шунга боғлиқ.

Чорвачиликда бошқарув ҳисобини кейинчалик ривожлантириш учун харажатлар ҳисобини йил даврларига босқичма-босқич ўтказиш керак. Чорвачиликда харажатларни ҳисобга олишнинг ҳозирги қундаги тартиби ҳисбот йили бўйича тўлиқлигича ишлаб чиқариш обьектлари бўйича ҳисобга олишга ихтисослашган. Шу сабабли, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари, шунингдек омилли белгилар (ишлаб чиқариш омиллари) таъсири ҳисобига унинг таннархи четланиши таҳлили ва назорати қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳозирги қунда ҳисбот йили охирига бўлган ҳолат бўйича амалга оширилади.

Харажатларни ҳисобга олишдаги ушбу камчиликни бартараф қилиш ва муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш зарур: сут чорвачилигига йил даврларини чорва моллари биотрансформация (қишки, баҳорги, ёзги, кузги) даврига, яъни биологик активларнинг биотрансформация даври мувофиқ ҳисоблаш; ҳисоб, назорат қилиш ва бошқарув учун биологик активларнинг биотрансформация даврлари бўйича чорвачиликда маҳсулот етиштириш харажатлари бошқарув ҳисобини юритиш схемасини ишлаб чиқиши; агарар соҳа бошқарув тизимида харажатлар ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий натижаларини таҳлил қилиш учун зарур ахборотларни шакллантириш мақсадида чорвачиликда биологик активлар даврий

биотрансформацияси бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари бошқарув ҳисобини юритиш схамасидан фойдаланиш зарур. Чорвачиликни самарали бошқариш учун бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва назорат таъминоти мақсадида қишиқи, баҳорги, ёзги, кузги даврлар бўйича ҳисоб усулларидан амалий фойдаланиш учун юқорида келтирилган барча функциялар, шунингдек чорвачиликни бошқариш тизимида режалаштириш (бюджетлаштириш)нинг маълумотлари интеграциялашган ҳолда шаклланиши зарур (1.6-расм).



**1.6-расм. Чорвачиликда харажатлар, маҳсулот чиқиши ва уларни ишлаб чиқариш натижаларининг бошқарув ҳисоби, режалаштириш, назорат ва таҳлил қилиш тизимининг интеграллашган модели<sup>46</sup>**

«Чорвачиликда бошқарувни маълумот билан таъминлашнинг бундай интеграллашган тизимини жорий қилиш қўйидагиларни талаб қиласди:

- чорвачиликка қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисоби

<sup>46</sup> Концевой Г.Р. Развитие управлеченческого учета и контроля биологических и совокупных затрат в сельском хозяйстве: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.12 / Концевой Григорий Роланович. - Ижевск, 2016. - 24 с.

бўйича бошланғич ҳужжатларни такомиллаштириш;

- чорвачиликка қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар аналитик бошқарув ҳисобини юритиш услубларини автоматлаштириш;

- чорвачиликда маҳсулот самарадорлигини кўпайтириш бўйича бошқарув қарорлари учун ички ишлаб чиқариш менежменти тизимини ишончли ва фойдали назорат-таҳлил маълумотлари билан таъминловчи ишлаб чиқариш бошқарув ҳисботининг юқорида келтирилган шаклларидан фойдаланиш»<sup>47</sup>.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар таннархини шакллантириш, шунингдек меҳнат унумдорлагини стратегик бошқаришда шаклланган қиймат нафақат тирик меҳнатни тўғри ҳисобга олинишини, балки узоқ муддатли биологик активлар қийматини ишлаб чиқариш истеъмолида меҳнатнинг моддийлашувини ҳам ифодалайди.

Бу ердан сут чорвачилиги асосий подасидаги сигирларга амортизация ҳисоблашнинг объектив зарурияти вужудга келади, чунки уларни эксплуатация жараёнида маҳсулдорлик камайиш бошланадиган ёш даври келади, маҳсулдорлик камайиши эса чорва молининг жисмоний қариши эканлиги «Қишлоқ хўжалиги» номли 41-сонли БХХСда ўз аксини топган.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМСга қўра эса, маҳсулдор ҳайвонларга амортизация ҳисобланмайди. Аммо, 41-сонли БҲҲСга қўра қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантиришда харажатлар таркибида биологик активлар, яъни маҳсулдор чорва моллари бўйича амортизацияни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш асосий вазифа ҳисобланади. Сут йўналишида чорва молларига нисбатан амортизация ҳисоблашнинг барча усулларидан иқтисодий жиҳатдан асослангани маҳсулот ҳажмига нисбатан пропорционал амортизация ҳисоблаш усули ёки бошқа вариантдан фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, чорвачиликда харажатларнинг туркумланиши ҳамда бошқарув ҳисоби жараёнларининг ташкилий жиҳатларини етарли ўрганиш ва

<sup>47</sup> Концевой Г.Р. Развитие управлеченческого учета и внутреннего контроля цикла формирования затрат и цикла выпуска сельскохозяйственной продукции / Г.Р. Концевой // Вестник Ижевской государственной сельскохозяйственной академии. - 2016. - № 2 (47). - С. 65-76

таҳлил қилиш бошқарув ҳисобини ташкил этишда муҳим ҳисобланади.

## **I боб бўйича хуноса**

Чорвачилик тармоғида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий ва ташкилий асослари масалаларини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хуносалар шакллантирилди:

1. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ва миллий иқтисодиётда чорвачилик тармоғининг, хусусан сут йўналишидаги қорамолчиликнинг ўз ўрнига эга эканлиги аниқ статистик маълумотлар билан асосланди. Чорвачиликда харажатлар ҳисоби ҳамда таннарх ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ер билан, ер майдонлари билан боғлиқлиги харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва юритишга сезиларли даражада таъсир қилиши;
- чорвачиликда харажатлар ҳисобини ташкил этишга иқлим ўзгаришларининг, яъни об-ҳаво ўзгаришининг сезиларли даражада таъсир кўрсатиши;
- чорвачиликда қўлланиладиган технологиянинг ўзига хослиги ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх ҳисоблашга маълум даражада таъсир қилиши;
- чорвачиликда маҳсулот етиштириш йирик-йирик майдонларда амалга оширилиши харажатларнинг кўпайишига таъсир кўрсатиши;
- чорвачиликда биологик активларнинг сезиларли улушга эга эканлиги, улар бошланғич ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг хусусиятлари мавжудлиги;
- чорвачиликда биологик активларни сақлашнинг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари борлиги;
- чорвачиликда биологик активларни баҳолаш ва улардан олинган маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятга эгалиги.

2. Чорвачиликда ишлаб чиқариш харажатларини ёндаш йиллар, иш турлари ва баъзан ишлаб чиқариш бўлинмалари каби муҳим белгилар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобга олишга зарурат бўлмайди. Чорвачиликда харажатларни

қўйидаги икки йўналишда ҳисобга олиш ва амалга ошириш лозим:

- чорва молларининг асосий гурухлари ва ишлаб чиқаришнинг асосий турлари бўйича (маҳсулдор ҳайвонлар, ишчи ҳайвонлар, бокувдаги ҳайвонлар; 6 ойгача бузоқлар, 1 ёшгача бузоқлар, 2 ёшгача бузоқлар);
- харажатларнинг асосий турлари бўйича (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи харажатлари, асосий воситаларнинг амортизацияси, иш ва хизматлар ва х.к.).

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўкув-услубий асарларида биологик актив тушунчасига ёндашувлари ни эътиборга лойиқлигини таъкидлаган ҳолда, ушбу тушунчага қўйидагича муаллифлик ёндашуви шакллантирилди: «Биологик активлар - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки бошқа биологик активларни берадиган тирик ўсимликлар ёки ҳайвонлар бўлиб, бунда биотрансформациядан фойдаланилади».

4. Чорвачиликнинг сут қорамолчилиги йўналиши хусусиятларига эътибор қаратган ҳолда харажатлар таснифи такомиллаштирилди. Чорвачиликда бухгалтерия ҳисоби тўғри ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини қўйидаги тасниф белгилари бўйича: иқтисодий элементи бўйича, калькуляция моддаси бўйича, ишлаб чиқариш жараёнига муносабати бўйича, таннархга киритиш усули бўйича, харажатлар таркиби бўйича, техник-иктисодий мазмuni бўйича, ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги бўйича, даврийлиги бўйича, режалаштириш қамрови бўйича, меъёрлаштириш қамрови бўйича, лимитлаш бўйича, бошқарув объекти бўйича гурухлаш ва тасниф элементларини шакллантириш лозим. Харажатларнинг бундай таснифланиши ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлашни яхшилайди, сут йўналишидаги қорамолчиликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг аниқлигини оширади. Натижада, ишлаб чиқариш жараёнининг исталган босқичида харажатларни назорат қилиш ва таҳлилни амалга ошириш учун шароит яратилади.

## **II БОБ. ЧОРВАЧИЛИКДА БИОЛОГИК АКТИВЛАРНИ САҚЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **2.1. Чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисобини ташкил этишнинг хусусиятлари**

Мамлакатимиз аҳолиси сонининг ўсиши билан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ўсиб бормоқда. Мамлакатимизда чорвачилик соҳасини, хусусан йирик шохли қорамолчиликни ривожлантириш билан аҳолининг экологик тоза ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари бўлган эҳтиёжини, саноатнинг эса хом-ашёга бўлган талабини тўлиқроқ қондириш имконияти пайдо бўлади.

«Чорвачиликни ривожлантириш учун ҳар бир чорвачилик фермер хўжаликлари, масъулияти чекланган жамиятлар ва уй хўжаликларида чорва моллари бош сони, чорва молларини озиқлантириш, ем-хашак билан таъминланганлик ва бошқа масалаларни таҳлил қилиб, фойдаланилмаётган ички имкониятларни аниқлаб, уни ишлаб чиқаришга сафарбар ва жорий қилиш лозим.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва тармоқда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш натижасида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари, масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) ва хусусий чорвачилик корхоналари ривожланмоқда. Ушбу тармоқ ривожланишидаги бундай йўналиш маҳсулот этиштиришни кўпайтириш ва таннархини арzonлаштиришга имконият яратмоқда»<sup>48</sup>.

Бу эса, чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблашни яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш бугунги кунда долзарб эканлигидан далолат беради.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активларни

---

<sup>48</sup> <http://kubsau.ru/upload/iblock/9c1/9c134411a192e113118897b8871fee02.pdf>(3/9)

сақлаш харажатлари ҳисобининг вазифалари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- хўжаликда биологик активларни сақлаш харажатларини ишлаб чиқариш турлари ва чорва молларининг гурухлари бўйича иқтисодий асосланган ҳолда ажратган ҳолда ҳисобга олиш;
- хўжаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархини шакллантирадиган барча харажатларни иқтисодий жиҳатдан бир турдаги элемент ва тармоқлар бўйича тўғри ажратган ҳолда ҳисобни ташкил этиш;
- чорвачилиқдан, хусусан қорамолчиликдан маҳсулотлар чиқишини бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобга олиш;
- чорвачилик хўжаликларининг қуи бўлимлари ва бўлинмалари бўйича харажатларни ўз вақтида ва аниқ ҳисобга олиш;
- асосий, ёндаш ва қўшимча маҳсулотлар таннархини иқтисодий асосланган ҳолда ҳисоблаш.

Амалдаги бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасида харажатларни ҳисобга олиб бориш учун 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» синтетик счёti тайинланган, чорвачилик харажатларини ҳисобга олиб бориш учун эса бу счётда «Чорвачилик» аналитик счёti очилиб, унда чорвачиликка қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисобга олиб борилади. Бизнингча, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш учун 2012-«Чорвачилик ишлаб чиқариши» синтетик счёti очилиши лозим. Шу боисдан, бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасида ушбу счёт очилиши ва юритилишини тавсия этамиз.

Ушбу счёт бўйича харажатлар чорвачиликнинг қуи тармоқлари доирасида чорвачиликнинг айрим турлари ва гурухлари сифатида ҳисоб объектларига ажратиб ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. 2012-счёт бўйича ҳисобга олиш номенклатураси қўйидагича бўлиши лозим:

чорвачиликнинг қорамолчилик йўналишида - сут чорвачилиги бўйича қорамолчиликда: асосий пода, барча ёшдаги ёш чорва моллари ва боқувдаги чорва моллари, сигир ва ғунажинлар этиштириш (ихтисослашган

хўжаликларда бир мақсадни кўзлаб етиштириш). Гўшт чорвачилиги йўналишида: асосий пода, 8 ойликдан катта ўстиришдаги ҳайвонлар ва боқувдаги ҳайвонлар. Буқалар: буқаларнинг асосий подаси, боқувга қўйилган ҳар хил ёшдаги бузоқлар ва катта ёшдаги буқалар.

Аграп соҳада фаолият юритаётган хўжалик субъектлари биологик активни фақат қуидаги ҳолларда ҳисобга олиб бориши мақсадга мувофиқ бўлади:

- а) маҳсулот етиштирилгунга (йигилгунга) қадар даврда активни назорат қилса;
- б) актив билан боғлиқ келажакда иқтисодий даромад келиши ёки хизмат кўрсатиш имкониятини эҳтимоллиги юқори бўлса;
- в) активнинг ҳақиқий қиймати ёки таннархини ўлчаш маълумотлари ишончли бўлса.

Умуман олганда, биологик активларнинг ҳақиқий қиймати у ҳисобга олинадиган объект ва фойдаланиш учун ҳолатидан келиб чиқиб аниқланиши мақсадга мувофиқ бўлади:

чорвачилик хўжаликлирида биологик активлар ҳақиқий қиймати тегишли бозордаги нархи бўйича ҳисобланади, бунда қайтариб бермаслик шарти билан ёки текинга олинган ҳамда номинал қийматда бериш учун мўлжалланган қорамолни белгиланган жойга етказиб беришнинг транспорт ва бошқа харажатларини ҳисобга киритилмайди;

чорвачилик фаолиятида йирик шохли қорамолга эгалик қилиш ҳуқуки сифатида унинг сотиб олиниши, туғилиши ёки ажратилиши вақтида тамғалаш ёки бошқа усулда белги қўйилади, келажакдаги иқтисодий фойда ва хизмат кўрсатиш потенциали унинг ўзига хос кўрсаткичларидан келиб чиқиб баҳоланади;

дастлабки ҳисобга олиш ва ундан кейинги ҳар бир ҳисбот даврига биологик актив ўзининг ҳақиқий қиймати бўйича сотиш харажатларини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланиши керак;

биологик активнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш жараёнини осонлаштириш мақсадида уларнинг асосий хусусиятлари мос равишда гурухлаштирилиши мумкин, сут йўналишидаги йирик шохли қорамолчилик хўжаликлари биологик активнинг баҳосини белгилашда асос сифатида бозор баҳоларидан келиб чиқиши лозим;

сугчорвачилиги хўжаликлари асосан биологик активларнинг келгусида қандайdir муддатда сотиш бўйича шартнома тузишга ҳам эътибор қаратадилар. Мазкур шартномаларда келишилган нархлар ҳақиқий қийматни аниқлашда асос бўлиши шарт эмас, чунки ҳақиқий қиймат сотувчи ва сотиб оловчи иштирок этаётган бозордаги нархларнинг жорий конъюнктурасини билдиради. Бу эса, шартнома ва унда қийматнинг кўрсатидиши биологик активларнинг ҳақиқий қийматини ўзгартирилишига олиб келмайди;

агар биологик активлар учун уларнинг жойлашган жойи ва ҳолатига боғлиқ ҳолда фаол бозор мавжуд бўлса, бунда ушбу бозорда белгиланган нарх мазкур активнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун мос келувчи асос ҳисобланади.

«Фаол бозор мавжуд бўлмаган ҳолатларда, хўжаликлар бозор қийматини аниқлаш учун бир ёки бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланади:

а) агар охирги битим амалга оширилган сана ва ҳисобот санаси ўртасидаги даврда хўжалик шартларига муҳим ўзгартиришлар киритилмаган бўлса, савдо битимининг охирги нархлаир;

б) ўхшаш активлар учун бозор баҳоси фарқларини ҳисобга олиш билан аниқлаш;

в) мос келувчи соҳа кўрсаткичлари, мисол учун йирик шохли қорамол ҳисоби килограмм гўшт;

хўжалик активларини ўз ҳисоб-китобида молиялаштириш, солиқса тортиш ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олгандан кейин биологик активларни тиклаш билан боғлиқ бўлган пул оқимини акс эттирмайди;

биологик активлар таннархи, айрим ҳолларда ҳақиқий қийматга деярли

тенг бўлиши мумкин, хусусан:

а) бошланғич харажатлари амалга оширилган вақтдан сезиларли биотрансформация содир бўлмаганда;

б) биотрансформациянинг нархга таъсири сезиларли даражада бўлиши кутилмаганда;

биологик активлар кўпинча ер билан бевосита боғлиқ бўлади»<sup>49</sup>.

Чорвачилик хўжаликларида биологик активларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш мақсадида турли маълумотлардан фойдаланиш назарда тутилади. Умуман олганда, биологик активларнинг ҳақиқий қийматини ҳисоблаш учун бошқа боғлиқ активларнинг ҳаққоний қийматидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган капитал харажатларини айриб ташлаш орқали аниқланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

«Биологик активнинг сотиш харажатларидан ташқари уни ҳақиқий қиймати бўйича дастлабки ҳисобга олишда, шунингдек сотиш харажатларини чегирган ҳолда биологик активни ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар у ҳосил бўлган даврдаги хўжаликнинг фойда ёки зарар таркибиغا киритилиши керак»<sup>50</sup>.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда аналитик ҳисобни чорва молларининг турлари ёки жинси бўйича гурухлари кесимида юритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқарув ҳисобида зарурлиги нуқтаи назаридан ўзларининг маҳсус озуқа тайёрлаш хоналари ва цехларига эга бўлган чорвачилик хўжаликларида озуқа тайёрлаш бўйича харажатларни ҳисобга олиш учун алоҳида аналитик счёт очиш тавсия этилади. Белгиланган муддатларда ҳисобга олинган харажатлар бу счёtlардан чиқариб ташланади ва чорва моларини парваришлиш харажатлари ҳисобга олинаётган аналитик ҳисоб объектларига (тайёрланган (берилган) озуқа микдорига мутаносиб) тақсимланиши зарур.

<sup>49</sup> <http://elibrary.ru/item.asp?id=36288618>. Особенности учета биологических активов в соответствии в Российской и международными стандартами.

<sup>50</sup> <http://elibrary.ru/item.asp?id=37530864>. Понятие, сущность и классификация биологических активов в сельском хозяйстве.

Дехқончиликдан фарқ қилган ҳолда чорвачилик бўйича йил охирига, доимо ҳам тугалланмаган ишлаб чиқариш бўлмайди. Бу шу билан боғлиқки, чорвачиликнинг асосий тармоқлари ҳисобланган қорамолчилик ва бошқалар бўйича ҳар йили қилинган харажатлар шу йилда олинган маҳсулотлар таннархига олиб борилади.

«Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бунинг учун харажатларни пухта режалаштириш, бошқарув ҳисоби ва ҳисботини тўғри ташкил этиш ҳамда таҳлил қилиш асосида маҳсулотлар таннархини пасайтириш имкониятларини излаб топиш ҳам муҳим аҳамиятга эга»<sup>51</sup>.

Лекин, амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик фермер хўжаликларида харажат нормативлари илмий асосда шакллантирилмаган ва бизнес-режа эса деярли тузилмайди. Натижада, харажатларни шакллантириш объектлари ва моддалари (тармоқлар бўйича) аниқланмайди. «Йил давомида эса харажатлар дастлабки, йиғма ва аналитик ҳисобда аниқ харажат объектлари ва моддалари бўйича ҳисобга олинмасдан «анъанавий усул»да, яъни фермер хўжалигига ўз билганича юритиб келинмоқда»<sup>52</sup>. Бу харажатларни йил давомида ойма-ой, ўсиб борувчан жами билан ҳисобга олиб боришни таъминламайди. Шунингдек, бир неча харажат объектларига тақсимланадиган харажатлар алоҳида йиғилиб, аналитик ҳисоб объектига ўtkазилмасдан тахминан тақсимланади. Қоидага кўра, умушилаб чиқариш, амортизация ва бошқа шу каби билвосита харажатлар йил давомида ҳисобга олиниб, охирида асосий ишлаб чиқаришдаги харажат объектларига тақсимланиши лозим. Лекин, амалиётда бу ишлар кўпчилик фермер хўжаликларида умуман амалга оширилмайди.

Буларнинг оқибатида фермер хўжалигига йил якуни бўйича ҳар бир

<sup>51</sup> <https://staff.tiame.uz/storage/users/397/articles/bRvgigEikK3hFbkP2Ow9mg4yl5rMIfUGnUGkrjmN.pdf>.  
К определению основных параметров дамбоуплотнителя, 2020.

<sup>52</sup> [http://kubsau.ru/upload/iblock/9c1/9c134411a192e113118897b8871fee02.pdf\(6/9\)](http://kubsau.ru/upload/iblock/9c1/9c134411a192e113118897b8871fee02.pdf)

маҳсулот (иш, хизмат) бирлигининг таннархини тўғри аниқлаб бўлмайди. Дарҳақиқат, таниқли соҳа олимлари А.Х.Пардаев ва Б.Х.Пардаевлар ёзишича «Бошқарув ҳисобида маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш таннархига кўпроқ урғу берилади. Корхонанинг муваффақияти таннархнинг шаклланиши билан боғлиқ:

- ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар маҳсулотнинг сотув баҳосини ўрнатиш, фойдани ҳисоблаш ва рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш учун асос ҳисобланади;
- маҳсулот таннархи борасидаги маълумот ишлаб чиқаришни бошқариш ва истиқболни белгилашда асос бўлиб хизмат қиласди;
- бошқарувнинг жуда кўп миқдордаги жорий вазифаларини ҳал қилишда фойдаланилади»<sup>53</sup>.

Иқтисодчи олимлар Б.А.Хасанов ва А.А.Хашимовлар таъкидлашича «Корхонадаги моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини пасайтириш имконини беради. Маҳсулот таннархини аниқлашда калькуляцион бирликни аниқ белгилаш муҳим масала ҳисобланади»<sup>54</sup>. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда эса аниқ таннарх ҳисоб-китоби йўқлиги сабаб қуйидаги ишларни амалга ошириш имкони бўлмайди:

- маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги (агар ҳақиқий таннарх прогноз қилинаётган бозор баҳосидан юқори бўлса, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш зарур);
- қўлланилаётган технологияни янгилаш заруратини асослаш, янги техника ва технологияни жорий этишнинг самарадорлигини баҳолаш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун мақбул нарх шакллантириш;
- хўжалик юритувчи субъект этиштирувчи асосий маҳсулот турлари бўйича харажатлар рентабеллигини аниқлаш ва ошириш чораларини кўриш;

---

<sup>53</sup> А.Х.Пардаев, Б.Х.Пардаев. Бошқарув ҳисоби. /-Т.: «Фафур Гулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи», 2008. -59 б.

<sup>54</sup> Б.А.Хасанов, А.А.Хашимов. Бошқарув ҳисоби. –Т.: «Yangi nashr», 2011. -53 б.

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи бўйича режа бажарилишини таҳлил қилиш, таннарх таркиби ва динамикасини ўрганиш ва баҳолаш, маҳсулот таннархини пасайтириш чора-тадбирларини кўриш;
- трансферт баҳоларини, яъни ички хўжалик баҳоларни тўғри аниқлаш ва ҳисоблаш.

Шундай қилиб, чорвачиликда харажатлар ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатларини шакллантириш ва ривожлантириш тармоқда бошқарув қарорлари самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Натижада, тармоқ корхоналарида таннархни пасайтириш ҳамда рентабелликни оширишга эришилади.

## **2.2. Чорвачилик харажатлари ва маҳсулотлар чиқишининг аналитик ва синтетик ҳисобини такомиллаштириш**

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш шароитида чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотларнинг бошланғич, аналитик ва синтетик ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритиш долзарблик касб этади. Чорвачилик тармоғида харажатлар ва олинган маҳсулотларни ҳисобга олишда кўплаб бошланғич ҳужжатлар қўлланилади. Булар асосан харажатлар ва олинган маҳсулотларни ҳисобга оладиган бошланғич ҳужжатларга бўлинади. Чорвачиликдаги харажатлар меҳнат буюмлари, меҳнат воситалари, чорва ходимларининг меҳнат ҳақи харажатларидан иборатdir. Ушбу харажатларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб қўйидаги бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштириб бориш тавсия этилади. Масалан, сарфланган ем-хашакларнинг дастлабки ҳисоби «Ем-хашак сарфлаш қайдномаси» (94-шакл)да, йиғма ҳисоби эса уларни ҳисобга оладиган «Ем-хашак сарфлаш бўйича маҳсус журнال» (35-шакл)да юритилади. Унда чорва молларининг ҳар бир тури ва гуруҳи учун алоҳида бетлар ажратилиб сарфланган ем-хашак миқдори, уларнинг озуқа бирлиги, протеинга айлантирилган миқдор, шунингдек озуқа-кунлар сони кўрсатилади. Бу

журналнинг жамланган маълумотларига асосан ем-хашак сарфларини ҳисобга олиш йиғма қайдномаси тузилади.

Чорвачиликда сарфланган бошқа моддий бойликлар (дори-дармонлар, биопрепаратлар ва бошқалар) белгиланган тартибда лимит-зabor карталари ва юк хатлари билан расмийлаштирилади.

Чорвачилик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш этиширилган маҳсулотлар миқдори ва сифатига қараб амалга оширилиши керак. Бунда чорвачиликдан олинган маҳсулотларни расмийлаштирадиган хужжатлар («Сут соғишни ҳисобга олиш журнали», «Туғилган наслни киримга олиш далолатномаси», «Чорва молларининг вазнини ўлчаш қайдномаси», «Чорва молларини гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш далолатномаси» ва бошқалар) меҳнатга ҳақ тўлаш учун асос бўлади. Ушбу хужжатларга асосан чорвачилик ходимларига меҳнат ҳақи ҳисоб-китоби тузилади. Чорвачилик ходимлари ишлаган вақтининг ҳисоби «Табел»да юритилади. Амалиётда бундай дастлабки ва йиғма хужжатларда маълумот олиш учун барча реквизитлар кўрсатилмаганлиги, уларни юритиш қоидаларига тўлиқ риоя қилинmasлик ҳолатлари мавжуд.

Шу боисдан, сут йўналишидаги қорамолчиликда бошланғич ҳисоб хужжатларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, қуйидаги бошланғич хужжатларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрланишига сабаб бўлди: «Дагал ва ширали озуқаларни қабул қилиш далолатномаси», «Яйловлардан олинган озуқаларни қабул қилиш далолатномаси», «Озуқаларни ҳисобга олиш қайдномаси», «Сут соғишни ҳисобга олиш журнали», «Чорва наслини киримга олиш далолатномаси», «Чорва молларини гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш далолатномаси», «Сут ва сут маҳсулотларини жўнатиш (қабул қилиш) юк хати», «Мол ҳайдаш қайдномаси», «...-сонли чорва молларини тортиш қайдномаси», «Қўшилган вазнни аниқлаш қайдномаси», «Сут ҳаракати қайдномаси», «Чорва молларини асосий подадан бракка чиқариш қайдномаси», «Чорва моли ва паррандаларни

чиқим қилиш далолатномаси», «Чорва молларининг сўйилиши ва ҳаром ўлишини ҳисобга олиш ҳисоб-вараги» (1-илова).

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда харажатларнинг аналитик ҳисоби ҳайвонларнинг турлари, ёши ва жинсига қараб очиладиган аналитик счёtlарда юритилиши лозим:

- 1. Ҳайвонларни ҳимоя қилиш воситалари;**
2. Озуқа, шу жумладан:
  - a) ўтган йиллар сотиб олинган ва ўзида ишлаб чиқарилган;
  - б) жорий йил ўзида ишлаб чиқарилган;**
3. Нефт маҳсулотлари;
4. Ёқилғи ва энергия (технологик мақсадлар учун);
5. Мол етказиб берувчи ва пудратчиларнинг ишлари ва хизматлари;
6. Иш ҳақи, шу жумладан:
  - a) асосий;
  - б) қўшимча;
  - с) натура;
  - д) бошқа тўловлар;
7. Ижтимоий солик;
8. Асосий воситаларни сақлаш, шу жумладан:
  - a) амортизация;
  - б) асосий воситаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;**
9. Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг ишлари ва хизматлари;
10. Солиқлар, йигимлар ва бошқа тўловлар;
- 11. Ҳайвонларнинг ўлимидан йўқотишлиар;**
12. Умушишлаб чиқариш харажатлари;
13. Суғурта тўловлари;
14. Умумий иқтисодий харажатлар;
15. Бошқа харажатлар.

1. Ҳайвонларни ҳимоя қилиш воситалари моддасида ҳайвонларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш учун биопрепаратлар, дори- дармонлар ва дезинфекцияловчи воситалар ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ сарфлар ҳисобга олинади.

2. Озуқа моддасида хўжалик томонидан етиширилган, базис йили ва ҳисбот йилида етказиб берувчилардан сотиб олинган озуқа, хусусан ем-хашакларнинг ҳайвонларга (ишли ҳайвонларини ҳам қўшиб) сарфланиши ҳисобга олинади. Сотиб олинган ва хўжаликнинг ўзида тайёрланган ем-хашаклар сарфланиши «Озуқа сарфи» журналида алоҳида уларнинг турлари бўйича ҳисобга олинганлиги сабабли аналитик ҳисоб регистрида ушбу модда бўйича бирлаштириб ҳисобга олинади. Ем-хашак тайёрлаш цехларининг харажатлари ҳам шу моддада алоҳида аналитик счёт очилиб, ҳисобга олинади ва тайёрланган ем-хашак миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади.

3. Нефт маҳсулотлари моддасида бензин, дизел ёқилғиси ва бошқа нефт маҳсулотлари ҳисобга олинади.

4. Ёқилғи ва энергия (технологик мақсадлар учун) моддасида технологик мақсадлар учун мўлжалланган ёқилғилар ва энергия сарфлари ҳисобга олинади.

5. Мол етказиб берувчи ва пудратчиларнинг ишлари ва хизматлари моддасида мазкур чорвачилик тармоғи учун чет ташкилотларнинг кўрсатган хизматлари учун тўланадиган ҳақ ҳисобга олинади.

6. Иш ҳақи (шу жумладан: - асосий; - қўшимча; -натура; - бошқа тўловлар) моддасида ҳисобланган асосий ва қўшимча иш ҳақи, натурада тўланган ҳақлар ва бошқа тўловлар ҳисобга олинади.

7. Ижтимоий солиқ моддасида меҳнат ҳақига нисбатан ҳисобланган ижтимоий солиқ суммалари акс эттирилади.

8. Асосий воситаларни сақлаш (шу жумладан: - амортизация; - асосий воситаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш) моддасида соҳада қўлланиладиган асосий фондларни сақлаш бўйича харажатлар ҳисоби

юритилади. Инвентар ва хўжалик жиҳозлари ҳамда мосламаларни тиклаш учун қилинган харажатлар ҳам шу моддада ҳисобга олинади.

9. Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг ишлари ва хизматлари моддасида ёрдамчи ишлаб чиқаришлар автотранспорт, ремонт устахонаси, от-улов транспорти, электроэнергия, газ ва сув таъминоти ва бошқа ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинади.

10. Солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар моддасида хўжалик юритувчи субъект томонидан тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар ҳисобга олинади.

11. Ҳайвонларнинг ўлимидан йўқотишлар ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг ўлимидан йўқотишлар бўйича харажатлар ҳисобга олинади.

12. Ишлаб чиқариши ташкил этиш ва бошқариш харажатлари моддасида чорвачилик комплексларида, фермаларида ва бошқаларда ишлаб чиқариш бошқаруви харажатлари ва сарфлари ҳисобга олинади.

13. «Суғурта тўловлари» моддасида иш ҳайвонлари, ёш ва маҳсулдор моллар, паррандалар, қуёнлар, асаларичилик, шунингдек чорвачиликда фойдаланилаётган бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарнинг мажбурий суғуртасига доир тўловлар акс эттирилади. Чорва моллари бўйича ҳисобланган суғурта тўловлари бевосита тегишли ҳисоб гурухининг харажатларига ўtkазилади. Чорвачиликда асосий воситалар бўйича ҳисобланган суғурта тўловлари эса чорвачиликнинг ҳисоб гурухлари ўртасида асосий воситаларни сақлаш харажатларига мутаносиб равища тақсимланади.

14. Умумий иқтисодий харажатлар моддасида иқтисодий харажатлар ҳисобга олинади.

15. «Бошқа харажатлар» моддасида маҳсулот етиштириш билан бевосита боғлиқ бўлган, лекин юқоридаги харажат моддаларида ҳисобга олинмаган сарфлар акс эттирилади. Буларга қуйидагилар киради: ферма атрофларини ўраш харажатлари, дезинфекция ғовларини қуриш ва бошқа

харажатлар; тўшамалар; сут согувчилар, молбоқарлар ва бошқа ходимларга берилган маҳсус кийим ва пойафзаллар, чорва моллари учун ёзги лагерлар, бостирмалар ва бошқа нокапитал иншоотларни қуриш харажатлари. Шунингдек, олдин 3100-«Келгуси давр харажатлари»ни ҳисобга оладиган (3110, 3120, 3190) счёtlарда ҳисобга олиниб, кейинчалик уларнинг қопланиш даври давомида бир текис усулда ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат)лар ҳажмига мутаносиб равища тақсимланадиган харажатларнинг чорвачиликка тегишли қисми ҳам ушбу модда бўйича ҳисобга олинади.

Чорвачиликдаги айрим тармоқларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, уларда харажат моддалари ҳам белгиланиши мумкин. Қўйчиликда - «Жун қирқиши пункти харажатлари» каби графа бўлиши мумкин. Бу графаларнинг кўплари бўйича харажатлар олдиндан алоҳида аналитик счёtlарда ҳисобга олинади ва белгиланган муддатларда кўрсатилган графалар бўйича мансублигига қўра харажатларни ҳисобга олиш объектларига ўтказилади. Чорвачилик фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларида харажатларни батафсил ҳисобга олиш «Сут йўналишидаги қорамолчиликда қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисоби қайдномаси»да юритилишини йўлга қўйиш юқорида аналитик маълумотлар ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ шаклланишини бу асосда тегишли қарорлар қабул қилишни таъминлайди (2.1-жадвал).

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларида харажатларнинг батафсил ҳисоби тавсия этилаётган «Сут йўналишидаги қорамолчиликда қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисоби қайдномаси»да юритилиб, унда ишлаб чиқариш харажатлари юқоридаги моддалар бўйича гурӯхланиб, аналитик ҳисоб объектлари ва таркибий бўлинмалар бўйича тузилади ҳамда хужжатлар айланиш графикига мувофиқ белгиланган муддатда бухгалтерияга топширилади. Бу қайдномада харажатларнинг миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ёзиладиган қаторлар, ҳисоб объектлари ва таркибий бўлинмаларни ёзиш учун эса тегишли графалар

ажратилган.

**2.1-жадвал**  
**«МЕННАТ ВАХТЛИ СУТ» МЧЖда «Сут йўналишидаги қорамолчиликка  
 қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисоби  
 ҚАЙДНОМАСИ» (тавсия)<sup>55</sup>**

2021 январ ойи

Харажатлар	Аналитик ҳисоб объектлари								дебет жами	Счёт-лар боғла-ниши
	Узок муддатли биологик активлар-хайвонлар				Жорий биологик активлар-хайвонлар		ва ҳ.к.			
	йил боши	оий-лик	жами	йил боши	Оий-лик	жами				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
<b>I. ХАРАЖАТЛАР</b>										
1	Мехнат ҳақи	1264000		1264000	650000		650000		1914000	6710
2	Ижтимоий солиқ (12 %)	316000		316000	162500		162500		478500	6520
3	Озуқалар	2588000		2588000	1168400		1168400		3756400	1010
4	АВ эскириши	247000		247000	250100		250100		497100	0200
5	АВ жорий таъмири	241500		241500	148200		148200		389700	6010
6	Автотранспорт	530000		530000	140000		140000		670000	2310
7	Бошқа харажатлар	277500		277500	13000		13000		300500	1010
	<b>Жами, сўм</b>	<b>5464000</b>		<b>5464000</b>	<b>2532200</b>		<b>2532200</b>		<b>7996200</b>	<b>X</b>
<b>II. ОЛИНГАН МАҲСУЛОТЛАР</b>										
8	СУТ, ц	368,8		368,8					368,8	X
9	қиймати, сўм	4425300		4425300					4425300	2810
10	БУЗОҚ, бош	30		30					30	X
11	қиймати, сўм	1491700		1491700					1491700	1110
12	Гўнг, сўм	50000		50000					50000	2011
13	Кўшилган вазн, ц				26,0		26,0		26,0	X
14	қиймати, сўм				2597000		2597000		2597000	1110
15	Гўнг, сўм				43440		43440		43440	2011
	<b>Жами, сўм</b>	<b>5967000</b>		<b>5967000</b>	<b>2640440</b>		<b>2640440</b>		<b>8707440</b>	<b>X</b>

Рахбар \_\_\_\_\_ Б.Б.Туляганов Бухгалтер \_\_\_\_\_ Т.Рахматходжаев “\_\_\_” 2021 й.

Ишлаб чиқариш харажатлари қайдномага икки хил: йил бошидан ҳисобот ойигача ва ҳисобот ойида каби кўрсаткичлар қўринишида ёзилади.

Бу эса, харажатларни назорат қилиш ва йил давомидаги ҳамда йиллик бухгалтерия ҳисботини тузишда маҳсулот таннархини ҳисоблаш имконини яратади.

Қайднома уч қисмдан иборат бўлиб, бир йилга очилади. Унинг биринчи, «Чорвачилик маҳсулоти етиштириш харажатлари» бўлимида барча техник-

<sup>55</sup> «Mehnat Baxtli Sut» МЧЖ маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.

иқтисодий кўрсаткичлар (ишланган киши-соат, озиқ-кунлар, сарфланган ем-хашаклар) ва бошқа харажатлар чорвачилик ҳисоб гурухлари бўйича бир тизимга келтирилган. Бу бўлимда ойлик харажатлар асосий харажат моддалар бўйича гурухланиб акс эттирилади. Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, амортизация ажратмалари, инвентар ва хўжалик жиҳозлари сарфи кабилар алоҳида кўрсатилади. Харажатлар тўғрисидаги жами маълумотлар бир ойлик ва йил бошидан ўсиб бориш тартибида акс эттирилади.

Қайдноманинг иккинчи «Чорвачилик маҳсулотлар чиқиши» бўлимида чорвачилиқдан олинган асосий ва ёрдамчи маҳсулотлар турлари, миқдори ва режа таннархи ёки шартнома баҳоси бўйича аниқланган қиймати, яъни 2012-«Чорвачилик ишлаб чиқариши» счётининг кредити ва бошқа корреспонденцияланувчи (1010-1090, 2010, 2810 ва б.) счётларнинг дебетига ёзиладиган кўрсаткичлар акс эттирилади.

Бу бўлима акс эттирилган маълумотлар «Моддий бойликларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» (121-шакл), «Ҳайвон ва паррандаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» (102-шакл), «Ҳайвонларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» (34а-шакл), «Соғилган сутни ҳисобга олиш журнали» (112-шакл) ва шунга ўхшаган ҳужжатларда, ҳисобот даври ичida акс эттирилган кўрсаткичларга teng бўлиши керак.

Бу ҳужжатнинг учинчи бўлими муомалаларни ой охирида 2012-«Чорвачилик ишлаб чиқариши» счётининг кредитидан бошқа корреспонденцияланувчи счётларнинг дебетига ёзиш учун мўлжалпанган. Ой охирида бу маълумотлар тегишли журнал-ордерга ўтказилади.

Агар фермер хўжалиги бир нечта тармоқлар ва бўлинмаларга эга бўлса, уларнинг ҳар бири учун бундай қайднома алоҳида юритилиб, ой охирида хўжалик бўйича йиғма қайднома тузиш тавсия этилади.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини қўпайтириш, сифатини яхшилаш ва маҳсулот таннархини пасайтиришда ишлаб чиқариш хорижий инвестициялар ҳисобига саноат асосида ташкил этилган ихтисослаштирилган

чорвачилик хўжаликларининг аҳамияти каттадир. Бундай хўжаликлар акциядорлик жамиятлари ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига ташкил этилган қўшма корхоналар сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

Ихтисослаштирилган чорвачилик хўжаликларида озуқа цехларида бошқарув ҳисобига зарурлиги учун озуқа тайёрлаш харажатлари алоҳида ҳисоб объектига ажратилиб ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Айрим ихтисослаштирилган чорвачилик хўжаликларида дастлабки ҳисобни ташкил этишда ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Масалан, боқувдаги ҳайвонларни етиштирадиган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда бошлангич ҳисоб ҳужжатларнинг қўйидаги шаклларидан фойдаланилади: «Чорва моллари ҳаракати ва ем-хашак сарфини ҳисобга олиш варақаси» (97а-шакл), «Чорва молларининг нобуд бўлиши ва сўйилишини ҳисобга олиш варақаси» (100а-шакл), «Чорва моллари харажати ҳисобининг йиғма қайдномаси» (346-шакл) ва «Чорва молларининг нобуд бўлиши ва сўйилиши ҳисобининг йиғма қайдномаси» (34в-шакл). Юқорида номи келтирилган ҳужжатлар йиғма ҳисоб регистрини тузишда асос бўлади.

Чорвачиликда биологик активлар ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида биринчидан, биологик активларни асосий воситалар таркибидан ажратган ҳолда алоҳида «Узоқ муддатли биологик активлар» ҳамда жорий активлар таркибида кирувчи қисмини «Жорий биологик активлар» сифатида ҳисобга олиш ва унинг таркибини белгилаш лозим. Чунки, ишчи ҳайвонлар, мева берадиган кўп йиллик ўсимликлар биологик актив ҳисоблансада, уларнинг ҳисоби 16-сонли «Асосий воситалар» номли молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти билан тартибга солинади.

Иккинчидан, биологик активларни ҳисобга олишда фойдаланиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсатининг ишчи счёtlар иловасига қўйидаги ишчи счёtlарни киритган ҳолда шакллантириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади (2.2-жадвал).

## 2.2-жадвал

### **Биологик активларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган счёtlар тизими**

Амалдаги 21-сон БХМС бўйича		Тавсия*	
0100-Асосий воситалар		1600 - Узоқ муддатли биологик активлар	
0170	Махсулдор ҳайвонлар	1610	Ўсимликлар
0180	Кўп йиллик ўсимликлар	1620	Ҳайвонлар
		1630	Биологик активларнинг эскириши
		1640	Биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв
1100 - Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счёtlар		2600 – Қисқа муддатли биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	
		2610	Ўсимликлар
1110,	Ўстиришдаги ҳайвонлар	2620	Ҳайвонлар
1120	Бўрдоқидаги ҳайвонлар	2630	Йигиш пайтидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти
		2640	Биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв

\*счёtlар рақами хўжалик субъекти томонидан ишлаб чиқилган ишчи счёtlар режасига мувофиқ шакллантирилиши мумкин.

21-сонли БХМСга ишчи счёtlарни киритиш бўйича қуидаги таклифлар берилади (2.3-жадвал).

## 2.3-жадвал

### 21-сонли БХМСга ишчи счёtlарни киритиш бўйича таклифлар

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Кутилаётган натижа
I қисм. Узоқ муддатли активлар. I-бўлим. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар	<b>I ҚИСМ. АКТИВЛАР.</b> <b>I-бўлим. Узоқ муддатли активлар</b>	
1-§. Асосий воситалар (0100)	<b>Узоқ муддатли биологик активлар (1600)</b>	
19. 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счётида ишчи ҳайвонлар ва маҳсулдор ҳайвонлар ҳисобга олинади. 20. 0180 «Кўп йиллик ўсимликлар»	<b>19. 1610 «Узоқ муддатли биологик активлар-ўсимликлар» счётида кўп йиллик ўсимликлар, мевали ва манзарали дараҳтлар, яшил деворлар ва бошқалар ҳисобга олинади.</b> <b>20. 1620 «Узоқ муддатли биологик активлар - ҳайвонлар»</b>	Бухгалтерия ҳисоби юритилишини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштириш нуқтаиназаридан янги ҳисоб обьекти сифатида биологик активларни

<p>счётида кўп йиллик ўсимликлар хисобга олинади.</p>	<p><b>счётида биологик активлар, яъни ҳайвонлар хисобга олинади.</b></p> <p><b>21. 1630 «Биологик активларнинг эскириши» счётида биологик активларнинг эскириши хисобга олинади.</b></p> <p><b>22. «Биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв» счётида қадрсизланиш бўйича резерв хисоби юритилади.</b></p>	<p>хисобга олиш йўлга қўйилади. Хусусан, чорвачиликдаги ва ўсимликичиликдаги узок муддатли биологик активларни хисобга олиш, Биологик активларнинг эскириши, Биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв хисоби ташкил этилади.</p>
---	---	---

#### **Иккинчи қисм. Жорий активлар. II-бўлим. Товар-моддий захиралари**

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Кутилаётган натижа
<p>Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни хисобга оловчи счёtlар (1100)</p>	<p>2600 - Жорий биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти</p>	<p>Халқаро стандартларга уйғунлашиш мақсадида жорий биологик активларни хисобга олиш имконияти вужудга келиши учун 2600-Жорий биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, счётини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.</p>
<p>Ўстиришдаги ҳайвонлар (1110)</p> <p>Боқувдаги ҳайвонлар (1120)</p>	<p>Жорий биологик активлар - ҳайвонлар (2620), Йиғиш пайтидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (2630), Биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв (2640)</p>	<p>Мазкур таклиф ўстиришдаги биологик активлар, боқувдаги биологик активларни хисобини юритишида фойдаланилади. Чорвачилик хўжаликларида жорий биологик активлар, йиғиш пайтидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв ҳақида аниқ маълумотларнинг шаклланишини ва у асосида тўғри бошқарув қарорлари қабул қилинишини таъминлайди.</p>
<p>3-§. Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни хисобга оловчи счёtlар (1500)</p>	<p><b>Товар-моддий қийматликларни тайёрлаш ва харид қилишни хисобга оловчи счёtlар (1530)</b></p>	<p>Товар-моддий қийматликлар таркибига: материаллар, товарлар, ўстиришдаги ва</p>

		бокувдаги биологик активлар ҳамда бошқа товар-моддий қийматликлар киришини эътиборга олиб, 1500-счётни “Товар-моддий қийматликларни тайёрлаш ва харид қилиш” деб номлаш мақсадга мувофик ҳисобланади.
112. Айланма маблағларга тааллукли бўлган моддий қийматликларни тайёрлаш ва сотиб олиш тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётида амалга оширилади.	112. Товар-моддий қийматликларни тайёрлаш ва харид қилиш билан боғлиқ харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счёtlарда амалга оширилади:  1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»; 1520 «Товарларни тайёрлаш ва харид қилиш»; <b>1530 «Ўстиришдаги ва бокувдаги биологик активларни харид қилиш»;</b> 1590 «Бошқа товар-моддий қийматликларни харид қилиш».	Ушбу таклиф товар-моддий қийматликларни тайёрлаш ва харид қилиш билан боғлиқ харажатларни уларнинг турлари бўйича тўғри туркумлаган ҳолда ҳисобга олиш имконини беради. Бу эса, бошқарув таҳлили тўғри ташкил этилиши ва унинг асосида оқилона бошқарув қарорлари қабул қилинишини таъминлайди.
	<b>1530 «Ўстиришдаги ва бокувдаги биологик активларни харид қилиш» счётининг дебетида бокувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, яроқсизга чиқарилган катта ёшдаги чорва моллари ва сотиш учун четдан қабул қилинган чорва молларини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.</b>  <b>1530 «Ўстиришдаги ва бокувдаги биологик активларни харид қилиш» счётининг кредитига харид қилинган ўстирувдаги ва бокувдаги ҳайвонларни харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобланган қиймати ўстирувдаги ва бокувдаги ҳайвонларни ҳисобга олувчи счёtlар (1100) билан боғланган ҳолда ва бошқа чиқиб кетиш (ўғирлик, нобуд бўлиши, камомад ва бошқа) сабаблари бўйича давр харажатларига олиб</b>	Товар-моддий қийматликларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган тегишли счётнинг дебетида ва харажатларнинг хусусиятига кўра, бошқа счёtlарнинг кредити билан боғланган ҳолда бошқа чиқиб кетиш (ўғирлик, табиий камайиш, камомад ва бошқа) сабаблари бўйича давр харажатларига олиб борилиши таъминланади. Бу албатта, товар-моддий қийматликлар таннархини тўғри шакллантириш ва ахборотдан фойдаланувчиларни ишончли маълумотлар билан таъминлаш имконини беради.

	<p><b>борилади.</b></p> <p><b>Товар-моддий қийматликларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олуви счёtlар (1500) бўйича аналитик ҳисоб товар-моддий қийматликларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади.</b> Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил этилиши харажатлар ҳақида маълумот олиш имконини бериши лозим</p> <p>-</p>	<p>Товар-моддий қийматликлар бўйича ҳисобнинг мазкур тартибда ташкил этилиши, ҳар бир товар-моддий қийматлик бўйича аналитик маълумотларнинг тўғри шакллантирилишини таъминлайди.</p>
--	--	---

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур таклифнинг билдирилиши ўстиришдаги ва боқувдаги биологик активларни харид қилиш вақтида уларни таннархини топиш бўйича қўшимча ҳисоб-китобларга зарурат қолдирмайди (2.4-жадвал).

#### 2.4-жадвал

#### 1530 «Ўстиришдаги ва боқувдаги биологик активларни харид қилиш» счёting мазмунини билан корреспонденцияси

т/р	Операциянинг мазмуни	Дебет	Кредит
1	Боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, яроқсизга чиқарилган катта ёшдаги чорва моллари ва сотиш учун четдан қабул қилинган чорва молларини сотиб олиш харажатларига олиб борилиши	1530	6010
2	Ўстиришдаги ва боқувдаги биологик активларни харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобланган қиймати ўстиришдаги ва боқувдаги биологик активларни ҳисобга олуви счёtlарнинг дебетига олиб борилиши	1110, 1120	1530
3	Ўстиришдаги ва боқувдаги биологик активларнинг бошқа чиқиб кетиш (ўғирлик, нобуд бўлиши, камомад ва бошқа) сабаблари бўйича давр харажатларига олиб борилиши	9430	1530

Яъни, ўстиришдаги ва боқувдаги биологик активларнинг харид қийматидан ташқари уни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳамда 4-сонли БҲМСнинг 14 - бандига мувофиқ қўшимча ишлов бериш ва уларни яроқли ҳолга келтириш бўйича ишлар билан боғлиқ харажатлар 1530-счётда тасдиқловчи ҳужжатлар асосида умумлаштирилганлиги боис, уларни ўстиришдаги ва боқувдаги биологик активлар ўртасида тўғри тақсимлаш имконини берди.

## **2.3. Биологик активлар ҳисобининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш**

Халқаро ҳамжамиятга интеграциялашув шароитида хўжалик юритувчи субъектларда ҳисобни юритишни молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳисобни юритишга асос бўлувчи миллий стандартларда биологик активлар тушунча ва унинг мазмуни очиб берилмаган, лекин халқаро стандартларда мазкур тушунча ва унинг мазмуни очиб берилган, хусусан 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» БҲҲСда «Биологик активлар»га нималар кириши ва ҳисобда акс эттирилиши келтирилган.

«Биологик активлар» тушунчасига бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ҳамда иқтисодий адабиётларда мазмунан бир-бирига яқин, лекин турлича таъриф ва ёндашувлар билдирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисоби стандарти (5-сон БҲС) «Қишлоқ хўжалиги» га кўра: «биологик актив - ҳайвонлар ва ўсимликлар; биологик актив гурухлари – ўхшаш хусусиятларга эга ҳайвонлар ва ўсимликларнинг жамланмаси; етилган биологик активлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулотини йиғиб олиш мумкин бўлган даражага етган (фойдаланиладиган (истеъмол қилинадиган) биологик активларга нисбатан қўлланиладиган) ёки уларни мунтазам равища йиғиши (олишни) таъминлаши мумкин бўлган (унумдор биологик активларга қўлланиладиган) активлар»<sup>56</sup> деб келтирилган.

Хорижлик соҳа мутахассиси Н.Н.Агошкова «Биологик активлар ҳисобини такомиллаштиришга асос сифатида, уларни таснифлаш хизмат қилиши мумкин деб ҳисоблайди»<sup>57</sup>.

Соҳа мутахассислари А.Т.Макулов ва Н.А.Бойболтаевлар фикрича, биологик активларни тан олишда 41-сон БҲҲСга қўйидаги қўшимча мезонларни киритиш лозим. «- актив корхонанинг қишлоқ хўжалиги

<sup>56</sup> Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисоби стандарти (5-сон БҲС) «Қишлоқ хўжалиги».

<sup>57</sup> Агошкова Н.Н. Методологические аспекты учета воспроизведения биологических активов // Аграрная Россия. -2012. -№7. -4-5 с.

фаолиятида фойдаланилиши шарт; -актив бошқа корхоналарга берилиши ёки ижарага қабул қилиниши мүмкін»<sup>58</sup>.

Биологик активларни ҳаққоний қиймати бүйича бағолаш бир қатор устунликтарга эга ҳамда уни мамлакатимиз қишлоқ хұжалик корхоналари ҳисоб амалиётига жорий қилиш катта истиқболға эга. Республикасында «Қишлоқ хұжалиги» номлы 41-сон БХХСни тұлақонли құллаш учун бухгалтерия ҳисоби тизими бир неча асосий жиҳатлар бүйича ислоҳ қилиниши зарур.

«Қишлоқ хұжалиги» номлы 41-сон БХХСни құллашда услугий жиҳатлари муҳим аҳамият қасб этади. Биологик активлар ва уларнинг биотрансформацияси натижалари ҳисоби бүйича миллий тармоқ стандартларини ишлаб чиқиб, биологик активлар тушунчасини норматив жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур. Биологик активлар ҳисоби бүйича миллий тармоқ стандартини ишлаб чиқиш мақсадлари учун тармоқ ҳисоби амалиётида маълумотларнинг сифат даражасини оширишга имкон берувчи қуйидаги тушунчалар илмий асосланиши ва аниқлаштирилиши керак: актив бозор; биотрансформация; узоқ муддатли ва қысқа муддатли биологик активлар; үстиришдаги ва бокувдаги ҳайвонлар; қишлоқ хұжалик маңсулотлари ҳосили; қишлоқ хұжалик фаолияти; ҳақиқий қиймат.

Юқоридаги тушунчалар ҳамда бир қатор ҳисоб категориялари ва фаолият турларига қуйидагича муаллифлик ёндашуви таклиф қилинди ва асосланди (2.5-жадвал).

Таклиф қилинаётган ушбу тушунчалар тавсифи аниқлиги ва миллий ҳисоб стандартларига мөс келиши билан ажралиб туриши биологик активлар ва қишлоқ хұжалиги фаолияти бүйича соҳа стандартини ишлаб чиқиш ҳамда аграр корхоналар амалиётида құллашга имкон беради.

---

<sup>58</sup> Макулова А.Т., Бойболтаева Н.А. Проблемы учета биологических активов и сельскохозяйственной продукции в Республике Казахстан в соответствие с требованиями МСФО (IAS) 41 «Сельское хозяйство». – Таврийский государственный агротехнологический университет, 2014.

## 2.5-жадвал

### **Биологик активлар ҳисоби бўйича миллий тармоқ стандартини ишлаб чиқиш учун таклиф қилинаётган тушунчалар ва уларнинг тавсифи<sup>59</sup>**

Тушунчалар	Тавсифи
Биологик активлар	Қишлоқ хўжалик корхоналарига мулк ҳукуқига кўра тегишли бўлган (эгалик қилиш, фойдаланиш) келгусида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ёки қўшимча биологик активлар кўриннишида иқтисодий наф олиш мақсадида фойдаланиладиган чорва моллари ва ўсимликлари
Ҳаққоний қиймат	У ёки бу активнинг очик бозор иштирокчилари ўртасида савдо битимларининг ахлоқий ва ҳукуқий меъёрларига риоя қилинган ҳолда ўрнатилган пул ифодасидаги қийматини ифодаловчи кўрсаткич
Қишлоқ хўжалиги фаолияти	Биологик активлардан иқтисодий фойда олиш мақсадида улардан янги турдаги биологик активлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиш учун уларга онгли равишда таъсири қилиш
Био-трансформация	Табиий биологик жараёнлар (ўсиш, дегенерация, такрор ишлаб чиқариш) натижасида биологик активларда сифат ёки микдорий ўзгаришлар содир бўлиши
Фаол бозор	Сотувчи ва харидор ўртасида актив ёки қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматини ишончли баҳолашга имкон берувчи ҳамда битим тузиладиган озиқ-овқат майдончаси
Узок муддатли биологик активлар	12 ойдан ошиқ бўлган вақт давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва/ёки қўшимча биологик активлар бериши имконига эга бўлган ҳамда бу вақт давомида сотиш режалаштирилмаган биологик активлар
Қисқа муддатли биологик активлар	12 ойдан ошмайдиган вақт давомида тайёр маҳсулот бериши мумкин бўлган биологик активлар, шунингдек ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар
Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар	Биотрансформация жараёнлари натижасида сифат ёки микдорий хусусиятлари ўзгаришига учрайдиган тирик ҳайвонлар
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йиғими	Биологик активларнинг ҳаёти давомида ёки ҳаёт фаолияти тугаси натижасида маҳсулотлар олинниши

Республикамизда бугунги кунгача бошланғич ҳисоб хужжатларида, ҳисоб регистрларида, бухгалтерия ҳисоби юритишида ҳамда молиявий ҳисботни тайёрлашда биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳақида маълумотларни шакллантириш масаласи етарлича даражада кириб чиқилмаган. Мазкур масала биологик активлар ҳақидаги маълумотларни ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобга олинмаган бухгалтерия ҳисоби счёtlарига

<sup>59</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

ҳам, қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантириш масалаларига ҳам тегишли ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисоб сиёсатининг биологик активларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришг тартиби ва ушбу биологик активларни баҳолаш юзасидан ишлаб чиқилган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва шакллари рўйхатида берилишига эътибор қаратиш керак бўлади.

41-сон «Қишлоқ хўжалиги» номли БҲҲСга асосан биологик активлар ҳисбот тузиладиган ҳар бир санада қайта баҳоланиши мақсадга мувофиқ бўлади, бу эса биологик активлар тўғрисидаги маълумотлар ва кўрсаткичларнинг тўғри ҳисобга олинганлигини аниқлаш учун улар белгиланган муддатларда инвентаризация қилиш лозим.

Умуман олганда, амалда бўлган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисбот тузиш шакллари биологик активларнинг ҳам, сут, олинган насл ва бошқалар каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳам ҳақиқий қиймати тўғрисида ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ маълумотларни шакллантириш имкониятини бермайди. Бу эса, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда ҳисоб юритиш сиёсати ва унинг иловасида келтирилиши лозим бўлган молиявий ҳисбот шаклларини шакллантиришга зарурят пайдо бўлмоқда. Бизнинг ўйлашимизча, ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатининг биологик активлар бухгалтерия ҳисоби ва баҳолаш қисми ихтисослашган сут қорамолчилиги корхоналари ҳисоб сиёсатининг лойиҳаси («Биологик активлар ҳисоби» бўлими)да келтирилиши зарур.

намуна

Тошкент вилояти Қибрай тумани «Азизжон» фермер хўжалигининг  
2021 йил учун ҳисоб юритиш сиёсати тўғрисида»ги \_\_\_-сонли буйруғи

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 йил

Хўжаликда биологик активларни ҳисобга олиш масалалари

1. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активларни актив сифатида тан олиш масалалари.

1.1. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик актив сифатида тан олинади, қайсики асосий воситалари таркибидаги фойда олиш кутилаётган ва ўн икки ой ичида сотилиши кутилмаётган узок муддат фойдаланиладиган активларни олиш мумкин.

1.2. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда реализация қилиш учун мўлжалланган биологик активлар, тайёр маҳсулот сифатидаги биологик активларга киритилиши лозим.

1.3. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда аҳолидан қайта сотиш учун олинган биологик активлар товар сифатида кирим қилинади ва ҳисобда акс эттирилади.

1.4. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда асосий подага ўтказиш режалаштирилган ўстиришдаги биологик активлар қисқа муддатли биологик активлар сифатида қаралади ва ҳисобга олинади.

2. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активларни баҳолаш масалалари.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активлар қуидаги баҳоларнинг бири бўйича баҳоланиши лозим: мол етказиб берувчилардан харид қилинган биологик активлар ҳақиқий қиймати бўйича баҳоланади; биологик активлар қиймати дисконтлаш методи бўйича баҳоланади, агар актив бозор маълумотлари асосида ҳақиқий қийматни ҳисоблаш имконияти бўлмаган ҳолларда юқоридагидек баҳолашлар амалга оширилади.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активлар

хўжалик устав капиталига улуш сифатида биологик активлар олинганида кейинчалик ҳақиқий қиймат бўйича қайта баҳоланадиган қийматда ҳисобга олиб борилиши лозим.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда қайтариб бермаслик шарти билан ёки текинга олинган биологик активлар шартнома қийматида, яъни ҳақиқий қиймати бўйича баҳоланади.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда ижара шартномаси бўйича биологик активлар олинганида, биологик активлар икки томонлама шартномада кўзда тутилган шартларда, яъни шартномада келтирилган баҳоларда баланс ёки балансдан ташқари счёtlарга кирим қилинади.

3. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активларнинг бухгалтерия ҳисобига кирим қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши масалалари.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда ҳисоб сиёсатига илова сифатида бериладиган бошланғич ҳисоб ҳужжатларига асосан биологик активлар бухгалтерия ҳисобига кирим қилинади. Биологик активларнинг ҳисобдан чиқарилиши ҳам бошланғич ҳисоб ҳужжатларига кўра амалга оширилади. Хўжалиқда раҳбар томонидан тасдиқланган комиссия биологик активларнинг ҳисобдан чиқарилишини амалга оширади.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда амалдаги қонунчиликка мувофиқ биологик активларнинг ҳисобдан чиқарилиши асосида тайёр маҳсулотлар ҳисобга қабул қилиниши ёки қайта ишланган тайёр маҳсулот сифатида ҳисобга қабул қилиниши мумкин. “Биологик активлар ҳақиқий қийматини қайта баҳолашдан бошқа харажатлар” счётида хўжалиқда биологик активларнинг чиқиб кетишида вужудга келган харажатлар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активлар бухгалтерия ҳисобига кирим қилиниши ва ҳисобдан чиқиб кетишида ҳақиқий қийматни баҳолашнинг салбий ёки ижобий фарқлари тегишли равишда бошқа харажатлар ва даромадларга олиб борилиши лозим. Хўжалиқда биологик

активлар бухгалтерия ҳисобига кирим қилинишида харажатлар “Биологик активлар ҳақиқий қийматини қайта баҳолашдан бошқа харажатлар” счётига ва биологик активлар ҳисобдан чиқиб кетишидан даромадлар “Биологик активлар ҳақиқий қийматини қайта баҳолашдан бошқа даромадлар” счётида акс эттирилиши лозим.

4. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг олиниши масалалари.

Биологик активлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг олиниши «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳақиқий қиймат бўйича дастлабки тан олишдан харажатлар» счётига кирим қилинади. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда тайёр маҳсулотларнинг олиниши юқорида келтирилган счётнинг кредитига ва «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счётининг дебетига ёзиш билан икки ёқлама ёзув усулида акс эттирилади. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда маҳсулотларни кирим қилишда «Тайёр маҳсулотларни бериш юк хати» бошланғич ҳисоб ҳужжати тузилади.

5. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активларни қайта баҳолаш натижаларини акс эттириш масалалари.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активларни қайта баҳолаш масаласи ҳисбот йили охирида кшриб чиқилади. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активни қайта баҳолашда олдин инвентаризация ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активлар инвентаризацияси хўжалик раҳбари томонидан тасдиқланган буйруққа асосан комиссия томонидан, одатда бухгалтер, икки нафар комиссия аъзоси ҳамда биологик актив бўйича моддий жавобгар шахс иштироқида ўтказилади.

6. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда маълумотларни очиб бериш масалалари.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активлар тўғрисидаги ахборотлар бухгалтерия ҳисботининг тегишли шакллари бўйича

маълум гурухлар кесимида акс эттирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бухгалтерия ҳисботига тушунтириш хатида биологик активлар тўғрисида уларни чорвачилик соҳаси юзасидан тўғри ва тўлиқ ахборот берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чорвачилик тармоғи бўйича фойдаланиш муддати, маҳсулдорлик даражаси, балансга нисбатан, мулкчилик бўйича гурухлашларни амалга ошириш керак бўлади.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активлар тўғрисида ахборотларни шакллантириш бухгалтериядаги алоҳида бўлим бухгалтерлари назорат қилиши лозим бўлган сермеҳнат жараён бўлиб, улар ҳақидаги маълумотлар бошланғич ҳисоб ҳужжатларида, уларни қайта баҳолашни ҳисобга оладиган ва тегишли бухгалтерия ҳисоби счёtlарида акс эттирилади.

Хўжаликнинг биологик активлар бўйича ҳужжатлар айланиш графигида биологик активларни ҳисобга оладиган барча бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг айланиши эътиборга олиниши лозим. Хўжаликда биологик активларни ҳисобга олиш худди асосий воситаларни ҳисобга олиш тартиби билан ўхшаш жиҳатлари бўлишига қарамасдан, асосий воситалар ҳисобини амалга оширувчи бухгалтерга биологик активлар ҳисобини юритиш вазифасини юклаш бухгалтерия ҳисоби ишларини мураккаблаштиради ҳамда ҳисоб ва бухгалтерия ҳисботи ахборотларининг чалқашувига ва аралашиб кетишига сабаб бўлади.

Хўжалик томонидан фойдаланиш давомида соф фойда олиш мўлжалланган ва етарлича аниқликда ҳақиқий қийматини ҳисоблаш мумкин бўлган ҳайвонлар биологик активлар сифатида ўтган давр ҳодисалари натижаси сифатида акс эттирилади. Шу билан бирга, хўжалик томонидан ушбу активлардан ўн икки ойдан ошиқ фойдаланишни режалаштириш шартини ҳам ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли биологик актив талаби ҳам бажарилиши лозим.

Сотишга мўлжалланган биологик активлар сотиш харажатларини чегириб ташланган ҳолда ҳақиқий қиймати бўйича баҳоланиши 41-сон «Кишлоқ хўжалиги» номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида

белгиланган. Хўжаликда биологик активларнинг ҳақиқий қийматини ҳисоб-китоб қилишда транспорт харажатларини ҳам ҳисобга олиш лозим, сабаби бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш турли хил географик минтақаларда жойлашиши мумкин. Умуман олганда, амалдаги бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасида биологик активларнинг кирим қилиниши ва ҳисобдан чиқарилишини ҳисобга олувчи счёtlар келтирилмаган.

Шу боисдан, хўжаликнинг ҳисоб сиёсатига киритиш учун бухгалтерия ҳисоби намунавий ишчи счёtlар режасига қуйидаги ишчи счёtlарни киритишни таклиф этамиз (2.3-жадвал):

Биологик активларни кирим қилишда пайдо бўладиган салбий ёки ижобий фарқларни ҳисобга олиш тартибини хўжаликнинг ҳисоб юритиш сиёсатида акс эттириш керак.

Хўжаликнинг ҳисоб юритиш сиёсати - бу хусусий капитал, мажбуриятлар, активлар, хусусан биологик активлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисбот тузиш бўйича йўриқномадир. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда биологик активлар тўғрисидаги ахборотлар қандай акс эттирилиши юзасидан тасаввур, билим ва кўникуммага эга бўлиш зарур ҳисобланади. Корхона молия-хўжалик фаолияти-нинг якуний натижасини аниқлашда тўғри йўлга қўйилган бухгалтерия ҳисоби катта аҳамият касб этади. Юқорида тавсия этилган таклифлар, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда ишлаб чиқариши самарадорлигини кўпайтириш имконини беради.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги ҳосилининг актив бозорини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларга жуда муҳим муаммолар сифатида алоҳида эътибор қаратиш лозим.

## 2.3-жадвал

### Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасига қўшимча ишчи счёtlарни киритиш ва аналитик счёtlар очиш бўйича таклифлар (тавсия)<sup>60</sup>

Счёtlар номланиши	Счёtlар рақами	Счёт тури	Аналитик счёт рақами ва номи
<i>I ҚИСМ. АКТИВЛАР</i>			
<i>1-бўлим. Узоқ муддатли активлар</i>			
Узоқ муддатли биологик активлар	1600	A	
Ўсимликлар	1610	A	161001. Ўсимликлар
Ҳайвонлар	1620	A	162001. Маҳсулдор ҳайвонлар 162002. Ишчи ҳайвонлар
Биологик активларнинг эскириши	1630	КА	163001. Ўсимликлар эскириши 163002. Маҳсулдор ҳайвонлар эскириши 163003. Ишчи ҳайвонлар эскириши
Биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв	1640	КА	164001. Ўсимликлар қадрсизланиши бўйича резерв 164002. Маҳсулдор ҳайвонлар қадрсизланиши бўйича резерв 164003. Ишчи ҳайвонлар қадрсизланиши бўйича резерв
<i>2-бўлим. Қисқа муддатли активлар</i>			
Қисқа муддатли биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	2600	A	
Ўсимликлар	2610	A	261001. Ўсимликлар
Ҳайвонлар	2620	A	262001. Ўстиришдаги ҳайвонлар 262002. Боқувдаги ҳайвонлар
Биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв	2630	КА	263001. Ўсимликлар қадрсизланиши бўйича резерв 263002. Ўстиришдаги ҳайвонлар қадрсизланиши бўйича резерв 263003. Боқувдаги ҳайвонлар қадрсизланиши бўйича резерв
Йигини пайтидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	2640	A	264001. Йигини пайтидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти
<i>II ҚИСМ. МАЖБУРИЯТЛАР</i>			
...	...	...	...
<i>III ҚИСМ. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ</i>			
...	...	...	...
<i>IV ҚИСМ. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ</i>			
...	...	...	...
<i>V ҚИСМ. БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁTLAR</i>			
...	...	...	...

Мазкур муаммонинг мавжудлиги, биологик активлар бўйича нафақат норматив ҳужжатлар, балки ҳукуқий, ахборот ва соҳанинг ўзига хос жиҳатларига ҳам бевосита таъсир қилиши мумкин. Актив бозор чорвачилик хўжаликлари биологик активларининг ҳақиқий қийматини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу боисдан, мазкур муаммога норматив-ҳукуқий

<sup>60</sup> Муаллиф томонидан тузилган

томонидан ва умуман, комплекс ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда актив бозорларнинг фаолият кўрсатишининг мезонлари сифатида қуийдаги мезонларни келтириш лозим: чоавчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар томонидан баҳоларни эълон қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги; ҳар бир бозор иштирокчиларининг мазкур актив бозорда эркин қатнашиши ҳуқуқининг борлиги; чорвачилик хўжаликлари ва бошқа корхоналар ўртасидаги битимлар ҳақида ишончли ахборотлар билан таъминлаш ҳуқуки мавжудлиги.

Умуман олганда, мінтақалар кесимида тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар, бу актив бозорлар томонидан эълон қилинаётган маълумотлар бўлиши лозим. Агар тармоқда бундай маълумотлар тақдим этилиши жуда муҳимдир. Чорвачилиқда пировард натижада баҳо шакллантиришга етиштирилаётган маҳсулотнинг сифатли эканлиги сезиларли таъсир кўрсатади.

Хорижлик иқтисодчи олимлар Л.И.Хоружий, Т.А.Суслов, А.Е.Выручаевалар томонидан актив бозорларни мінтақалар бўйича чеклаш чуқур тадқиқ қилинган ва ўрганилган. Юқорида исми-фамилияси қайд этилган илмий-тадқиқотчилар ҳаққоний равишда актив бозорлар устидан назорат зарур эканлиги таъкидланган ва илмий асосланган.

Ахборот технологияларининг сифат жиҳатидан юксалиши натижасида иқтисодиёт тармоқлари, хусусан аграр соҳа ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган ҳолда аҳамияти кун сайин ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда доимий равишда у ёки бу турдаги биологик активнинг қийматини аниқлаш мақсадида ахборот технологияларидан кенг ва самарали фойдаланишга зарурат юзага келмоқда. Айниқса, биологик активларнинг ҳақиқий қиймати бўйича баҳони аниқлашда ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг ўрни беқиёс ҳисобланади.

Фойдаланиш учун қулай ва тушунарли интерфейсли ҳар хил дастурий таъминотлар бу ахборот технологиялариdir. Шу билан бирга, мазкур дастурий таъминотлар биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баҳоси ҳақидаги ахборотларни доимий равишда янгилаб бориш имкониятига эгадир. Ахборот технологиялар бозорида ҳар хил спекуляцияларни чеклаш мақсадида мазкур ахборот маҳсулотлари бўлган дастурларни ишлаб чиқувчилар мазкур фаолиятни тартибга солувчи органлар томонидан тегишли рухсатномалар олиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Очиқ бозорларда монопол рақобат шаклланишига йўл қўймаслик учун ҳамда бозорда ижобий рақобатни яратиш мақсадида ушбу меъёрларнинг белгиланиши зарур ҳисобланади.

Шу билан бирга, ахборот технологияларини мустақил баҳоловчилар устидан назорат ўрнатиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, мустақил баҳоловчиларнинг фаолиятини назорат қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Назорат чора-тадбирларга қуидагиларни киради: лицензияни маълум бир муддатга бериш; ҳар йили назорат қилувчи органларга ҳисоботларни топшириш; мажбурий текширув ҳар йили ўтказилиши ва бошқалар. Ушбу тадбирлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида спекуляциялар рискини камайтиришга имкон беради, шунингдек ишончли маълумотлар шаклланишига ёрдам беради.

Ушбу алгоритмда яна бир муҳим таркибий қисм бу ахборот блоки ҳисобланади. Яхши тузилган алоқа тизимисиз фаол бозор фойдаланувчиларининг амалга оширилган битимлар бўйича маълумотлардан фойдаланиши бўйича БХХС талабларини амалга ошириш имконсиз. Бунда қўпинча назорат қилувчи ва бошқа органлар жавобларини узоқ вақт кутишга тўғри келишини ҳисобга олиб, қайта алоқага алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Озиқ-овқат биржаларида ҳар чоракда амалга оширилган битимлар сони ҳақида уларнинг ҳақиқий қийматини кўрсатган ҳолда ҳисбот бериб бориш мақсадида актив бозорнинг «Амалга оширилган битимларнинг етарлича

микдори» мезонини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳисботлар сифатли тайёрланиши ва ҳудудий марказларга тақдим этилиши лозим. Бундан ташқари ушбу ҳисботлар битта қилиб ягона тўпланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, кўрсаткичларнинг бир хиллигини таъминлаш мақсадида битимларни объектлар бўйича гурухлаш автоматлаштиришнинг ҳозирги даврида батафсил ва тўлиқ ҳисботлар тақдим этишда эътибор қаратилиши керак бўлади.

Шу билан бирга, актив бозор иштирокчилари улар асосида амалга оширилган битимлар ҳажми ва уларнинг ишончлилиги бўйича фикр пайдо бўлиши учун бундай ҳисботлар ҳамма учун очиқ бўлиши ва очиқ матбуотга жойлаштирилиши лозим.

Бундан кўринадики, давлат органлари асосий роль эгаллайдиган бозорнинг барча иштирокчиларининг комплекс биргалиқдаги ҳаракатида ҳамда актив бозорларнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатишида мумкин бўлади, деб ҳисоблаш лозим. Биологик активлар, қишлоқ хўжалиги ҳосили ва маҳсулотлари актив бозори шаклланишининг муҳим қисми сифатида юқорида қайд этилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисоблаш мумкин бўлади. Ушбу чора-тадбирлар аграр соҳа ривожланишига қўшимча куч ва туртки беради ҳамда кўрсатилган барча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишларни давлат томонидан молиялаштириш талаб этилади.

Юқорида баён қилинганларни умумлаштирган ҳолда хулоса қилиш мумкин-ки, таклиф қилинган тушунчалар ва уларнинг тавсифи таклиф қилинган назарий ёндашув ва ишлаб чиқилган услубий тавсиялар биологик активлар ва уларнинг биотрансформацияси натижалари билан боғлиқ бизнес жараёнларини янада самарали бошқаришга ва аграр бизнеснинг барқарор ривожланишини рағбатлантиришга ёрдам беради.

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш нуқтаи-назаридан «1 С Предприятие 8» платформасида чорвачилик хўжаликлари бухгалтерия ҳисобини юритиш учун конфигурация ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий

қилинди (2-илова).

## **II боб бўйича хulosса**

Чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш асосида қўйидаги хulosалар шакллантирилди:

1. Сут йўналишидаги қорамолчилик хўжаликларида чорвачилик харажатлари ва олинган маҳсулотлар ҳисобини юритиш учун 2012-«Чорвачилик ишлаб чиқариши» операцион ва таннарх ҳисоблаш счёти очилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу счёт бўйича харажатлар чорвачиликнинг қуи тармоқлари доирасида чорвачиликнинг айрим турлари ва гурухлари сифатида ҳисоб объектларига ажратиб ҳисобга олинади. 2012-счёт бўйича ҳисобга олиш номенклатураси қўйидагича шакллантирилиши лозим:

чорвачиликнинг қорамолчилик йўналишида: -сут йўналишидаги қорамолчиликда: асосий пода, барча ёшдаги ёш чорва моллари ва бўрдоқига боқилаётган чорва моллари, сигир ва гунажинлар даражасида тайёрлаш; -гўшт чорвачилиги йўналишида: асосий пода, саккиз ойликдан катта ўстиришдаги ҳайвонлар ва боқувдаги ҳайвонлар, буқалар: буқаларнинг асосий подаси, боқувга қўйилган ҳар хил ёшдаги бузоқлар ва катта ёшдаги буқалар.

2. Сут йўналишидаги қорамолчиликда қўйидаги номи келтирилган бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг такомиллаштирилган шакли таклиф этилади: «Дагал ва ширали озуқаларни қабул қилиш далолатномаси», «Яйловлардан олинган озуқаларни қабул қилиш далолатномаси», «Озуқаларни ҳисобга олиш қайдномаси», «Сут соғишини ҳисобга олиш журнали», «Чорва наслини киримга олиш далолатномаси», «Чорва молларини гурухдан-гурухга ўтказиш далолатномаси», «Сут ва сут маҳсулотларини жўнатиш (қабул қилиш) юк хати», «Мол ҳайдаш қайдномаси», «...-сонли чорва молларини тортиш қайдномаси», «Кўшилган вазнни аниқлаш қайдномаси», «Сут ҳаракати қайдномаси», «Чорва молларини асосий подадан бракка чиқариш қайдномаси», «Чорва моли ва паррандаларни чиқим қилиш

далолатномаси», «Чорва молларининг сўйилиши ва ҳаром ўлишини ҳисобга олиш ҳисоб-вараги».

3. Биологик активларни ҳисобга олишда фойдаланиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсатининг ишчи счёtlар иловасига қуидаги ишчи счёtlарни киритган ҳолда шакллантириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади: 1600 - Узоқ муддатли биологик активлар: 1610- Ўсимликлар, 1620 – Ҳайвонлар, 1630 - Биологик активларнинг эскириши, 1640 - Биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв; 2600 - Қисқа муддатли биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти: 2610- Ўсимликлар, 2620 – Ҳайвонлар, 2630 - Йиғиш пайтидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, 2640 - Биологик активларнинг қадрсизланиши бўйича резерв

4. Товар-моддий қийматликларни тайёрлаш ва харид қилиш билан боғлиқ харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуидаги счёtlарда амалга оширилиши тавсия этилади: 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш»; 1520 «Товарларни тайёрлаш ва харид қилиш»; **1530 «Ўстиришдаги ва боқувдаги биологик активларни харид қилиш»;** 1590 «Бошқа товар-моддий қийматликларни харид қилиш». Бу эса, ҳар бир товар-моддий қийматлик бўйича аналитик маълумотларнинг тўғри шакллантирилишини таъминлайди. 1530-счёtnинг қўлланилиши ўстиришдаги ва боқувдаги биологик активларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар бўйича аниқ аналитик маълумотларнинг шаклланиши ва тўғри тақсимланиши имконини беради.

5. Биологик активлар ҳисоби бўйича миллий тармоқ стандартини ишлаб чиқиш учун қуидаги асосий тушунчалар ва уларнинг тавсифи шакллантирилди: узоқ муддатли ва қисқа муддатли биологик активлар; актив бозор; биотрансформация; ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосили; ҳақиқий қиймат; қишлоқ хўжалик фаолияти.

## **Ш БОБ. ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ТАННАРХИННИ ҲИСОБЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **3.1. Чорвачилик тармоғида маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг назарий ва услубий асослари**

Чорвачилик тармоғида маҳсулотлар таннархини тўғри ҳисоблаш ва таннархни пасайтириш имкониятларини излаб топиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда олимлар ва соҳа мутахассислари томонидан харажатлар, ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх тушунчаларига ёндашувлар келтирилган. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи тушунчаларига соҳа мутахассиси Ш.Шодмонов томонидан қуидагича ёндашув келтирилган: «Ишлаб чиқариш харажатлари - корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадларида, иқтисодий ресурслар сотиб олиш учун қилган пул сарфлари. Фирма ўз фаолиятини бозордан моддий ресурслар, яъни асбобускуна, дастгоҳлар, транспорт ва алоқа воситалари, хом-ашё, ёқилғи, ҳар хил материалларни, меҳнат бозоридан ишчи қучини сотиб олишдан бошлайди. Шунга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқариш харажатлари таркибига хом-ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергия харажатлари, асосий капитал амортизацияси, иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар, фоиз тўловлари ва б. харажатлар киради. Ишлаб чиқариш харажатларига қилинган барча харажатларнинг пулдаги ифодаси маҳсулот таннархини ташкил қиласди»<sup>61</sup>.

Иқтисодчи олим М.Болтабоев фикрича, «Таннарх, маҳсулот таннархи - корхонанинг мақсулот ишлаб чиқариш. ва уни сотиш ҳамда ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш учун қилган жами жорий харажатларининг пул шаклидаги ифодаси. Товар ишлаб чиқаришда таннархнинг муҳим

---

<sup>61</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-xarajatlari-uz/>

элементлари — четдан олинадиган хом-ашё, асосий материаллар, электр-энергия ресурслари чиқимлари; асосий ва қўшимча иш ҳақи; ижтимоий сугурта ажратмалари; амортизация ажратмалари ва б. сарф харажатлар»<sup>62</sup>.

Профессор Т.С.Маликовнинг қуйида келтирган фикрлари эътиборга молик ҳисобланади: «“Харажатлар” тушунчаси “таннарх” тушунчасига нисбатан кенгроқ ҳисобланади. Чунки, таннарх умумий харажатларнинг бир кисмини (оддий такрор ишлаб чиқариш харажатларини) ўзида акс эттиради. Маҳсулот (иш ва хизмат) таннархи маҳсулот (иш ва хизмат)ни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурслари ва уларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш қилиш бошқа харажатларининг қиймат баҳосидан иборат. Амалиётда “маҳсулотнинг умумий таннархи” ва “маҳсулот бирлигининг таннархи” тушунчаларидан кенг фойдаланилади»<sup>63</sup>. Катта рус энциклопедиясида (2017 йил таҳрири) «Таннарх (англ. cost price) - корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиши учун амалга оширилган жорий чиқимларнинг қийматдаги баҳоланишидир»<sup>64</sup> деб таъкидлаб ўтилган.

Катта рус энциклопедияси (Большая российская энциклопедия)да қуйидагича ёндашув келтирилган: «Маҳсулот таннархи - бу барча харажатлар бўлиб, қайсики корхона товарларни тайёрлаш ва уни давомий сотиш қилиш баробарида амалга оширади»<sup>65</sup>.

Хорижлик иқтисодчи олимлар Н.Н.Игнатенко, Е.В.Вылегжаниналар «меҳнат унумдорлигини ошириш маҳсулот таннархини камайтиришнинг энг муҳим омили сифатида қарайди»<sup>66</sup>. Хорижий соҳа мутахассиси П.А.Лунин

---

<sup>62</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-t/tannarx-uz/>

<sup>63</sup> Т.С.Маликов. Матбуза матни.

<http://staff.tjame.uz/storage/users/58/presentations/gwPvgkOTiEssIdkJLvn1YAFIZ11Ew>

<sup>64</sup> Себестоимость / Кузнецов О.В. // Большая российская энциклопедия: [в 35 т.] / гл. ред. Ю. С. Осипов. - М. : Большая российская энциклопедия, 2004—2017

<sup>65</sup> Что такое себестоимость и как ее рассчитать: типы, виды, структура и формирование себестоимости <https://kakzarabativat.ru/nachinayushhimpredprinimateleyam/chto-takoe-sebestoimost-kak-rasschitat/>

<sup>66</sup> Игнатенко Н.Н., Вылегжанина Е.В. Себестоимость как фактор финансовой результативности предприятия. <https://cyberleninka.ru/article/n/sebestoimost-kak-faktorfinansovoy-rezuliativnosti-predpriyatiya/viewer>

«таннарх – бухгалтерия ҳисобининг марказий категорияси»<sup>67</sup> деб ҳисоблаб, илмий ишида Россиялик олимларнинг таннархнипасайтириш захираларини излаб топиш, назоратни ўрнатиш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, қиёслама таҳлилини ўтказиш самарадорликни белгилашда муҳим кўрсаткич эканлигини таъкидланганлигини қайд этади. Иқтисодчи олим М.Т.Ковальчук ўзининг диссертациясида ««харажатлар (расходы)», «чиқимлар (затраты)», «сарфлар (издержки)» ва «таннарх ( себестоимость)»»<sup>68</sup> каби тушунчаларга аниқлик киритган. Меъёрий-хукукий хужжатлар, олимларнинг таърифларини ўрганиш асосида “харажатлар” атамаси «чиқимлар (затраты)», “сарфлар (издержки)” ва “таннарх ( себестоимость)” атамаларидан кенгроқ тушунча эканлигини асослаб беради ҳамда ҳар қандай харажатлар ишлаб чиқариш фаолиятини тутиб туриш ва келгусида ривожланиши учун амалга оширилади, деган хulosага келади. Хориждаги илмий ишларда таннарх масаласини турли жиҳатларда ва турли омиллар билан боғлаган ҳолда ўзгариш тенденцияларини аниқлашга доир тадқиқотлар салмоқли ўринни эгаллайди. Масалан, Соҳа мутахассиси Dillep G. Dhavale «маҳсулот таннархини қарорлар қабул қилишда ўзгарувчан технологияларга ҳиссали равища боғлиқлиги»<sup>69</sup> асосида ўрганади. Иқтисодчи оима Н.Абдусаломова эса, «таннарх ҳисоби - ривожланаётган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг янги тенденцияси»<sup>70</sup> деб баҳолайди. Ушбу таҳлиллардан хulosа қилиш мумкинки, ўрганилаётган кўрсаткичларга умуниқтисодий, молиявий ва бошқарув ҳисоби нуқтаи назаридан

<sup>67</sup> Лунин П.А. Учет затрат и калькулирование себестоимости научно-технической продукции: На примере отрасли «Наука и научное обслуживание» <https://www.dissercat.com/content/uchet-zatrati-kalkulirovaniye-sebestoimosti-nauchno-tehnicheskoi-produktsii-na-primere-otra> “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı. № 3, may-iyun, 2021 yil 3/2021 (№ 00053) <http://iqtisodiyot.tsue.uz> 41

<sup>68</sup> Учет затрат на производство и калькулирование себестоимости продукции на предприятиях нефтегазодобывающей промышленности. <https://www.dissercat.com/content/uchet-zatrati-na-proizvodstvo-i-kalkulirovaniye-sebestoimosti-produktsii-na-predpriyatiyakh-ne>.

<sup>69</sup> Product Costing for Decision Making in Certain Variable-Proportion Technologies //Journal of Management Accounting Research (2007) 19 (1): 51–70. <https://doi.org/10.2308/jmar.2007.19.1.51>

<sup>70</sup> Abdusalomova N., 2017. "Cost Accounting and Financial Health: Analysis of Cost Reduction Policy Effect in Selected Enterprises of Metallurgy Industry in Uzbekistan," International Journal of Management Science and Business Administration, Inovatus Services Ltd., vol. 3(3), pages 33-38, March.

таърифларни бир-биридан ажратиш керак. Уларни тизимлаштиришга зарурат мавжуд. Россиялик иқтисодчи олимлар томонидан маҳсулот таннархига ишлаб чиқариш харажатлари билан бир қаторда сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳам киритилади, дейилган. Хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра сотиш билан боғлиқ харажатлар маҳсулот таннархига эмас, балки операцион харажатлар таркибига киритилган. Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, биз харажатлар тушунчаси таннарх тушунчасидан кенгроқ маънони англатади, яъни харажатлар таннархни ҳам ўз ичига олади деган фикрга қўшилган ҳолда харажатлар ва таннарх тушунчаларига умуниқтисодий, молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби мақсадларида алоҳида таърифлар келтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

«Маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархи - бу захираларни қайта ишлаш жараёнида фойдали бўлган ва тайёр маҳсулотларнинг қийматига олиб бориладиган, хизматлар ва ишларни бажариш жараёнида унинг қийматига қўшиладиган бевосита ва билвосита ишлаб чиқиш харажатларидир»<sup>71</sup>. Ишлаб чиқариш харажатлари моддаларининг таннархда ифодаланиши тайёр маҳсулотлар таннархи элементлари дейилади. Тайёр маҳсулот таннархи учта таннарх элементидан ташкил топади. Демак, тайёр маҳсулот таннархи учта таннарх элементларининг йифиндисидан иборат: тўғридан-тўғри материал харажатлари (Бевосита); Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари (Бевосита); Устама ишлаб чиқариш харажатлари (Билвосита). Юқорида таъкидлаганимиздек, халқаро стандартлар маҳсулот таннархини захиралар таннархи шаклланиши нуқтаи назаридан ёритиб беради. Чунки, ишлаб чиқаришга захира киришдан олдин унинг таннархи шаклланади (харид ва бошқа харажатлар), кейин унга қайта ишлов берилади. Қайта ишлаш жараёнида меҳнат ва устама ишлаб чиқариш харажатлари амалга оширилади. Натижада, ишлаб чиқаришга жалб қилинган захира тайёр маҳсулотга айланади. Тайёр маҳсулотни жорий ҳолатга ва жойлаштириладиган жойига

<sup>71</sup> Д.С.Тошназарова. Харажатлар ва таннарх тушунчаси, уларнинг мазмуни ва тавсифи. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı. № 3, may-iyun, 2021 yil. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

етказиши билан боғлиқ харажатлар амалга оширилади. Ушбу жараёнлар орқали маҳсулот таннархи шаклланади. Тайёр маҳсулотлар таннархи элементлари Соҳа бўйича энг нуфузли ташкилот СИМА институти Таннархни ҳисоблаш (Costing), Таннарх ҳисоби (Cost accounting) ҳамда Таннарх бухгалтери (Cost Accountancy) тушунчаларига алоҳида тавсифлар келтирган: “Таннархни ҳисоблаш (Костинг) – бу таннархни аниқлашда қўлланиладиган методлар (techniques and) мажмуаси ҳамда уни ҳисоблашни амалга ошириш жараёнидир (processes). Ушбу методлар маҳсулотлар ва хизматлар таннархини аниқлаш процедурасини тартибга солувчи принциплар ва қоидалардан иборат бўлади. Ушбу методлар турли маҳсулотлар ва хизматлар таннархини аниқлашда саноат тармоқларининг хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади” [20]. Бошқа манбаларда ҳам шу каби тавсифлар келтирилган: “Костинг – бу қуйидагиларни аниқлашда қўлланиладиган принциплар ва қоидалардир: (а) маҳсулотлар, мисол учун кимё маҳсулотлари, телевизор ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи ҳамда (б) хизматлар, мисол учун электр энергияси, транспорт ва бошқа хизматларни таъмин этиш таннархи.” Амалиётимизда таннархни ҳисоблаш “маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархи калькуляцияси”, рус тилида «калькуляция себестоимости продукции (работ, услуг)» деб юритилади. «Calculatio»<sup>72</sup> лотинча сўздан олинган бўлиб счёт, яъни жамини чиқариш маъносини англатади. Европа ва АҚШдаги дарсликларда ҳамда халқаро стандартларда маҳсулот таннархини ҳисоблашда “калькуляция” атамасидан фойдаланилмаган. Таннарх ҳисоби масалаларни ўрганишда энг кўп қўлланиладиган атамалардан бири бу костингдир. Масалан, таннархи ҳисобида костингнинг қуйидаги турларидан фойдаланамиз: “costing method, absorption costing, variable (direct) costing, process costing, activity-based costing, actual costing, standard costing, average costing, functional costing, historical costing, constraint based costing, continuous operation costing, contract costing, normal costing, job order costing”. Бу

---

<sup>72</sup> <https://yandex.ru/yandsearch?clid=2039342>

тушунчаларнинг ҳар бири битта мавзу. Ушбу атамаларни калькуляция деб таржима қилсак, унинг асл моҳиятини тўлиқ 2-сон БҲҲС “Захиралар” стандарти асосида «Тайёр маҳсулотлар таннархи элементлари тўғридан-тўғри материал харажатлари (бевосита), тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари (бевосита), устама ишлаб чиқариш харажатлари (бильвосита) ифодалаб бера олмайди. Шу сабабли, калкуляция атамасининг ўрнига Костинг тушунчасини қабул қилиш мақсадга мувофиқ»<sup>73</sup> деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги кунда таннарх ҳисоби амалиётда тизим сифатида, назарияда эса алоҳида фан сифатида юзага келмоқда. Юқорида қайд қилинган адабиётларни таҳлил қилиш асосида қуйидагича таъриф берамиз: Таннарх ҳисоби тизими - бу таннарх объектига доир бўлган ахборотларни ўлчаш, ёзувини амалга ошириш, таҳлил ва интерпритация қилиш ҳамда таннарх ҳисботини тузишда қўлланиладиган мунтазам-даврий жараёнлар ва процедуралар мажмуасидан иборатдир. Таннарх ҳисоби тизимининг бош масаласи маҳсулот таннархини ишончли, объектив аниқлаш, менежерларга қарор қабул қилиш учун ахборот тақдим этиш, бошқарув қарорларининг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулот бирлиги таннархини аниқлашдир. Таннарх ҳисобига доир адабиётларда таннарх ҳисоби тизимининг қуйидаги тўртта бир-биридан фарқ қиласидиган фаолиятларини қайд қилишган: 1. Таннархни ўлчаш 2. Таннархнинг ёзувини амалга ошириш 3. Таннархни таҳлил қилиш 4. Таннарх ҳисботи Таннарх ҳисоби тизими комплекс ишлаб туриши ва қанча ҳажмда ахборотлар қайта ишланиши жараёнига бир қанча омиллар таъсир кўрсатиб туради. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1. Фирма фаолиятининг миқдорий ҳажми 2. Ишлаб чиқариш жараёнининг тури 3. Фирма томонидан ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотларнинг сони 4. Таннарх ахборотларига нисбатан менежментнинг муносабати 5. Ташқи ўзгарувчи омиллар, жумладан қонунлар ва тартибга соловчи меъёрий-хуқуқий база.

---

<sup>73</sup> Д.С. Тошназарова. Харажатлар ва таннарх тушунчаси, уларнинг мазмуни ва тавсифи. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2021 yil. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>

Чорвачилик маҳсулотлари таннархини калькуляциялашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири алоҳида қуий тармоқлар (қорамолчилик-сут ва гўшт йўналиши, қўйчилик ва эчкичилик, қоракўлчилик, паррандачилик ва ҳ.к.) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таннарх ҳисоблаш услубини ҳисоб сиёсатининг элементи сифатида шакллантиришдан иборат. Шу билан бир қаторда, бундай калькуляциялаш услуби таннарх қўрсаткичининг ишончлилигини пасайтирмасдан, фермер хўжалигининг ихтисослашганлик даражасини ва бозор коныонктурасини ҳисобга олиши, калькуляция ҳисобкитобларнинг оддийлигини ҳамда таҳлил талабларини таъминлаши лозим.

Чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш учун «Чорвачилик ишлаб чиқариши» ва «Маҳсулдор ҳайвонлар» счётлари бўйича аналитик счётлар маълумотларидан фойдаланилади. Йил охирида чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблашдан олдин ушбу счётлар бўйича ҳисоб маълумотлари пухта текширилади. Ҳар бир чорва тури (гуруҳи) бўйича умумий харажатлар ва йил давомида олинган маҳсулотларнинг умумий суммаси аниқланади. Бунда харажатлар ҳисоб обьектлари бўйича тўғри тақсимланиши, киши-соатлар, озуқа-кунлар ва озуқа бирликлари тўғри ҳисобга олиниши, чорвачиликнинг айrim тармоқлари (қорамолчилик, қўйчилик ва эчкичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, туячилик) бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмининг тўғри аниқланиши, олинган *асосий, ёндаи ва қўшишмча* маҳсулотлар миқдори ҳамда таннархининг тўғри акс эттирилишига эътибор бериш зарур.

Чорвачиликда асосий маҳсулотлар: сут, насл, жун, тухум, тирик вазн, умумий тирик вазн ва бошқалар таннарх ҳисоблаш обьектлари бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик тармоқларда бир вақтнинг ўзида ўзаро боғлиқ маҳсулотларнинг бир қанча турлари олинади. Сут йўналишида қорамолчиликдан сут ва насл; қўйчиликдан - жун, насл, қўшилган вазн; паррандачиликдан - тухум, гўшт ва бошқалар олинади. Шу сабабли харажат обьектлари билан таннарх ҳисоблаш обьектлари бир-биридан фарқ қиласида ва

натижада харажатларни маҳсулот турларига тўғри тақсимлаш зарурати туғилади. Чорвачиликда қўшимча маҳсулотга гўнг, парранда ахлати, жунтивит, пат, тери ҳамда нобуд бўлган ҳайвонлардан олинган нимталанган гўшт ва бошқалар киради.

Гўнгнинг таннархи муайян шароитдаги уни йиғиштириш ва тўшамаларнинг норматив харажатлари ҳамда гўнг чиқариш ва сақлаш харажатлари асосида аниқланади.

Калькуляция ҳисоб-китобларини амалга оширишдан олдин бир қатор тайёргарлик ишлари бажарилиши лозим. Жумладан, тегишли қуий тармоқлар ва чорва моллари гурухлари бўйича харажатларнинг натурал кўрсаткичларини (киши-соат, озуқа бирлиги, озуқа-куни ва ҳ.к.) ҳам инобатга олган ҳолда, тўлиқ ва тўғри ҳисобга олиниши текширилади. Бундай текширув мантиқий назорат ва маҳсулот чиқишини бош сони билан солиштириш каби усууллар ёрдамида амалга оширилади.

Шунингдек, чорва молларини инвентаризация қилиш натижаларининг тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилганлиги, ҳисобот даврига тааллуқли бўлган келгуси давр харажатлари, хусусан, чорва молларини ёзги лагерда сақлаш харажатларининг тегишли тармоқ ва чорва молларига асосли ҳамда тўлиқ ориб борилганлигини ҳам текшириш зарур. Агар ёзги лагер қайсиdir битта чорва моли гурухига мўлжалланган бўлса, у ҳолда мазкур йилга тўғри келадиган харажат суммаси олдин «Бошқа келгуси давр харажатлари» счётида тўпланиб, ундан мазкур гурухга ўтказилади ва «Бошқа асосий харажатлар» моддаси бўйича акс эттирилади. Лагер чорва молларининг бир қанча турлари ёки гурухларини сақлаш учун фойдаланилади, ҳисобот йилига тегишли харажатлар чорва молларининг ушбу гурухлари ўртасида уларнинг лагерда сақланган шартли озуқа-кунларига мутаносиб тақсимланиши лозим.

Булардан ташқари, ветеринария дори-дармонлари ва дезинфекция воситаларининг ҳисобдан чиқарилган суммалари асослилиги ҳам текширилиши лозим.

Агар харажатлар чорва моллари ва паррандаларнинг юқумли касалликларига қарши давлат бюджетидан ажратилган махсус маблағлар ҳисобидан амалга оширилган бўлса, бундай харажатлар таннархга қўшилмайди. Мақсадли молиялаштириш маблағлари ҳисобидан харид қилингандан инвентар ва жиҳозлар сарфи ҳам шундай тартибда акс эттирилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликнинг ўзида етиширилган озуқалар бўйича калькуляция фарқларининг тўғри ва тўлиқ акс эттирилганлиги ҳамда умушишлаб чиқариш харажатлари тақсимланишининг асослилигини текшириш калькуляциялашда муҳим тайёргарлик босқичларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аналитик счёtlар бўйича тўлиқ ва тўғри кирим қилиниши ҳам алоҳида пухта назорат қилиниши лозим. Бунда агар харажатлар тегишли аналитик счёт дебети бўйича ҳисобга олинган бўлса, маҳсулот чиқишини айнан шу аналитик счёт кредити бўйича акс эттириш лозим. Чунки олинган маҳсулот олдин амалга оширилган харажатларнинг моддий ифодаси ҳисобланади.

Юқорида баён этилган ишларни сифатли амалга ошириш натижасида бутун чорвачилик тармоғи бўйича ҳар бир чорва моли гурухи бўйича харажатлар ва маҳсулот чиқишини тўлиқ ва тўғри акс эттириш таъминланади.

Калькуляциялаш жараёнида чорвачиликдаги тугалланмаган ишлаб чиқаришни аниқлаш ва баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг қиймати инвентаризация рўйхатида кўрсатилган суммага мос бўлиши лозим. Амалдаги қоидаларга мувоғик фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи йил охирида ҳисобланади. Бундай тартибни чорвачиликнинг айrim қўйи тармоқларида маҳсулотлар, масалан қўйчиликда - жун, асаларичиликда - асал вақти-вақти билан, мавсумий олиниши билан изоҳланади.

Айни вақтда айrim тармоқларда мунтазам ва нисбатан бир текисда маҳсулот олинсада (масалан, сут, тухум, вазн), чорва молларининг ушбу гурухлари ва турлари бўйича ҳақиқий таннарх фақат йил охирида

ҳисобланади. Чунки шунгача мазкур тармоқ ёки гурух бўйича ҳақиқий харажатлар суммасини аниқлаш имкони бўлмайди.

Кўпчилик чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар устун даражада ўз озуқа базасига эга бўлиб, у барча харажатларнинг тахминан 50-60 % ини ташкил этади. Бундай хўжаликларда ўсимлиқчилик маҳсулотлари, шу жумладан ем-хашаклар, ҳақиқий таннархини ҳисобламасдан олдин чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш имкони бўлмайди. Бу эса, чорвачилик маҳсулотлари ҳақиқий таннархини фақат йил якунланганидан кейингига ҳисоблашнинг асосий сабабидир. Бундан ташқари, амалдаги қоидаларга мувофиқ ёрдамчи ишлаб чиқаришлар хизматининг қиймати чорвачилик харажатларига йил давомида режа баҳосида олиб борилади. Ва ниҳоят, умумишилаб чиқариш харажатлари сметаси бир йилга тузилиб, улар фақат йил охирида тақсимланади. Буларнинг барчаси чорвачилик тармоқдарида барча ҳақиқий харажатларни фақат кўрсатилган вақтда аниқлашни тақозо этади.

Шу билан бирга, тор ихтисослашган (паррандачилик, бўрдоқиличик) фермер хўжаликлирида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини мунтазам равишда ҳар ойда ҳисоблаб боришга имконият мавжуд. «Бундан ташқари, чорвачилик маҳсулотлари таннархи шаклланишини назорат қилиб бориш учун кўпчилик фермер хўжаликлирида йил давомида айрим турдаги чорвачилик маҳсулотларининг тахминий таннархи ҳар ойда ёки ҳар чорақда ҳисоблаб борилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ички бошқарувни таҳлил ахборотлари билан таъминлашни такомиллаштириш мақсадида бошқарув ҳисоби тизимида «Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва таннархи» сегментар ҳисбот шаклини ишлаб чиқиш зарур»<sup>74</sup>. Чорвачиликнинг алоҳида қуий тармоғи ва гурухлари бўйича маҳсулотлар таннархини ҳисоблашда белгиланган кетма-кетликка ҳам риоя қилиш зарур. Сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш сут соғиладиган асосий подадан бошланиши мақсадга мувофиқ. Чунки олинган сут бошқа қорамол

<sup>74</sup> <http://kubsau.ru/upload/iblock/9c1/9c134411a192e113118897b8871fee02.pdf>(3/9)

турлари ва гурухларига ичирилиши мумкин. Бундай ҳолатда сутнинг аниқланган ҳақиқий таннархи чорва моллари мазкур гурухлари маҳсулотлари ҳақиқий таннархини ҳисоблаш учун бирламчи шарт ҳисобланади. Ўстиришдаги ва бокувдаги ҳайвонлар маҳсулотларининг таннархини калькуляциялашда мазкур гуруҳ ёки тур бўйича, аввало қўшилган вазннинг, сўнгра тирик вазн ҳақиқий таннархини аниқлаш зарур. Бу қўшилган вазн таннархи тирик вазн таннархининг бир қисми эканлиги билан изоҳланади. Тирик вазннинг ҳақиқий таннархини ҳисоблашда калькуляция ҳисобкитоблари чорва молларининг кичик ёшдаги гурухларидан бошлаб, кетма-кетликда амалга оширилиши лозим. Чорвачиликда калькуляция ҳисобкитоблари ва таннарх таҳлили учун оралиқ калькуляция бирлиги сифатида чорва молларининг алоҳида гурухларини сақлаш озуқа-кун таннархи кенг қўлланилади. Ушбу кўрсаткич чорва молларини сақлаш учун қилинган жами харажат суммасини (қўшимча маҳсулот қийматини чегирмасдан) мазкур гурухдаги чорва молларини сақлаш озуқа-кунлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Ўртacha йиллик битта чорва молини сақлаш харажатлари ҳам шу тартибда аниқланади.

Кейинги параграфларда чорвачиликнинг асосий тармоқлари бўйича маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз.

### **3.2. Сут чорвачилигига маҳсулотлар таннархини калькуляциялашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш**

Бугунги кунда харажатлар ҳисобга олишни бозор талаблари асосида ташкил этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. «Хусусан, бу масала сут чорвачилиги куйи тармоғини бошқаришда харажатларни тўғри шакллантириш, таннарх ҳисоблаш ва унинг таҳлили натижасида қарор қабул қилишда алоҳида долзарблик касб этмоқда»<sup>75</sup>.

Маълумки, сут чорвачилиги маҳсулотларини этиштиришда

<sup>75</sup> <http://kubsau.ru/upload/iblock/9c1/9c134411a192e113118897b8871fee02.pdf>(6/9)

харажатларнинг катта қисмини озуқа харажатлари эгаллади. Чорва озуқасининг асосий қисми маҳаллий имкониятлардан қопланмаслиги эса, харажатларнинг ошишига ва таннархни юқори бўлишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон Фармонида: «Чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш, балиқ ва парранда гўшти, шунингдек, сут ишлаб чиқаришни барқарор интенсивлаштиришга қаратилган тадқиқот ишларини олиб бориш», шунингдек «асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари (харажат, даромад, фойда, рентабеллик) тўғрисидаги маълумотларни йиғиши, таққослаш ва чоп этиши»<sup>76</sup> вазифалари белгиланганлиги ҳам «харажат» ва «таннарх» масалаларга жиддий эътибор қаратиш кераклигини билдиради.

Бу вазифаларни амалга оширишда харажатларни шакллантиришнинг назарий, норматив-хукуқий ва услубий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Агар соҳада, хусусан, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда қилинган харажатлар ҳисоби ва олинган маҳсулотлар таннархини шакллантиришнинг алоҳида хукуқий ҳужжатлари қабул қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг томонидан тасдиқланган ««Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низом»<sup>77</sup> эса, бутун миллий иқтисодиёт учун умумий ҳисобланади.

Шу боис, аввало «харажатлар», «таннарх», «калькуляция» тушунчаларининг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ қилишдан бошлиш мақсадга мувофиқ.

Замонавий назарияда харажатлар тушунчаси хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг бухгалтерия ҳисоб-китобларида акс этадиган харажатлар

<sup>76</sup> <https://lex.uz/docs/4567334>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-203 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони.

<sup>77</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом

тушунчасидан фарқ қилувчи баъзи бир жиҳатларга эга. Чунки бухгалтерия ҳисоб-китобларида харажатлар мазкур фаннинг усуллари, тамойиллари ва расмий белгиланган талаблари асосида шакллантирилади. Хўжалик субъектлари фаолиятидаги харажатлар тўғрисида иқтисодий маълумотларни объектив шакллантириш масаласи - бухгалтерия ҳисоби ва унинг усуллари орқали амалга оширилади.

Харажатлар тушунчаси таннарх ва калькуляция тушунчаларидан кенгроқдир. Харажатлар корхона ўз мақсадларига эришиш учун ва олдига кўйган вазифаларни ҳал қилиш учун амалга оширган сарф ва чиқимларнинг пулдаги ифодаси ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб «харажат» тушунчасининг моҳиятини аниқ таърифлаш зарур бўлади. Шу боисдан, ушбу тушунчасни таърифлашга иқтисодчи олимларнинг ёндашувларини келтирамиз (3.1-жадвал).

Хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларнинг «Харажат» тушунчасини таърифлашга ёндашувларини эътироф этган ҳолда қуидагича муаллифлик ёндашуви шакллантирилди: «*Харажат* - хўжалик юритувчи субъект мақсадига эришиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришдаги моддий, меҳнат ва бошқа сарфларнинг пулдаги ифодасидир».

Хўжалик юритувчи субъектда ва унинг айрим олинган бўлимларида ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг умумий тизимида таннарх кўрсаткичи асосий ўрин тутади. Чунки таннархнинг таркиби уни ташкил қиласидан тегишли харажатлар ийғиндисидан иборатdir.

Таннарх маҳсулот (иш, хизмат)лар бир бирлигига тўғри келадиган харажатлардир. Шундай экан, таннарх ҳисоблаш харажат нормалари ва нормативларининг илмий асосланганлигини баҳолаш, уларнинг динамикасини назорат қилиш ва таннархни пасайтириш резервларини аниқлаш ҳамда маҳсулотларнинг бозор баҳосини белгилаш ва уни тезкор қайта кўриб чиқиши катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

### 3.1-жадвал

#### «Харажат» тушунчаси мазманига иқтисодчи олимлар томонидан берилган асосий таърифлар ва ёндашувлар<sup>78</sup>

Маълумот манбайи	Харажат тушунчасига берилган таърифлар ва ёндашувлар
«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ЎзМЭ нашриёти. Тошкент, 2000.-392 б <sup>1</sup> .	Харажатлар-товарларни ишлаб чиқариш ва муомала жараёнида турли ресурслар (хом ашё, материаллар, меҳнат, хизматлар, маблағлар) сарфлари билан боғлиқ чиқимларнинг пул шаклидаги ифодаси
К.Б.Уразов Бухгалтерия ҳисоби ва аудит.Тошкент. Ўқитувчи, 2004. -245 б <sup>2</sup> .	Харажат деганда, ҳисобот даврида корхона активларининг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши тушунилади
А.К.Ибрагимов., И.Очилов, И.Қўзиев, Н.Ризаев. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. / Ўқув қўлланма.-Т.: «IQTISOD-MOLIYA» 2008.- 444 б <sup>3</sup> .	Харажат – бу моддий ресурсларни сотиб олишга қилинган сарфлар бўлиб, даромадлар ва харажатлар концепциясига кўра, ўша даврнинг ўзида даромад келтириши керак
А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқулов. Бухгалтерия ҳисоби. Т: «Шарқ» НМАК, 2004. -93 б <sup>4</sup> .	Харажатлар-ҳисобот даврида иқтисодий фойдани активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир
B.Ro‘zmetov, O.Bekturdiyev, Q.Yo‘ldosheva, S.Matkarimov. Tannarx kalkulatsiyasi. Toshkent, «ILM ZIYO», 2006. -230 б <sup>5</sup> .	Харажатлар - маҳсулот тайёрлаш, иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун сарфланган харажатлар
B.A.Xasanov. A.A.Xashimov. Boshqaruв hisobi: darslik. -Toshkent: Cho‘Iron nomidagi нашриёти NMIU, 2013. – 312 б <sup>6</sup> .	Харажатлар – тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларнинг пулдаги йигиндиши
С.Н.Ташназаров. Бошқарув ҳисоби. Маъруза матнлари. СамИСИ, 2010.-260 б <sup>7</sup> .	Харажатлар деганда, кўзланган мақсадларга эришиш учун (маҳсулот ишлаб чиқариш, товар хариди, хизматлар) сарфланган ресурслар қийматининг пулдаги ифодасидир.
Н.Ю.Носкова. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в различных отраслях производственной деятельности: Учебное пособие / Н.Ю.Носкова. -Ульяновск: УлГТУ, 2009. - 124 с <sup>8</sup> .	Харажатлар - бу корхонанинг ўз фаолияти жараёнида фойдаланадиган ресурслар қийматининг баҳоси

Шу ўринда илмий ва ўкув-услубий манбаларда «таннарх» ва «маҳсулот таннархи» тушунчаларини илмий таърифлашга ёндашувларни келтирамиз (3.2-жадвал).

Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар, илмий ва ўкув адабиётларида «таннарх» тушунчасига берилган таърифлар, ёндашувлар ва фикр-мулоҳаларни эътироф қилган ҳолда қуидагича муаллифлик ёндашуви шакллантирилди: «Таннарх-

<sup>78</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

бу бир бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган харажатларнинг пулдаги ифодаси».

### 3.2-жадвал «Таннарх» тушунчасига иқтисодий адабиётлардаги асосий ёндашувлар<sup>79</sup>

Маълумот манбаи	Таннарх тушунчасига берилган таърифлар ва ёндашувлар
«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ЎзМЭ нашриёти. Тошкент – 2000.-264 с <sup>76</sup> .	Таннарх, маҳсулот таннархи — корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳамда ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш учун қилган жами жорий харажатларнинг пул шаклидаги ифодаси
Н.Ю.Носкова. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в различных отраслях производственной деятельности: учебное пособие/ Н.Ю.Носкова. -Ульяновск: УлГТУ, 2009.- 124 с <sup>77</sup> .	«Таннарх – бу харажатларнинг шундай бир турики, қайсики қабул қилинган ҳар бир аниқ вазиятда молиявий ҳисоботларни тузишнинг стандартлари ва тамойиллари асосида молиявий натижаларни камайтириш (яъни даромаддан чегириш)га рухсат этилгандир
В.Э.Керимов Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в отдельных отраслях производственной сферы. Москва, 2005. - 246 с <sup>78</sup> .	Маҳсулот таннархи-бу корхонанинг пул кўринишидаги жами харажатлари бўлиб, унинг негизида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотища ишлаб чиқаришининг муомала харажатлари ётади
А.Т.Махкамбаев, Ф.Т.Абдуваҳидов, Д.А.Сатывалдиева, Э.Т.Шодиев. Калькуляция себестоимости: Учебное пособие —Т: Издательский дом «ПМ ЗИYO», 2012. - 208 с <sup>79</sup> .	Маҳсулот таннархи-бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш учун амалга оширилган жами харажатларнинг пул кўринишидаги ифодаси бўлиб, унинг негизида ишлаб чиқаришининг муомала харажатлари ётади

Маълумотлар манбасида келтирилган иқтисодчи олимларнинг таъриф ва ёндашувларини тадқиқ қилиш асосида калькуляция тушунчасига соддалаштирилган қўйидаги муаллифлик ёндашуви шакллантирилди. «Калькуляция - бир бирлик маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархини ҳисоблаб чиқариш усулидир».

Эркин иқтисодиёт шароитида калькуляциянинг моҳияти аниқ ишлаб чиқариш шароитлари, харажатларни таққослаш учун таннарх кўрсаткичларига эга бўлиш, баҳо белгилаш, назорат ва қарор қабул қилиш ҳамда маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш усулларини қўйилган мақсадлар учун қўллаш зарурати билан белгиланади. Калькуляция моҳиятига нисбатан иқтисодий адабиётларда турлича таъриф ва ёндашувлар келтирилган (3.3-жадвал).

<sup>79</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

### 3.3-жадвал

#### «Калькуляция» тушунчаси мазмунига луғатлар ва иқтисодий адабиётларда келтирилган таъриф ва ёндашувлар<sup>80</sup>

Маълумот манбаи	Калькуляция тушунчасига берилган таърифлар ва ёндашувлар
«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» ЎзМЭ нашриёти. Тошкент – 2000.- 407 б <sup>81</sup> .	Калькуляция (лат. calculatio, calculo - хисоблайман, хисоб-китоб) - маҳсулот бирлиги ёки бажарилган иш таниархини хисоблаш чиқариш
A.T.Махкамбаев, Ф.Т.Абдуваҳидов, Д.А. Сатывалдиева, Э.Т. Шодиев. Калькуляция себестоимости: Учебное пособие —Т: Издательский дом «ILM ZIYO», 2012 г.- 208 с <sup>82</sup> .	Калькуляция-бу бир бирлик маҳсулот (иш, хизматлар) таниархини хисоблаш (хисоблаш жараёнининг йифиндиси) усулидир
R.D.Dusmuratov. Buxgalteruya hisobi nazariyasi.- Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013, 476 bet <sup>83</sup> .	Калькуляция-тайёрланган материаллар, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматнинг таниархини аниклашдир
B.Ro‘zmetov, O.Bekturdiyev, Q.Yo‘ldosheva, S.Matkarmov. Tannarx Kalkulatsiyasi. Toshkent-«ILM ZIYO», 2006 <sup>84</sup> .	Калькуляция-маҳсулот ёки бажарилган ишларнинг айrim турлари бўйича уларнинг бирлигига тўғри келадиган харажатларни пул ифодасида хисоблашга айтилади
Н.Ю.Носкова. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в различных отраслях производственной деятельности: учебное пособие/ Н.Ю.Носкова. -Ульяновск: УлГТУ, 2009. - 124 с <sup>85</sup> .	Калькуляция - корхонада у ёки бу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш, ёки корхонанинг маълум бир фаолиятини амалга оширишда зарур бўладиган харажатлар рўйхатидир.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархида ишлаб чиқариш ҳамда молия-хўжалик фаолияти барча омилларининг таъсири ўз аксини топади. Сут чорвачилигига ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига ушбу кўрсатилган омиллар ҳаммасидан кўра кўпроқ таъсир кўрсатади. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар амалиётида, сут таннархи субъект учун қанчага тушишини кўрсатади. Сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишининг рентабеллиги маҳсулот таннархига жуда боғлиқ ҳисобланади.

Шу сабабли сут чорвачилиги ички менежменти тизимида, биринчи навбатда унинг асосий функциялари: чорвачиликнинг ушбу қуи тизимида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва унинг таннархини режалаштириш, назорат ва

<sup>80</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

таҳлил қилишнинг ахборот таъминоти муаммосини ҳал қилиш зарур.

«Сут йўналишидаги қорамолчиликда харажатлар бошқарув бухгалтерия ҳи-соби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш (калькуляциялаш) тизими ресурсларни самарали бошқаришнинг асосий ахборот базаси бўлиши керак. Ушбу тизим қишлоқ хўжалик корхоналарида чорвачилик ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулотлар чиқиши ва ишлаб чиқариш натижаларини объектив меъёрлаштириш, режалаштириш, назорат ва таҳлил қилишни амалга ошириш ички менежментнинг ахборотга бўлган талабини таъминлаши керак»<sup>81</sup>.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ички менежмент тизимида сут чорвачилиги маҳсулотлари таннархини илмий асосланган ҳолда калькуляциялаш катта аҳамиятга эга. Иқтисодий луғатларда маҳсулотлар таннархига қуидагича таъриф берилган: «Калькуляция-маҳсулот (хизмат) бирлигининг таннархини харажатлар турлари (калькуляция моддалари) бўйича ҳисоблаш»<sup>82</sup>. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчани таърифлашга кенгроқ ёндашувлар мавжуд: «Маҳсулот таннархини калькуляциялаш харажатларни гурухларга бўлиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини уни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажат моддалари бўйича аниқлашнинг пулдаги ифодасидир»<sup>83</sup>.

«Шуни таъкидлаш керак-ки, калькуляция ҳам баҳолаш каби бухгалтерия ҳисоби методи элементларидан бири, яъни маҳсулот таннархини ҳисоблаш методи ҳисобланади. Калькуляция, шунингдек, маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш бўйича иқтисодий ишларнинг алоҳида мустақил босқичи ҳисобланади»<sup>84</sup>. Ушбу ҳолатда «маҳсулот

<sup>81</sup> Алборов Р.А. Бухгалтерский управленческий учет (теория и практика) / Р.А. Алборов. - М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2005. - 224 с.; Хоружий Л.И. Калькуляция себестоимости сельскохозяйственной продукции: прошлое, настоящие, будущее / Л.И.Хоружий // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. -2012. -№1. – С. 59-62.; Краткий экономический словарь / под ред. Ю.А.Белкина и др. –М.: Политиздат, 1987. - 399 с.

<sup>82</sup> Краткий экономический словарь / под ред. Ю.А.Белкина и др. –М.: Политиздат, 1987. - 399 с.

<sup>83</sup> Зонова А.В. Бухгалтерский учет и анализ. Комплексный подход к принятию управленческих решений: практическое руководство / А.В.Зонова, Л.А.Адамайтис, И.Н.Багуринская. –М.:Эксмо, 2009.–512 с.

<sup>84</sup> Пипко В.А. Пути совершенствования учета производства и исчисления себестоимости продукции в условиях агробизнеса / В.А.Пипко // Бухучет в сельском хозяйстве. -2009. - №6. –С. 39-45.

таннархи уни ишлаб чиқариш ва сотишда фойдаланилган меҳнат, моддий, биологик ва молиявий ресурслар истеъмолининг пулда ифодаланган харажатларидир»<sup>85</sup>. Шу сабабли сут чорвачилигида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишни тегишли тартибда ташкил қилиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг асосланганлиги сутга мақбул сотиш баҳосини белгилаш, ушбу маҳсулотларни сотишдан тушган соғ тушумларни, яъни даромадни ва уларнинг реализация қилишнинг янада фойдалироқ каналларини тўғри аниқлаш учун катта ҳамиятга эга.

«Сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини объектив ҳисоблаш учун ҳар бир хўжаликда калькуляция, калькуляция бирликлари ва калькуляция муддатларини тўғри аниқлаш; сут чорвачилиги маҳсулотлари таннархига кирувчи моддий ва биологик харажатлар қийматини баҳолашнинг муқобил методларидан фойдаланиш; чорвачиликда харажатлар ва маҳсулотлар чиқишининг тўлиқ ҳисобга олинишини оператив текшириш учун самарали назорат механизмини шакллантириш; сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг асосланган усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётда фойдаланиш зарур»<sup>86</sup>.

Сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини юқорида келтирилган усуллар бўйича амалга ошириш жуда муҳим ҳисобланади. Мазкур усуллардан фойдаланиш хўжаликларда маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш имкониятини беради.

«Айрим муаллифлар томонидан замонавий шароитларда маҳсулотлар таннархини калькуляциялаш, калькуляция объектлари рўйхати, калькуляция

---

<sup>85</sup> Концевой Г.Р. Развитие управлеченческого учета и контроля биологических и совокупных затрат в сельском хозяйстве: автореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.12 / Концевой Григорий Роланович. - Ижевск, 201 б. - 24 с.

<sup>86</sup> Концевой Г.Р. Совершенствование методики оценки и управлеченческого учета материальных и биологических затрат в сельском хозяйстве / Г.Р.Концевой // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий предприятий. -2015. -№1. - С. 26-29.; Хоружий Л.И. Методология развития управлеченческого учета затрат на производство сельскохозяйственной продукции /Л.И.Хоружий, Ю.И.Сигидов, В.В.Говдя / В сб.: Актуальные вопросы учета, финансов и контрольно-аналитического обеспечения управления в сельском хозяйстве: Материалы Международной научно-производственной конференции, посвященной 30-летию кафедры бухгалтерского учета, финансов и аудита. Министерство сельского хозяйства Российской Федерации, федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования «Ижевская государственная сельскохозяйственная академия». -2017. -С. 56-60.; Хоружий Л.И. Проблемы и перспективы развития бухгалтерского учета и оценки биологических активов / Л.И.Хоружий, В.И.Хоружий, М.Ю.Гасанов, К.А.Джикия // Бухучет в сельском хозяйстве. - 2017. - № 3. - С. 6-20.

бирликлари ва таннархни ҳисоблаш муддатлари муаммолари ҳам мухокама қилинганд»<sup>87</sup>.

Албатта, маҳсулот таннархини ҳисоблашда калькуляция обьектлари рўйхати ва калькуляция бирликларини билиш, таннархни аниқлаш бўйича муддатларни белгилаб олиш катта аҳамият касб этади.

«Сут йўналишидаги қорамолчиликда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ташкилий-технологик, агробиологик, бошқарув ва бошқа хусусият ва фаолият кўрсатиши шароитларининг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда чорвачиликнинг ушбу қуий тизимида таннарх калькуляцияси обьектлари қуидагилар бўлиши мумкинлиги аниқланди: соғин сигирлар, олинган маҳсулот турлари (сут, насл)»<sup>88</sup>. Сут чорвачилигига калькуляция бирликлари қуидагилар ҳисобланади: бир бош соғин сигир, бир бош олинган насл ва 1 ц сут. Сут чорвачилигига ўзига хос (қишки, ёзги, қузги) даври ёки ҳисобот йили бўлиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан келиб чиқиб, асосий ва қўшимча маҳсулотлар таннархини аниқлаш учун йилнинг турли фасллари (қиш, баҳор, ёзги ва куз) охирида сут чорвачилигига моддий ресурслар ва меҳнатнинг биологик воситаларини ўтган даврлар таннархи ёки режалаштирилган таннарх бўйича баҳолаш усулидан кўрсатилган харажатларни (озуқа, чорва молларини ҳимоялаш воситалари ва бошқалар) сут чорвачилигига ҳаққоний қиймат бўйича баҳолашга ўтиш зарур бўлади. Шунингдек, соғин сигирлар подаси ҳаётийлик цкли ёки маҳсулдор фойдаланиш муддати давомида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар чиқиши устидан самарали назорат ташкил қилиниши керак.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги даврида сут йўналишидаги чорвачиликда харажатларнинг (қўшимча маҳсулотлар нархи айирилганда) суммасидан тегишли қисмини асосий маҳсулот бўлган сут

<sup>87</sup> Горюнова О.С. Отчетная калькуляция обычных видов деятельности / О.С.Горюнова // Аграрная наука. -2009. -№2. – С. 12-14.

<sup>88</sup> <http://kubsau.ru/upload/iblock/9c1/9c134411a192e113118897b8871fee02.pdf>(3/9)

миқдорига ва ёндаш маҳсулот бўлган наслнинг бош сонига олиб бориш усули ўз ечимини талаб қиласди. Ҳозирги вақтда сут чорвачилигига маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш учун озуқаларнинг энергия алмашинувидан келиб чиқсан ҳолда сут ишлаб чиқаришга (90 %) ва насл олиннишига (10 %) тақсимлаш усули қўлланилмоқда. Лекин, ушбу усулдан фойдаланилганда сут чорвачилиги маҳсулотлари таннархи кўпроқ ишончсиз, объектив бўлмаган таннарх кўрсаткичларини (мисол учун, насл таннархи жудаям юқори) шакллантиришга олиб келади. Шунинг учун сут чорвачилигига маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг ишончли ва асосланган бошқа муқобил усулларидан фойдаланиш зарур. Қоидага кўра, 1 ц. сутнинг таннархи уни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар суммасини олинган сутнинг физик массасига бўлиш йўли билан, бир бош наслнинг таннархи эса тегишли харажатларни олинган насл бош сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Бунда сут чорвачилигига умумий харажатлардан гўнг, жун ва юнг қиймати чегирилганидан кейин харажатлар суммасини тақсимлашда қўйидаги усуллардан бирини қўллаш тавсия қилинади:

1. Пропорционал усул. Унинг моҳияти сут ва наслга олиб борилиши лозим бўлган, жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилгани-дан кейин қолган сумма сут ва насл маҳсулотлари ҳар бирининг ўртача со-тиш баҳосига пропорционал равища тақсимланади, батафсилроқ айтганда, жами сут 1 ц. сутнинг сотиш баҳоси бўйича баҳоланади, жами олинган насл эса хўжаликдаги ушбу зотдаги 1 ц. тирик вазннинг сотиш баҳоси бўйича баҳоланади ёки 1 ц. сотиш баҳоланади (3.4-жадвал).

3.4-жадвалдан қўринади-ки, қўшимча маҳсулотлар қиймати (1838950 минг сўм) чегирилганидан кейин 98,5 % ёки 1811366 минг сўм сутга (1838950 x 0,985), 1,5 % ёки 27584 минг сўм (1838950 x 0,015) олинган наслга олиб борилган. Олинган маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда таннарх аниқлаймиз:

1 ц. сут - 349347 сўм (1811366 000 : 5 185);

бир бош насл - 1532444 сўм (27584000 : 18);

2. наслнинг 1 ц. тирик вазни - 3064889 сўм (27584000:9).

### 3.4-жадвал

#### **Сут чорвачилигида асосий пода маҳсулотлари таннархини пропорционал усул бўйича ҳисоблаш<sup>89</sup> («Азизжон» фермер хўжалиги мисолида)**

Кўрсаткичлар	Миқдори (ўлчов бирлиги)	Асосий ва ёндаш маҳсулот қиймати		Маҳсулот ишлиб чиқариш харажатлари, минг сўм	1 ц. сут ва наслнинг тирик вазни 1 ц таннархи, сўм
		минг сўмда	жамига нисба-тан % да		
1	2	3	4	5	6
1. Хўжаликдаги чорва моллари сони, бош шундан: сигирлар сони, бош	385	-	-	-	-
2. Сут чорвачилиги асосий ишилаб чиқариш харажатлари - жами, минг сўм	-	-	-	1846000	-
3. Йил давомида олинган:					
а) сут, ц	5185	1897110	98,5	1811366	349347,0
б) насл:					
бош	18	-	-	-	1532444,0
тирик вазни, ц	9	28890	1,5	27584	3064889,0
в) гўнг, т	141	-	-	-	-
4. Асосий ва ёндаш маҳсулот қиймати, жами	-	1926000	100	-	-
5. Гўнг қиймати чегирилганидан кейин ишилаб чиқариш харажатлари (1846000-141x50,0)	-	-	-	1838950	-

Изоҳ. хўжаликда 1 т. гўнг қиймати – 50,0 минг сўм

2. «Сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини ҳисоблашда ишилаб чиқариш харажатларидан ёндаш ва кўшимча маҳсулотлар (насл ва гўнг) қийматини чегириш усули»<sup>90</sup>. Сут чорвачилигида маҳсулотлар таннархини калькуляциялашнинг ушбу усулини қўллаш асосий маҳсулот сут бўлганлиги сабабли ҳамда корхонани бошқариш учун фойдали бўлган қарорларни раҳбарият томонидан қабул қилинишида қўлланилади. Бу эса, ишилаб чиқариш ва реализация қилиш рентабеллигини баҳолаш зарурати пайдо бўлишидан келиб чиқади (3.5-жадвал).

<sup>89</sup> «Азизжон» фермер хўжалиги маълумотлари асосида тузилган.

<sup>90</sup> Концевой Г.Р. Развитие управлеченческого учета и контроля биологических и совокупных затрат в сельском хозяйстве: автореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.12 / Концевой Григорий Роланович. - Ижевск, 2016. -24 с.

### 3.5-жадвал

**Сут чорвачилигига маҳсулотлар таннархини ҳисоблашда ишлаб чиқариш харажатларидан ёндаш ва қўшимча маҳсулотлар қийматини чегириш усули бўйича ҳисоблаш<sup>91</sup>**  
**(«Азизжон» фермер хўжалиги мисолида)**

Кўрсаткичлар	Бирламчи маълумотлар ва ҳисобланган кўрсаткичлар (ўлчов бирликларида)
1	2
1. Сут йўналишидаги қорамолчиликда харажатлар - жами, минг сўм	1846 000
2. Сигирлар йиллик ўртacha сони, бош	173
3. Сут чорвачилигига маҳсулот чиқиши:	5185
а) сут, ц	
б) насл:	
бош	18
тирик вазни, ц	9
в) гўнг, т	141
4. Маҳсулот қиймати:	
а) ушбу зот (сментал зоти)да чорва тирик вазни 1 ц. сотиш баҳосидан келиб чиқсан ҳолда наслнинг қиймати, минг сўм.	28890
б) гўнгдаги озиқавий моддалар таркиби ва тегишли минерал ўғитларни харид қилиш баҳоларидан келиб чиқсан ҳолда гўнг қиймати, минг сўм	1050
5. Насл ва гўнг қиймати чегирилган ҳолда сут чорвачилиги ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм	<b>1811366</b>
6. 1 ц сут таннархи сўм	347997
7. Қиймати:	
бир бош насл, сўм	1618261
1 т гўнг, сўм	50000

Изоҳ: Бир бош насл ва 1 т. гўнгнинг қийматини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботда ушбу қўшимча ва ёндаш маҳсулотлар таннархини баҳолашда қўллаш тавсия қилинади.

**3. Сут чорвачилигига маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг коэффициент усули.**

Ушбу усулнинг моҳияти шунда-ки, сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулот етиштиришнинг жами харажатлари суммасидан қўшимча маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар) қиймати чегириб ташланади. Олинган сумма сутга тенглаштирилган шартли маҳсулот миқдорига (тенглаштириш коэффициентлари: сут - 1, насл - 1,5) бўлинади. Ҳосил бўлган бўлинма 1 ц. шартли сутнинг таннархини ташкил қиласди. 1 ц. шартли сутнинг таннархини наслни шартли сутга тенглаштириш коэффициент (1,5)га кўпайтириб 1 бош наслнинг таннархини аниқлаймиз. Сигирларни (173 бош) боқиши учун

<sup>91</sup> Хўжалик маълумотлари асосида тузилган.

қилинган йиллик харажатлар 1846 000 минг сўмни ташкил қилган, йил давомида 5185 ц сут, 18 бош насл олинган. Қўшимча маҳсулот(гўнг) бирлигининг қиймати 50,0 минг сўмни ташкил қилган. Шундан келиб чиққан ҳолда қуидагиларни аниқлаймиз:

- а) гўнг қиймати:  $141,0 \times 50,0 = 7050,0$  минг сўм;
- б) асосий ва қўшимча маҳсулот таннархи (сут ва насл олиниши):  
 $1846000,0 - 7050,0 = 1838950,0$  минг сўм;
- в) сут ва наслнинг умумий миқдори (шартли сутга ўтказилган):  $5185 + (18 \times 1,5) = 5212$  ц;
- г) 1 ц шартли сут таннархи:  $1838950:5212 = 352830$  сўм;
- д) бир бош наслнинг қиймати:  $352830 \times 1,5 = 529245$  сўм.

4. Соғин сигирларни сақлаб туриш харажатларини ёндаш маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар)ни чегириб ташлаган ҳолда асосий ва қўшимча маҳсулотларга озуқалар метаболик энергия сарфига мувофиқ сигирлар сут маҳсулдорлиги даражасига (бир бош сигирга тўғри келувчи йиллик соғиб олинган сут миқдори) ва 100 бош сигирга насл (бузоқ) олиниши, шунингдек уларнинг тирик вазнига боғлиқ ҳолда асосий ва қўшимча маҳсулотларни олиб бориш (тақсимлаш) усули.

Амалиётда ушбу усулнинг фойдаланишини асослашга озуқанинг метаболик энергияси сарфига боғлиқ ҳолда асосий ва қўшимча маҳсулотга фақат ем-хашак харажатлари қуидагича олиб борилади: 10 % наслга ва 90 % сутга (100 бош сигирдан насл олиш 100 % бўлиш шарти билан). Сут чорвачилигига қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилган бошқа харажатлар сут ва наслга уларнинг сотиш баҳоларига пропорционал равища тақсимланади.

Шундай қилиб, хўжаликда сут чорвачилигига маҳсулот ишлаб чиқариш учун озуқа сарфи 493989 минг сўмни ташкил қилган. Шундан сут ишлаб чиқаришга 92 % и, ёки 454470 минг сўм ( $493989 \times 0,92$ ), насл олиш учун 8 % и, ёки 39519 минг сўм ( $493989 \times 0,08$ ) тўғри келади (3.6-жадвал).

### 3.6-жадвал

**Сут чорвачилигига озуқа харажатларини метаболик энергия сарфи ва бошқа харажатлар (қўшимча маҳсулотлар қийматини чегирган ҳолда) бўйича сут ишлаб чиқариш ва наслга уларнинг қийматига пропорционал равишда олиб бориш усули бўйича маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш<sup>92</sup>**

(«Азизжон» фермер хўжалиги мисолида)

Кўрсаткичлар	Бирламчи маълумотлар	Ҳисобланган маълумотлар, сўм
1	2	3
1. Сигирлар йиллик ўртacha бош сони	173	-
2. Йил давомида олинган:		
а) сут, ц	5185	-
б) насл:		
бош	18	-
тирик вазн, ц	9	-
3. Озуқа харажатлари, минг сўм Шундан, олиб борилган:	493989	-
а) сутга - 92 %	-	454470000
б) наслга - 8 %	-	39519000
4. Озуқа харажатлари ва қўшимча маҳсулотлар таннархи чегирилган ҳолда сут йўналишидаги қорамолчиликда харажатлар ( $1846\ 000 - 493989 - 52426$ ), минг сўм Шундан, куйидагиларга олиб борилган:	1299585	-
а) сутга - 98,5 %	-	1280091
б) наслга - 1,5 %	-	19494
5. Таннарх, сўм:		
а) 1 ц сутнинг (За қатор + 4а қатор : 2а қатор)	-	87898
б) 1 бош наслнинг ( 3б қатор + 4б қатор : 2б қатор)	-	2196583

Озуқа харажатларининг фақат 8 % и насл (бузоқлар)га олиб борилган, чунки ушбу хўжаликда 100 бош сигирга насл олиниши 80 % ни ташкил қилган. Кейин сут чорвачилиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг бошқа барча харажатлари ( $1846000 - 493989 = 1352011$  минг сўм) қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилган ҳолда ( $1352011 - 52426 = 1299585$  минг сўм) сут ва наслга уларнинг сотиши баҳоларига пропорционал равишда тақсимланади.

5. Соғин сигирларни саклаш харажатларини қўшимча маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар)ни чегирган ҳолда сут ва наслга улардаги метаболик энергияга пропорционал олиб бориш (тақсимлаш) усули<sup>93</sup>.

<sup>92</sup> Хўжалик маълумотлари асосида тузилган.

<sup>93</sup> Алборов Р.А. Бухгалтерский управлеченческий учет (теория и практика) / Р.А. Алборов. - М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2005. - 224 с. Хоружий Л.И. Калькуляция себестоимости сельскохозяйственной продукции: прошлое, настоящие, будущее / Л.И.Хоружий // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. -2012. -№1. – С. 59-62

Сут чорвачилигига ёндаш маҳсулотлар (гүнг) қиймати чегирилганидан кейинги йиллик харажатлар суммаси 1838950 минг сўмни ташкил қиласди. 1 кг сутда (ёғлилик даражаси 4 %) 3 Мдж ва 1 кг насл тирик вазнида 17 Мдж мавжуд. Йил давомида 1 555 500 Мдж ( $518500 \times 3$ ) метаболик энергияга ўтказилган сут, 15 300 Мдж ( $900 \times 17$ ) метаболик энергияга ўтказилган тирик вазн олинган. Асосий ва қўшимча маҳсулотлар (сут ва насл)дан олинган умумий метаболик энергия ҳажмида сутнинг метаболик энергияси улуси 99 % ни ( $1 555 500 : 1 570 800 \times 100$ ), наслнинг тирик вазни метаболик энергиясининг улуси 1 % ( $15 300 : 1 570 800 \times 100$ ) ни ташкил қиласди. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб қуидагиларни аниқлаймиз:

а) 1 ц сут таннархи:  $1838950000 \times 0,99 : 5185 = 351120$  сўм;

б) бир бош насл таннархи:  $1838950000 \times 0,01 : 18 = 1021639$  сўм.

Сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулот турлари бўйича ҳисобнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини ташкил қилиш мақсадида ҳар бир маҳсулот турининг таннархини тўғри, тўлиқ ва аниқ ҳисоблаш зарур бўлади. Гап фақат сут, насл ва ёндаш маҳсулот ҳисоби ҳақида эмас, балки фойдаланилаётган йирик шохли қорамол тирик вазнининг ўсиши ҳисоби ҳақида кетяпти. Шундай қилиб, таъмирлаш учун ёш чорва моллари (ғунажинлар) асосий соғин сигирлар подасига ўтказилганидан кейин маҳсулдор фойдаланиш даврида (муддатида) маҳсулдор эксплуатациянинг ҳар бир йилидаги ўсиш ҳисобига уларнинг тирик вазни ўсиб боради. Тирик вазннинг ушбу ўсиши ҳозирги вақтда бухгалтерлик ва зоотехник ҳисобда акс эттирилмаслиги бухгалтерия (молиявий) ҳисботида йирик шохли чорва молларининг сигирлар подаси қийматининг нотўғри (сунъий равишда пасайтириб) кўрсатилишига ва қийматнинг ушбу қисмига амортизация ҳисобланмаслигига олиб келади.

Шу сабабли ҳисбот йили охирида маҳсулот таннархини калькуляциялаш мақсадида хўжаликларда соғин сигирлар подаси тирик вазни ўсиши аниқланади. Кейин соғин сигирлар подасини етиштириш (сақлаш)нинг

жами харажатларидан қўшимча маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар) қиймати чегириб ташланади. Қолган харажат суммаси сут, насл ва соғин сигирлар подаси тирик вазнининг ўсишига ҳар бир маҳсулотнинг бозор қийматига пропорционал равища ёки маҳсулотнинг ҳар бир туридаги энергия алмашинуви миқдорига (3 % ёғлилик даражасидаги 1 кг сутнинг энергия алмашинув (метаболик энергия) миқдори - 2,3 Мдж, 4 % ёғлиликда - 3 Мдж, 5% ёғлиликда - 3,31 Мдж, насл(бузок)нинг 1 кг тирик вазнида - 17 Мдж, Йирик шохли қорамолнинг 1 кг қўшилган вазнида - 20 Мдж) пропорционал равища олиб борилади<sup>94</sup>.

Соғин сигирлар тирик вазни ўсишига олиб борилган харажатлар улуши ушбу чорва моллари тирик вазни қиймати кўпайишига ҳисобдан чиқарилиши лозим. Тегишлича, калькуляциялаш учун ҳисобга олинган соғин сигирлар тирик вазни ўсиши бухгалтерия ва зоотехник ҳисобида ушбу турдаги чорва моллари тирик вазни ўсишига олиб борилиши керак. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалик корхонасида ҳар бир ҳисботот йили якунида бухгалтерия ва зоотехник ҳисобида, бухгалтерия (молиявий) ҳисботида (балансда) соғин сигирларнинг ҳақиқий қиймати ва тирик вазнини қайта тиклашга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалик корхонаси сут чорвачилиги маҳсулотлари таннархини калькуляциялаш бўйича келтирилган усуллардан исталган усулини мустақил равища танлаши ва фойдаланиши мумкин. Бунда усуллардан бирини танлашда корхона раҳбарлари ва менежерларининг ахборотга бўлган заруратидан, шу билан бирга ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи ҳақидаги маълумотлардан нима мақсадда фойдаланиш эҳтиёжидан келиб чиқиш лозим. Хусусан:

- олинган сут ва наслни ишлаб чиқариш захираси сифатида баҳолаш ҳамда ҳисоб ва ҳисботда акс эттириш;
- ишлаб чиқарилган сут ва олинган насл қийматини алоҳида-алоҳида

---

<sup>94</sup> Алборов Р.А. Бухгалтерский управлеченческий учет (теория и практика) / Р.А. Алборов. - М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2005. - 224 с.

олинган тайёр маҳсулотларнинг ҳақиқий қиймати ёки ички трансферт баҳолари бўйича ўрганиб, таҳлил қилиш;

- сут чорвачилигига етиштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш рентабеллигини ўрганиш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва хулоса шакллантириш;

- сут чорвачилиги корхоналарида қўлланилаётган технологиялардан фойдаланишни давом эттириш ёки модернизациялаш мақсадга мувофиқлигини асослаш;

- бозор рақобати шароитида сутга баҳо шакллантириш бўйича агар сиёsatни асослаш.

Юкорида санаб ўтилганларидан ташқари, сут чорвачилигига таннарх калькуляциясининг у ёки бу усулини танлаш масаласи ҳар бир корхонада мустақил равишда қабул қилинган ишлаб чиқариш (бошқарув) ҳисоби модели, қабул қилинган ҳисоб сиёсати, агробизнесни ривожлантиришнинг ишлаб-чиқариш-молиявий стратегияси, шунингдек стратегик мақсадга - чорвачиликнинг ушбу қуий тизимида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришиш учун ишлаб чиқариш менежментининг олдига қўйилган оператив, жорий ва тактик вазифалардан келиб чиқсан ҳолда ҳал қилиниши лозим.

### **3.3. Чорвачилик маҳсулотлари таннархини пасайтириш резервларини аниқлаш ва тезкор таҳлил услубини такомиллаштириш**

Чорвачилик маҳсулотларини таҳлил қилиш, одатда унинг даражаси ва динамикасини ўрганишдан бошланиб, базисли ва занжирли ўсиш суръатлари ҳисоблаб чиқарилади ҳамда графиклар тузилади. Ҳар бир маҳсулот тури бўйича таннарх ўсиш суръатлари бир хил ишлаб чиқариш йўналишларидаги бошқа хўжаликлар маълумотлари ва ҳудуд бўйича ўртacha маълумотлар билан таққосланади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархини ўзгартириш тенденцияси аниқланади ва хўжалик фаолиятига баҳо берилади. Агар таҳлил килинаётган хўжаликда маҳсулот таннархи даражаси

ва ўсиш суръати ҳудуд бўйича ўртача кўрсаткич ёки рақобатчи корхоналар кўрсаткичларидан паст бўлса, у ҳолда мазкур хўжалик фаолиятини ижобий баҳолаш мумкин. Шунингдек, ҳар бир маҳсулот тури таннархининг режадагидан фарқини аниқлаш лозим. Шундан сўнг, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини ўсиш сабаблари ўрганилади. Улардан айримлари объектив сабаблар бўлиб, корхона фаолиятига боғлиқ эмас. Бошқалари эса субъектив бўлиб, хўжалик юритиш даражаси ва мавжуд имкониятларидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида, хусусан чорвачиликда маҳсулотлар таннархи ўсишининг объектив сабабларидан бири - саноат маҳсулотлари (қишлоқ хўжалик техникалари, эҳтиёт қисмлар, электр энергияси, нефт маҳсулотлари, омухта ем ва ш.к.) баҳосининг ўсиб бораётганлиги бўлса, бошқаси меҳнатга ҳақ тўлаш суръатларининг меҳнат унумдорлигига нисбатан юқорилиги ҳисобланади.

Лекин, ушбу объектив омиллар билан бир қаторда чорвачилик маҳсулотлари таннархининг ўсишида субъектив омиллар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Замонавий техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш технологияси шароитида бир бош чорва молига қилинадиган харажатлар хўжаликларда кескин фарқ қиласдан, чорва моллари маҳсулдорлиги сезиларли даражада фарқ қиласди. Чорва моллари маҳсулдорлиги паст даражада бўлганида маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатлар кўпаяди. Демак, чорва моллари маҳсулдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар маҳсулотлар таннархини пасайтиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни қисман механизациялаш иш жараёнини осонлаштиради, аммо меҳнат унумдорлиги ўсишини сезиларли даражада таъминламайди. Шу боисдан, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш, машина-механизмлар ва курилмалардан самарали фойдаланиш сут йўналишидаги қорамолчиликда олинган маҳсулотлар таннархини пасайтиришнинг муҳим омилидир.

Чорвачиликда меҳнатни ташкил этиш маҳсулотлар таннархини пасайтиришнинг асосий омилларидан биридир. Меҳнатни ташкил этиш паст даражада бўлганида меҳнат ресурслари, техника, озуқа ва ҳоказолардан етарли даражада фойдаланилмасдан, натижада уларнинг маҳсулот бирлигига ошиқча сарфланиши содир бўлади. Меҳнатни ташкил этишнинг илгор шаклларини жорий қилиш ресурс салоҳиятидан тўлароқ ва оқилона фойдаланишга имконият беради ҳамда маҳсулот таннархи пасайишига олиб келади. Сут йўналишидаги қорамолчиликда олинган маҳсулотлар таннархига ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг таъсири ҳам катта ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг оқилона даражаси ер, меҳнат ва моддий ресурслардан тўлақонли фойдаланишга ижобий таъсир этиб, натижада маҳсулотлар таннархини пасайтиришга олиб келади. Ушбу омиллардан энг муҳимларининг маҳсулот таннархига таъсирини кўриб чиқамиз. Сут йўналишидаги қорамолчиликда чорва моллари бош сонига доимий харажатлар суммаси ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми боғлик бўлиб, чорвачиликда маҳсулот таннархининг омилли модели қуидагича келтириш мумкин:

$$T = \frac{A(\text{бош})}{X(\text{бош})} + b$$

### 3.7-жадвал

#### Қибрай тумани «Азизжон» фермер хўжалигига сут ишлаб чиқариш таннархини омилли таҳлил қилиш учун бирламчи маълумотлар<sup>95</sup> (2020 йил)

Кўрсаткичлар	Режа	Ҳақиқатда	Фарқи (+,-)
Сут ишлаб чиқариш ҳажми, ц	5325	5185	-140
Доимий харажатлар, минг сўм	283550	296740	13190
Сигирларнинг ўртacha йиллик бош сони, бош	175	173	-2
Бир сигирдан ўртacha йиллик соғиб олинган сут, кг	3067	3000	-67
Бир бош сигирга тўғри келадиган доимий харажатлар, сўм	1620290	1715260	+94970
1 ц сутга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар, сўм	293219	292172	-1047
1 ц сут таннархи, сўм	345997	349347	+3350+

\*Хисоб-китоблар фермер хўжалигининг 2020 йил учун бизнес режаси ва статистик ҳисобот маълумотлари бўйича бажарилган.

<sup>95</sup> Хўжалик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Юқорида келтирилган формула ва жадвал маълумотлари асосида 1 ц сут таннархига омиллар таъсирини ҳисоб-китоб қиласиз:

$$T_p = \frac{A(\text{бош})p}{X(\text{бош})p} + bp = \frac{1620290}{30,7} + 293219 = 345997$$

$$T_x = \frac{A(\text{бош})x}{X(\text{бош})x} + bp = \frac{1715260}{30} + 292172 = 349347$$

$$T_{\text{ш1}} = \frac{A(\text{бош})p}{X(\text{бош})x} + bp = \frac{1620290}{30} + 293219 = 347228$$

- a) Сигирлар маҳсулдорлиги ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta T_x = T_m - T_p = 347228 - 345997 = 1231 \text{ сўм}$$

- b) Бир бош сигирга тўғри келадиган доимий харажатлар ўзгариши ҳисобига:

$$\Delta T_0 = T_{\text{ш2}} - T_{\text{ш1}} = 350147 - 347228 = 2919 \text{ сўм}$$

- b) ўзгарувчан харажатлар ҳисобига:

$$\Delta T_b = T_x - T_{\text{ш2}} = 349347 - 350147 = -800 \text{ сўм}$$

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 1 ц сут таннархининг умумий ўзгариши (ошиши) режага нисбатан 3350 сўмни ташкил этган. Сигирлар маҳсулдорлиги ва доимий харажатлар суммаси таннархга таъсир кўрсатувчи омил сифатида унчалик катта эмас. 1 ц сут таннархининг режага нисбатан ўсганлиги асосан бир бош сигирга тўғри келадиган доимий харажатларнинг кўпайиши ҳисобига содир бўлган (2919 сўм). Шунинг учун биринчи навбатда, хўжалик раҳбариятига доимий харажатларни пасайтириш, имкон қадар сигирлар маҳсулдорлигини ошириш имкониятларини топиш тавсия қилинади.

Чорва бош сонининг ўсиши ҳамда чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайтириш захираларининг асосий манбалари саналади. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолисининг ҳаёт фаровонлигини оширишда чорвачилик тармоғи ривожлантирилишининг аҳамияти каттадир. чунки аҳоли сонининг ўсиши билан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ўсиб бормоқда. Мамлакатимизда аҳолини

чорвачиликдан олинган маҳсулотлар билан ва озиқ-овқат саноатини эса хомашё билан таъминлаш орқали чорвачиликни жадал ривожлантириш лозим.

Чорвачиликни ривожлантириш учун ҳар бир чорвачилик фермер хўжаликларида фойдаланилмаётган ички имкониятларни аниқлаб ва чорвачиликнинг ҳолатини таҳлил қилиб, таҳлил асосида олинган илмий натижаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг муҳим йўналиши шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида қорамол боқиши билан шуғулланадигай кишилар сонини кўпайтиришdir. Ҳукуматимиз томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун катта эътибор қаратилмоқда. Республикаизда йирик шохли қорамолларни аҳолига, шунингдек фермер хўжаликларига кимошди савдолари орқали сотиш, уларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, озуқа билан етарли даражада таъминлаш бўйича самарали механизмлар яратилди. чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз давом этганлиги учун фаолият юритаётган чорвачилик фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар асосий кўрсаткичларини жорий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирда мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожлантириш асосан 3 йўналишда амалга оширилмоқда:

#### I йўналиш:

- фермер ва дехқон хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтириш мақсадида қорамол сотиб олиш учун микрокредитларни ажратиш;
- турли ташкилотлар қошида қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик ёрдамчи хўжаликларини ташкил этиш.

#### II йўналиш:

- соҳада наслчилик ишларини яхшилаш мақсадида четдаи наслли моллар келтириш билан бир қаторда, сигир ва таналарни сунъий уруғлантириш қамраб олиш даражасини ва моллар маҳсулдорлигини ошириш;
- зооветеринария сервис хизматларини янада кенгайтириш мақсадида зооветеринария пунктлари сонини кўпайтириш.

### III йўналиш:

- мавжуд озуқа экинлари экиладиган майдонлардан самарали фойдаланиш ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш орқали озуқа базасини яхшилаш;
- аҳолига ҳамда дехқон ва фермер хўжаликлариға омухта ем, шрот ва шелуха маҳсулотларини ташкил этилган маҳсус шахобчалар орқали сотишни ташкил этиш.

Сўнгги йилларда ҳукумат томонидан чорва моллар бош сонини кўпайтиришга, зотини яхшилашга, ем-хашак базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда фаолият юритаётган чорвачилик фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда бизнес-режа тузишга, ундаги маълумотларни реал бозор баҳолари асосида шакллантиришга унчалик эътибор қаратилмаяпти. Бизнес-режанинг ишлаб чиқариш қисмида молтурлари бўйича бош сонларини режалаштиришлари керак. Мол гуруҳлари бўйича мавжуд бош сони ва уларнинг ўзгариши корхоналар йиллик ҳисботи ва статистик ҳисботларда кўрсатилади. чорва моллари тури ва гурухи бўйича ҳақиқатдаги мавжуд бош сони режадаги ва ўтган йиллардаги чорва моллари бош сони билан таққосланиб, чорва моллари бош сони режасининг бажарилиши ва ўсиш даражаси таҳлил қилинади.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришпи кўпайтиришнинг бирдан- бир йўли - молларнинг маҳсулдорлигини оширишdir. Маҳсулдорлик кўрсаткичлари бу ҳар бир сигирдан ўртacha йиллик соғиб олипган сут, ҳар бир қўйдан қирқиб олинган жун, ёш ва боқувдаги қорамолларининг бир кунлик ортган вазни, бир она товуқдан ўртacha бир йилда олинадиган тухум сони ва ҳоказо. чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қуйидаги омиллар таъсир этади: чорва моллар бош сони ўзгариши ва бир бош молдан олинадиган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга чорва бош сони ва маҳсулдорлиги ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун занжирли боғланиш усули қўлланилганда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- режа бўйича ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот;
- ҳақиқатда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот;
- шартли ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот (ҳақиқатдаги чорва моллари бош сонлари ва режадаги маҳсулдорлик бўйича аниқланган ялпи маҳсулот).

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга чорва моллари бош сони ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун шартли қабул қилинган маҳсулот ҳажми билан режадаги ялпи маҳсулот таққосланади. Чорвачилик маҳсулотлари етиширишга таъсир қилувчи омилларни амалиёт маълумотлари асосида таҳлил қилинганида куйидаги маълумотларга эга бўлинди (3.8-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, фермер хўжалигида сут ишлаб чиқариш режаси 140 центнерга бажарилмаган. Бунга сигирлар бош сони камайиши ва маҳсулдорликнинг пасайиши салбий таъсир қилган. Сигирлар бош сонининг ҳақиқатда режага нисбатан 2 тага камайиши натижасида умумий соғиб олинган сутнинг микдори 23 центнерга камайган. Бир бош сигирдан олинган сут микдорининг режага нисбатан 67 килограмга кам бўлиши, умумий соғиб олинган сутнинг ҳажмини 117 центнерга камайишига олиб келган. Буни салбий баҳоламоқ лозим.

### 3.8-жадвал

#### **Қибрай туманидаги “Азизжон” фермер хўжалигида чорва моллари бош сони ва маҳсулдорлиги ўзгаришининг ялпи чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга таъсирининг таҳлили<sup>96</sup>**

Маҳсулот турлари	Чорва моллари (бош)		Маҳсулдорлик (кг)		ялпи маҳсулот (ц)			ялпи маҳсулотнинг ўзгариши (ц)		
	режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	ҳақиқатда	режа бўйича	ҳақиқатда	шартли ялпи маҳсулот	Жами	чорва бош сони хисобига	Маҳсулдорлик хисобига
Сут	175	173	3067	3000	5325	5185	5302	-140	-23	-117
Барча ёшдаги қорамол-лар кўшилган вазни	215	212	141,3	139,6	265,6	266,6	269,9	+1,0	+4,3	-3,3

<sup>96</sup> Хўжалик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Барча ёшдаги қорамолларнинг ҳақиқий ортган вазни режага нисбатан 1 центнерга ўсган. Бунга қорамоллар бош сонининг қўпайиши ижобий ва ҳар бир бош қорамолнинг йиллик қўшилган вазнининг камайиши салбий таъсир этган. Буни ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. «Азизжон» фермер хўжалигида чорва моллари бош сонини ошириш учун мустаҳкам озуқа базасини яратиш ва ундан унумли фойдаланиш зарур. чорва молларини илмий асосланган озуқа рационлари асосида боқиши лозим. Ем-хашак таркибида етарли даражада озуқа моддаларининг бўлиши ҳамда ҳар бир озуқа бирлигига 105- 110 г протеин (оқсили) моддаси бўлиши ем-хашакдан фойдаланиш самарадорлигини таъминлайди.

Шунингдек, дехқон, фермер хўжаликлари ва томорқаларда озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш, кам ҳосил берадиган экинларни экишдан воз кечиб, юқори ҳосил берадиган экинларни экиш, чорва молларини белгиланган озуқа рационы асосида боқиши ва чорва моллари зотини яхшилаш ҳисобига, уларнинг бош сонини ва маҳсулдорлигини ошириш мумкин. Олинган сут маҳсулотларини сифати ва унинг ёғлилик даражаси ҳамда бошқа кўрсаткичларга асосланган маҳсулотларни харидор ва буюртмачиларга реализация қилишда ўзаро тузилган контрактация шартномаларига алоҳида эътибор бериш лозим. Шу билан бирга чорва ва паррандаларни сотиш бўйича ҳам контрактация шартномаларининг бажарилиши ҳам доимий назоратда бўлиши лозим.

Пода айлананиши бўйича режа бажарилишини таҳлил қилиш жараёнида бош сонининг ўсиш захиралари белгиланади. Бу урғочи сигирлар қисирлигини камайтириш, ҳайвонларни ўлиши ва уларни оғир вазнда гўштга топширишдир. Маҳсулот ишлаб чиқариш захирасини аниқлаш учун ўртача йиллик бош сонининг эҳтимолга яқин ўсишини тегишли ҳайвон гуруҳидаги бир бошнинг ўртача йиллик амалдаги маҳсулдорлигига қўпайтириш лозим.

Қисир сигирлар кўпайиши маҳсулдорликни тахминан 50 %

пасайтириши натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари катта йўқотишларга учрайди. Зоотехния-ҳисоб китоб маълумотларига кўра сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш захирасини аниқлашда ўртacha 1 қисир сигир туфайли йўқотиладиган сут миқдорини аниқлаб, уни қисир сигирларни режадан ортиқ миқдорда ёки тахминий қисқаришига кўпайтириш лозим. Масалан. хўжаликда қисир сигирларни режадан ортиқ миқдори 50 бошни ташкил қилди. Уларнинг ўртacha йиллик маҳсулдорлиги 14 ц кам. Бинобарин, бу сабабга кўра сут ишлаб чиқариш 700 ц (50x14) камайди. Бу маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг салмоқли ишлатилмаган захирасидир.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг аҳамиятли захираси бўлиб уларни нобуд бўлишини қисқартириш ҳисобланади. Маҳсулотни катта миқдорда йўқотилиши чорва моллари касалликлари, технологик тартибининг бузилиши билан боғлиқ. Бунинг натижасида - ҳайвонлар ўлиши, мажбурий сўйиш, тирик вазн ўсишининг, тугилиш ва сут соғиб олиниши пасайиши ҳолатлари учрайди.

Таҳлил хулосасида ҳар бир тур бўйича натурал кўринишида ва умуман чорвачилик соҳаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни барча аниқланган захираларини қийматини баҳолаш билан умумлаштириш зарур (солиширма ва жорий нархларда).

Аниқланган захиралар уларни қўллаш бўйича аниқ ва реал чора тадбирлар билан боғлаш зарур. Бунда озуқа базаси ҳолатини, мавжуд меҳнат ресурсларини, чорвачилик маҳсулотларини сотиш учун бозорларни ҳисобга олиш зарур. У шу хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш захираларини эгаллаш учун қўшимча 6500 ц к.б. керак бўлади. Ўсимликшуносликда ем-хашакни ишлаб чиқаришни кўпайтириш захираси 6660 ц к.б. ҳажмда белгиланган. Демак, чорвачилик захиралари ўсимликшунослик захиралари билан тенглаштирилган.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш чорва бош сонини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган ҳолатда бу захирани чорва молларини жой

билан таъминланганлиги ва қўшимча меҳнат ресурсларини жалб қилиш имконияти ёки чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаш даражасини ошириш билан боғлаш лозим.

Тезкор таҳлил ёрдамида чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилишини, чорва маҳсулдорлигини, пода айланиши ва ем-хашакдан фойдаланишни назорат қилиш амалга оширилади.

Сут ва тухум ишлаб чиқариш режасини бажарилишининг тезкор таҳлилини ҳар қунн олиб бориш мумкин. Қўйчилик тармоқларида - ёппасига маҳсулот олиш даврида (қўйларни жунини қирқиши ва х.к.); йирик шохли қорамолни етиштириш ва бўрдоқига боқиши тармоқларида ҳар 10 кунда, ҳар ойда моллар оғирлигини назоратдаи ўтказиш маълумотлари асосида таҳлил қилиб бориш лозим.

Сут соғиб олиниши бўйича маълумотларни тармоқлар ва умуман хўжалик бўйича ҳар беш кунликда гуруҳлаш керак, бир сигирдан олинадиган сут қўрсаткичини эса ўтган йилги ушбу санадаги маълумотлар билан таққосланган ҳолда йил бошидан бери ўсиб келаётган натижа билан таққослаб кўрсатиш зарур. Ҳайвонларнинг ўсиши бўйича режа бажарилиши таҳлил молларни ҳар ойда, ҳар бир тур ва гуруҳларни оғирлигини назоратдан ўтказиш асосида олиб борилади.

Озуқаларни сарф харажати маҳсулот таннархининг асосий қисмини ташкил қиласиди ҳамда чорва моллари маҳсулдорлиги ўсишининг асосий омилларидан ҳисобланади. Шу боис, ҳар бир тармоқда боқиши даражаси ва озуқалардан самарали фойдаланишнинг ҳар ойлик тезкор таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Бундай таҳлил чорва молларинг ҳар бир тури ва гурухи бўйича озуқа харажатлари қайдномаси маълумотлари асосида олиб борилади.

Тезкор таҳлил жараёнида чорва молларини боқиши даражаси ва озуқалар билан таъминланиш пасайиш сабаб-оқибатлари ўрганилади, озуқа ва ем-хашаклардан фойдаланиш самарадорлигини кўпайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чоралари кўрилиши лозим.

### **III боб бўйича хulosса**

Чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблашнинг методологик асослари ва уни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилиш асосида куйидаги хulosалар ишлаб чиқилди:

1. Сут йўналишидаги қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий, бошқарув, технологик, биологик ва бошқа хусусият ва шарт-шароитларини ҳисобга олиб, маҳсулот таннархи калькуляцияси объектлари қуйидагилар бўлиши мумкинлиги аниqlанди: соғин сигирлар, олинган маҳсулот, яъни сут ва насл. Сут йўналишидаги қорамолчиликда калькуляция бирликлари қуйидагилар ҳисобланади: бир бош соғин сигир, бир бош олинган насл ва 1 ц сут. Сут йўналишидаги қорамолчиликда ўзига хос (қишки, ёзги, кузги) даври ёки ҳисбот йили бўлиши мумкин;

2. Агар иқтисодиёт ривожланишининг замонавий шароитларида сут йўналишидаги қорамолчилик бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг (кўшимча маҳсулотлар қийматини чегирилган ҳолда) суммасидан тегишли қисмини асосий маҳсулот (сут) миқдорига ва ёндаш маҳсулот (насл) бош сонига олиб бориш усули ўз ечимини талаб қиласди. Ҳозирги вақтда сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш учун озуқаларнинг энергия алмашинувидан келиб чиқсан ҳолда сут ишлаб чиқаришга (90 %) ва насл олинишига (10 %) тақсимлаш усули қўлланилмоқда. Лекин, ушбу усулдан фойдаланилганда сут йўналишидаги қорамолчилик маҳсулотлари таннархи қўпроқ ишончсиз, объектив бўлмаган таннарх кўрсаткичларини (мисол учун, насл таннархи жудаям юқори) шакллантиришга олиб келади. Шунинг учун сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг ишончли ва асосланган бошқа муқобил усулларидан фойдаланиш зарур.

3. Бир бош наслнинг таннархи эса тегишли харажатларни олинган насл бош сонига бўлиш йўли билан, бир центнер сутнинг таннархи уни ишлаб

чиқаришга түғри келадиган харажатлар суммасини олинган сутнинг физик массасига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Бунда сут йўналишидаги қорамолчиликда умумий харажатлардан гўнг, жун ва юнг қиймати чегирилганидан кейин харажатлар суммасини тақсимлашда қуидаги усуллардан бирини қўллаш тавсия қилинади:

- пропорционал усул. Унинг моҳияти сут ва наслга олиб борилиши лозим бўлган, жами харажатдан қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилганидан кейин қолган сумма сут ва насл маҳсулотлари ҳар бирининг ўртача сотиш баҳосига пропорционал равишда тақсимланади, батафсилроқ айтганда, жами сут 1 ц. сутнинг сотиш баҳоси бўйича баҳоланади, жами олинган насл эса хўжаликдаги ушбу зотдаги 1 ц. тирик вазннинг сотиш баҳоси бўйича баҳоланади ёки 1 ц. сотиш баҳолаш амалга оширилади;
- сут чорвачилиги маҳсулотлари таннархини аниқлашда харажатлардан ёндаш ва қўшимча маҳсулотлар (насл ва гўнг) қийматини чегириш усули. Сут чорвачилигига маҳсулотлар таннархини калькуляциялашнинг ушбу усулини қўллаш асосий маҳсулот сут бўлганлиги сабабли ҳамда хўжаликни бошқариш мақсадида раҳбариятнинг фойдали қарорларга келишида қўлланилади. Бу эса, ишлаб чиқариш ва реализация қилиш рентабеллигини баҳолаш зарурати пайдо бўлишидан келиб чиқади;
- сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг коэффициент усули. Ушбу усулнинг моҳияти шунда-ки, сут чорвачилигига маҳсулот етиштиришга жами қилинган харажатлар суммасидан қўшимча маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар) қиймати чегириб ташланади. Олинган сумма сутга тенглаштирилган шартли маҳсулот миқдорига (тенглаштириш коэффициентлари: сут - 1, насл - 1,5) бўлинади. Ҳосил бўлган бўлинма 1 ц. шартли сутнинг таннархини ташкил қиласди. 1 ц. шартли сутнинг таннархини наслни шартли сутга тенглаштириш коэффициент (1,5)га кўпайтириб 1 бош наслнинг таннархини аниқлаймиз.

Сигирларни (173 бош) боқиши учун қилинган йиллик харажатлар 1846

000 минг сўмни ташкил қилган, йил давомида 5185 ц сут, 18 бош насл олинган. Қўшимча маҳсулот(гўнг) бирлигининг қиймати 50,0 минг сўмни ташкил қилган. Шундан келиб чиқсан ҳолда қўйидагиларни аниқлаймиз:

- а) гўнг қиймати:  $141,0 \times 50,0 = 7050,0$  минг сўм;
- б) асосий ва қўшимча маҳсулот таннархи (сут ва насл олиниши):  
 $1846000,0 - 7050,0 = 1838950,0$  минг сўм;
- в) сут ва наслнинг умумий миқдори (шартли сутга ўтказилган):  $5185 + (18 \times 1,5) = 5212$  ц;
- г) 1 ц шартли сут таннархи:  $1838950 : 5212 = 352830$  сўм;
- д) бир бош наслнинг қиймати:  $352830 \times 1,5 = 529245$  сўм;
  - соғин сигирларни сақлаб туриш харажатларини ёндаш маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар)ни чегириб ташлаган ҳолда асосий ва қўшимча маҳсулотларга озуқалар метаболик энергия сарфига мувофиқ сигирлар сут маҳсулдорлиги даражасига (бир бош сигирга тўғри келувчи йиллик соғиб олинган сут миқдори) ва 100 бош сигирга насл (бузоқ) олиниши, шунингдек уларнинг тирик вазнига боғлиқ ҳолда асосий ва қўшимча маҳсулотларни олиб бориш (тақсимлаш) усули. Амалиётда ушбу усулнинг фойдаланишини асослашга озуқанинг метаболик энергияси сарфига боғлиқ ҳолда асосий ва қўшимча маҳсулотга фақат ем-хашак харажатлари қўйидагича олиб борилади: 10 % наслга ва 90 % сутга (100 бош сигирдан насл олиш 100 % бўлиш шарти билан). Сут чорвачилигида қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилган бошқа харажатлар сут ва наслга уларнинг сотиш баҳоларига пропорционал равища тақсимланади, шундай қилиб, хўжаликда сут йўналишидаги қорамолчиликда олинган маҳсулотларни етиштириш учун озуқа сарфи 493989 минг сўмни ташкил қилган. Шундан сут ишлаб чиқаришга 92 % и, ёки 454470 минг сўм ( $493989 \times 0,92$ ), насл олиш учун 8 % и, ёки 39519 минг сўм ( $493989 \times 0,08$ ) тўғри келади. Озуқа харажатларининг фақат 8 % и насл (бузоқлар)га олиб борилган, чунки ушбу хўжаликда 100 бош сигирга насл олиниши 80 % ни ташкил қилган. Кейин сут чорвачилиги маҳсулотларини етиштиришнинг

бошқа барча харажатлари (1846000-493989=1352011 минг сўм) қўшимча маҳсулотлар қиймати чегирилган ҳолда (1352011-52426=1299585 минг сўм) сут ва наслга уларнинг сотиш баҳоларига пропорционал равища тақсимланади;

- соғин сигирларни сақлаш харажатларини қўшимча маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар)ни чегирган ҳолда сут ва наслга улардаги метаболик энергияга пропорционал олиб бориш (тақсимлаш) усули. Сут йўналишидаги қорамолчиликда ёндаш маҳсулотлар (гўнг) қиймати чегирилганидан кейинги йиллик харажатлар суммаси 1838950 минг сўмни ташкил қиласди. 1 кг сутда (ёғлилик даражаси 4 %) 3 Мдж ва 1 кг насл тирик вазнида 17 Мдж мавжуд. Йил давомида 1 555 500 Мдж ( $518500 \times 3$ ) метаболик энергияга ўтказилган сут, 15 300 Мдж ( $900 \times 17$ ) метаболик энергияга ўтказилган тирик вазн олинган. Асосий ва қўшимча маҳсулотлар (сут ва насл)дан олинган умумий метаболик энергия ҳажмида сутнинг метаболик энергияси улуши 99 % ни ( $1\ 555\ 500 : 1\ 570\ 800 \times 100$ ), наслнинг тирик вазни метаболик энергиясининг улуши 1 % ( $15\ 300 : 1\ 570\ 800 \times 100$ ) ни ташкил қиласди. Ушбу маълумотлардан фойдаланиб қуидагиларни аниқлаймиз:

- а) 1 ц сут таннахии:  $1838950000 \times 0,99:5185 = 351120$  сўм;
- б) бир бош насл таннахии:  $1838950000 \times 0,01: 18 = 1021639$  сўм;

4. Хорижий давлатларда қўлланиладиган халқаро тажрибалар асосида сут чорвачилигига маҳсулотлар таннахини аниқлашнинг коэффициент усули ёки соғин сигирларни сақлаш харажатларини қўшимча маҳсулотлар (гўнг, жун ва бошқалар)ни чегирган ҳолда сут ва наслга улардаги метаболик энергияга пропорционал тақсимлаш усули билан калькуляция қилиш усуллари амалиётда қўллаш учун тавсия этилади.

## **IV БОБ. ЧОРВАЧИЛИКДА БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **4.1. Чорвачиликда бошқарув аудитининг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини шакллантириш**

Чорвачиликда бошқарув аудити тасниф гурӯхига кўра белгиланган мақсад-вазифаси бўйича аудит ҳисобланади. Йирик фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ва умуман, аграр ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, бошқарув ҳисобининг ривожланиши ва аудиторлик фаолияти ролининг ошиши каби сабаблар бошқарув аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш ва уни аграр секторда жорий қилиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Бу эса, корхоналар молиявий ҳисботининг тўғри ва ишончлилигини аниқловчи аудиторлик текширувларини ўтказиш методикаларини жорий этиш билан бир қаторда корхонанинг бошқариш аудити бўйича янги муаммоларни ҳал этишни тақозо этмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг бошқарув тизимларини баҳолаш, яъни бошқарув аудити тизимли туб ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, шунингдек, бозор рақобатининг кучайиши шароитида алоҳида долзарблик касб этади.

Чорвачиликда бошқарув аудити, ташқи аудиторлик ташкилотларининг аудиторлари томонидан ҳам, ички назоратчилар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Ташқи аудиторлар томонидан амалга ошириладиган бошқариш учун зарур бўладиган аудит ишлаб чиқариш рентабеллигини янада ошириш ва бошқарув ҳисоби соҳасида мўлжалланган мақсадларга эришиш мақсадида кўрсатилувчи профессионал хизмат турларидан бири ҳисобланади.

Чорвачиликда бошқарув аудитининг учта муҳим мақсади ажратилади:

- чорвачилик хўжалиги бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш;

- чорвачилик хўжалиги молия-хўжалик фаолиятидаги хато-камчиликларни аниқлаш;

- чорвачилик хўжалигига бошқарув тизимини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

Чорвачиликнинг бошқарув аудитида, аввало, хўжаликнинг таркибий тузилишини такомиллаштирилишини, ишга солинмаган ички хўжалик захираларини излаб топиш ва хўжалик рентабеллигини янада ошириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Мазкур масалаларни ҳал қилиш натижасида чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг рақобатда устун бўлишлари ва барқарор ривожланишлари таъминланади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг шаклланиши ва тўғрилигини асослаш ва ишлатилмаган резервларни аниқлаш маҳсулот ишлаб чиқариш харажати бошқарув аудитининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади.

«Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатини текшириш жараёнида бошқарув аудитининг қуидаги айрим вазифалари ҳал этилиши лозим:

- хўжаликда қўлланилаётган харажатлар ҳисоби методи, харажатлар ҳисобининг йиғма варианти, умумишлиб чиқариш харажатларини тақсимлаш методларининг асосланганлигини баҳолаш;

- хўжаликда ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби бўйича дастлабки баҳолаш тизимини тасдиқлаш;

- хўжаликда ҳисобда бевосита ва билвосита харажатларни объектларга тўғри тақсимланганлиги ва акс эттирилганлигини тасдиқлаш;

- хўжаликда тугалланмаган ишлаб чиқарishнинг инвентаризацияси сифатини баҳолаш;

- хўжаликда таннарх кўрсаткичларини ишлаб чиқариш харажатлари йиғма ҳисоби маълумотлари бўйича назорат қилиш»<sup>97</sup>.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва аграр ишлаб чиқарishни диверсификациялаш шароитида тўғри ишлаб чиқилган хўжалик стратегияси,

<sup>97</sup> Хоружий Л.И., Бобкова Е.В. Аудит затрат на производство в сельском хозяйстве // «Аудиторские ведомости», 2006. №9. Сентябрь 2006 г.

яхши натижа беришини кўзлаб тузилган молиявий ва иқтисодий ривожланиш бюджети, самарали ташкил этилган бошқариш тизими ва бухгалтерия ҳисоби биргаликда хўжалик субъектининг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ресурсларининг моддий, меҳнат, молиявий ва интеллектуал турларидан унумли фойдаланиш, чиқимларни камайтириш ва даромадлиликни ошириш ҳар қандай қишлоқ хўжалик корхонаси фаолиятининг асосий стратегик вазифаси ҳисобланади. Бунда ахборотнинг тўғрилиги, ўз вақтида тайёрланганлиги ва якуний аниқлигини таъминловчи бухгалтерия ҳисобига муҳим ўрин берилади.

Чорвачилик хўжаликларида ҳақиқий чиқимлар тўғрисидаги маълумотларни шаклланишида, ялпи ва соф фойдани оширишда, яъни корхона ташкил этилганда эришиш асосий мақсад қилиб олинган кўрсаткични ҳисоблаб чиқариш учун асослар яратишда харажатлар ҳисоби тизими корхона бошқаруви тизимида асосий қисм ҳисобланади.

Амалдаги меъёрий-услубий ҳужжатларга мувофиқ, чорвачилик хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини иккита вариантда амалга ошириш назарда тутилган.

Калькуляция варианти деб аталувчи биринчи вариантда ҳисоб даври мобайнида ҳисбот даври харажатлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг счёtlар дебети бўйича ресурслар ҳисоби счёtlари кредитида бевосита ва билвосита харажатларга бўлинган ҳолда тўпланади. Ҳисоб даври охирида 2510 - «Умушишлаб чиқариш харажатлари» счётида акс этган харажатлар суммаси калькуляция обьектлари бўйича тақсимланади. Шундай қилиб, етиширилган маҳсулотнинг тўлиқ ишлаб чиқариш таннархи аниқланишини билиб оламиз.

Иккинчи вариант маҳсулот таннархига киритилиш тизимига асосланган ҳолда харажатларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлик белгисига қараб чекланган ҳолда ҳисоблаш тартиби ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига қараб чиқимлар ҳам ўзгариши бу харажатларнинг ўзгармас ва ўзгарувчан харажатларга бўлинишидан келиб чиқади. Мазкур харажатларнингнинг бири ишлаб чиқариш ҳажмига тўғри мутаносиб бўлса, бошқаси текари мутаносиб ўзгаради, учинчи хили эса ишлаб чиқариш ҳажмига кўп ҳам боғлиқ бўлавермайди.

Бир хил шароитларда олинган маҳсулот, бажарилган ишлар ҳажми ўзгариши билан ўзгарувчан харажатлар ҳам ўзгариб кетади. Ҳисобот даврида қанча кўп маҳсулот олинса, маҳсулот ишлаб чиқариш чиқимларидаги ўзгармас харажатлар улуши шунча кам бўлади ва ҳисобот даврида қанча кам маҳсулот олинса, маҳсулот ишлаб чиқариш чиқимларидаги ўзгармас харажатлар улуши шунча кўп бўлади.

Шу боисдан, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда харажатларнинг ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларга бўлиниши уларнинг ошиб бориши ва турли омилларга боғлиқлигини аниқлашда муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, хўжалик бўлинмаларининг харажатлари устидан тезкор назорат олиб боришга, баъзи чиқимларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги роли ва ўрнини белгилаш, маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича узоқ муддатли ва қисқа муддатли бошқарув қарорлари қабул қилинишида катта аҳамият касб этади.

Монографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда харажатларни ўзгармас ва ўзгарувчан турларга ажратиш методининг қўлланилиши қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра сезиларли даражада чекланган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошқарув ҳисобини «директ-костинг» деб номланувчи мазкур метод бўйича ташкил қилиш маржинал ва соф даромадни объектив белгилашга имкон беради. Ҳисобда харажатларни сегментлар бўйича, умуман ўзгарувчан ва ўзгармас турларга бўлиш чорвачилик хўжаликлари учун фойдали кўрилган харажатларни кирим

билан түғридан-түғри таққослаш йўли билан ҳисобга олиш, қилинган харажатларни сотувлар бўйича битимлар ҳисобида вақт бўйича акс эттириш муддатларини яқинлаштиришга имкон беради.

Ҳисоб ишида «директ-костинг» методининг кўлланилиши қўйидагиларни назарда тутади:

- хўжаликда ҳисоб ва ҳисбот давридаги барча харажатларни ўзгармас ва ўзгарувчан турларга ажратиш;
- хўжаликда умушишлаб чиқариш харажатларини ҳам ўзгарувчан ва ўзгармас турларга ажратиш;
- хўжаликда таннархни фақат ўзгарувчан харажатлар қисмида ҳисобга олиш;
- хўжаликда ўзгармас давр харажатларини ҳисбот даврининг якуний молиявий натижа олиб бориш;
- хўжаликда омборлардаги тайёр маҳсулот қолдиқлари захиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни ўзгарувчан харажатлар бўйича аниқлаш ва ҳисобга олиш.

Шу тариқа, тўлиқ бўлмаган, яъни қисқартирилган таннарх ҳисобланади, ўзгармас умушишлаб чиқариш харажатлари ҳисоб-китобларда ҳисобга олинмайди. Ўзгармас умушишлаб чиқариш харажатлари тўлигича сотилган маҳсулот таннархига умумий сумма билан киритилади, бунда мазкур харажатлар маҳсулот турларига бўлинниб олиб борилмайди. Давр харажатлари эса тўғридан-тўғри якуний молиявий натижаларга олиб борилади.

Маҳсулотнинг тўлиқ бўлмаган таннархи ҳисоблаб топилганда маржинал даромад ва операцион фойда тўғрисидаги ахборот шаклланади. Маржинал ва соф фойда хўжаликда маҳсулот таннархини бошқаришда муҳим ҳисобланади. Тўлиқ бўлмаган таннарх, маржинал даромад ва соф фойда кўрсаткичларининг маҳсулот қиймати, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тузилмаси, ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар миқдорига бевосита боғлиқлиги билдиради.

Маҳсулот бирлиги ёки маҳсулот қиймати «маҳсулот етиштириш учун

қилинган харажатлар - маҳсулот ҳажми - соф фойда»нинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқариш ҳажмининг заарсизлик нуқтаси аниқлашда муҳим ҳисобланади. Заарсизлик нуқтасида маҳсулот сотишнинг фойда ёки зарар келтирмайдиган ҳажми ҳисоблаб топилади ва аниқланади. Заарсизлик нуқтасини ҳисоблаб топиш учун учта асосий усул: тенглама усули, маржинал даромад усули ва график усули қўлланилади.

Шундай қилиб, «маҳсулот етишириш учун қилинган харажатлар - маҳсулот ҳажми - соф фойда»нинг бошқарув таҳлили натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажмини асослаш мумкин. Шу билан бирга, янги маҳсулот баҳосини, алоҳида буюртмаларни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлигини ва бошқаларни мақсадга мувофиқлигини асослаш учун зарур ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган вақтда маҳсулот етиширишдан олинган фойда тўғрисида «директ-костинг» методидан фойдаланган ҳолда ҳисбот тузиш тақозо этилади. Мазкур ҳисбот моддаларининг умумий корхона бўйича таркиби ва мазмуни қўйидаги: сотувдан келган тушум; ўзгарувчан харажатлар; маржинал даромад; ўзгармас харажатлар; операцион фойда; сотилган маҳсулот микдори. Мазкур бухгалтерия ҳисоби ахборотлари молиявий ҳисботнинг тайёр маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум, сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи, ялпи фойда, давр харажатлари, операцион фаолиятдан фойда, асосий фаолият фойдаси, молиявий фаолият харажатлари ва даромадлари, умумхўжалик фаолияти фойдаси, фавқулодда фойда ва зарар, солик тўлангунга қадар фойда, тўланган соликлар, соф фойда кабилар кўрсатилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот (2-шакл) маълумотлари билан анчагина мос келади. Умуман олганда, тузиш тавсия қилинаётган ҳисботларни фақат чорвачилик хўжаликлари бўйича умумий эмас, балки ҳар бир маҳсулот турлари, тузилмавий бўлинмалар ва бошқалар бўйича тузиш лозим.

Бу эса, нафақат хўжаликнинг молиявий натижалари тўғрисидаги

ҳисоботининг тўғрилигини тасдиқлаш, шунингдек, маҳсулот турлари, жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар тўғрисидаги маълумот ҳам хўжаликда бошқарув аудитининг натижаси эканлигини биламиз. Мазкур масала бўйича олинган маълумотлар менежерларга бошқарув қарорларининг асосли бўлишини таъминлайди.

Хўжаликда харажатларни ҳисобга олишнинг у ёки бу усулини қўллаш ҳамда маҳсулот таннархни ҳисоблаш соҳанинг хусусиятлари ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишни тақозо этади. Чорвачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш узоқ муддат давом этадиган жараён бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишнинг мавсумий ўзгариб туришига хос бўлган алоҳида хусусиятларига эътибор қаратиш лозим.

Бу ҳолда шуни инобатга олиш керакки, тўла таннархни шакллантиришда умумишлаб чиқариш харажатлари узоқ вақт давомида тугалланмаган ишлаб чиқаришда қолади. «Директ-костинг» методидан фойдаланиш чорвачиликдан олинган маҳсулотини сотиш амалга оширилган даврда ўзгармас харажатларни заарларга ёзиб юборишни талаб қиласди (агар чорвачилик маҳсулотларини сотишдан олинган ялпи фойда ушбу харажатларни қоплаб юбормаса).

Куйидагилар ўзгармас харажатларни 9110 - «Сотилган тайёр маҳсулот таннархи» счётига чиқариб юборишнинг ижобий томонлари дейиш мумкин:

- алоҳида маҳсулот турлари таннархини ҳисоблаш тартибини соддалаштириш ҳамда ўзгармас харажатларни ҳисобга олмаслик;
- айланма маблағларнинг айланиш қўрсаткичлари яхшиланиши ва мазкур қўрсаткичларнинг баланс активида камайиши боис хўжаликнинг барча мулки қўрсаткичларининг яхшиланиши;
- айланма активларнинг рентабеллик қўрсаткичлари яхшиланиши ва мазкур қўрсаткичларнинг баланс активида камайиши боис хўжаликнинг барча мулки қўрсаткичларининг яхшиланиши.

Ўзгармас харажатларни қўрсатилган вариантлардан фойдаланган ҳолда

хисобдан чиқариб юборишдан кўриладиган тахминий оқибатларни баҳолашда қатор корхоналарда ўзгармас умушишлаб чиқариш харажатларининг ишлаб чиқариш таннархидаги улуши уларнинг одатдаги катталигидан (одатда бу катталик 15-30 % бўлади) анчагина баланд бўлиб кетиши мумкинлигини назарда тутиш лозим.

Маҳсулот таннархини «директ-костинг» методи бўйича калькуляция қилиш учун 2510-счёт маълумотларидан фойдаланганда ҳаққоний натижалар чиқавермайди. Мазкур методга кўра маҳсулот таннархига оид аниқ кўрсаткичларни ҳисоблаш учун умушишлаб чиқариш харажатлари таркибидан ҳақиқатдаги ўзгармас ва ўзгарувчан харажатларни алоҳида-алоҳида ҳисобга олиш ҳамда умумий ўзгарувчи харажатларни ҳисоблаш ва аниқлаш учун уларни бевосита ўзгарувчи харажатларга қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2510 - «Умушишлаб чиқариш харажатлари» счётида билвосита ўзгарувчан харажатлар бўйича батафсил маълумот имкониятини яратиш учун мазкур синтетик счёт таркибида иккита аналитик счёт очиш лозим:

2511 - «Умушишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги ўзгарувчи харажатлар»;

2512 - «Умушишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги ўзгармас харажатлар».

«Умушишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги ўзгарувчи харажатлар» аналитик счётида хўжаликдаги машина-ускуналарни сақлаш ва эксплуатация қилиш харажатларининг асосий қисмини ҳисобга олиб борилади.

«Умушишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги ўзгармас харажатлар» аналитик счётида машина-ускуналарни сақлаш ва эксплуатация қилиш харажатларининг ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган қисмини, шунингдек, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ёки масъулияти чекланган жамиятнинг таркибий бўлинмаларига хизмат қиласидиган, хўжалик бошқарувини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа

харажатларни ҳисобга олиш учун мұлжалланған аналитик счёт ҳисобланади.

2510 - «Умумишлиб чиқариш харажатлари» синтетик счётининг 2511 ва 2512 аналитик счёларида ҳисобга олинувчи харажатларни бирлаштирувчи рўйхат тузилмавий бўлинмалар ва умуман, фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар фаолиятининг барча хусусиятларини инобатга олган ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Умумишлиб чиқариш харажатлари ҳар ойда ҳисобга олиб борилади. Ой охирида умумишлиб чиқариш харажатлари таркибидаги ўзгармас харажатлар 9110 - «Сотилган тайёр маҳсулот таннархи» счётига, умумишлиб чиқариш таркибидаги ўзгарувчан харажатлар бевосита харажатлар ҳисоби счёларига олиб бориш бўйича бухгалтерия ўтказмалари тузилади.

«Директ-костинг» методини меъёрлаштирилган чиқимларда ҳам, ҳакиқий чиқимларда ҳам қўлласа бўлади. Шу боисдан, сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулот таннархини аниқлаш ва бошқариш мақсадида маҳсулот таннархини «директ-костинг» методи ва харажатлар ҳисоби норматив методидан билан уйғунликда калькуляция қилиш самарали ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби норматив методининг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади: ишлаб чиқариш харажатларини нормалар ва нормадан четга чиқишилар бўйича алоҳида ҳисобга олиш; маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича нормаларнинг жорий давр бошига ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда норматив калькуляциясини тузиш; нормалар ўзгариши ҳисоби ва ҳисботи калькуляцияларини тузиш. Ушбу ҳисоб методи харажатларни аввалдан назорат қилиш имконини яратади, амалда бошқарув ҳисоби олдига қўйилган барча талабларини қондиради ва тезкорликни таъминлайди.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби методидан фойдаланишда ва сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишда норматив методининг афзаллиги шубҳасизdir, «директ-костинг» тизимидан фойдаланиш эса, хўжаликдаги ҳолатни батафсил таҳлил қилишни тақазо этади.

Аудиторлик текширувларида ҳужжатли текширувни бошлашдан аввал, аудитор хўжаликнинг ташкилий ва технологик ҳолатларини, ихтисослашув йўналишларини, ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳар бир тури, миқёси ва тузилмасини таҳлил қилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хўжаликнинг ҳисоб юритиш сиёсати ва ишлаб чиқариш хусусиятларини ўрганиш натижасида аудитор амалда қўлланилаётган харажатлар ҳисоби йигма вариантнинг асосланганлигини аниқлаштиради ва иишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби методининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эканлигини анқлайди.

«Аудиторлик текшируви жараёнида амалда технологик жараён талабларига жавоб берадиган харажатлар ҳисоби методи қўлланилмасдан, ҳисоб сиёсатида ушбу метод элементлари келтирилганлиги аниқланса, у ҳолда аудитор ҳар бир четга чиқиши иш ҳужжатларида қайд этиши ва унинг чорвачилик маҳсулоти таннархини ҳисоблашга қанчалик таъсир кўрсатганлигини ҳисоблаши керак бўлади. Аудитор мижозга ишлаб чиқариш ҳисобини норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ташкил этишга имкон берувчи қатор ўзгаришларни тавсия қилиши мумкин, қайсики ҳисоб сиёсатида келтирилган харажатлар методи технологик жараён хусусиятларига унчалик мос келмаганлиги маълум бўлса тавсия қилинади»<sup>98</sup>.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда маҳсулот етиштириш харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизимига берилган дастлабки баҳони аниқлаш мақсадида тизимларнинг самарадорлик даражасини белгилаш ҳамда тест-синов усулинни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда тест-синов натижаларига биноан тизимнинг ишончлилиги аниқланади ва у дастлабки баҳо билан солиширилади ва фарқли жиҳатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Агар бундай баҳо дастлабкисидан паст бўлиб чиқса, бошка аудиторлик тадбирлари ҳажмини ва бу тадбирларни ўтказиш тартибини

<sup>98</sup> Хоружий Л.И., Бобкова Е.В. Аудит затрат на производство в сельском хозяйстве // «Аудиторские ведомости», 2006. №9. Сентябрь 2006 г.

тўғрилаш керак.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда ички назорат ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимларини комплекс баҳолаш ишлари хорижлик иқтисодчи, профессор Л.И.Хоружий методикаси бўйича амалга оширилади.

«Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг ички хўжалик назорати (К) аҳволини (самарадорлигини) баҳолаш градацияси (бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишдаги изчиллиги):

К1 – паст даражадан;

К2 – ўрта даражадан паст;

К3 – ўрта даражадан;

К4 – ўрта даражадан баланд;

К5 – юқори даражадан;

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари тизимининг аҳволини (самарадорлигини) (У) баҳолаш градацияси:

У1 – паст даражадан;

У2 – ўрта даражадан паст;

У3 – ўрта даражадан;

У4 – ўрта даражадан баланд;

У5 – юқори даражадан»<sup>99</sup>.

Ихтисослашган хўжаликлар бўйича амалий тажриба, хўжаликнинг маълумотлар тизимларини билиш, ҳисоб ходимларининг малака даражаси, ички хўжалик назорати тизимининг аҳволи, шунингдек, текширилаётган хўжалиқдаги харажатларнинг шаклланиш ҳусусиятлари ва харажатларнинг дастлабки қайд этилишидан келиб чиқиб, аудитор қўрсатилган баҳолар градациясининг миқдорий қийматини белгилаши мумкин: К1=0,1; К2=0,3; К3=0,4; К4 =0,6; К5=0,7; У1=0,3; У2=0,4; У3=0,5; У4=0,7; У5=0,8<sup>100</sup>.

<sup>99</sup> Хоружий Л.И., Бобкова Е.В. Аудит затрат на производство в сельском хозяйстве // «Аудиторские ведомости», 2006.№9. Сентябрь 2006 г.

<sup>100</sup> Хоружий Л.И., Бобкова Е.В. Аудит затрат на производство в сельском хозяйстве // «Аудиторские ведомости», 2006.№9. Сентябрь 2006 г.

Тест-синов натижаларига кўра аудитор қуидагиларни баҳолайди:

- чорвачилик хўжаликларидағи харажатлар ички хўжалик назоратининг самарадорлиги;
- назорат воситалари хатари 100 % дан ички хўжалик назорати қиймати олиб ташланади;
- харажатлар ҳисоби тизимининг самарадорлиги (олинган кўрсаткичлар суммаси уларнинг миқдорига бўлинади);
- қолдиқларнинг ажралмас (ички хўжалик) хатари 100 % дан харажатлар ҳисоби тизими қиймати олиб ташланади).

Назорат тадбирларини режалаштиришда аудитор тест-синов натижаларига биноан алоҳида ўрганилиши ва таҳлил қилиниши лозим бўлган аудиторлик хатарини ҳисоблайди ҳамда ўрганиладиган бухгалтерия ҳисоби объектларни аниқлайди.

Харажатлар аудитининг муҳим хусусиятидан бири маҳсулот таннархининг тўғри ҳисоблаб чиқарилганини баҳолаш масаласидир. Баҳолаш эса харажатлар ишлаб чиқариш ҳисботи ахборотларини арифметик назорат қилиш йўли билан амалга оширилади. Шундай қилиб, харажатлар ҳисобининг қайта тақсимлаш ва буюртмали методини қўллаш шароитида давр харажатлари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш катталиги ўзгаришининг алгебраик суммаси сифатида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулот ишлаб чиқариш норматив таннархи, нормалар ўзгариши ва нормалардан четга чиқишининг алгебраик суммаси норматив метод сифатида қаралади.

Аудиторлик текшируви вақтида аниқланган амалдаги қоидалардан четга чиқишлиар аудиторнинг иш ҳужжатларида қайд этилиши лозим, шу билан бирга ушбу четга чиқишлиарнинг ҳисбот кўрсаткичларига кўрсатадиган миқдорий таъсири аниқланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Таннархни камайтириш ва шу асосда сут йўналишидаг қорамолчиликдан олинган маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатлари самарадорлигини, хусусан рентабелликни ошириш ишлаб чиқаришда

харажатлар ҳисобининг қоидага кўра ташкил этилишини ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш методикасига риоя этишни талаб қиласди. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда маҳсулот таннархи даражаси кўп ҳолда асосий техник омилла ҳамда иқтисодий омиллар кўрсатадиган таъсирларга боғлиқ бўлади:

- хўжалиқда техник таъминотнинг ҳамда технологик янгиланликнинг ошиши ва ишлаб чиқариш ишларининг катта ҳажмда автоматлаштирилиши ва механизациялаштирилиши;
- маҳсулот ишлаб чиқариш учун илғор ва замонавий технологиялардан фойдаланиши;
- тупроқнинг унумдорлигини оширишга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;
- ишлаб чиқариш ресурслари сифатининг оширилиши;
- чорванинг энг яхши, юқори маҳсулдор зотлари яратилиши;
- моддий ресурслар ва асосий воситалар нархларининг барқарор эмаслиги, тез-тез ўзгариб туриши;
- материаллар ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида аудиторлар ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи даражасини белгиловчи омилларни ҳамда харажатлар ҳисобининг хусусиятларини ўрганиши, таҳлил қилиши ва тадқиқ қилиши лозим. Аудитнинг мазкур қисмида чорвачилик маҳсулотларининг таннархига таъсир қилувчи омилларни тадқиқ этувчи статистик методлардан ҳамда таҳлилий ўрганиладиган тадбирлардан ва харажатлар даражасидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чорвачилиқда бошқарув таҳлилини иккита асосий йўналиш бўйича олиб бориш лозим:

- чорвачилик ички хўжалик соҳа ва кичик соҳалари;
- хўжаликлараро қиёсий таҳлил, шунингдек, мазкур хўжаликнинг туман ва вилоятдаги илғор хўжаликлар кўрсаткичлари билан солишириш таҳлили.

Мазкур йўналишлар бўйича олинган маҳсулотлар таннархини ва ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш учун қўйидаги таҳлил усусларини кўллаш мақсадга мувофиқ бўлади: кўрсаткичлар фарқи усули, динамика қаторлари таҳлили усули; индекс усули; статистик гурӯхлаш усули; корреляцион-регрессион таҳлил усули; математик моделлаштириш усули.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда *ички хўжалик таҳлили* таннархни калькуляция моддалари ва харажат элементлари бўйича ажратиб таҳлил қилишни назарда тутуди. Таҳлилнинг биринчи босқичида умумий, жами таннархдан харажатлар элементлари қиймат ва нисбий кўрсаткичларда ажратиб таҳлил қилинади.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятларда *таннархнинг хўжаликлараро таҳлили* - бу унинг пасайиш резервларини аниқлаш усули бўлиб, мазкур таҳлил таъсир қилувчи асосий омилларни бир хил ёки турлича ишлаб чиқариш турларига эга бўлган хўжаликлар ўртасида бевосита солиштириш орқали олиб борилади. Чорвачилик хўжаликларида таннархни камайтириш захиралари ҳажми, асосан таҳлил этилаётган хўжаликлар маҳсулотларини таққослаш даражаси билан аниқланади.

Таннархнинг хўжаликлараро таҳлили товар маҳсулотининг бир сўмига тўғри келадиган харажатлар суммаси бўйича аниқланади. Шундан сўнг харажатлар моддалари таққосланади ва уларнинг фарқли жиҳатлари ҳисобланади. Таннархнинг хўжаликлараро таҳлилида бевосита таннархни ва унга тегишли омилларни солиштириш кўриб чиқилганлиги боис, аниқ масалаларни ҳал қилишда жуда катта самара беради.

«Таннархнинг динамика қаторлари таҳлили усулидан ўзгаришлар тенденциясини аниқлашда фойдаланилади ва мазкур усул статистик усусларнинг мажмуи ҳисобланади. Ушбу усул таннарх динамикасининг статистик қаторлари ҳамда унга мувофиқ келувчи омилларни тенглаштириш ва солиштириш, таннарх ва омилларнинг ўсиш ва ўсиб бориш суръатлари

кўрсаткичларини ҳисоблаш ва солишириш йўли билан амалга оширилади»<sup>101</sup>.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар аҳамиятли ўзгаришларга учрамаган пайт бошланган кунни ўз ичига олган солишириш базасини танлаш аудитнинг динамика қаторлари таҳлилидаги муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур шарт бажарилгандагина ҳисбот йили ишлаб чиқариш кўрсаткичларини базис йили кўрсаткичлари билан таққослаш мумкин бўлади. Мисол учун, хўжалик тубдан таъмиранган давр ёки табиий оғатлар юз берган вақт мобайнида таннарх динамикасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Динамика кўрсаткичларини ўзгармас ва ўзгарувчан харажатлар бўйича солишириш базаси билан, уларни ўзаро боғлиқликда кўриб чиқиш орқали таннарх қайси пайтларда энг кўп ёки энг кам ўзгаришларга учраганини аниқлашга имкон туғилади.

Таҳлил вазифасининг қай тартибда амалга оширилиши таҳлил учун вақт даврини танлашга жуда боғлиқ ҳисобланади. Белгиланган муддатдан узоқ ва умуман узоқ вақт таҳлил ўтказилиши таҳлилни анча мураккаблаштиради, сабаби узоқ давом этган таҳлил вақтида ишлаб чиқариш шароитлари ўзгариши, илмий-техника ва фан ютуқлари жорий қилиниши, мамлакатдаги сиёсий аҳвол ўзгариши мумкин ва бошқалар.

Чорвачилик хўжаликлари амалиётда таннархнинг кўп омилли динамик жараённинг сунъий кўрсаткичи сифатидаги тенденциясини аниқлаш учун иқтисодий-математик усууллар қўлланилади. Жумладан, таннархнинг унга таъсир кўрсатувчи омилларга боғлиқ ҳолда ўзгаришини аниқлаш учун ҳар хил формулалардан фойдаланилади. Ушбу таҳлил усулининг асосий камчиликларидан бири, у битта математик формулада ушбу омилларнинг биргаликдаги ҳаракатини ҳисобга олмайди ҳамда таннархни уни белгилаб берувчи омиллар комплекси билан биргаликда акс эттирмайди.

Корреляцион-регрецион таҳлил усули омилларни маҳсулот таннархи ва ишлаб чиқариш харажатларига таъсирини таҳлил қилишнинг энг самарали

<sup>101</sup> Хоружий Л.И., Бобкова Е.В. Аудит затрат на производство в сельском хозяйстве // «Аудиторские ведомости», 2006. №9. Сентябрь 2006 г.

усулларидан бири ҳисобланади.

Бу усул орқали маълумотларни ЭҲМда махсус дастурдан фойдаланган ҳолда қайта ишлашда деярли барча ишлаб чиқариш омилларининг маҳсулот таннархига таъсирининг миқдорий параметрларини ҳисоблаш мумкин бўлади. Шу билан бирга, харажатларни нормалаштириш, меҳнат ресурслари самарадорлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига оид менежментни ташкил этиш ва амалга ошириш лойиҳаларини ишлаб чиқиши, чорвачилик хўжаликларида ишлаб чиқариши жараёнлари ва ички хўжалик назоратидаги харажатларни ҳисобга олишнинг кучли ва кучсиз томонларни аниқлаб олиш имконини беради. Ишлаб чиқариш харажатларини келиб чиқиши ва маҳсулот чиқариш жараёнини янада оптималлаштиришга оид бошқарув ечимларини ишлаб чиқиши учун математик моделлаштириш методидан унумли фойдаланиш ҳамда ушбу вазифалар моделини ЭҲМда симплекс-метод билан муваффақиятли ечиш имконияти мавжуд бўлади. Иктиносидий таҳлилнинг юқорида номи келтирилган усуллари янги усуллар бўлмасдан, ҳали ишга солинмаган захираларни излаб топиш, чорвачилик хўжалигига ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга оид самарали қарорлар қабул қилишда қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мабодо маҳсулот цикли ва ишлаб чиқариш харажатлари бошқаруви аудити изчилик билан, аудит принциплари, фаразлари ва талабларига риоя этмасдан ўтказилса, у самарали бўла олмайди. Шунинг учун сут йўналишидаги қорамолчилик хўжаликларида маҳсулот харажатлари ва ишлаб чиқариш цикли бошқаруви аудити услубиятини ишлаб чиқиш лозим.

Аудит мақсадлари ҳамда вазифаларини ҳамда ахборотдан ички фойдаланувчиларнинг талабларини аниқлаб олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари аудитини бошлашдан аввал амалга оширилиши лозим. Шу билан бирга, ташқи фойдаланувчиларнинг тўғри ва ишончли ахборот олишдан манфаатдорликларига эътибор қаратиш зарур. Шундан сўнг, сут йўналишидаги қорамолчилик хўжаликларида маҳсулот харажатлари ва ишлаб

чиқариш циклини аудитдан ўтказиш механизмини ва аудит ўтказиш пайтида ушбу механизмлар чегарасида ҳаракат қилиш миқёсини аниқ тасаввур қилиш лозим. Сўнг аудит қоидалари, принциплари, фаразлари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда аудит технологиясини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Ишлаб чиқилган аудит технологияси:

- хўжалик фаолияти ва маҳсулот харажатлари бўйича ички хўжалик назоратини ўрганиш ва таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ишлари ташкил этилишининг ҳолатини баҳолаш;
- олинган маҳсулотлар, харажатлар, таннархнинг иқтисодий таҳлили;
- харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитининг методик усуллари ва услубларини кенг қўллаш;
- аудит натижаларини хужжатлаштиришда аудиторлик далил-исботларини етарли даражада тўплаш ва.

Чорвачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш цкли ва харажатлар аудитини қуидаги кетма-кетликда бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1) дастлабки аудит босқичи (ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, синаш, дастурлаш);
- 2) жорий аудит босқичи (кузатиш, ҳисобга риоя этилишини текшириш, қайта ҳисоблаш, кузатиб бориш, керакли хужжатлардан нусха олиш);
- 3) хужжатли аудит босқичи (хужжатларни текшириш, хужжатлардаги маълумотларни солишириш, ёзма сўров, иқтисодий таҳлил);
- 4) расмийлашмаган аудит босқичи (тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризацияси, эксперт баҳолаш, тадқиқ қилиш, қайта ўлчаб чиқиш, оғзаки сўров);
- 5) якунловчи (сўнгги) . Бу босқичда ишлаб чиқариш ҳисботлари, ҳисоб регистрлари маълумотлари, таннарх калькуляцияси, счётларнинг ёпилиши ва ҳисботнинг тўғрилиги, резервларнинг ажратилиши, ечимларнинг ишлаб чиқилиши текширилади. Аудит натижалари умумлашмаси якуний хужжатлар (маълумтономалар, ҳисбот, хулоса, қарор лойиҳалари) кўринишида акс

этади. Аудиторлик ташкилоти аудиторининг молиявий ҳисоботнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот шаклидаги даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги бўйича фикр-мулоҳазалари аудиторлик хулосасида баён қилинади.

«Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва цкли бошқарув аудитида ташқи аудиторлар ҳам, ички аудиторлар ҳам умум қабул қилинган асосий принципларга амал қилишлари, аудитнинг федерал қоидаларини (стандартларини) янада чуқур тушунишга имкон берувчи талабларга риоя этишлари керак»<sup>102</sup>. Бунда аудиторларнинг малакаси, уларнинг касбий тайёрлиги, ташаббускорлиги ва профессионал фикрлаш даражаси муҳим аҳамиятга эга.

#### **4.2. Чорвачиликда харажатлар аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш**

Чорвачиликда харажатлар аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини шакллантириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Харажатлар ва маҳсулот чиқиши ҳисоби бошқарув аудитининг кўп меҳнат талаб қиласиган обьектларидан биридир. Аудиторлик амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, текширув чоғида кўпинча ишлаб чиқаришдаги харажатлар ҳисобига оид қўйидаги хатолар-камчиликлар ва қоидабузарликлар учрайди:

- хўжаликда ҳисоб сиёсатида қайд этилган усулнинг харажатлар ҳисобига оид кўлланилаётган усулга мос келмаслиги;
- харажатларни ҳисобга олиш бўйича хўжалик операцияларни акс эттиришда счёtlар алоқасининг тўғри тузилмаслиги;
- асосий воситалар, номоддий активлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ҳисоби ва амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ҳамда ҳисобда акс эттириш бўйича харажатларни сунъий равишда оширилиши;
- чорвачилик маҳсулотлари таннархига баъзи бир харажат турларининг асоссиз равишда олиб борилиши;

<sup>102</sup> Хоружий Л.И., Бобкова Е.В. Аудит затрат на производство в сельском хозяйстве // «Аудиторские ведомости», 2006. №9. Сентябрь 2006 г.

- харажатларнинг асоссиз равища келгуси давр харажатларига киритилиши;
- харажатларни акс эттиришда бошланғич хужжатларнинг йўқлиги;
- бухгалтерия ҳисоби, шунингдек солиқ ҳисобида харажатларнинг ўз вақтида ва тўғри акс эттирилмаслиги;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларининг нотўғри баҳоланиши, яъни сунъий равища асоссиз ошириб юборилиши;
- умумишилаб чиқариш ва бошқа тақсимланадиган харажатларнинг ҳисоб даврлари бўйича нотўғри тақсимланиши ва ҳ.к.

Хўжаликда ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотлар ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ажратиб турувчи белгиси унинг комплекс характерга эга эканлигидир. Шунинг учун аудитор биринчи навбатда ушбу обьектга доир бошқарув норматив-хуқуқий базасини ва ички хўжалик иш тартибларини билиши зарур. Аудиторлик текширувини унумли ўтказиш учун аудитдан ўтказилаётган чорвачилик хўжалигига товар-моддий захиралар сотиб олиниши ҳисоби жараёнини текшираётган аудиторлар ўртасида ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бу ишлар аудиторлик текшируви вақтида тадбирларнинг қайта-қайта ва такрор ўтказилишига йўл қўймаслик ва аудиторлик хатарлари даражасини камайтириш имкониятини яратади.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг мақсади қўлланилаётган ҳисоб усули ва амалга оширилган операцияларнинг солиқса тортилиши Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатларида берилган талаб ва қоидаларга мувофиқ келишини аниқлашни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини текшириш пайтида аудиторлар кўйидаги вазифаларни ҳал қилишлари зарур:

- хўжаликда қўлланилаётган харажатлар ҳисоби усули, умумишилаб чиқариш харажатларини тақсимлаш усуллари асосланганлиги, харажатларнинг йиғма ҳисоби тўғри юритаётганлигини баҳолаш;

- хўжалик ҳисобида бевосита ва билвосита харажатларнинг акс эттирилиши тўғри эканлигини баҳолаш ва хulosса бериш;
- хўжалиқда тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича инвентаризация талаб даражасида ва сифатили ўтказилганлигини ўрганиш ва хulosса шакллантириш;
- хўжалиқда ишлаб чиқариш харажатлари йигма ҳисоби маълумотлари бўйича таннарх шакллантирилиши бўйича кўрсаткичларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва хulosса бериш.

Шундан қилиб, аудитор ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва олинган маҳсулотларни ҳисобига оид операцияларнинг аудиторлик текшируви учун керакли ахборотлар манбани шакллантириши зарур. Монографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чорвачилиқда қўйидагилар ахборот манбаи бўлиши мумкин: тегишли бошланғич хужжатлар; чорвани озиқлантириш рациони; таҳлилий ва сунъий ҳисоб регистрлари; ишлаб чиқариш ҳисоботлари; статистик ҳисоботлар.

Текширувдан аввал харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитининг қуида келтирилган умумий режаси тузилади (4.1-жадвал).

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Қонунининг 9-моддаси, 1-бандига мувофик, «Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операцияларнинг бажарилиш фактини қайд этувчи бошланғич ҳисоб хужжатлари ва операцияларни ўтказиш учун берилган фармойишлар асос бўлиб ҳисобланади»<sup>103</sup>. Чорвачилик хўжаликларида харажатларни хужжатлаштириш усули аудиторнинг харажатларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини асословчи хужжатларнинг мавжудлигини аниқлаш, шу билан бирга, мазкур хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобида тўғри ёзилганлигини текшириш каби вазифаларни бажаришини аниқлайди.

---

<sup>103</sup> Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби бўйича меъёрий-хукукий актлари тўплами. – Тошкент, «Иқтисодиёт ва хукук» дунёси” нашриёт уйи, 2016. – 6 б. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, 9-модда

## 4.1-жадвал

### Харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитининг умумий режаси<sup>104</sup>

Текширилувчи ташкилот	«Азизжон» фермер хўжалиги
Аудит даври	2021 й. 1 январдан 2021 й. 31 декабргача
Одам-соат миқдори	260
Аудиторлик гурӯҳи раҳбари	Собиров А.И.
Аудиторлик гурӯҳи таркиби	Алимов Б.Н., Раҳимов Д.У.
Режалаштирилган аудиторлик риски	5 %
Режалаштирилган мухимлик даражаси	2 %

т/р	Режалаштирилган иш тури	Ўтказиш даври	Ижрочи	Изоҳ
1	Хўжаликда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот чиқишини ташкил этишининг умумий баҳоси	Ҳисобот даври мобайнида	Собиров А.И., Алимов Б.Н.	
2	Хўжаликда ички назорат тизими ҳамда харажатлар ва маҳсулот чиқиши ҳисобига берилган дастлабки баҳо	Ҳисобот даври мобайнида	Собиров А.И.	
3	Хўжаликда харажатларнинг аналитик ва йиғма ҳисобининг ташкил этилиши, тўғри шакллантирилиши ва асосланганлигини текшириш	Ҳисобот даври мобайнида	Раҳимов Д.У.	
4	Хўжаликда бевосита ва билвосита харажатларнинг маҳсулот таннархига киритилиши асосланганлигини текшириш	Ҳисобот даври мобайнида	Алимов Б.Н.	
5	Хўжаликда келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун резерви тўғри шакллантирилганини текшириш	Ҳисобот даври мобайнида	Раҳимов Д.У.	

Хўжаликни ҳужжатлар асосида текширишни бошлашдан олдин, аудитор чорвачилик соҳасининг ташкилий, норматив-хуқуқий, иқтисодий, техник-технологик, зоотехник ва бошқа хусусиятларини, ишлаб чиқариш фаолияти тузилмасини ўрганиб чиқиши ва таҳлил қилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳисоб сиёсатида келтирилган қоидалар ва чорвачиликда ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таҳлил қилиш ва шу асосда аудитор қилинган харажатлар ва олинган маҳсулот ҳисоби усулининг илмий асосланганлигини текшириб кўради.

<sup>104</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Хўжаликни аудиторлик текширувидан ўтказиш пайтида ҳисоб сиёсатида чорвачиликнинг технологик жараёни талабларига жавоб берадиган харажатлар ҳисоби усули асослаб берилган бўлсаю, амалда эса мазкур усул элементлари қўлланилмаётганлиги исботланса, у ҳолда аудитор иш ҳужжатларида мазкур қоидадан четга чиқишлиарни ёзиб қўйиши керак. Мабодо ҳисоб сиёсатида баён этилган харажатлар ҳисоби усули технологик жараёнга унчалик тўғри келмаса, бундай пайтларда аудитор мижоз-корхонага ишлаб чиқариш ҳисобини меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ равишда ташкил этиш бўйича бир қатор ўзгартиришларни таклиф этиши, мижоз-корхона эса ушбу таклиф ва тавсиялардан амалиётда фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хўжаликда ички назорат тизимининг ҳамда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот чиқишининг бухгалтерия ҳисоби ишончлилигини тасдиқлаш учун аудитор тавсия этилаётган шакл бўйича синов ўтказади (4.2-жадвал).

Синаш натижаларига кўра ички назорат ва маҳсулот чиқиши ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимининг ишончлилик даражаси ўрнатилади.

Текшириш пайтида аудитор ҳар бир харажатнинг маҳсулот таннархига асосли киритилганини, ишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисоби обьектлари ва харажатлар ҳисботи даврлари бўйича тўғри бўлинганини, бухгалтерия ҳисоби счёtlари алоқаларининг амалдаги қоидаларга мос тузилганилиги аниқлаши лозим.

Аудитор қўйидагиларни текшириши зарур:

- хўжаликда маҳсулот таннархига киритилган материалларнинг ўз вақтида ва тўғри баҳоланганилини;
- хўжаликда бухгалтерия ҳисоби тизими бўйича таннархга киритилган харажатларнинг дастлабки баҳоси ва кейинги ички назорат баҳосининг мос келиш-келмаслиги;
- бухгалтерия ҳисобида материаллар сотиб олиш ва тайёрлаш жараёнининг хўжаликда ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсатига боғлиқ равишда

түғри акс этганлиги;

## 4.2-жадвал

### Харажатлар ҳисоби бўйича ички назорат тизимини баҳолаш учун саволнома-тест<sup>105</sup>

Савол	Жавоб		Хатар баҳоси
	ха	йўқ	
<b>1.Ички назорат тизими</b>			
1.1. Ишлаб чиқаришга харажатлар сметаси тузиладими ва унга риоя этилиши назорат қилинадими?			
1.2. Корхона чиқараётган маҳсулотга номенклатура-нарх кўрсаткичи ишлаб чиқилганми?			
1.3. Харажатлар меъёри ўрнатилганми, меъёрлар қайта кўриб чиқиляптими?			
1.4. Ишлаб чиқариш харажатлари меъёрига риоя этилиши устидан назорат олиб бориляптими?			
1.5. Ишлаб чиқаришга лимитдан ташқари материалларнинг берилишига ваколатли шахслар томонидан рухсат берилганми?			
1.6. Материаллардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларнинг бошланғич сарф хужжатларига мувофиқлиги текшириладими?			
1.7. Активлар, харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва уларга рухсат этилиши билан боғлик операцияларни амалга оширувчи ходимларнинг мажбуриятлари тақсимланганми?			
1.8. Тайёр маҳсулот (иш, хизмат) таннархининг шаклланиши бош бухгалтер томонидан назорат этиладими?			
1.9. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига оид хужжат айланиши графигига риоя этиладими?			
1.10. Тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризацияси ўтказиладими?			
1.11. Ишлаб чиқариш харажати таҳлили ўтказиладими?			
<b>2.Бухгалтерия ҳисоби тизими</b>			
2.1. Харажатлар ҳисобини амалга оширувчи бухгалтерия ходимлари зарур малака ва иш тажрибасига эгами?			
2.2. Харажатлар элементлар ва моддалар бўйича тасниф этилганми?			
2.3. Харажатлар ҳисбот даврларига кўра ажратилганми?			
2.4. Жорий харажатлар ҳисоби ишлаб чиқариш ва капитал қўйилмалар бўйича алоҳида юритиладими?			
2.5. Корхонада ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ягона ҳисоб сиёсати мавжудми?			
2.6. Харажатларнинг йиғма ҳисоби схемаси ишлаб чиқилганми?			
2.7. Харажатларнинг сегментар ва йиғма ҳисоби маълумотлари солишириладими?			
2.8. Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот (иш, хизмат) таннархини калькуляция қилиш методи танланганми?			
2.9. Харажатлар ҳисоби обьекти, калькуляция обьектлари ва калькуляция бирликлари белгиланганми?			
2.10. Ишлаб чиқаришдаги туриб қолишилар ва браклардан кўрилган талофатлар ҳисоби ташкил этилганми?			

- ишлаб чиқаришда фойдаланиувчи материалларга кирмайдиган харажатларни таннархга киритиб юбориш фактлари рўй берганлиги;

<sup>105</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

- озиқлантириш рациони чорванинг тури ва ёши ҳамда жинсий гурухларига мувофик равишда тўғри тузилганлиги;
- товар биржалари хизматлари, жумладан, брокерлик ва х.к. хизматларига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳсулот таннархига киритилиши асосланганлиги;
- қадоқ, идиш харажатларининг ҳисобда тўғри акс эттирилгани;
- камомаднинг табиий камайиш меъёрлари чегарасида ҳисобдан тўғри чиқарилганлиги;
- машина ва механизмларнинг алоҳида турларини индивидуал тарзда апробация қилиш (синаш орқали маъқуллаш) ва уларнинг монтаж қилиниш сифатини текшириш мақсадида барча турдаги ускуна ва техник мосламаларни комплекс апробация қилиш харажатлари амалга оширилганлиги;
- янгидан ишга туширилаётган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш харажатлари қилинганлиги;
- ишлаб чиқариш натижалари, шу жумладан, йиллик иш якунлари бўйича мукофот тўлаш тартиби тўғрисида тизимли низомлар мавжудми;
- давлат бюджетдан ташқари мақсадли фонdlарига чегирмаларнинг тўғри амалга оширилганлиги;
- асосий фонdlар бўйича амортизациянинг тўғри ҳисоблаб ёзилганлиги;
- таннархга белгиланган лимитлардан, меъёр ва нормативлардан ташқари киритилган харажатларнинг таҳлилий ҳисоби юритилганлиги;
- олинган банк кредитлари бўйича фоизларни тўлаш харажатлари ҳисобланганлиги (асосий воситалар сотиб олиш билан боғлиқ ссудалар бундан мустасно);
- харажатларнинг бошқа чиқимларга тўғри киритилганлиги;
- корхонанинг ҳисбот йил учун вакиллик харажатларига оид харажатлар сметасининг мавжудлиги;

- кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва бошқа харажатлар учун шартномаларнинг мавжудлиги ва х.к.

Аудитор шуни ҳисобга олиши керакки, корхона харажатлар ва чорвачилик маҳсулотларининг чиқиши ҳисобини ташкил этишининг аниқ бир вариантини танлашда бошқарув ҳисоби тизимида қуидагиларга қараб мўлжал олади:

- миллий стандартлар бўйича бухгалтерия ҳисоби счёtlари режаси тузилмасига;
- маҳсулот (иш, хизмат) қийматини шакллантиришнинг соҳа хусусиятларига;
- корхонанинг катта ёки кичиклигига;
- ҳисоб тизимининг самарадорлигига (ҳисоб тизими бошқарувга келтирадиган манфаатларни харажатлар билан солишириш).

Ўзбекистонда корхоналарнинг бошқарув ҳисобидан фойдаланиши намунавий Бухгалтерия ҳисоби счёtlари режаси билан мустаҳкамланмаган. Шу боисдан, корхоналар ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишида харажатлар ва таннарх ҳисоблашни батафсил акс эттирувчи бошқарув ҳисоби учун мўлжалланган алоҳида счёtlар очилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқарув ҳисоби учун шакллантирилган алоҳида счёtlар харажатларни моддалар, юзага келиш жойлари ва бошқа белгиларига кўра гурухлашни эътиборга олиши лозим. Шу билан бирга, ушбу счёtlар маҳсулот таннархини аниқлаш учун қулай ҳолда шакллантирилиши керак. Молиявий ҳисоб счёtlарининг бошқарув ҳисоби счёtlари билан ўзаро алоқадорлигини кўрсатиб бериш ҳамда бир-бирига мувофиқ келадиган ҳолда ташкил этиш таклиф қилинади.

Аудитор 2520 - “Чорвачилик умушишлаб чиқариш харажатлари” счётида ишлаб чиқариш бўлинмалари сметалари бўйича ясама харажатлар гурухланишини ва ҳақиқий харажатларнинг четга чиқиши смета моддалари бўйича назорат қилинишини аниқлаб олиши лозим.

Аудитор қуидагиларни аниқлаб олиши керак: ишлаб чиқариш

чиқимларини ҳисбот даврлари ичидаги түғри тақсимланганлиги; ишлаб чиқариш харажатларига киритилгандай ресурсларнинг түғри баҳоланганлиги ва баҳолаш усулига риоя қилинганлиги; асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация харажатларининг маҳсулот таннархига түғри олиб борилганлиги; калькуляция объектларига умумишилаб чиқариш харажатларининг асосли тақсимланганлиги; яроқсизлик (брак) ҳисобининг ташкил этилиши ва бошқалар.

Аудиторнинг умумишилаб чиқариш харажатлари таркибини таҳлил қилиб кўриши тақозо этилади. Бошланғич хужжатлар асосида хоналарни ва ишлаб чиқариш объектларини иситиш, ёритиш, биноларни тутиб туриш харажатлари, ишчилар ва бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи, ахборот-консалтинг хизматлари ва бошқа хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари синтетик ва аналитик счёtlарга түғри олиб борилганлиги аудитдан ўтказилади. Бошланғич ҳисоб хужжатлари расмийлаштирилишини ўрганишда, хўжаликда иссиқлик ва электр энергияси сарфини ҳисобга олиш ишларининг ташкил этилиши билан танишаётib, аудитор бундай харажатларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш эҳтиёжларига киритилиши қанчалик асосланганлигини аниқлаши зарур.

Хўжаликни текширишда аудитор томонидан 8910 – «Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захира» счётида ҳисобга олиндиган турли харажатлар захираси амладаги қоидаларга мувофиқ шакллантирилганини текшириши мақсадга мувофиқ бўлади. Хўжаликда бутун йил давомида барча харажатлар ва тўловлар шакллантирилган тегишли захиралар ҳисобига қопланиши керак. Аудитор ҳар бир захира маблағларидан түғри фойдаланилганини, тўловлар ўз вақтида амалга оширилганини, етишмаган маблағларнинг қўшимча равишда ҳисоблаб ўтказилганини ва ортиқча ҳисоблаб ёзилган суммаларнинг ҳисобдан чиқарилганини, ҳисобда хўжалик операцияларининг түғри акс эттирилганини аниқлайди.

Ҳисбот даври ишлаб чиқариш харажатларига киритиладиган келгуси

давр харажатлари суммалари сметалар ва ушбу харажатларга доир бошланғич хужжатлар билан тасдиқланиши керак. Шунингдек, аудитор келгуси давр харажатлари таркибини ва уларнинг таннархга киритилиши қоидага тұғри келишини ҳам текширади.

Аудитор умумишлиб чиқариш харажатларининг корхона ҳисоб сиёсати билан тасдиқланган тартибга мувофиқ тұғри тақсимланганини ҳам тасдиқлайди.

Хұжаликда харажатларни үрганиш жараёнида аудитор улар хужжатларда тұғри расмийлаштирилгани ва бухгалтерия ҳисоби счёtlарида тұғри акс эттирилганига ишонч ҳосил қилиши лозим. Хұжаликда харажатлар турлари бүйича ҳисобда құлланиладиган, асос бўлувчи бошланғич хужжатлар тегишли реквизитлар акс эттирилган бўлиши, хўжалик операциялари бўйича счёtlар алоқалари эса, ишчи счёtlар режасида тақдим этилган проводкаларга мос келиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, хўжаликни текшириш пайтида аудитор томонидан аниқланган барча амалдаги қоидаларга мос келмайдиган ҳолатлар аудиторнинг иш хужжатларида қайд этилиши ва акс этирилиши керак. Шунингдек, йўл қўйилган хато-камчиликларнинг ҳисбот кўрсаткичларига миқдорий таъсири белгиланади.

#### **4.3. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш**

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар биологик активларнинг турларидан бири бўлиб, ўзига хос ҳисоб ва аудит обьекти ҳисобланади. Шу боис, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг мавжудлиги ва ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳам ўзига хос ташкилий-услубий ёндашувларни талаб қиласи. Ўстиришдаги ва боқувдаги чорва моллари ҳақидаги маълумотларни ҳисоб ва молиявий ҳисбот ахборотларини текшириш корхона балансида ушбу активлар сезиларли улушни ташкил этган,

ихтисослашган чорвачилик корхоналари аудитининг ажралмас қисмидир.

Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар аудитининг мақсади чорвачилик хўжалигига олиб борилаётган ҳисоб ишларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича амалдаги норматив-хўжжатлардаги қоида ва талабларга мувофиқ келиш-келмаслигига баҳо бериш ва хулоса шакллантиришдан иборат.

320-сон «Аудитни режалаштириш ва бажаришда мухимлик», 315-сон «Мухим бузиб кўрсатишлар рискларини тадбиркорлик субъект ва унинг муҳитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш», 500-сон «Аудиторлик далиллари» ва 705-сон «Мустақил аудитор ҳисботи (хулосаси)да фикрни модификациялаш» номли стандартларига мувофиқ юритилиши керак. Шунингдек, «ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар аудитига самарали ёндашувни ишлаб чиқиши учун аудитор режалаштириш босқичида мижоз корхонадаги ички назорат тизимининг самарадорлигини ўрганиши ва унинг ишончлилигини баҳолаши лозим.

Ички назорат тизимини баҳолаш учун аудитор олдиндан анкета-саволнома тайёрлаб кузатиш, ходимлардан сўров ўтказиш, аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхонада тизимли, дастлабки ҳисоб ва бошқа ҳўжжатларидағи маълумотларни кўриши, тестлар ўтказиши мақсадга мувофиқ бўлади<sup>106</sup>. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар аудити бўйича ички назорат тизимини баҳолаш услугини шакллантириш ва ушбу объектни ўрганиш нуқтаи-назаридан саволномага қуидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади (4.3-жадвал).

Ишлаб чиқилган саволнома бўйича батафсил аудиторлик текширувилар қуидаги кетма-кетликда ўтказиши мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Хўжалиқдаги чорва моллари ва ҳайвонларнинг турлари ва гурухлари; чорва моллари ва ҳайвонлар бош сони; чорва моллари ва ҳайвонларнинг ферма бўйича мутаносиб жойлаштирилганлиги аудити. Аудиторлик ташкилотининг

<sup>106</sup> Широбоков В.Г. Практикум по аудиту в организациях АПК: Учебное пособие / Аудит животных на выращивании и откорме. В.Г.Широбоков, Т.И.Логвинова. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 384 с.

аудитори хўжаликда чорва моллари ва ҳайвонларнинг турлари ва гурухлари

#### 4.3-жадвал

#### Ўстиришдаги ва бокувдаги ҳайвонлар аудити бўйича ички назорат тизимини баҳолаш услуби<sup>107</sup>

т/р	Ўрганиладиган масалалар	Ишончли	Қониқарли	Шубҳали	Қониқарсиз	Изоҳ
1	Хўжаликдаги чорва моллари ва ҳайвонларнинг турлари ва гурухлари; чорва моллари ва ҳайвонлар бош сони; чорва моллари ва ҳайвонларнинг ферма бўйича мутаносиб жойлаштирилганлиги аудити					
2	Хўжаликда чорва моллари ва ҳайвонларнинг тўғри ва зарарсиз сақланишини таъминлайдиган шарт-шароитларнинг борлиги аудити					
3	Хўжаликда чорва моллари ва ҳайвонларни инвентаризация қилиш тартиби, ўз вақтида амалга оширилиши ва даврий ўтказилиши, инвентаризация натижаларининг бухгалтерия хисобида ўз вақтида ва тўғри акс эттирилганлиги аудити					
4	Хўжаликда чорва молларидан насл олиниши, гурухдан-гурухга ўтказилиши, сотилиши, мажбуран сўйилиши, ҳаром ўлиши ва бошқа ҳаракати бўйича хўжалик операциялари аудити					
5	Хўжаликда чорва моллари ва ҳайвонлар бўйича аналитик ва синтетик хисобнинг ташкил этилиши аудити					
6	Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда чорва моллари ва ҳайвонлар ҳаракатига оид хўжалик операцияларга руҳсат берилиши аудити					
7	Хўжаликда олинган наслнинг таннархини калькуляциялаш бўйича услугият мавжудлиги ва уларг-а риоя қилиниши аудити					
8	Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда чорва моллари ва ҳайвонлар аудити хисоб бўлимни юзасидан хужжатлар айланиши графикининг мавжудлиги ва бу графикка амал қилиниши аудити					

(йирик шохли қорамолларнинг турли ёши-жинси бўйича гурухлари, сигирлар,

<sup>107</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

кўйлар) кўп бўлиши, мазкур бухгалтерия ҳисоби объектлари бўйича хўжалик операциялари ҳар хил ва сон жиҳатдан кўп бўлади, бу эса, ушбу ҳисоб объектлари бўйича чалкашликлар ва хато-камчиликларга йўл қўйиш эҳтимолини оширади деган фикр-мулоҳазадан келиб чиқади. Чорвачиликда иншоотларнинг бир-биридан узоқда жойлашганлиги, катта-катта майдонларда курилганлиги ёки бошқа аҳоли пунктида жойлашганлиги, ахборотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилмаслигига олиб келиши мумкин. Бу эса, бухгалтерия ҳисобида белгиланган вақтдан кеч, нотўғри, тўлиқ бўлмаган ва ишончли бўлмаган маълумотлар пайдо бўлишига шароит яратади.

2. Хўжаликда чорва моллари ва ҳайвонларнинг тўғри ва заарсиз сақланишини таъминлайдиган шарт-шароитларнинг борлиги аудити. Аудитордан ўтказилаётган чорвачилик хўжалигининг чорва моллари ва ҳайвонларнинг сақланиши моддий жавобгар шахсларга бириклилганлиги ва улар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилганлиги, чорва моллари ва ҳайвонларнинг тўғри ва заарсиз сақланишини таъминлайдиган шарт-шароитларнинг мавжудлиги, чорва молларини сақлаш жойларида қўриқлаш учун қоровул, ёнгин ва сигнализация тизими, яйлов майдонларида тўсиқларнинг мавжудлигини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқ бўладии Мазкур назорат воситаларининг мавжуд эмаслиги эса, хўжаликда чорва моллари ва ҳайвонларнинг ўғирланишига, ёнгиннинг ўз вақтида бартараф этилмаслигига, тўсиқларнинг йўқлиги эса чорва моллари ва ҳайвонларнинг худуддан чиқиб кетиб йўқолиши ва шу каби салбий ҳолатларнинг содир бўлишига шароит яратади.

3. Хўжаликда чорва моллари ва ҳайвонларни инвентаризация қилиш тартиби, ўз вақтида амалга оширилиши ва даврий ўтказилиши, инвентаризация натижаларининг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ва тўғри акс эттирилганлиги аудити. Бунда инвентаризация ахборотларини қалбакилаштирилмаганлиги, амалдаги қоидаларга риоя қилинганлиги ҳамда белгиланган муддатларда ўтказганлигига эътибор қаратилади ва аниқланади.

Бунинг учун аудитор чорва моллари, ҳайвонлар ва чорва моллари алоҳида гурухлари инвентаризациясида қатнашиши лозим. Аудиторлик ташкилоти аудитори инвентаризация натижаларининг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ акс эттирилганлигини ўрганиб чиқиши ва назорат қилиши керак. Шу билан бирга, аудитор томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар корхона раҳбарлари томонидан ўрганилганлиги ва таҳлил қилинганлиги, камомад аниқланган ҳолатларда тегишли чоралар кўрилганлиги ўрганилади. Бу ўрганишлар ва текширишлар натижасида олинган далиллар ва бошқа асослар аудиторга ўстиришдаги ҳайвонлар, бокувдаги ҳайвонлар, ишчи ҳайвонлар, маҳсулдор ҳайвонларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, мазкур ҳисоб объектларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботда ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ акс эттирилишини тасдиқлаш зарур. Умуман олганда, аудитнинг моҳияти бўйича аудиторлик текшируви ўтказиш усули бўйича таҳлил қилишда юқорида келтирилган ўрганишлар бўйича ахборотларга эҳтиёж катта бўлиб, ушбу ҳисоб обьекти юзасидан тўғри аудиторлик хulosasi шакллантиришга керак бўлади.

4. Хўжаликда чорва молларидан насл олиниши, гурухдан-гурухга ўтказилиши, сотилиши, мажбуран сўйилиши, ҳаром ўлиши ва бошқа ҳаракати бўйича хўжалик операциялари аудити. Аудиторлик ташкилоти аудитори насл олиниши, вазн қўшилиши, чорва моллари сўйилиши, ҳаром ўлган молларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва шу каби хўжалик фактларига жавобгар ва ушбу фактларни мавжудлигини назорат қилиш, мазкур фактларнинг тўғрилиги назорат қилиш учу корхонада ким жавобгар эканлигини аниқлайди, яъни ушбу функциялар хўжаликнинг қуидаги ходимларидан қайси бирига: ферма мудири, зоотехния хизмати, бухгалтерия ходимлари ёки бошқага юқлатилганлигига эътибор қаратади. Чорва моллари ва ҳайвонларни вазнини тортиш, уларни сўйиш, аҳолидан қабул қилиш, ҳаром ўлган молларни ҳисобдан чиқаришда далолартнома тузилганлиги ва бунда бухгалтерия ходимларининг иштироки бор-йўқлигини аниқлайди. Мазкур хўжалик

операцияларининг бошланғич ҳисоб ҳужжатлари билан ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилиши аудитор томонидан назорат қилинади. Шунингдек, чорва моллари ва ҳайвонларнинг сони ва оғирлигини қасдан сохталашибишининг олдини олиш чоралар кўрилганлигига эътибор қаратиши лозим. Шу билан бирга, аудитор бир центнер тирик масса (вазн), бир центнер қўшилган вазн, бир бош насл таннархини калькуляция қилишнинг амалдаги қоидаларга мос келишини текшириб кўриши лозим.

5. Хўжалиқда чорва моллари ва ҳайвонлар бўйича аналитик ва синтетик ҳисобнинг ташкил этилиши аудити. Бу бўлимда аудиторлик ташкилотининг аудитори чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар фермаларида «Чорва моллари ва паррандаларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» амалдаги қоидалар асосида юритилаётганлигига баҳо беради ва аниқлайди. Чорва моллари ва ҳайвонлар ҳаракати бўйича бошланғич ва йиғма ҳужжатларнинг ўз вақтида ва тўғри тузилиши ҳамда амалдаги қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилаётганлигини ўрганади, таҳлил қиласи ва хулоса шакллантиради. Шу билан бирга, ўстиришдаги ва бокувдаги ҳайвонлар аналитик ҳисоби ташкил этилиши ҳайвонларнинг турлари, гурухлари, сақлаш жойлари ва моддий жавобгар шахслар бўйича маълумотлар олишга имкон бериш ёки бермаслиги ҳақида ахборот бериши аниқланади.

6. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда чорва моллари ва ҳайвонлар ҳаракатига оид хўжалик операцияларга рухсат берилиши аудити. Қоидага кўра, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда чорва моллари ва ҳайвонлар ҳаракатига оид хўжалик операцияларга корхона раҳбарияти ёки бошқа ваколатли мансабдор шахс томонидан рухсат берилади. Агар операцияларга рухсат берилмаса ёки бунга ваколатли бўлмаган шахслар томонидан рухсат берилган бўлса, аудиторлик текширувидан ўтаётган корхонанинг ички назорат тизими қоидаларга хилоф ҳаракатларга йўл қўйган ҳисобланади.

7. Хўжалиқда олинган наслнинг таннархини калькуляциялаш бўйича

услубият мавжудлиги ва уларга риоя қилиниши аудити. «Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда маҳсулотлар таннархини калькуляциялаш масалалари аудитида тармоқ услубий тавсияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ»<sup>108</sup>. Бухгалтерия ҳисоби счёtlарини ёпиш алгоритми ва таннархни ҳисоблаш услубиятини батафсиллаштирадиган ҳисоб сиёсати қоидаларининг акс эттирилиши, амалиётда қўлланилиши ҳамда уларга тўлиқ амал қилиниши устидан назорат қилиш бухгалтерия ҳисоби юритилиш ва молиявий ҳисботлар тузишда жиддий чалкашликларга йўл қўйилмаслигига эътибор қаратиш лозим.

8. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда чорва моллари ва ҳайвонлар аудити ҳисоб бўлими юзасидан ҳужжатлар айланиши графигининг мавжудлиги ва бу графикка амал қилиниши аудити. Аудиторлик ташкилотининг аудитори ишлаб чиқариш бўлинмаларидан бухгалтерияга ахборотларни тақдим этиш жараёнлари амалдаги қоидаларига мувофиқ эканлигини кўриб чиқиши лозим.

Хўжаликда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни аудиторлик текширувидан ўтказишида аудитор томонидан аудиторлик амаллари мажмуини ва ушбу амалларнинг услубий аҳамиятини қўйидагича акс эттириш мумкин (4.4-жадвал).

Чорвачилик хўжаликларида тегишли бўлимлардан бухгалтерияга тўғри ва тўлиқ маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва молиявий ҳисботда чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Чорвачилик хўжаликларини аудиторлик текширувдан ўтказишнинг ушбу босқичида аудитор 1100-«Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар» счётининг ҳисбот даври бошига қолдиғи олдинги ҳисбот даврининг молиявий ҳисботда тасдиқланган охирги қолдиқларига мос келишини аниқлаши мақсадга мувофиқ бўлади.

---

<sup>108</sup> Р.Д.Дусмуратов, Б.Ю.Менгликулов. Фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари таннархини ҳисоблаш бўйича тавсиянома. Тошкент. 2013. 24 бет

#### 4.4-жадвал

### Ўстиришдаги ва бокувдаги ҳайвонларни текширувдан ўтказиш бўйича аудиторлик амаллари мажмуи ва уларнинг услубий аҳамияти<sup>109</sup>

т/р	Аудиторлик амаллари	Услубий аҳамияти
1	Хўжалиқдаги чорва моллари ва ҳайвонларнинг турлари ва гурухлари; чорва моллари ва ҳайвонлар бош сони; чорва моллари ва ҳайвонларнинг ферма бўйича мутаносиб жойлаштирилганлиги аудити	Хўжалиқдаги чорва моллари ва ҳайвонларнинг турлари ва гурухлари, чорва моллари ва ҳайвонлар бош сони; чорва моллари ва ҳайвонлар ферма бўйича тўғри тақсимланганлиги ва жойлаштирилганлиги ўрганилиб, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланади
2	Хўжалиқда чорва моллари ва ҳайвонларнинг тўғри ва зарарсиз сақланишини таъминлайдиган шарт-шароитларнинг борлиги аудити	Хўжалиқда чорва моллари ва ҳайвонларнинг сақланишини таъминлайдиган шароитлар мавжудлиги ўрганилиб, унга баҳо берилади ва яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқлади
3	Хўжалиқда чорва моллари ва ҳайвонларни инвентаризация қилиш тартиби, ўз вақтида амалга оширилиши ва даврий ўтказилиши, инвентаризация натижаларининг бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ва тўғри акс эттирилганлиги аудити	Хўжалиқда чорва моллари ва ҳайвонларни инвентаризация қилиш тартиби ва даврийлиги, инвентаризация натижаларини ҳисобда акс эттирилиши текширилиб, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилади
4	Хўжалиқда чорва молларидан насл олиниши, гурухдан-гурухга ўтказилиши, сотилиши, мажбуран сўйилиши, ҳаром ўлиши ва бошқа ҳаракати бўйича хўжалик операциялари аудити	Хўжалиқда чорва молларидан насл олиниши, гурухдан-гурухга ўтказиш, сотилиши, мажбуран сўйилиши, ҳаром ўлиши ва бошқа бўйича ҳаракати бўйича операцияларнинг назоратини текширишга баҳо берилади ва назоратни амалга оширишни яхшилаш юзасидан тавсиялар берилади
5	Хўжалиқда чорва моллари ва ҳайвонлар бўйича аналитик ва синтетик ҳисобнинг ташкил этилиши аудити	Хўжалиқда чорва моллари ва ҳайвонлар бўйича аналитик ва синтетик ҳисобнинг ташкил этилиши такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқлади
6	Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда чорва моллари ва ҳайвонлар ҳаракатига оид хўжалик операцияларга рухсат берилиши аудити	Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда чорва моллари ва ҳайвонлар ҳаракатига доир операцияларга рухсат берилиши ўрганилади ва яхшилаш бўйича таклифлар берилади
7	Хўжалиқда олинган наслнинг таннархини калькуляциялаш бўйича услубият мавжудлиги ва уларга риоя қилиниши аудити	Хўжалиқда олинган наслнинг таннархини калькуляциялаш бўйича методикалар мавжудлиги ва уларга риоя қилинишини текшириш натижасида уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқлади
8	Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда чорва моллари ва ҳайвонлар аудити ҳисоб бўлими юзасидан хужжатлар айланиши графикининг мавжудлиги ва бу графикка амал қилиниши аудити	Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда чорва моллари ва ҳайвонлар аудити ҳисоб бўлими юзасидан хужжатлар айланиши графикининг борлиги ва бу графикка амал қилинишини аудиторлик текширувидан ўтказиб уни ривожлантириш юзасидан амалий тавсиялар берилади

<sup>109</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Чорвачилик хўжаликларида ички назорат тизимини тест синовидан ўтказиш ва аудиторлик рискини баҳолаш натижалари бўйича аудитор моҳиятига кўра аудиторлик амалларини ўтказиш кўлами, тавсифи ва муддатларини аниқлаши лозим. Аудитор ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бўлими бўйича аудиторлик текшируви дастурини тузиши керак.

«Чорвачилик хўжаликларида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларнинг мавжудлиги, аналитик ва синтетик ҳисобининг ташкил этилиши аудити дастури қуйидаги аудиторлик далилларини тўплаш учун зарур амаллардан иборат:

- аудиторлик текширувидан ўтказилаётган чорвачилик хўжаликларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботида ҳисбот даври охирига берилган чорва моллари ва ҳайвонларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аудиторлик текширувидан ўтказиш;
- чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда айланма маблағларнинг ушбу турига эгалик хукуқларини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар мавжудлиги аудити;
- чорвачилик хўжаликларида чорва моллари ва ҳайвонларнинг ҳаракати бўйича хўжалик операцияларнинг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ бошланғич ҳужжатлар билан расмийлаштирилганлиги аудити;
- чорвачилик хўжаликларида чорва моллари ҳаракати бўйича хўжалик операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри баҳоланиши ва тегишли ҳисбот даврида тўлиқ акс эттирилиши аудити;
- чорвачиликдан олинган насл, чорва молларига қўшилган вазн ва уларнинг тирик вазни таннархининг ҳисоб сиёсатида қабул қилинган ва амалдаги услубий тавсиялар асосида калькуляция қилинганлиги ҳамда ҳисбогитоблар тўғрилиги аудити;
- хўжаликда чорва молларининг киримга олиниши ва чиқим қилиниши бўйича аналитик ва синтетик ҳисобни юритишнинг тўғрилиги аудити;
- хўжаликда ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар тўғрисидаги тегишли

ахборотнинг молиявий ҳисоботда ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ очиб берилганлиги аудити»<sup>110</sup>.

Амалиётни ўрганиш шуни қўрсатадики, 1100-«Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар» счёти бўйича операциялар, хилма-хил ва кўплаб содир бўлади. Шу сабабли текширувни 530-сон «Аудиторлик танлаш» номли аудиторлик халқаро стандарти (АХС) қоидаларига мувофиқ танлов усулида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Аудиторлик ташкилоти аудитори томонидан ўрганилаётган хўжалик операциялари мажмуини тегишли белгилари бўйича, чорва моллари ва ҳайвонлар турлари, гурухлари бўйича, шунингдек сақлаш жойлари, яъни фермалар бўйича, шу билан бирга активлар билан боғлиқ хўжалик операциялари тавсифи бўйича алоҳида-алоҳида текшириладиган қўйи гурухларга бўлаклаш тавсия қилинади.

Айтиб ўтиш жоизки, қуйидаги ҳисоб объектларини ёппасига ва тўлиқ аудиторлик текширувидан ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- доимо амалга ошириладиган ва пул миқдори юқори бўлган хўжалик операциялари;
- юқори хатарли хўжалик опреациялари, масалан, чорва молларини лизинг асосида сотиб олиш хўжалик муомаласини келтириш мумкин;
- бошқа шубҳали ёки ишониш қийин бўлган хўжалик операциялари, мисол учун, ҳайвонларнинг ҳаром ўлиши муомаласини келтириш мумкин.

Бунда аудиторлик текшируви дастурига асосан аудиторлик текшируви ўтказилиши керак.

Текширилаётган давр охирига чорвачилик хўжалигининг ҳисоб ва молиявий ҳисботида мавжуд чорва молларига нисбатан мулкий ҳуқуқларини текширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Мулкий ҳуқуқлар аудитида ушбу турдаги активларнинг кирим қилинишини тасдиқловчи хужжатларнинг бор ёки йўқлигига эътибор қаратилади:

---

<sup>110</sup> Широбоков В.Г. Практикум по аудиту в организациях АПК: Учебное пособие / Аудит животных на выращивании и откорме. В.Г.Широбоков, Т.И.Логвинова. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 384 с.

- хўжаликнинг ўзининг фаолияти билан боғлиқ ҳайвонлар юзасидан - наслнинг киримга олиниши, ўстиришдаги ҳайвонларнинг гурухдан-гурухга ўтказилиши бўйича далолатномалар;
- етказиб берувчилардан харид қилинган ҳайвонлар бўйича - олди-сотди, алмасиш ва бошқа номдаги шартномалар.

Кейинги аудиторлик амали чорва моллари ҳаракати бўйича операциялар ҳақиқатда амалга оширилганлиги, уларнинг хужжатлар билан тасдиқланганлиги ва ҳисоб тизимида тўлиқ акс эттирилганлигини текширишдан иборат. чорва молларининг кирим қилиниши (насл олиш, қўшилган вазн, гурухдан-гурухга ўтказиш, харид қилиш ва б.) бўйича операцияларнинг ҳақиқатда амалга оширилганлигини текшириш учун тасдиқловчи бошланғич хужжатлар (наслни кирим қилиш, чорва молларини гурухдан-гурухга ўтказиш далолатномалари, чорва молларини тортиш қайдномаси ва б.), чорва молларини тортиш далолатномалари мавжудлиги, далолатномалардаги маълумотлар тўғри расмийлаштирилганлиги, «Чорва моллари ва паррандалар ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари» ҳамда «Чорва моллари ва паррандаларнинг фермадаги ҳаракати» бўйича ҳисоботда кўрсатилган маълумотларга мос келиши таққосланади.

Аудиторлик текширувларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, катта чорвачилик комплекларида мансабдор ва бошқа масъул шахслар тил бириктириб, ўзлаштириш мақсадида қасдан содир этиладиган қоидабузарликлар - олинган наслни кирим қиласлик кўпроқ учрайди. Бу қоидабузарликлар бошқасини – чорва моллари қўшилган вазнини сунъий равишда ошириб кўрсатилишини келтириб чиқариши мумкин. Бундай вазиятлар учун тўсатдан инвентаризация ўтказиш, чорва молларини тортиб (ўлчаб) кўриш ва ўзаро мантиқан боғланган хужжатларни солиштириш усули фойдали бўлади. Хусусан, ҳисобдаги ахборотларни зоотехник ва ветеринар (сунъий уруглантириш ва насл олиниши, чорва молларининг ҳаром ўлиши, эмлаш ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотлар) маълумотлари билан, озука

сарфи бўйича маълумотлар (озуқа сарфи ҳисоби қайдномаси) ва бошқалар билан таққослаш мақсадга мувофиқ. Бундай текширув натижаларини расмийлаштириш учун аудиторнинг иш хужжат сифатида қуидаги ишчи жадвал тавсия этилади (4.5-жадвал).

#### 4.5-жадвал

**Аудиторнинг иш хужжати**  
**«Бухгалтерия ҳисоби ва зоотехник ҳисоби маълумотларини таққослаш**  
**қайдномаси»<sup>111</sup>**

Ойлар	Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, бош		Зоотехник ҳисоб маълумотлари, бош		четланиш (+, -), бош		Умумий (+,-)
	олинган насл	ҳаром ўлган	олинган насл	ҳаром ўлган	олинган насл	ҳаром ўлган	
Январь	35	2	37	4	-2	-2	-1
Февраль	34	1	38	5	-4	-4	-1
Март ва ҳ.	34	1	37	5	-3	-4	-2
Жами							

Чорва молларининг чиқими: сотилиши, мажбуран сўйилиши, ҳаром ўлиши ва бошқача тарзда ҳисобдан чиқарилиши бўйича операцияларни худди шу услугуб бўйича текшириш тавсия этилади. Шунингдек, амалиётда ўртacha семизлиқдаги чорва моли ҳаром ўлганида, ориқ чорва молининг сўйилиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Бошланғич хужжатларда эса (чорва моллари ва паррандаларни (сўйиш, ҳаром ўлиш) чиқим қилиш далолатномасида) бу операциялар бўйича, маълумотлар қасдан сохталаштирилади. Ҳаром ўлганлик ҳақидаги далолатномада йирикроқ чорва моли оғирлиги ҳаром ўлган сифатида, сўйиш далолатномасида эса аксинча, ориқ чорва моли оғирлиги кўрсатилади. Кўрсатилган ушбу қоидабузарликни топиш мақсадида бошланғич алоқадор хужжатларни мантиқий таққослаш ва маълумотларни параллел равишда текшириш усулларидан фойдаланиш тавсия этилади. Текширув натижаларини расмийлаштириш учун аудитор иш хужжати сифатида қуидаги шакл тавсия этилади (4.6-жадвал).

<sup>111</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

## 4.6-жадвал

### Аудитор иш ҳужжати «Сўйилган чорва моллари массаси акс эттирилганлиги тўлиқлигини текшириш натижалари қайдномаси»<sup>112</sup>

Чорва моллари гурухи, сўйиш санаси	Бош сони		чорва моллари массаси, кг		Ҳисоб-китоб массаси, кг		четланиш, кг	
	Охирги тортиш -даги	Сўйиш	Сўйил- ган масса	Тирик вазни	Сўйил- ган масса	Тирик вазни	Сўйил- ган масса	Тирик вазни
Ўтган йили туғилган ғунажинлар	2	302	278	126	306	142	28	16
5.03.20	2	302	278	126	306	142	28	16
27.03.20	3	420	395	179	451	209	56	30
18.04.20	1	120	103	47	127	58	24	11
ва х.к.								

\* Изоҳ: Чорва молининг ҳисоб-китоб массаси уйбу гуруҳдаги чорва молларининг ўрганилаётган оидаги ўртacha суткалик ҳақиқий қўшилган вазндан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Аудитор бошқа бузиб кўрсатилиш риски юқори бўлган операцияларни ҳам ёппасига текшириши тавсия этилади. Бундайлар қаторига чорва молини аҳолидан нақд пулга харид қилиш, чорва молларини лизинг шартномаси бўйича олиш ва алмашиш кабиларни киритишимиш мумкин.

«Хўжаликда аҳолидан чорва моллари кейинчалик сотиш учун харид қилинганида аудитор қўйидагиларни аудитдан ўтказиши керак:

- хўжаликда аҳолидан сотиб олинган ва кейинчалик гўшт учун топширилган ҳайвонлар массасининг мос келишини;
- хўжаликда шартнома шартларига қўлланилаётган ҳисоб-китоб баҳоларининг мос келишини;
- хўжаликда чорва моллари ва ҳайвонлар бўйича қисқа вақт ичида такроран тақдим этиш ҳолатларининг битта шахс томонидан амалга оширилишига йўл қўйилганлиги;
- хўжаликда харид далолатномаларидағи суммаларнинг кассадан тўланган сумма билан мос келиши ёки келмаслиги;
- хўжаликда битта хўжалик операциялари бўйича такрорий

<sup>112</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

тўловларнинг мажудлиги ёки мавжуд эмаслиги»<sup>113</sup>.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда узоқ муддатли активлар шартномаси бўйича операцияларни аудитдан ўтказишда аудитор шартномада келтирилган баҳоларнинг асосланганлиги, ҳайвонларни ҳисобга қабул қилишда ҳақиқий қийматни ҳисоблашнинг мақсадга мувофиқлиги, мазкур хўжалик операциялари юзасидан счёtlар алоқасининг тўғрилиги ва бошқа шу каби масалаларни ўрганиши лозим.

Шундан сўнг мазкур маълумотлар Бухгалтерия баланси (1-шакл)даги «Ишлаб чиқариш захиралари» моддаси (150-сатр)да шакллантирилган ахборотлар ҳамда бошқа ҳисбот шакллари кўрсаткичлари билан таққосланади ва таклифлар ишлаб чиқилади.

Юқорида баён қилинганлар хulosса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳисбини батафсил ва мажмуавий аудиторлик текширувидан ўтказишни қўйидаги кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофик бўлади (4.1-расм).



**4.1-расм. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳисбини комплекс ва батафсил текшириш алгоритми**<sup>114</sup>

Хulosса қилиб айтганда, аудиторлик ташкилотининг аудиторида мижозкорхонанинг молиявий ҳисботи ва унга тушунтириш хатида ўстиришдаги ва

<sup>113</sup> Широбоков В.Г. Практикум по аудиту в организациях АПК: Учебное пособие / Аудит животных на выращивании и откорме. В.Г.Широбоков, Т.И.Логвинова. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 384 с.

<sup>114</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

бокувдаги ҳайвонлар бўйича барча муҳим маълумотлар акс эттирилиши керак. Шунингдек, хўжалик операцияларини амалдаги норматив-хукуқий хужжатларга мувофиқ баён қилиниши керак бўлган маълумотлар тўғри ва тўлиқ тавсифланганлиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби хужжатлари, ҳисоб регистрлари ва счётларида акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилинади.

Корхона молиявий ҳисботининг ишончлилиги, ўстиришдаги ва бокувдаги ҳайвонлар билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисоби юритилишининг тўғрилиги бўйича аудитор хулосасидан қандай фойдаланиш мижоз-корхона раҳбариятининг қарорига (қоидабузарликларни тузатишни қабул қилиш ёки рад этиш) боғлик.

#### **4.4. Биологик активлар аудитини ташкил этишнинг хусусиятлари**

Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида чорвачилик хўжаликларида аудитни тўғри ташкил этиш ва самарали ўтказиш катта аҳамият қасб этади. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда узоқ муддатли ва жорий активлар ҳамда мол-мулклар тўлиқ ва заарсиз сақланиши учун моддий жавобгар шахсларга бириклирилади. Узоқ муддатли ва жорий активлар ҳамда мулклар амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда инвентаризациядан ўтказилиши ва назорат қилиб борилиши лозим.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарорида ҳам халқаро аудит стандартлари фанини ўқитиш зарур»<sup>115</sup> лиги таъкидланган. Бу эса, аудитни ташкил этишнинг халқаро стандартларига интеграциялашиш кераклигидан далолат беради.

Бугунги кунда аудит Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)даги қоидалар ва принциплар асосида юритилмоқда. Агарар тармоқнинг такомиллаштирилиши лозим бўлган бухгалтерия ҳисоби объектларидан бири

---

<sup>115</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарори.

сифатида биологик активлар ҳисоби ва аудитини келтириш мумкин.

Чорвачиликда биологик активлар ҳақидаги ҳисоб маълумотлари тўғрилиги ва ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказиш хўжалик юритувчи субъектлар аудитининг зарур бўлган муҳим бўлимдир.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активлар ҳисоби ҳамда аудитини ташкил этиш ва юритишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Аввало, аудитор чорвачиликда биологик активларни текширишда бир қатор далилларни тўплаши керак бўлади:

- чорвачиликда биологик активлар бўйича бухгалтерия ҳисоби счётларида бошлангич қолдиқлар мавжудлиги, хўжаликнинг ҳисоб ишларида аудитдан ўтказилаётган даври учун ҳисоботга сезиларли таъсир кўрсатадиган хато-камчиликларнинг бор ёки йўқлиги;
- чорвачилик хўжаликлирида жорий даврдаги биологик активлар счётлари бўйича бошлангич сальдонинг ўтган даврдан ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ ўтказилганлиги;
- хўжаликда биологик активларни баҳолаш бўйича даврдан даврга изчилликнинг мавжудлиги ҳисоб сиёсатида кўрсатилганлиги.

Чорвачиликда биологик активларни аудитини ташкил этиш ва ўтказишида «аудиторлик танлаш» ва «хужжатли текшириш» усулларини кўллаш зарур. Чорвачиликда биологик активларни аудитдан ўтказиш жараёнида аудит амалларини кўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, қорамолчиликда йирик шохли қорамоллар ҳаракатининг ҳақиқийлигини, уларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланганлиги, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишининг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқлигини аудитдан ўтказиш ҳисобланади.

Хорижлик олим В.Г.Широбоков фикрича, «аудит жараёнида ўртacha вазндаги чорва моли ҳаром ўлган кунда озғин чорва молини сўйиши амалга оширилган ҳолатларини аниқланишини таъкидлайди»<sup>116</sup>. Ушбу хўжалик

<sup>116</sup> Широбоков В.Г. Практикум по аудиту в организациях АПК: Учебное пособие / Аудит животных на выращивании и откорме. В.Г.Широбоков, Т.И.Логвинова. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 384 с.

муомалалари бўйича бошланғич ҳисоб ҳужжатларида, масалан, «чорва моллари ва паррандалар чиқими далолатномаси»да сохталашибнишга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Агар юқорида номи келтирилган далолатнома чорва молининг ҳаром ўлиши бўйича далолатномаси бўлса, нисбатан вазни оғирроқ қорамол кўрсатилади, ҳақиқатда гўшт учун сўйилган қорамол бўйича сўйиш далолатномасида эса аксинча, вазни енгил бўлган қорамол бўйича маълумотлар киритилади.

Юқорида келтирилган қоидабузарликни аниқлаш учун ўзаро бир-бири билан алоқадорликда бўлган ҳужжатларни мантиқий таққослаш ва кўрсаткичларни параллел моделлашибниш усувларини қўллаш зарур.

Биологик активлар, хусусан, ўстиришдаги чорва моллари, ўзлашибниш мумкин бўлган юқори рискка эга активлардан эканлигига аудитор эътибор қаратиши лозим. 720-сонли «Аудит ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисботлар ифодаланган ҳужжатлардаги бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги»<sup>117</sup> номли стандартга мувофиқ аудит текшируви ўтказилаётган чорвачилик хўжалигидаги ҳужжатларда йўл қўйилган камчиликларни аудитор раҳбарга билдириши лозим.

Аудит ўтказиш мобайнида чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар бухгалтерия ҳисобидаги хато-камчиликлар ва амалдаги норматив ҳужжатларга мос келмайдиган ҳужжатлашибниш ва ҳисоб ишлари аниқланади.

Аниқланган хато-камчиликлар ва қоидабузилишлар баланс маълумотларини чалкашибниши мумкин, бу хато-камчиликлар ва мунозарали жиҳатлар ҳисботни тўғри шакллантишибнишга, солиқларни ўз вақтида, тўғри ҳисоблаш ва ўтказиб беришга салбий таъсир кўрсатади.

Чорвачиликда биологик активлар аудити натижасида аудитор чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда ҳисоб сиёсатининг тўғри

---

<sup>117</sup> Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари: З-жилд. Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) 720-сон «Аудит ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисботлар ифодаланган ҳужжатлардаги бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги».

шакллантирилганлиги ва қўлланилаётганлиги тўғрилигига баҳо беради.

Чорвачиликда биологик активлар аудитини ўтказишнинг қуидаги услуби тавсия этилади (4.2-расм).

Чорвачиликда биологик активлар аудитининг бўлимлари	Аудиторлик текшируви амаллари
1. Чорвачиликда биологик активлар мавжудлиги ва моддий жавобгар шахсларга биректирилганлиги аудити:	1.1. Чорвачиликда биологик активлар борлиги, уларни сақлаш шароитлари ва коровулларнинг борлигини текшириш 1.2. Чорвачиликда биологик активлар учун биректирилган моддий жавобгар шахсларнинг мавжудлиги ҳамда моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартноманинг тузилганлигини текшириш
2. Чорвачиликда биологик активларни ҳисобга олишга доир бошланғич ҳисоб хужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги аудити:	2.1. «Чорвачиликда биологик активлар наслини кирим қилиш далолатномалари»ни ўз вақтида ва тўғри тузилганлигини текшириш 2.2. Чорвачиликда биологик активларни тортиш бўйича хўжалик муомалаларининг акс эттирилиши ва хужжатлаштирилиши ўз вақтида, тўғри ва тўлиқлигини текшириш 2.3. «Чорвачиликда биологик активлар (ўстиришдаги ҳайвонлар)нинг гурухдан-гурухга ўтказиш далолатномалари» ва «Чорвачиликда биологик активлар ҳисобдан чиқариш далолатномалари» ўз вақтида ва тўғри тузилганлигини текшириш 2.4. Чорвачиликда биологик активларни сотиш билан боғлиқ хўжалик муомалалари акс эттириш ва хужжатлар билан расмийлаштириш ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ амалга оширилганлигини текшириш
3. Чорвачиликда биологик активлар инвентаризациясини ўтказилиши ва натижаларининг ҳисобда акс эттирилиши аудити:	3.1. Чорвачиликда биологик активлар инвентаризацияси ўтказилиши тўғрилигини текшириш 3.2. Чорвачилик хўжаликларида инвентаризация ўтказиш даврийлигини текшириш 3.3. Чорвачиликда биологик активлар инвентаризация натижаларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши тўғрилигини, камомад ва ўзлаштиришлар аниқланган ҳолатларда талаб даражасидаги чоралар кўрилганлигини текшириш 3.4. Чорвачиликда биологик активлар ҳисоби бўйича хужжатлар айланиш графигининг мавжудлиги ва унга амал килинишини текшириш 3.5. Чорвачиликда биологик активлар сифатида ўстиришдаги ва бокувдаги ҳайвонлар таннархи шаклланишининг тўғрилигини текшириш
4. Чорвачиликда биологик активларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби ташкил этилиши аудити:	4.1. Чорвачиликда биологик активлар аналитик ва синтетик ҳисоб регистрларининг шакллантирилиши тўғрилигини текшириш 4.2. Чорвачиликда биологик активлар синтетик ва аналитик ҳисоб қолдиқларининг мувофиқлигини аудиторлик текширувидан ўтказиш 4.3. Биологик активлар ҳисоби бўйича якуний маълумотларнинг ҳисоботларда акс эттирилиши тўғрилигини текшириш

#### 4.2-расм. Чорвачиликда биологик активлар аудитини ўтказиш тартиби ва услуби <sup>118</sup>

<sup>118</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Хато-камчиликлар ҳар бир чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар учун алоҳида аниқланади. «Биологик активлар ҳисобида мунтазам рўй берадиган хатоларнинг тахминий рўйхатини қуидагича шакллантириш мумкин:

- моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартноманинг имзоланмаганлиги;
- биологик активларнинг келиб тушиши ва чиқим қилиниши бўйича хужжатлар нотўғри расмийлаштирилиши;
- харид қилинган биологик активларнинг нотўғри баҳоланиши;
- бухгалтерияда биологик активлар ҳаракатининг аналитик ҳисоби юритилмаслиги;
- биологик активларнинг ҳақиқий таннархини нотўғри ҳисобланиши;
- алмашиб шартномалари бўйича олинган биологик активларнинг нотўғри баҳоланиши;
- биологик активлар баланс баҳосининг асосланмаган ҳолда ўзgartирилиши;
- бухгалтерия ҳисобига қабул қилинмаган (кирим хужжатлари билан расмийлаштирилмаган) биологик активларни ҳисобдан чиқарилиши;
- бухгалтерия ҳисоби ва фермадаги биологик активларнинг ҳаракати бўйича маълумотларнинг мунтазам равишда текширилмаслиги, биологик активларнинг ҳар йиллик инвентаризациясининг ўтказилмаслиги;
- биологик активлар ҳисоби бўйича ноодатий счёtlар корреспонденцияси тузилиши ва ҳ.к.»<sup>119</sup>

«Аудиторлик текширувлари бўйича амалиёт қўрсатишича, ходимлар, ферма мудири ёки бошқа мансабдор шахсларнинг тил бириктириши йўли билан амалга ошириладиган бош сонини ҳисобга олишда қасдан қилинган хатоликларнинг энг кенг тарқалгани, уларни ўзлаштириш мақсадида ҳаром ўлган чорва моллари сонини ошириб қўрсатиш ёки олинган наслни

---

<sup>119</sup> Широбоков В.Г. Практикум по аудиту в организациях АПК: Учебное пособие / Аудит животных на выращивании и откорме. В.Г.Широбоков, Т.И.Логвинова. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 384 с.

яширишдир. Бунга тескари бўлган, яъни ҳаром ўлганлар сонини камайтириш ҳолатлари ҳам учрайди. Шу сабабли чорва молларининг қўшилган вазни ҳам оширилган ҳолда кўрсатилиши мумкин»<sup>120</sup>.

Чорвачиликда биологик активларнинг мавжудлиги ва ҳисобининг тўғри юритилаётганлигини текшириш натижалари аудитор томонидан мустақил аниқланадиган аудиторнинг иш ҳужжатларида акс эттирилиши лозим.

720-сонли «Аудит ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисботлар ифодаланган ҳужжатлардаги бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги» номли аудитнинг халқаро стандартига мувофиқ «Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятини, молиявий ҳисботда аниқланган бузилиш фактлари тўғрисида иложи борича тезроқ хабардор этиши керак, агарда: бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими активларни сақлаб қолиш учун шарт-шароитлар яратишга ва молиявий ҳисботларни бузиб кўрсатишга қаршилик қилишга қодир эмаслиги аниқланса; хўжалик юритувчи субъектга унинг ходимлари томонидан етказилган заарлар тўғрисида аниқ гувоҳлик берадиган фактлар аниқланса»<sup>121</sup>.

Умуман олганда, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда биологик активларни аудиторлик текширувидан ўтказишида соҳанинг ўзига хос хусусиятларини ва активларнинг биологик хусусиятларини ҳамда аудитнинг маълумот базасидан фойдаланишини ва биологик активлар ҳисоби бўйича норматив-хуқуқий базадан биологик активларни туркумлашни, ўзига хос аудиторлик амалларини қўллаш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарорида «Молиявий ҳисботнинг

<sup>120</sup> Костина Р.В. Типичные ошибки, обнаруженные при аудите сельхозорганизаций // «Главбух». Приложение «Учет в сельском хозяйстве», №3, 2004.

<sup>121</sup> Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари: З-жилд. Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) 720-сон «Аудит ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисботлар ифодаланган ҳужжатлардаги бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги».

халқаро стандартларига ўтиши жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш»<sup>122</sup> вазифалари белгиланган. Бу эса, республикада бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтказиш зарурлигини билдиради. Акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари, инвестиция фонdlари ва бошқа йирик ишлаб чиқариш субъектлари тўғридан тўғри молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисоб юритиш ва ҳисбот тузишга ўтаяпти. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида ҳисобни ташкил этиш ва юритиш бўйича ҳам молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисботнинг миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда. Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мутахассислари ва хорижлик мутахассислар иш олиб бормоқдалар.

Молиявий ҳисбот халқаро стандартлари Кўмитаси томонидан тайёрланган 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» БХХС 2003 йилнинг 1 январидан ёки ундан сўнг бошланадиган йиллик даврлар учун қўлланилади. Стандартнинг мақсади этиб, «қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли бухгалтерия ҳисоби бўйича ёндашувларни ва мазмуни очиб бериладиган маълумотларни белгилашdir»<sup>123</sup>.

Мазкур стандартда «қишлоқ хўжалиги фаолияти хўжалик субъекти томонидан сотиш ёки қишлоқ хўжалиги ҳосилига ёки қўшимча биологик активларга айлантириш учун биологик активларнинг биологик трансформацияланиши ва йифимини бошқаришдан иборат»<sup>124</sup>, деб таърифланган.


Стандартда қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли объектлар ҳисобга олиш нуқтаи назаридан турқумланган (4.3-расм).

---

<sup>122</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>

<sup>123</sup> Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. 41-сон «Қишлоқ хўжалиги», 2003.

<sup>124</sup> Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. 41-сон «Қишлоқ хўжалиги», 2003.



#### 4.3-расм. Стандартда ҳисоб объектларининг туркумланиши<sup>125</sup>

4.3-расмдан ҳам кўриниб турибдики, аграр соҳа корхоналари биологик активлардан олинган маҳсулотга нисбатан қўлланилади. Ундан сўнгти жараёнларда (масалан, қайта ишлаш) бу тўғридан-тўғри 2-сон БХХС «Товар-моддий захиралар» ёки бошқа тегишли стандартлар қўлланилади. Республикаизда ташкил этилаётган чорвачилик кластерларида маҳсулотларни олиш жараёни учун 41-сон БХХСни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, чорвачилик кластерида қорамол чорвачилик сифатида биологик активга ва сут қишлоқ хўжалиги маҳсулотига киради. Уни қайта ишлаш натижаларида олинган пишлоқни ҳисобга олиш учун бошқа стандартлар амал қиласи.

21-сон БХМСда чорвачилик билан боғлиқ ҳисоб объектлари «Ишчи ҳайвонлар», «Маҳсулдор ҳайвонлар», «Ўстиришдаги ҳайвонлар» ва «Боқувдаги ҳайвонлар» счёtlарида ҳисобга олиб борилади:

««Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счётида ишчи кучи сифатида фойдаланиладиган ишчи ҳайвонлар - отлар, хўқизлар, туялар, хачир, эшаклар ва бошқа ишчи ҳайвонлар (шунингдек, юк транспорт воситаси сифатида фойдаланиладиган ҳайвонлар) ҳамда маҳсулот (насл, сут, жун ва бошқалар) берадиган ҳайвонлар - сигирлар, биялар, қўйлар, эчкилар ва бошқалар ҳисобга олинади.

«Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга оловчи счёtlар»

<sup>125</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

счётида корхонага тегишли ёш ҳайвонлар; бокувдаги, яйловдаги катта ёшдаги ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар; қүёнлар; асалари оилалари; сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган (бокувга қўйилмасдан); сотиш учун аҳолидан қабул қилинган қорамолларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. «Ўстиришдаги ҳайвонлар» ва «Бўрдоқидаги ҳайвонлар»»<sup>126</sup>.

#### 4.7-жадвал

#### **41-сонли «Қишлоқ хўжалиги» БХХСда келтирилган атамалар таърифлари<sup>127</sup>**

<b>Т/р</b>	<b>Атама номи</b>	<b>Берилган таърифи</b>
1.	<i>Қишлоқ хўжалиги ҳосили</i>	Қишлоқ хўжалиги субъектининг биологик активларининг йиғиширилган маҳсулотидир
2.	<i>Биологик актив</i>	Тирик ҳайвон ёки ўсимликдир
3.	<i>Биологик трансформация</i>	Биологик активдаги сифат ва микдор ўзгаришларига сабаб бўладиган ўсиш, насл бузилиши, ишлаб чиқариш ҳамда кўлайиш жараёнларини қамраб олади
4.	<i>Биологик активлар гурӯҳи</i>	Ўхшаш тирик ҳайвонлар ёки ўсимликлар умумлашмасидир
5.	<i>Йигим</i>	Маҳсулотни биологик активдан ажратиш ёки биологик активнинг хаёт жараёнининг тутатилишидир
6.	<i>Сотии ҳаражатлари</i>	Молиялаштириш ҳаражатлари ва даромад солиғидан ташқари, активни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ қўшимча бевосита ҳаражатлардир
7.	<i>Баланс қиймати</i>	Активнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинидиган қийматидир
8.	<i>Ҳаққоний қиймат</i>	Баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги нархдир. (13-сон МХХС «Ҳаққоний қийматни баҳолаш»)
9.	<i>Давлат грантлари</i>	20-сон БХХС «Давлат грантларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдамини очиб бериш»да таърифлангандек таърифга эга

Демак, мамлакатимизда амалда бўлган ҳисоб бўйича миллий стандартларда биологик активларнинг таркибидаги чорвачилик тушунчаси эмас, балки тирик ҳайвонлар тушунчаси бўйича кенгроқ маълумотлар келтирилган.

<sup>126</sup> Дусмуратов Р.Д., Ризаев Н.К. Аграр соҳада молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартлари: назария ва амалиёт. «Логистика ва иқтисодиёт» илмий электрон журнали. 2020 / 1-сон. 15-21 бетлар

<sup>127</sup> Бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандарти (БХХС) 41-сон «Қишлоқ хўжалиги».

## 4.8-жадвал

### 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» БХХСнинг чорвачилик маҳсулотларига тегишли жиҳатлари<sup>128</sup>

<b>Биологик активлар</b>	<b>Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти</b>	<b>Қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар</b>
Қўй ва эчкилар	Жун газлама	Йигирилган ип, гилам
Қорамол чўчқалар	Сут Гўшт	Пишлоқ Колбаса маҳсулотлари Консерваланган гўшtlар

41-сон «Қишлоқ хўжалиги» номли БХХСда асосан чорвачилик, шунингдек ўсимликчиликка тегишли бўлган биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича маълумотлар келтирилган.

Қишлоқ хўжалиги тармоғи ўз ўрнида чорвачилик ва дехқончилик соҳаларига бўлинади ва ушбу соҳалар ўз навбатида бир қатор қуий соҳаларга бўлинади: масалан, чорвачилик: йирик шохли қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, отчилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқа қуий соҳаларга бўлинади. Ўсимликчилик эса қуидаги қуий соҳаларни ўз ичига олади: ўрмончилик, пахта-галлачилик, мева-сабзавотчилик, гулчилик ва ҳоказо. Лекин уларга хос бўлган умумий хусусиятларни қуидагича таснифлаш мумкин:

*Ўзгариши қобилияти.* Тирик ҳайвонлар биологик трансформацияланиш қобилиятига эгадирлар;

*Ўзгаришини бошқариш.* Озиқа моддалари даражаси, намгарчилик, ҳарорат, маҳсулдорлик ва ёруғлик каби бошқарув жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яхшилаш орқали биологик трансформацияни енгиллаштириш ва корхонанинг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш керак бўлади. Умуман, бундай бошқариш қишлоқ хўжалиги фаолиятини бошқа фаолиятлардан фарқ қилишидан келиб чиқади;

*Ўзгаришини баҳолаш.* Биологик трансформация натижасида қуидаги сифат ўзгаришлари, масалан, генетик жиҳати, зичлик, етилганлик, ёғ микдори, оқсил микдори ва бошқалар ёки қуидаги микдор ўзгаришлари, мисол учун, насллик, оғирлик, куб метр ва ҳоказо баҳоланади, таҳлил қилинади ва

<sup>128</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

назоратга олинади.


Биологик трансформация ҳайвонлар бўйича қуидаги қўринишда бўлади:

Стандартда келтирилган мухим масалалардан бири - бу биологик активларни баҳолаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини баҳолаш масаласидир. Улар актив ҳисобланади:

*биринчидан*, активни назорат қилиш мумкин бўлса;

*иккинчидан*, актив келгусида иқтисодий манфаатлар келтириши мумкин бўлса;

*учинчидан*, активнинг ҳаққиқий қиймати ёки унинг таннархи ишонарли баҳоланса.



**4.4-расм. Ҳайвонлар бўйича биологик трансформацияланиш натижалари<sup>129</sup>**

Масалан, тан олишнинг биринчи мезони активни назорат қилишга қаратилади. Бунда назорат чорвачилик хўжалигининг қорамолга эгалик қилиш хуқуқи асосида, шунингдек, сотиб олишда, насл туғилишида ёки сутдан ажратилишида қорамолни тамғалаш ва ҳоказаларда қўринади.

Чорвачиликда биологик актив кирим қилинганида ва ҳисбот даврининг охирида сотиш мумкин бўлган харажатлар айирилганда ҳаққиқий қийматда

<sup>129</sup> Дусмуратов Р.Д., Ризаев Н.К. Аграр соҳада молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари: назария ва амалиёт. «Логистика ва иқтисодиёт» илмий электрон журнали. 2020 / 1-сон. 15-21 бетлар.

акс эттирилган бўлади. Шунингдек, биологик активлар, улардан олинган ҳосил йиғишириб олинганидаги жами суммадан реализация харажатлари чегириб ташлангандаги ҳақиқий қийматда нархи акс эттирилади.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар томонидан биологик активлар ҳақиқий қийматини аниқлашда ҳайвонларнинг ёшига қараб гурухлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

*Масалан, истеъмолга мўлжалланган биологик активларнинг баланс қийматлари гурух бўйича очиб берилади. Шунингдек, уларнинг баланс қийматини етилган ва етилмаган активлар бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Бундай фарқлаш келгуси пул оқимларини баҳолашда керакли маълумотлар билан таъминлайди.*

Агар соҳа корхоналари келгуси давр учун шартномани аксарият ҳолатларда биологик активлар ва қишлоқ хўжалик ҳосилини реализация қилишда тузилиши амалиётда кўп учрайди. Бунда шартномада кўрсатилган баҳолар ва нархлар ҳақиқий қийматни аниқлашда ўринли бўлиши шарт эмас, чунки ҳақиқий қиймат сотиб оловчи ҳамда сотувчи томонидан битимларни амалга ошириш мумкин бўлган жорий бозор баҳосини билдиради. Биологик активларнинг ҳақиқий қиймати қилиб шартномада кўрсатилган қиймат олинганлиги сабабли тўғрилаш шарт бўлмайди. Биологик активларни сотиш бўйича шартнома 37-сон «Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар» номли БХХС асосида амалга оширилади.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар ушбу стандартдаги қоидалар ва талабларни қўллагандан молиялаштириш ёки маҳсулотдан сўнг биологик активларни қайта тиклаш бўйича пул маблағларнинг кирим ва чиқимини ҳисобга олмаслиги келтирилган.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда молиявий натижаларни тўғри аниқлаш катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳисобот даврида олинган

даромад ва қилингандарниң мувофиқлиги тамойилига күра:

Биоринчидан, биологик активларни қийматидан сотиш харажатлари айрилғандаги ҳақиқий қиймати ва сотиш харажатлари чегириб ташланғандаги ҳақиқий қиймати ўзгариши қайси даврнинг фойдаси ёки зарарига құшилиши ўрганилғанда, юзага келадиган фойда ёки зарар у қайси даврда юзага келган бўлса, шу даврда акс эттирилиши лозим. Чорвачилиқда сотиб олинган сигирдан бузоқ туғилғанда буни фойда сифатида тан олиш лозим, чунки биологик активни дастлабки кириимида фойда юзага келмокда.



#### 4.5-расм. Биологик активлар таннархи<sup>130</sup>

Биологик активлар сифатида сотиладиган активлар кўп холларда, истеъмолга мўлжалланган биологик активлар ҳисобланади.

Мисол учун, гўшт етиштиришга мўлжалланган қорамол, сотишига мўлжалланган қорамол, балиқ хўжалигидаги балиқлар кабилар биологик активлар ҳисобланади.

Сут етиштиришга мўлжалланган қорамолчиликни олганимизда, маҳсулот берадиган биологик активлар бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлмай, балки ўзини қайта тиклайдиган активлар ҳисобланади.

Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар жорий давр бошидаги ва жорий давр охиридаги биологик активларнинг баланс қийматидаги ўзгаришларнинг таққосланган баҳоларини мазкур маълумотлар тақдим

<sup>130</sup> Дусмуратов Р.Д., Ризаев Н.К. Аграр соҳада молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартлари: назария ва амалиёт. «Логистика ва иқтисодиёт» илмий электрон журнали. 2020 / 1-сон. 15-21 бетлар.

етилиши керак бўлган фойдаланувчиларга етказиши керак, жумладан:

харидлар ҳисобига кўпайишлар;

биологик активлар сотиши учун режалаштирилгани ҳисобига камайишлар;

биологик активлар бир неча бизнеснинг қўшилиши ҳисобига юзага келадиган кўпайишлар;

аввал хорижий валютага ўтказилиб кейин фойдаланувчига тақдим қилинадиган молиявий ҳисботларда соф валюта курси фарқлари.

Агарар тармоқнинг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, бу соҳадаги фаолият одатда иқлим, касаллик ва бошқа табиий рискларга дучор бўлади. Бунда қишлоқ хўжалигига тегишли бўлган даромад ёки харажатнинг муҳим моддасини юзага келтирадиган ҳодиса содир бўладиган ҳолатларда (хавфли касалликни, тошқинни, қаттиқ қурғоқчилик, қаҳратон совуқ, ҳашаротлар хужуми) 1-сон БХХС «Молиявий ҳисботларни тақдим этиш» қоидалари амал қиласди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» БХХС қоидаларини республикамиз амалиётига тўғридан-тўғри қўллаш имконияти мавжуд эмас. Бунинг учун ушбу стандарт асосида модификациялашган стандартни ишлаб чиқиш лозим.

#### 4.9-жадвал

**Миллий стандартлар қоидаларидан қишлоқ хўжалиги соҳаси учун модификацияланган стандартни ишлаб чиқишида фойдаланиш<sup>131</sup>**

Молиявий ҳисбот халқаро стандарти	Миллий стандарт
41-сон БХХС «Қишлоқ хўжалиги»	«Товар-моддий захиралар» 4-сон БХМС (10-§. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олиш хусусиятлари)
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва биологик активлар ва	«Асосий воситалар» 5-сон БХМС (6-§. Амортизацияни ҳисоблаш, 35-банд. б) маҳсулдор чорва моллари) 21-сон БХМС. (19-банд. «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счётида ишчи ҳайвонлар ҳамда маҳсулдор ҳайвонлар

4.9-жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси учун модификацияланган стандартларни ишлаб чиқишида

<sup>131</sup> Муаллиф тмомнидан тузилган.

бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида келтирилган талаб ва қоидалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Модификацияланган халқаро стандартни ишлаб чиқишида хорижий тажрибадан, хусусан, Япония тажрибасидан фойдаланиш лозим. Чунки, Японияда JGAAP - Япония умум қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойиллари - (Japanese generally accepted accounting principles) асосида JMIS – Япония Модификациялашган халқаро стандартлари (Japan's Modified International Standards) ишлаб чиқилади, бу эса турли соҳаларда халқаро листингга кирган япон компанияларининг ҳажмини ошишига хизмат қилган.

41-сон «Қишлоқ хўжалиги» номли БХХСдаги талаб ва қоидаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва тадқиқ қилиш асосида қўйидаги хуносаларга келинди:

биринчидан, халқаро стандартларда келтирилган талаб ва қоидалар ҳамда хорижий тажриба ва амалиётдан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам халқаро стандартлар асосида Модификацияланган халқаро стандартлардан фойдаланиш лозим;

иккинчидан, мамлакатимиз аграп соҳаси корхоналари, хусусан чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар учун «Қишлоқ хўжалиги» номли 41-сон БХХС негизида «Биологик активлар ва қишлоқ хўжалиги фаолияти ҳисоби» модификацияланган стандартини ишлаб чиқиш зарур.

Хуноса қилиб айтганда, чорвачилик хўжаликлари учун ҳам бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларида келтирилган талаб ва қоидаларнинг жорий этилиши, ўз навбатида, мазкур хўжаликларда бухгалтерия ҳисоби ташкил этиш ва юритиш ҳамда молиявий ҳисботни тузиш тизимини халқаро даражада эътироф этилишига олиб келади ва халқаро стандартларга интеграциялашувни таъминлайди.

#### **IV боб бўйича хulosса**

Чорвачилиқда бошқарув харажатлари аудитининг ташкилий-услубий асосларини такомиллаштириш масалаларини тадқик қилиш натижасида қуйидаги илмий хulosалар шакллантирилди:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналари, хусусан, фермер хўжаликларида харажатларни ўзгармас ва ўзгарувчан турларга ажратиш методининг кўлланилиши қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра сезиларли даражада чекланган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошқарув ҳисобини «директ-костинг» деб номланувчи мазкур метод бўйича ташкил қилиш маржинал ва соф даромадни объектив белгилашга имкон беради. Ҳисобда харажатларни сегментлар бўйича ва умуман ўзгарувчан ва ўзгармас турларга бўлиш қишлоқ хўжалик ташкилотлари учун фойдали кўрилган харажатларни кирим билан тўғридан-тўғри таққослаш йўли билан ҳисобга олиш, қилинган харажатларни сотувлар бўйича битимлар ҳисобида вақт бўйича акс эттириш муддатларини яқинлаштиришга имкон беради. Аудит пайтида олинган фойда тўғрисида «директ-костинг» методидан фойдаланган ҳолда ҳисбот тузиш тақозо этилади. Мазкур ҳисбот моддаларининг умумий корхона бўйича таркиби ва мазмuni қуйидагича: сотувдан келган тушум; ўзгарувчан харажатлар; маржинал даромад; ўзгармас харажатлар; операцион фойда; сотилган маҳсулот миқдори. Мазкур бухгалтерия ҳисоби ахборотлари молиявий ҳисботнинг тайёр маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум, сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи, ялпи фойда, давр харажатлари, операцион фаолиятдан фойда, асосий фаолият фойдаси, молиявий фаолият харажатлари ва даромадлари, умумхўжалик фаолияти фойдаси, фавқулодда фойда ва заар, солиқ тўлангунга қадар фойда, тўланган солиқлар, соф фойда кабилар кўрсатилган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот (2-шакл) маълумотлари билан анчагина мос келади. Шунингдек, чорвачилик хўжаликлари томонидан тайёрлаш таклиф этилаётган ҳисботларни хўжалик бўйича тузишдан ташқари, фаолият юритаётган

тузилмавий бўлимлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ва бошқалар бўйича тузиш ҳам яхши натижа беради;

2. Чорвачилик хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари бўйича текширувни бошлашдан аввал, мазкур аудиторлик текширувининг мақсад ва вазифалари ҳамда ахборотдан ички фойдаланувчиларнинг талабларини аниқлаб олиш, шунингдек, ташқи фойдаланувчиларнинг тўғри ва ишончли ахборот олишдан манфаатдорликларини ҳисобга олиш керак. Кейин қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва циклини аудитдан ўтказиш механизмини (корхонанинг қонуний, меъёрий (стандарт) механизмлари, ташқи ва ички аудит (ташкилий механизми) ва аудит ўтказиш пайтида ушбу механизмлар чегарасида ҳаракат қилиш миқёсини аниқ тасаввур қилиш лозим. Сўнгра аудитнинг қоидалари, принциплари, фаразлари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда аудитни ўтказиш технологиясини тайёрлаш лозим. Ишлаб чиқилган аудит технологияси:

- хўжалик фаолияти ва маҳсулот харажатлари бўйича ички хўжалик назоратини ўрганиш ва таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ишлари ташкил этилишининг ҳолатини баҳолаш;
- олинган маҳсулотлар, харажатлар, таннархнинг иқтисодий таҳлили;
- харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитининг методик усуллари ва услубларини кенг кўллаш;
- аудиторлик далил-исботларини олиш ва аудит натижаларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳужжатлаштириш;
- харажатлар ва ишлаб чиқариш цикли текшируви қуйидаги кетма-кетлика бажарилиши керак:
  - дастлабки (ўрганиш, баҳолаш, синаш, дастурлаш);
  - жорий (кузатиш, ҳисобга риоя этилишини текшириш, қайта ҳисоблаш, кузатиб бориш, керакли ҳужжатлардан нусха олиш);
  - ҳужжат асосида текшириши (тегишли ҳужжатлардаги ахборотларни бир-бири билан таққослаш, ёзма сўров орқали ўрганиш);

- расмийлашмаган (тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризацияси, эксперт баҳолаш, тадқиқ қилиш, қайта ўлчаб чиқиш, оғзаки сўров);
- якунловчи (сўнгги). Бу босқичда ишлаб чиқариш ҳисоботлари, ҳисоб регистрлари маълумотлари, таннарх қалькуляцияси, счётларнинг ёпилиши ва ҳисоботнинг тўғрилиги, резервларнинг ажратилиши, ечимларнинг ишлаб чиқилиши текширилади. Ўтказилган аудит натижаларини жамлаш мазкур ҳужжатлар, яъни аудиторлик ҳисботи, аудиторлик хulosаси, маълумотнома кўринишида акс этади. Аудиторнинг молиявий ҳисоботнинг даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги кўрсаткичларга тегишли фикри аудиторлик хulosасида акс этади;

3. Чорвачиликда харажатлар аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини шакллантириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Харажатлар ва маҳсулот чиқиши ҳисоби бошқарув аудитининг энг кўп меҳнат талаб қиласиган обьектларидан биридир. Аудиторлик амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, текширув чоғида кўпинча ишлаб чиқаришдаги харажатлар ҳисобига оид қуидаги талаб ва қоидаларга риоя қилмаслик ҳолатлари учрайди:

- хўжаликда ҳисоб сиёсатида келтирилган усулга харажатлар ҳисобига оид қўлланилаётган усулнинг мувофиқ қелмаслиги;
- харажатлар ҳисобига доир хўжалик операцияларнинг акс эттирилишида счўтлар алоқасининг тўғри амалга оширилмаслиги;
- асосий воситалар, номоддий активлар, меҳнатта ҳақ тўлаш харажатлари ва ҳ.к. бўйича амортизация чегирмаларини ҳисоб-китоб қилишдаги арифметик хатолар натижасида харажатлар кўламининг бузилиши;
- таннархга баъзи бир харажат турларининг асоссиз равища қўшиб қўйилиши;
- келгуси давр харажатларига киритилиши мумкин бўлмаган харажатларнинг асоссиз равища киритилиши;
- бошланғич ҳужжат тузилмаган ва асоси бўлмаган харажатларни акс

эттирилган ёки акс эттирилмаганлиги;

- харажатларнинг ўз вақтида акс эттирилиши бухгалтерия ҳисоби қоида ва талабларига мувофиқ келиши;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича сальдоларнинг тўғри баҳоланмаслиги ва ҳисобда акс эттирилмаслиги;
- харажатларнинг бухгалтерия ҳисоб даврлари тўғри акс эттирилмаслиги ва нотўғри бўлинниши ва х.к.

4. Аудит текширувидан аввал харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитининг қуидага келтирилган умумий режаси тузилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда режалаштирилган иш тури, аудитни ўтказиш даври, ижрочиларни аниқлаш ва ҳар бир иш тури бўйича изоҳ берилиши лозим. Хўжаликни ҳужжатлар асосида текширишни бошлашдан олдин, аудитор чорвачилик соҳасининг ташкилий, норматив-хуқуқий, иқтисодий, техник-технологик, зоотехник ва бошқа хусусиятларини, ишлаб чиқариш фаолияти тузилмасини ўрганиб чиқиши ва таҳлил қилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳисоб сиёсатида келтирилган қоидалар ва чорвачиликда ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таҳлил қилиш ва шу асосда аудитор қилинган харажатлар ва олинган маҳсулот ҳисоби усулининг илмий асосланганлигини текшириб кўради.

5. Ички назорат тизими ҳамда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот чиқишининг бухгалтерия ҳисобининг ишончлилигини тасдиқлаш учун аудитор тавсия этилаётган шакл бўйича синов ўтказади. Унда ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисоби тизими баҳоланиши лозим. Синаш натижаларига кўра ички назорат ва маҳсулот чиқиши ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимининг ишончлилик даражаси ўрнатилади Ички назорат тизими ҳамда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот чиқишининг бухгалтерия ҳисобининг ишончлилигини тасдиқлаш учун ушбу аудит объекти бўйича саволномага қуйидагиларни киритиш зарур: корхонадаги чорва моллари турлари ва гурухлари; чорва моллари бош сони; уларнинг

ферма бўйича жойлаштирилганлигини текшириш, чорва молларининг сақланишини таъминлайдиган шароитларнинг мавжудлигини текшириш, чорва молларини инвентаризация қилиш тартиби ва даврийлиги, инвентаризация натижаларини ҳисобда акс эттирилишини текшириш, чорва молларининг ҳаракати бўйича операцияларнинг назоратини текшириш, чорва моллари бўйича йифма ва аналитик ҳисобнинг ташкил этилишини текшириш, чорва моллари ҳаракатига доир операцияларга рухсат берилишини текшириш, олинган наслнинг таннархини калькуляциялаш бўйича методикалар мавжудлиги ва уларга риоя қилинишини текшириш, ушбу ҳисоб участкаси юзасидан бошланғич ҳужжатларнинг айланиш графигига амал қилинишини ўрганиш.

6. Ўстиришдаги ва бокувдаги ҳайвонларни текширувдан ўтказиш бўйича аудиторлик амаллари мажмуи ва уларнинг услубий аҳамиятини шакллантириш тавсия қилинади. Аудиторлик текширувларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, катта чорвачилик комплексларида мансабдор ва бошқа масъул шахслар тил бириктириб, ўзлаштириш мақсадида қасдан содир этиладиган қоидабузарликлар - олинган наслни кирим қилмаслик кўпроқ учрайди. Бокувчилар айби бўлмаган ҳолларда тўсатдан ҳаром ўлган ҳайвонлар сонини камайтириб кўрсатиш ҳолатлари ҳам учраши мумкин (иш ҳақининг миқдори олинган наслнинг сони ва сақланиш даражасига боғлиқ бўлган ҳолларда).

7. Сут йўналишидаги қорамолчиликда харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитининг умумий режасини тайёрлаш ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби юзасидан ички назорат тизимини баҳолаш учун саволнома-тест ишлаб чиқиш таклиф этилади. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида сут йўналишидаги қорамолчиликда қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар аудитининг умумий режасини тўғри тузиш, харажатлар ҳисоби бўйича ички назорат тизимини баҳолаш учун саволнома-тест фойдаланиш эса вақтни тежаш имконини берган.

## **ХУЛОСА**

Чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ҳисоби, таннарх ҳисоблаш ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳамда иқтисодчи олимларнинг илмий ва ўқув-услубий асарларида биологик актив тушунчасига берилган таъриф ва ёндашувларнинг эътиборга лойиқлигини таъкидлаган ҳолда, мазкур тушунчага қуйидагича муаллифлик ёндашуви шакллантирилди: «Биологик активлар - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки бошқа биологик активларни берадиган тирик ўсимликлар ёки ҳайвонлар бўлиб, бунда биоТрансформациядан фойдаланиллади».

2. Чорвачиликда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини қуйидаги тасниф белгилари бўйича: иқтисодий элементи бўйича, калькуляция моддаси бўйича, ишлаб чиқариш жараёнига муносабати бўйича, таннархга киритиш усули бўйича, харажатлар таркиби бўйича, техник-иқтисодий мазмуни бўйича, ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқлиги бўйича, даврийлиги бўйича, режалаштириш қамрови бўйича, меъёрлаштириш қамрови бўйича, лимитлаш бўйича, бошқарув обьекти бўйича гурӯхлаш ва тасниф элементларини шакллантириш лозим. Шунингдек, харажатлар таснифи ҳайвонларнинг ўлимидан йўқотишлар, ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш воситалари каби қўшимча тасниф элементларини киритиш орқали такомиллаштирилган. Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши ҳайвонларнинг ўлимидан йўқотишлар, ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш воситалари тасниф элементлари бўйича маълумотларнинг ўз вақтида, тўғри ва аниқ шакллантирилишини таъминлаб, таҳлил ишларини осонлаштирган ва самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишига ёрдам берган.

3. Сут йўналишидаги қорамолчиликда қуйидаги бошланғич ҳужжатларнинг такомиллаштирилган шакли таклиф қилинди: «Дағал ва ширали озу-

қаларни қабул қилиш далолатномаси», «Яйловлардан олинган озуқаларни қабул қилиш далолатномаси», «Озуқаларни ҳисобга олиш қайдномаси», «Сут соғиши ҳисобга олиш журнали», «Чорва наслини киримга олиш далолатномаси», «Чорва молларини гурухдан-гурухга ўтказиш далолатномаси», «Сут ва сут маҳсулотларини жўнатиш (қабул қилиш) юк хати», «Мол ҳайдаш қайдномаси», «...-сонли чорва молларини тортиш қайдномаси», «Қўшилган вазни аниқлаш қайдномаси», «Сут ҳаракати қайдномаси», «Чорва моли ва паррандаларни чиқим қилиш далолатномаси», «Чорва молларининг сўйилиши ва ҳаром ўлишини ҳисобга олиш ҳисоб-варағи». Шунингдек, чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари ва олинган маҳсулотлар юзасидан бошланғич ҳужжатларга қўшимча реквизитларни киритиш орқали такомиллаштирилган шакли тавсия қилинган. Ушбу тавсиянинг амалиётга жорий этилиши чорвачиликда биологик активларни сақлаш харажатлари бўйича бошланғич ҳисоб ҳужжатларида аналитик маълумотларни ўз вақтида ва тўғри шакллантирилишини таъминлаган.

4. Сут йўналишидаги қорамолчилик хўжаликлари амалиётида харажатларнинг дастлабки, йифма ва аналитик ҳисоби аниқ харажат моддалари бўйича юритилмасдан эски усулда, яъни фермер хўжалиги ва масъулияти чекланган жамиятлар томонидан ўз билганича юритиб келинмоқда. Бу харажатларни йил давомида ойма-ой, ўсиб борувчан жами билан ҳисобга олиб боришни таъминламайди. Шунингдек, бир неча харажат обьектларига тақсимланадиган харажатлар алоҳида йиғилиб, аналитик ҳисоб обьектига ўтказилмасдан тахминан тақсимланади. Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида «Сут йўналишидаги қорамолчиликка қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисоби қайдномаси»нинг такомиллаштирилган шакли тавсия қилинди. Мазкур тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши аналитик маълумотларни ўз вақтида ва тўғри шакллантирилишини ва бу асосида самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишини таъминлаган.

5. Чорвачиликда товар-моддий қийматларни, жумладан ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилишда харажатларни ҳисьга олиш ва таннархга олиб боришда ҳисоб объектларига харажатларни мутаносиб тақсимлаш ҳамда бунинг учун бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасига 1530-«Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш» синтетик счёtlарини киритиш таклиф этилади. Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши қорамолчилик хўжаликларида ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар тўғрисида батафсил маълумотларнинг шаклланиши ҳамда ушбу харажатларнинг тақсимланиши, бошқарув таҳлили тўғри ташкил этилиши ва унинг асосида оқилона бошқарув қарорлари қабул қилинишини таъминлаган.

6. Сут йўналишидаги қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини ҳаққоний ҳисоблаш учун «Сут чорвачилигига маҳсулотлар таннархини ҳисоблашнинг коэффициент усули» ҳамда «Софин сигирларни сақлаш харажатларини сут ва наслга улардаги метоболик энергияга пропорционал тақсимлаш тартиби» тавсия этилган. Мазкур тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши сут қорамолчилигига сутнинг ва насл (бузоқ)нинг таннархини тўғри ва ҳаққоний аниқлаш имконини берган.

7. Чорвачиликда харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитини тўғри ташкил этиш мақсадида аудит ўтказиш умумий режасининг намунавий шакли ҳамда харажатларни ҳисобга олиш юзасидан ички назорат тизимини баҳолаш учун саволнома-тест ишлаб чиқилди. Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши қорамолчиликда харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудитининг умумий режасини тўғри тузиш ва харажатларни ҳисобга олишда ички назорат тизими ни баҳолаш бўйича аниқ саволлар рўйхатини шакллантиришни таъминлаган. Чорвачиликка қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар аудитида самарадорликни оширган.

8. Аудит текширувидан аввал харажатлар ва маҳсулот чиқиши аудити-

нинг қуида келтирилган умумий режаси тузилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда режалаштирилган иш тури, аудитни ўтказиш даври, ижрочиларни аниқлаш ва ҳар бир иш тури бўйича изоҳ берилиши лозим. Хўжаликни хужжатлар асосида текширишни бошлашдан олдин, аудитор чорвачилик соҳасининг ташкилий, норматив-хуқуқий, иқтисодий, техник-технологик, зоотехник ва бошқа хусусиятларини, ишлаб чиқариш фаолияти тузилмасини ўрганиб чиқиши ва таҳлил қилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳисоб сиёсатида келтирилган қоидалар ва чорвачиликда ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таҳлил қилиш ва шу асосда аудитор қилинган харажатлар ва олинган маҳсулот ҳисоби усулининг илмий асосланганлигини текшириб кўради.

9. Чорвачилик хўжаликларида ички назорат тизимини баҳолаш мақсадида саволнома-тестга қуидагиларни киритиш зарур: корхонадаги чорва моллари турлари ва гурухлари; чорва моллари бош сони; уларнинг ферма бўйича жойлаштирилганлигини текшириш, чорва молларининг сақланишини таъминлайдиган шароитларнинг мавжудлигини текшириш, чорва молларини инвентаризация қилиш тартиби ва даврийлиги, инвентаризация натижаларини ҳисобда акс эттирилишини текшириш, чорва молларининг ҳаракати бўйича операцияларнинг назоратини текшириш, чорва моллари бўйича йиғма ва аналитик ҳисобнинг ташкил этилишини текшириш, чорва моллари ҳаракатига доир операцияларга рухсат берилишини текшириш, олинган наслнинг таннархини калькуляциялаш бўйича методикалар мавжудлиги ва уларга риоя қилинишини текшириш, ушбу ҳисоб участкасида бошланғич ҳисоб хужжатлари айланиш графигининг мавжудлигини текшириш.

10. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонларни текширувдан ўтказиш бўйича аудиторлик амаллари мажмуи ва уларнинг услубий аҳамияти ишлаб чиқилди. Айтиб ўтилган аудиторлик амаллари асосида текширув ўтказиш ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳисоби ташкил этилиши ва юритилиши амалдаги қоидаларга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигига тўғрисида аниқ ва вактни тежаган ҳолда баҳо бериш имконияти яратган. Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисоби маълум

мотларни зоотехник ва ветеринар томоиндан олиб бориладиган ҳисоб маълумотлари билан солишириш лозим. Бундан ташқари, озуқа сарфи бўйича маълумотлар бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотларини ҳам зоотехникдаги ҳақиқий маълумотлар таққослаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай текширув натижаларини расмийлаштириш учун аудиторнинг иш хужжати сифатида ишчи жадвал тавсия қилинди. Мазкур ишчи жадвалнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида аудит ўтказиш натижаларини расмийлаштиришда вақт сарфи камайган ва самарадорлик ошган.

11. Қорамолчиликка қилинган харажатлар ва олинган маҳсулотлар аудитининг такомиллаштирилган умумий режаси ва харажатларни ҳисобга олиш бўйича ички назорат тизимини баҳолаш учун ишлаб чиқилган саволнома-тест таклиф этилган. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиншиши сут йўналишидаги қорамолчиликда харажатлар ва маҳсулотлар аудитининг умумий режасини тўғри тузиш, харажатлар ҳисоби бўйича ички назорат тизимини баҳолаш осонлаштириш имконини берган.

12. Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳисобини комплекс ва батафсил текширишнинг алгоритми тавсия қилинди. Ушбу тавсиянинг амалиётга жорий этилиши натижасида, аудитор ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар бўйича барча муҳим маълумотлар тўғри тавсифланганлиги ҳамда мижоз-корхонанинг молиявий ҳисботида ва унга тушунтириш хатида тўлиқ ва аниқ тақдим этилганлигини билиш ҳамда вақтни тежаш имконини берган.

13. Сут йўналишидаги қорамолчиликда биологик активларни аудиторлик текширувидан ўтказишида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: сут йўналишидаги қорамолчиликда биологик активлар мавжудлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва текшириш; сут йўналишидаги қорамолчиликда биологик активларни ҳисоби бўйича бошланғич ҳисоб ҳужжатларнинг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ расмийлаштирилишига баҳо бериш ва текшириш, сут йўналишидаги қорамолчиликда биологик активлар инвентаризацияси ўтказилиши ва унинг натижаларини бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ акс эттирили-

шини ўрганиш, таҳлил қилиш ва текшириш, сут йўналишидаги қорамолчиликда биологик активларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби тўғри ташкил этилишини ва юритилишини ўрганиш, таҳлил қилиш ва текшириш. Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши биологик активлар аудитини тўғри ташкил этиш ва ўтказиш имконини берган.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **1. Норматив-хукуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конуни. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 404-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 янаврдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5853-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Тошкент. 22.12.2017. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 23 январь. (7519). [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Олий мажлисга мурожаатномаси». 2020 йил 25 январь. <https://aza.uz/oz/politics/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-25-01-2020>.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 октябрдаги «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-845-сон Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги «Чорвачиликни янада ривожлантириш, тармоқ фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-285-сон Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартағи «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4243-сон Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартағи «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5659-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4259331>

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарори. <https://lex.uz./docs/4746047>

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» -Т.: Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари, 1999.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги

2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари, -<sup>12</sup>.

17. Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби бўйича мөъёрий-хукуқий актлари тўшлами. – Тошкент, «Иқтисодиёт ва хуқук дунёси» нашриёт уйи, 2016. – 6 б.

18. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома». –Т.: «Норма» МЧЖ, 2018 // Рынок, деньги и кредит. -Тошкент, 2000. -2. -С. 60-63.

19. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисоби стандарти (5-сон БХС) «Қишлоқ хўжалиги». (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.12.2018 й., 10/18/3106/2369-сон). <https://www.lex.uz/docs/4124747>

20. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. 41-сон «Қишлоқ хўжалиги», 2003.

21. Международные стандарты финансовой отчетности: издание на русском языке, -М.: АСКЕРИ, 2010.

22. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари: 2-жилд. Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) 320-сон «Аудитни режалаштириш ва бажаришда муҳимлик», 554 бет. «Sano-Standart» босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш, Широқ кўчаси, 100 уй.

23. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари: 2-жилд. Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) 315-сон «Муҳим бузиб кўрсатишлар рискларини тадбиркорлик субъект ва унинг муҳитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш», 554 бет. «Sano-Standart» босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш, Широқ кўчаси, 100 уй.

24. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари: 2-жилд. Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) 500-сон «Аудиторлик далиллари»,

1039 бет. «Sano-Standart» босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш, Широк кўчаси, 100 уй.

25. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари: З-жилд. Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) 705-сон «Мустақил аудитор ҳисоботи (хулосаси)да фикрни модификациялаш», 1502 бет. «Sano-Standart» босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш, Широк кўчаси, 100 уй.

26. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари: З-жилд. Аудитнинг халқаро стандарти (АХС) 720-сон «Аудит ўтказиш жараёнида текширилган молиявий ҳисботлар ифодаланган хужжатлардаги бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги», 1502 бет. «Sano-Standart» босмахонасида чоп этилди. Тошкент ш, Широк кўчаси, 100 уй.

## **2. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

27. Абдуганиев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари. - Т.: ТМИ, 2003. -275 б.

28. Абдуганиев А. Бошқарув ҳисобини шакллантириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. -Тошкент, 2002. -Б. 8-9.

29. Агошкова Н.Н. Методологические аспекты учета воспроизведения биологических активов // Аграрная Россия. -2012. -4-5 с.

30. Агошкова Н.Н. Совершенствование воспроизведения внеоборотных биологических активов в сельском хозяйстве // Международный бухгалтерский учет. 2013. №15.

<https://scienceforum.ru/2015/article/2015014958>

31. Алборов Р.А. Предпосылки и моделирование развития управляемого учета в сельском хозяйстве / Р.А. Алборов, С.М. Концевая, С.В. Козменкова//Международный бухгалтерский учет. -2015. 15(357). -С. 37-51.

32. Бобрикова С.В. Организация рациональной модели управляемого учета затрат по центрам ответственности / С.В.Бобрикова,

Е.Л.Мосунова, О.О.Злобина // Вестник ИПБ (Вестник профессиональных бухгалтеров). - 2015. - С. 25-29.

33. Горюнова О.С. Отчетная калькуляция обычных видов деятельности / О.С.Горюнова // Аграрная наука. -2009. - С. 12-14.

34. Дусмуратов Р.Д., Ризаев Н.К. Аграр соҳада молиявий ҳисбботнинг халқаро стандартлари: назария ва амалиёт. «Логистика ва иқтисодиёт» илмий электрон журнали. 2020 / 1-сон. 15-21 бетлар.

35. Дўсмуратов Р.Д., Мамадиев Д.Ў. Қишлоқ хўжалигида бошқарув ҳисоби; услубиёт ва амалиёт. -Т.: «Молия» нашриёти, 2008. -148 б.

36. Злобина О.О. Организация бухгалтерского учета в системе управления деятельностью производственного предприятия / О.О.Злобина, Е.Л.Мосунова // Все для бухгалтера. - 2016. 4 (288). - С. 2-8.

37. Ибрагимов А. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув ҳисоби // Солиқ солини ва бухгалтерия ҳисоби. – Т.: 2007. -Б. 15-17.

38. Каримов А. Бухгалтерия ҳисбининг интеграллашган тизими ва унинг ахборот таъминоти // Бозор, пул ва кредит. -Т.: 2008. -Б. 55-57.

39. Каримов А.А. Фермер хўжаликлирида бухгалтерия ҳисбини юритишнинг айrim жиҳатлари. // Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики: Сборник научных трудов. - Москва, МГЭИ. 2008. - С. 145-147.

40. Каримов А.А. Бошқарув ҳисбини ташкил этиш услублари. // Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисбининг миллий стандартлари асосида янги счёtlар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: 2002. –Б. 23-25.

41. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. -Т.: «Istisod-moliya», 2008. -152 б.

42. Концевая С.М. Управление затратами, объемами и результатами сельскохозяйственного производства. С.М.Концевая, О.П.Князева,

Е.В.Захарова // Вестник Ижевской государственной сельскохозяйственной академии. - 2008. 1(15). - С. 39-41.

43. Концевой Г.Р. Совершенствование классификации совокупных и биологических затрат в управленческом учете сельскохозяйственного производства / Г.Р. Концевой// Вестник профессиональных бухгалтеров. - 2014. - С. 36-41.

44. Концевой Г.Р. Развитие управленческого учета и внутреннего контроля цикла формирования затрат и цикла выпуска сельскохозяйственной продукции / Г.Р. Концевой // Вестник Ижевской государственной сельскохозяйственной академии. - 2016. - 12 (47). - С. 65-76.

45. Концевой Г.Р. Совершенствование методики оценки и управленческого учета материальных и биологических затрат в сельском хозяйстве / Г.Р.Концевой // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий предприятий. -2015. -1. - С. 26-29.

46. Костина Р.В. Типичные ошибки, обнаруженные при аудите сельхозорганизаций//«Главбух». Приложение «Учет в сельском хозяйстве», 2004;

47. Кружкова И.И., Проняева Л.И., Солодовник А.И. Биологические активы: экономическая интерпретация, оценка, проблемы отражения в отчетности // Международный бухгалтерский учет. – 2013. - №8. <https://scienceforum.ru/2015/article/2015014958>

48. Макулова А.Т., Бойболтаева Н.А. Проблемы учета биологических активов и сельскохозяйственной продукции в Республике Казахстан в соответствие с требованиями МСФО (IAS) 41 «Сельское хозяйство». – Таврийский державний агротехнологический университет, 2014.

49. Menglikulov B.Yu. Chorvachilikda biologik aktivlarni saqlash xarajatlari hisobi va auditining nazariy-metodologik muammolari. -T.: «Iqtisod-moliya», 2022 y. -184 b.

50. Menglikulov B.Yu. Classification and organizational methodological increase in management costs of livestock. «American Journal of Economics and

Business Management (AJEBM)» jurnali, 2021, ISSN 2576-5973, Volume-4, No-4, 74-87, <https://www.globalresearchnetwork.us>.

51. Менгликулов Б.Ю. Теоретические и практические вопросы применение международных стандартов финансовой отчетности в аграрном секторе. «Экономика и предпринимательство» Journal of Economy and entrepreneurship, №2 (115), 2020, -С. 941-946.

53. Menglikulov B.Yu. Formation of the organizational and methodological aspects of the audit costs and calculation of the cost in animal. SJBIR: SAARJ Journal on Banking & insurance Research. <http://www.saarj.com>. (ISSN: 2319-1422) (Impact Factor: SJIF 2013=2.380) Vol.4, Issue:6 (15 November, 2015). PAGE NO. 45-60 (SCO-34, First Floor, Near Red Croos, HUDA Market, Sec.17, JAGADHRI 135003, Haryana, India).

54. Менгликулов Б.Ю. Чорвачилиқда бошқарув ҳисоби харажатларини туркумлашнинг аҳамияти. «Молия ва Банк иши» (электрон илмий журнал), №3, 2020, 125-130 бетлар, <http://journal.bfa.uz/> maqolalar.

55. Менгликулов Б.Ю. Чорвачилиқда бошқарув ҳисобининг ташкилий-услубий масалалари. «Agroiqtisodiyot» илмий-амалий агроиктисодий журнал, 2020. №3(16). 15-20 бетлар, <http://qxiiti.uz/ru/agroiqtisodiyot-rus?template=accessibility>.

56. Менгликулов Б.Ю. Сут чорвачилигига маҳсулот таннархини калькуляция қилишга услубий ёндашувлар. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиилар» (илмий электрон журнали), №6, 2020 йил ноябрь-декабрь, 20-27 бетлар, <http://iqtisodiyot.tsue.uz>.

57. Менгликулов Б.Ю. Биологик активлар аудитини ташкил этишнинг хусусиятлари. «Agroiqtisodiyot» илмий-амалий агроиктисодий журнал, 2019. №3(13), 40-43 бетлар, <http://qxiiti.uz/ru/agroiqtisodiyot-rus?template=accessibility>.

58. Менгликулов Б.Ю. Биологик активларни тан олиш ва ҳисобини ташкил этиш масалалари. «Молия ва Банк иши» (электрон илмий журнал), №5, 2019, 3-6 бетлар, <http://journal.bfa.uz/maqolalar>.
59. Менгликулов Б.Ю. Ўстиришдаги ҳайвонлар ҳисоби ва аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, №4, 2018 йил июль-август.
60. Менгликулов Б.Ю. Ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари ҳаракати, хужжатлаштирилиши ва ҳисобда акс эттирилиши аудити. «Иқтисодиёт ва таълим» илмий журнал. №2, 2018. 38-41 бетлар.
61. Менгликулов Б.Ю. Чорвачиликда харажатлар ҳисобини ташкил этишининг хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнал. №5. 2016 йил. 20-24 бетлар.
62. Менгликулов Б.Ю. Чорвачиликда харажатлар аудитининг ташкилий-услубий жиҳатларини шакллантириш // Biznes-эксперт. -Тошкент, 2016. -№2. –Б. 31-35.
63. Менгликулов Б.Ю. Бошқарув аудитининг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатларини шакллантириш // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, -Тошкент.: -№6, 2015 йил ноябрь-декабрь. –Б. 1-10. [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz).
64. Менгликулов Б.Ю. Чорвачиликда бошқарув ҳисбининг ташкилий-услубий жиҳатларини шакллантириш // Biznes-эксперт. - Тошкент, 2015. - №8. –Б. 54-59.
65. Менгликулов Б.Ю. Биологик активларни ҳисобга олишда халқаро стандартларни кўллашнинг зарурати. «Рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 333-337 бетлар., Т.:2020 йил. 872 бет.

66. Менгликулов Б.Ю. Биологик активларни тан олиш ва ҳисобда акс эттириш масалалари. «Аграр соҳа экспорт салоҳиятини ошириш, кўп тармокли фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги хорижий мутахассислар иштирокида Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2019 йил. 1-қисм. 288-290 бетлар.

67. Менгликулов Б.Ю. Резервы снижения себестоимости продукции в молочном скотоводстве. «Формирование организационно-экономических условий эффективного функционирования АПК» Сборник научных статей X Международной научно-практической конференции. (Минск, 24-25-мая 2018 г.) –Минск: БГАТУ, 2018. -с. 253-258.

68. Менгликулов Б.Ю. Чорвачиликни бошқариш тизимида узок муддатли биологик активларга амортизация ҳисоблаш масалалари. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш масалалари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. ТМИ. –Т.: «Iqtisod-moliya», 2017. 34-37 бетлар.

69. Менгликулов Б.Ю. Биологик активлар аудитининг ташкилий-услубий ҳусусиятлари. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янада либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Урганч, УрДУ ноширлик бўлими, 2017 йил 25 ноябрь, 2-қисм. 56-59 бетлар.

70. Менгликулов Б.Ю. Биологик активлар дастлабки, аналитик ва синтетик ҳисобининг аудити. «Мева-сабзавотчилик мажмуида иқтисодий муносабатлар тизимини ва менежментнинг ахборот-таҳлил таъминотини такомиллаштириш» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2017 йил 30 ноябр, 143-148 бетлар.

71. Менгликулов Б.Ю. Организационно-методические аспекты управлеченческого аудита в животноводстве. ДВАДЦАТЬ ВОСЬМЫЕ МЕЖДУНАРОДНЫЕ ПЛЕХАНОВСКИЕ ЧТЕНИЯ. Материалы международной научно-практической конференции. (2-3 февраля 2015 г.) Москва. ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова”, 2015. с. 328-329.
72. Менгликулов Б.Ю. Чорва моллари маҳсулдорлиги ва уни ошириш имкониятлари // Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси тармоқларида инновацион бошқарув фаолиятини модернизациялаш ва ривожлантириш муаммолари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2014 йил. 155-158 бетлар.
73. Менгликулов Б.Ю. Қорамолчиликда маҳсулотлар таннархини хисоблаш масалалари // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари: илмий-амалий конференция маъruzалар тўплами. –Тошкент: ЎЗБИИТИ, 2012. –Б. 84-85.
74. Менгликулов Б.Ю. Чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда моддий-техника таъминоти хисоби ва таҳлили. “Қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни жорий қилиш муаммолари” Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. I қисм. 242-245 бетлар. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти. 2012 йил 21-22 ноябр.
75. Menglikulov B., Dusmuratov R., Mamadiyorov D. Improvement of methodological aspects to calculate the cost of dairy products: a review. E3S Web of Conferences 258, 04036 (2021). UESF-2021. <https://doi.org/10.1051/e3scon/202125804036>
76. Менгликулов Б.Ю. 41-МХХС «Қишлоқ хўжалиги»: Биологик активлар хисоби. “Бухгалтерия хисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида IX халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТМИ, 6.08.2015.

77. Menglikulov B., Kudayberganova G. Xarajatlarni boshqarishning «Target costing» tizimi va undan foydalanish imkoniyatlari. «Agroiqtisodiyot» jurnali, 2022 №1 (22). 71-73 betlar. <http://qxiiti.uz/ru/agroiqtisodiyot-rus?template=accessibility>.

78. Menglikulov B.Yu., Kudayberganova G.T. Xarajatlarni maqsadli kamaytirish va mahsulot tannarxini pasaytirishda «Kayzen-kosting» usulining ahamiyati va qo'llash imkoniyatlari. «Raqamli iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida buxgalteriya hisobi, moliyaviy hisobot, tahlil, auditorlik faoliyati va moliya-kredit mexanizmini xalqaro standartlar asosida takomillashtirish» mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami. / Mualliflar jamoasi. –T.: TDAU tahririyat-nashriyot bo'limi, 2022. - 533 b. 145-149 betlar.

79. Menglikulov B.Yu., Mamatqulov T.A. Qishloq xo'jaligi korxonalarida xarajatlarni hisobga olishning «direkt-kosting» tizimidan foydalanish imkoniyatlari. «Raqamli iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida buxgalteriya hisobi, moliyaviy hisobot, tahlil, auditorlik faoliyati va moliya-kredit mexanizmini xalqaro standartlar asosida takomillashtirish» mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami. / Mualliflar jamoasi. –T.: TDAU tahririyat-nashriyot bo'limi, 2022. - 533 b. 59-63 betlar.

80. Menglikulov B.Yu., Karayeva U.M. Biologik aktivlar va ularni hisobga olishning ayrim masalalari. «Agrar tarmoq iqtisodiy salohiyatini oshirishda institutsional islohotlar va agroklasterlarni rivojlantirishning o'rni: muammo va echimlar» mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to'plami. - T.: 2021 yil 18 may, 690 bet. 372-375 betlar.

81. Менгликулов Б.Ю., Назаров Х.Х. Сут ишлаб чиқариш субъектлари таҳлилида матрица усулини кўллашнинг хусусиятлари. «Мева-сабзавотчилик мажмууда иқтисодий муносабатлар тизимини ва менежментнинг ахборот-таҳлил таъминотини такомиллаптириши» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2017 йил 30 ноябр, 178-182 бетлар.

82. Менгликулов Б.Ю., Назаров Х.Х. Сут чорвачилигига маҳсулотлар таниархини ҳисоблашнинг услубий масалалари. «Инновацион гоя ва

тежамкор технологиялар – аграр соҳанинг таянчи» Республика илмий-амалий конференция тўплами. 2018 йил 6-7 декабрь. 770-773 бетлар.

83. Пипко В.А. Пути совершенствования учета производства и исчисления себестоимости продукции в условиях агробизнеса / В.А.Пипко // Бухучет в сельском хозяйстве. -2009. -С. 39-45.

84. Соколов я.В. Учет затрат-от теории к практике. -М.: «Бухгалтерский учет», 2005. ^6.

85. Фастова Е.В. Учет биологических активов по справедливой стоимости в соответствии с МСФО 41 «Сельское хозяйство» // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. -2007. -1. -33-39 с.

86. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби тизимида корхона фаолиятини бюджетлаштириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -Тошкент, 2004. -3-4. -Б. 54-55.

87. Холбеков Р.О. Совершенствование методологии учета затрат // Бозор, пул ва кредит. – Т.: 2007. -2. –Б. 55-57.

88. Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобида харажатлар бошқаруви ва назорати. – Т.: 2005. -^12. –Б. 35-37.

89. Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ва услубиёти. Монография. - Т.: «Фан», 2005. -198 б.

90. Хоружий Л.И. Управленческий учет затрат /Л. И. Хоружий // Аудиторские ведомости. -2010. -4. -С. 13.

91. Хоружий Л.И. Управленческий учет и анализ затрат на качество в организациях агросфера / Л.И. Хоружий, Ю.Н. Катков // Бухучет в сельском хозяйстве. - 2013. - 8. - С. 56-65.

92. Хоружий Л.И., Бобкова Е.В. Аудит затрат на производство в сельском хозяйстве // «Аудиторские ведомости», 2006. ^9. Сентябрь 2006 г.

93. Хоружий Л.И. Методология развития управлеченческого учета затрат на производство сельскохозяйственной продукции /Л.И.Хоружий, Ю.И.Сигидов, В.В.Говдя / В сб.: Актуальные вопросы учета, финансов и

контрольно-аналитического обеспечения управления в сельском хозяйстве: Материалы Международной научно-производственной конференции, посвященной 30-летию кафедры бухгалтерского учета, финансов и аудита. Министерство сельского хозяйства Российской Федерации, федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования «Ижевская государственная сельскохозяйственная академия». - 2017. -С. 56-60.

94. Хоружий Л.И. Проблемы и перспективы развития бухгалтерского учета и оценки биологических активов / Л.И.Хоружий, В.И.Хоружий, М.Ю.Гасанов, К.А.Джикия // Бухучет в сельском хозяйстве. - 2017. - С. 6-20.

95. Хоружий Л.И. Калькуляция себестоимости сельскохозяйственной продукции: прошлое, настоящие, будущее / Л.И.Хоружий // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. -2012. - С. 59-62.

96. Хоружий Л.И., Хоружий В.И., Гасанов М.Ю., Джикия К.А. Проблемы и перспективы бухгалтерского учета и оценки биологических активов. Бухучет в сельском хозяйстве. '3. 2017.

97. Широбоков В.Г. Практикум по аудиту в организациях АПК: Учебное пособие / Аудит животных на выращивании и откорме. В.Г.Широбоков, Т.И. Логвинова. - М: Финансы и статистика, 2006. - 384 с.

### **3. Фойдаланилган бошқа адабиётлар**

98. Абдуғаниев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритишнинг назарий ва амалий асослари: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати: 08.00.08. / Абдуғаниев Абдуқаҳҳор Абдулатифович. –Тошкент, 2005. -41 б.

99. Алиқулов А.И. Пахта толасини ишлаб чиқариш ва тайёрлапп харажатлари ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган

диссертация автореферати: 08.00.08. / Алиқулов Абдумўмин Исматович. - Тошкент, 2012. -37 б.

100. Алборов Р.А. Бухгалтерский управленческий учет (теория и практика). -М.: издательство «Дело и сервис», 2005. -224 с.

101. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. я.В.Соколова. – М.:Финансы и статистика, 2013. -560 с.

102. Друри К. Управленческий и производственный учет: пер. с англ. - 6-е изд. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. -142 с.

103. Дусмуратов Р.Д., Менгликулов Б.Ю. Фермер хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари таннархини хисоблаш бўйича тавсиянома. Тошкент. 2013. 24 бет.

104. Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. –Т.: «Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси» нашриёти, 2003. -612 б.

105. Dusmuratov R.D. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. –Т.: «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2013. -476 bet.

106. Дўсмуратов Р.Д., Мамадияров Д.У. Бошқарув ҳисоби менежментнинг муҳим дастаги: // Кичик ва ўрта бизнесда менежмент муаммолари Республика илмий-амалий анжумунни.-Самарқанд, 2000. –Б. 75-77.

107. Жабуева С.Б., Цыренова И.Б. Перспективы внедрения и методологические аспекты учета биологических активов. Научное сообщество студентов XXI столетия. Экономические науки: сб.ст. по мат. XXXII междунар. студ. науч.-практ. Конф. '15(32).URL:[http://sibas.info/archive/economy/5\(32\).pdf](http://sibas.info/archive/economy/5(32).pdf).

108. Зонова А.В. Бухгалтерский учет и анализ. Комплексный подход к принятию управленческих решений: практическое руководство / А.В.Зонова, Л.А.Адамайтис, И.Н.Багуринская. –М.:Эксмо, 2009.–512 с.

109. Зюзин. Ю.И. Особенности методики аудита биологических активов в сельскохозяйственных организациях. –Москва, 2007.

110. Ибрагимов А.К. ва б. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўкув қўлланма. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. -444 б.
111. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати: 08.00.08. / Ибрагимов Абдугапур Каримович. -Тошкент, 2002. -42 б.
112. International financial reporting standards. [www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/](http://www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/).
113. Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Самарқанд «Уникомм-С» МчЖ, 2003. – Б. 397
114. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. -Т.: «Шарқ» НМАК, 2004. -592 б.
115. Керимов В.Э. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в отдельных отраслях производственной сферы. Москва, 2005. - 246 с.
116. Кондрakov Н.П., Кондрakov И.Н. Бухгалтерский учет на малых предприятиях: учебное пособие. – М.: Проспект, 2010. - 640 с.
117. Концевой Г.Р. Развитие управленческого учета и контроля биологических и совокупных затрат в сельском хозяйстве: автореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.12 / Концевой Григорий Роланович. - Ижевск, 2016. - 24 с.
118. Краткий экономический словарь / под ред. Ю.А.Белкина и др. -М.: Политиздат, 1987. - 399 с.
119. Ламыкин И.А. Бухгалтерский учет. Учебник. –М.: Филинъ, 2000. - 520 с.
120. Махаммадиев З.У. Корхоналарда модернизация жараёнлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. –Т.: 2021. – 76 б. 7.

121. Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати: 08.00.08. / Махсудов Бегматжон Юлдашалиевич. - Тошкент, 2018. -46 б.
122. Махкамбаев А.Т., Абдувахидов Ф.Т., Сатывалдиева Д.А., Шодиев Э.Т. Калькуляция себестоимости: Учебное пособие —Т: Издательский дом «ILM ZIYO», 2012 г.- 208 с.
123. «Management Accountants Seeing Pay Raises». Accounting Today. 2 March 2018. Retrieved 10 August 2018.
124. Нидълз Б. и другие. Принципы бухгалтерского учета. 2-е издание. – М.: Финансы и статистика, 2003. -496 с.
- Н.Ю.Носкова. Учет затрат, калькулирование и бюджетирование в различных отраслях производственной деятельности: Учебное пособие / Н.Ю.Носкова. -Ульяновск : УлГТУ, 2009. - 124 с.
125. OECD-FAO Agricultural Outlook 2021-2030.  
<https://www.fao.org/3/cb5332en/Meat.pdf>.
126. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности: Учебник. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2011. -512 с.
127. Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник. - М.: ИНФРА, 2004. -472 с.
128. Ro'zmetov B, Bekturdiyev O., Yo'ldosheva Q., Matkarimov S. Tannarx kalkulatsiyasi. Toshkent, «ILM ZIYO», 2006. -230 б.
129. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси. –Т.: 2002. I-II томлар.
130. Ташназаров С.Н. Бошқарув ҳисоби. СамИСИ, 2010. -260 б.

131. Турсунов У.С. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулотлар таннархи аудитини такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати: 08.00.08. / Турсунов Улугбек . –Тошкент, 2008. - 19 б.
132. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. /-Т.: «Фафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи», 2008. -59 б.
133. Пардаев А. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: Академия, 2002. -176 б.
134. Пизенголыц М.З. Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве. –М.: Финансы и статистика, 2001. -400 с.;
135. Под редакцией Шеремета А.Д. Управленческий учет. -М.: ИД ФБК пресс, 2002.
136. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Тошкент.: Ўқитувчи, 2004. -245 б.
137. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва амалиёт. -Т.: «Молия» нашриёти, 2003. -248 б.
138. Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси наприёти, 2005. -260 б.
139. Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш: (ўкув қўлланма).-Т.: Ўқитувчи, 2004.-100 б.
140. Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. –Т.: «Yangi nashr», 2011. -53 б.
141. Xasanov B.A., Xashimov A.A. Boshqaruv hisobi: darslik O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi. -Toshkent: Cho'lpon nomidagi нашриёти NMIU, 2013. – 312 b.
142. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини

олиш учун диссертация автореферати: 08.00.08. / Хасанов Баходир Акрамович. -Тошкент, 2004. -42 б.

143. Холбеков Р.О. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойиллари ва услубиёти: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати: 08.00.08. / Холбеков Расул Олимович. -Тошкент, 2006. -46 б.

144. Хоружий Л.И. Проблемы теории, методологии, методики и организации управленческого учета в сельском хозяйстве / Л.И. Хоружий. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 497 с.

145. Хоружий Л.И. и др. Бухгалтерский учет. -М.:Колос, 2004.-511 с.

146. Хушматов Н.С., Куччиев У.М. «Чорвачилик тармоғини модернизациялаш иқтисодий моҳияти, амал қилиш қонуниятлари ва асосий шартлари». Рисола. -Т.: «Ёш куч пресс матбуоти» МЧЖ, 2012. 25-26 б.

147. Emerson G., Davidson S., Maher M. Managerial Accounting: An Introduction to Concepts, Methods and Uses. Third Edition. USA. 2000. – 926р.

148. Horngren C.T., Foster G. Cost Accounting: A Managerial Emphasis. Seventh Edition. USA. 2001. -964р.

149. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. Тошкент – 2000. -407 б.

150. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2011-2020. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йигма ахборот ишлари бошқармаси. Тошкент-2020. <https://stat.uz/uz/nashrlar/3635-yillik-statistik-to-plami>

151. Тошкент вилояти Қибрай тумани «Azizjon» фермер хўжалигининг 2017-2021 йиллардаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот маълумотлари.

152. Тошкент вилояти Тошкент тумани «Mehnat baxtli sut» масъулияти чекланган жамиятининг 2017-2021 йиллардаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот маълумотлари.

153. Самарқанд вилояти Пайариқ тумани «Sutello» фермер хўжалигининг 2018-2021 йиллардаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари.

154. Сурхондарё вилояти Денов тумани «Turonbek chorvasi» фермер хўжалигининг 2018-2021 йиллардаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари.

155. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>. Международные стандарты финансовой отчетности.

156. [www.librariy.princeton.edu](http://www.librariy.princeton.edu)

157. [https://www.cebr.com](http://www.cebr.com)

158. [https://www.ucalgary.ca](http://www.ucalgary.ca)

159. [www.forbes.com/colleges/stanford-university](http://www.forbes.com/colleges/stanford-university)

160. [https://www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu)

161. [en.nagoya-u.ac.jp](http://en.nagoya-u.ac.jp)

162. [www.agro.uz](http://www.agro.uz) - Қишлоқ хўжалиги вазирлиги сайти

163. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти

164. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси сайти

165. [www.norma.uz](http://www.norma.uz) – “Норма” МЧЖ сайти

166. [http://kubsau.ru/upload/iblock/9c1/9c134411a192e113118897b8871fee02.pdf\(3/9\)](http://kubsau.ru/upload/iblock/9c1/9c134411a192e113118897b8871fee02.pdf)

167. <http://elibrary.ru/item.asp?id=36288618>. Особенности учета биологических активов в соответствии в Российскими и международными стандартами.

168. <http://elibrary.ru/item.asp?id=37530864>. Понятие, сущность и классификация биологических активов в сельском хозяйстве.

169. [http://kubsau.ru/upload/iblock/9c1/9c134411a192e113118897b8871fee02.pdf\(6/9\)](http://kubsau.ru/upload/iblock/9c1/9c134411a192e113118897b8871fee02.pdf)

170. <https://staff.tiiame.uz/storage/users/397/articles/bRvgigEikK3hFbkP2Ow9mg4yl5rMIfUGnUGkrjmN.pdf>. К определению основных параметров дамбоуплотнителя, 2020.

## **ИЛОВАЛАР**

## Кишлоқ хұжалик корхонасы

**Дағал ва ширави озукаларни қабул қилиш далолатномасы №  
" " 202 ый.**

Комиссия томонидан озүқалар қабул қилинди:

бўлим	Фермер		Операция	Олувчи	қабул килувчи

Илова: тарам, уюм, траншея, минора жойлашган чизма

## Комиссия аъзолари:

---

ПАРООЧИЩЕ

HM30

Φ, Η, Σ

---

павозими

UN30

14

Озуқаларни етказиб беришга жавобгар шаҳс:

---

БАРОМЕТР

---

EEN1DR

15

Далолатнома да күрсатылған озукаларни мөдлий жағобғарлыққа қабул қилтим:

---

павозими

FM130

د ۱۱۳

**Яйловлардан олинган озукаларни кирим қилиш далолатномаси №  
"\_\_\_" \_\_\_\_ 202\_\_ й.**

бўлим		Фер-мер	Муомала	олувчи	Жўнатувчи

**сүгорилладиган, сүгорилмайдиган**

2-

## ОЗУҚАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

## ҚАЙДНОМАСИ №

"\_\_\_" 202\_\_\_ й.  
озуқаларни қабул қилувчи  
фамилияси, исми, отасининг  
учун озуқа бериш лимити

бў- лим		Фер- мер	Му- мала	Олув-чи	Жўна- тубчи

Чорва гурӯҳи

Озуқа номи					
Ўлчов бирлиги					
бир бош учун лимит					
умумий лимит					

Кишлоқ хўжалик корхонаси раҳбари

Зоотехник

Бухгалтер

лавозими	ИМЗО	Ф.И.Ш.	ИМЗО	Ф.И.Ш.	ИМЗО	Ф.И.Ш.
----------	------	--------	------	--------	------	--------

Озуқаларнинг берилиши		" " й.							
сана, ой	Чорва моллари мавжудлиги	сағфланган озуқаларнинг номи ва миқдори							озуқани қабул килган (жўнатган) шахс имзоси
		Аналитик ҳисоб счёти (кредит)							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	
ой бошига озуқаларнинг қолдиги									
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
11									
12									
13									
14									
15									
16									
17									
18									
19									
20									
21									
22									
23									
24									
25									
26									
27									
28									
29									
30									
31									
озуқа кунлари	жами								ўртacha ойлик бош сони
	баҳоси								
Сумма									
ой охирига озуқалар қолдиги									
озуқаларнинг ҳақиқий сарфи									
озуқа бирликларининг миқдори									

Зоотехник

ИМЗО Ф.И.Ш.

Бўлим башлинги

ИМЗО Ф.И.Ш.

Қишлоқ хұжалик корхонаси

\_\_\_\_\_

Бұлым	Ферма	Шифр	Фермер	Муомала	Олувчи	Жүннатувчи

Сүт соғишиңи хисобға олиш  
**ЖУРНАЛИ №** \_\_\_\_.

"\_\_\_\_\_" \_\_\_\_\_ 202\_\_ й.

Табель №	Фамилияси, исми, отасининг исми
1	2
1	
2	
3	
4	
5	
6	
7	
8	
9	
10	
11	
12	
13	
14	
15	
16	
17	
18	
19	

т/р	сана, ой йил							
	сигирлар сони		согиб олинган сут, л				ёглилiği,	согувчи имзоси
	жами	улардан согилгани	эрталаб	туща	кечкүрун	жами		
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1								
2								
3								
4								
5								
6								
7								
8								
9								
10								
11								
12								
13								
14								
15								
16								
17								
18								
19								

кун бүйича жами

Бўлим бошлиги

имзо

ф.и.ш.

Ферма  
мудири

имзо

ф.и.ш.

Табель №	Фамилияси, исми, отасининг исми	жами солиш олинган сут, л	ёғлилиги, %
1	2	3	4
1			
2			
3			
4			
5			
6			
7			
8			
9			
10			
11			
12			
13			
14			
15			
16			
17			
18			
19			

аналитик ҳисоб счети	дебет		жами Баҳоси Суммаси, сўм
	кредит		

Бригадир

ИМЗО

Ф.И.О.

ферма  
мудири

ИМЗО

Ф.И.О.

Изош: 3 ва 4 бетлар ой неча кун бўлса шунча тақорорланади

## Кишлоқ хұжалик корхонаси

### 5-шакл. Чорвачилик

**Чорва насланини киримга олиш  
ДАЛОЛАТНОМАСИ №\_\_\_\_\_.**

" " 202 й.

Гурұх моллари қабул қилинди:

Бўлим	Ферма,	фермер	Муомала	Олувчи	Жўнатувчи	Ферма мудирининг фамилияси, исми

Ферма мудири:

ФИЛИ

Масъул

ИМ30 Ф.И.Ш.

Зоотехник

имзо фиш

## Қишлоқ хұжалик корхонаси

## **Чорва молларини гурухдан-гурухга ўтказиш**

## ДАЛОЛАТНОМАСИ №

202 ی.

## Чорва тури.

бүлім	ферма	Фер-мер	муомала	олувчи	жұнатувчи

гурхига

Чорва моллари биректирилган моддий жавобгар шахс фамилияси, исеми:

Аналитик щисоб счети	дебет	
	кредит	

## Чорва мөлдәрини топширлым

---

HN30

Ф.И.О.

Зоотехник

HM30

九

### Ферма мудири (бригадир)

---

имзо ФИО

Бухгалтер

---

ИМДС Ф.И.О.

7-шакл. Чорвачилик

## Кишлак хўжалик корхонаси

**Сут ва сут маҳсулотларини  
жўнатиш (қабул қилиш)  
ЮК ХАТИ № \_\_\_\_.**

" " 200 й.

бўлим	ферма	Фермер	Муомала	Олувчи	Жўнатувчи

Каерга, кимга

Ким орқали жүннатылды автомашина №

лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, ишончнома №

автомашина №

топширувчи ёки қабул күтүвчи ҳайдовчи

## **корхонадан берилгандар**

## Топширдим:

давозими ИМЗ9 Ф.И.Ш.

## Кабұл қилдым:

## Текширувни үтказдим

давозими ИМЗ9 Ф.И.Ш.

---

ПАВОЗИМИ

УМ30

ФИЛИАЛ

ПАЗОЗИМИ

HM30

44

## **қабул қилингандай**

Қабул пунктига \_\_\_ соат \_\_\_ мин. да олиб келинган, \_\_\_ соат \_\_\_ мин. да қабул қилинган

**\*)** Еу графалар бўйича кўрсаткичларни сут заводлари тўлдирмайди топширдим. Кабул килдим.

## Кабул килдим:

### Текширувни үтказдим:

Лавозими ИМЗО Ф.И.Ш.

**лавозими                    имзо                    ф.и.ш.**

**лавозими      ИМЗО      ф.и.ш.**

### **Мол ҳайдаш қайдномаси № \_\_\_\_.**

" " 202 i

хисоб раками \_\_\_\_\_ бўлимида  
ни жўнаташ учун \_\_\_\_\_ пунктида тузилган

ЮК НОМИ  
киштотк хұжалық корхонасы номи

Мүлжалланган пункт \_\_\_\_\_ Олуучи \_\_\_\_\_ Ветеринария гувохномаси №\_\_\_\_ "\_\_\_" \_\_\_\_ 202\_\_\_\_ й.

Чорва молларининг қабул пунктига келиш вақти “\_” 202\_ й.

<sup>1</sup> Народы малочисленные и изолированные народы Кавказа и Сибири // Труды Института этнографии АН СССР. – 1953. – № 10.

Чорва молларини қауул пунктіда қауул қилиш вакті "—" 202 и.

бўлим		Фермер	муомала	Олувчи	Жўнатувчи
				дебет	
				кредит	
			аналитик хисоб счёти		

Ушбу қайднома бўйича бош, жами вазни келади.

**Топширидим:** Лавозими ИМЗО Ф.И.Ш.

**Қабул килдим:** \_\_\_\_\_

Чорва моли текширилди. Ушбу кайднома билан чорва молининг тўғри тортилганлигини тасдиқлаймиз.

<u>Зоотехник</u>	<u>имзо</u>	<u>ф.и.ш.</u>	<u>Ветврач</u>	<u>имзо</u>	<u>ф.и.ш.</u>
------------------	-------------	---------------	----------------	-------------	---------------

Кишилoк xўжалик корхонаси раҳбари

Ушбу қайднома бўйича  
тирик вазни бўйича жами

## Ошқозон-ичак трактидан ташқари

%

\_\_\_\_\_ % \_\_\_\_\_ кг

**ЛАВОЗИМИН ИМЗО Ф.И.Ш.**

## Қабул қилдим:

Бухгалтер:

Кишилок хүжалик корхонаси		бүл- им		Фер- мер	муо- мала	Олувчи	Жүннатувчи
<u>—соныли чорва молларини тортиш</u>							
<b>ҚАЙДНОМАСИ</b>					Аналитик хисоб счёти	дебет кредит	
<u>— " _____ 200_</u> й.							

Чорва моллари гурухы \_\_\_\_\_ Табель № \_\_\_\_\_  
Чорва моллари кимга бириткирилган \_\_\_\_\_  
фамилияси, поими, отасининг исми \_\_\_\_\_

Жами күшилгандай вазн  
1 башниң ўртасында күшилгандай вазн

Зоотехник Бўлим бошлиги

Чорва моли биректирилган шаҳс имзоси

10-шакл. Чорвачилик

Кишлоқ хұжалик корхонаси

**ҚҰШИЛГАН ВАЗНИ АНИҚЛАШ ҚАЙДНОМАСИ № \_\_\_\_ .**

" \_\_\_\_ " \_\_\_\_ 202 \_\_\_\_ й.

бү- лим		Фер- мер	муома- ла	Олувчи	Жұна- тувчи
		аналитик ҳисоб	дебет		
		счёти	кредит		

Чорва моли бирақтирилган ишчининг исми, отасининг исми, фамилияси	Чорва молларин- гинг ҳисоб гурухы	ой бошига қолдик		Келиб түшди		Чиқиб кетған		Үлган		Қолдик		үлов бир- лиги	ортиши	баҳоси, сұм	сумма- си. сұм	озуқа кунлари сони	үртacha сүткалик вазн ортиши, кг
		бош	тирик	бош	тирик	бош	тирик	бош	тирик	бош	тирик						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18

Илова: чорва молларини тортиш қайдномаси № \_\_\_\_ .

Фермер:

имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

Бухгалтер:

имзо \_\_\_\_\_ Ф.И.Ш.

Зоотехник

имзо \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш.

Ферма мудири

имзо \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш.

Кишлоқ хұжалик корхонаси

бұлым		Фер-мер	Муома-ла	Олувчи	Жұнатувчи
		Аналитик		дебет	
		хисоб счёти		кредит	

Сут ҳаракати  
**ҚАЙДНОМАСИ №** \_\_\_\_\_  
" " 202 й.

сана, ой	Суткалик кирим (кг)					Чиким (кг)					кун бүйи- ча жами	кун охирига көлдик	сүтнинг ёғ- лилик да- ражасини назорат учун аниклаш (ёғ % и)	
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1														
2														
3														
4														
5														
6														
7														
8														
9														
10														
11														
12														
13														
14														
15														
16														
17														
18														
19														
20														
21														
22														
23														
24														
25														
26														
27														
28														
29														
30														
31														
ой бүйінча														
жами														
Бағосы														
Суммасы														

Топширдим:

лавозими имзо ф.и.ш.

Қабул күлдим:

лавозими имзо ф.и.ш.

Кишлоқ хұжалик корхонаси

12-шакл. Чорвачилик

## Қишлоқ хұжалик корхонаси

**Чорва моли ва паррандаларни чинчим килиши  
ДАЛОЛАТНОМАСИ №**

буйруқ (фармойиш)нинг рақами ва санаси  
асосий подадаги га биринчирилган

ни текширувдан үтказди.

Бўлим		Фермер, Ф.И.О.	муомала	олувчи	жўнатувчи
		аналитик хисоб счёти	дебет		

Илова." " 202 й.даги № чорва молларини асosий подадан чиқариш далолатномаси

## Чорва моли бириктирилган жавобгар шахснинг имзоси

## Ферма

Ветврач

МУДИРИ  
Зоотехник

ЛАВОЗИМИ ИМЗС

ИМВО

Ф.И.Ш.

## **Олинган маҳсулот ва унинг ишлатилиши**

Маҳсулот "\_\_\_" \_\_\_\_ 202\_й.даги №\_\_\_ юк хати билан омборхонага кирим қилингай

## Қабул килдим:

ЛАВОЗИМИ

ИМ30

Φ, Η, ΙΙ

Кишлоқ хўжалик корхонаси

14-шакл. Чорвачилик

**Чорва молларининг сўйилиши ва ҳаром ўлиши ҳисобга олиш**

**ҲИСОБ ВАРАГИ №** \_\_\_\_\_  
" " 202 \_\_\_\_ й.

**1. Сўйиш.**

Қаердан келиб тушди	бош	тирик вазни	Ветврачнинг сўйиш сабаблари ҳақидаги худосаси
кун бошига колдик			
Келди			
№	бўлимдан		
Жами:			тирик вазнида қабул қилинди
ўлдирилган:			
кун охирига колдик			

(имзо, ф.и.ш.)

Бўлим		Фермер, ф.и.ш.	муомала

**2. Маҳсулот чиқиши**

муомала	олувчи	Жўнатувчи	аналитик ҳисоб рақами

номи	миқдори	Бахоси, сўм	суммаси, сўм
гўшт			
боши			
жигар			
юраги			
Чарви ёги			
оёқлари			
тери - дона			

лавозими                    имзо                    ф.и.ш.                    дан сўйиш маҳсулотларини

қабул қилдим.

14-шакл. Чорвачилик 2-бети

**3. Ҳаром ўлиш**

Қаердан келган	бош	тирик вазни	олинган тери			муомала	Олувчи	Жўнатувчи
			микдори	баҳоси, сўм	суммаси, сўм			
			Ҳаром ўлиши тўғрисида ветварч холосаси					
келган								
№ бўлимдан								
№ бўлимдан								
№ бўлимдан								
№ бўлимдан								
№ бўлимдан								
№ бўлимдан								
№ бўлимдан								
№ бўлимдан								
Жами:								

аналитик ҳисоб счёти	Ҳаром ўлган молларнинг гўштини техник мақсадларда ишлатиш		Ҳаром ўлган молларнинг ишлатиб бўлмайдиган гўшти микдори		
	микдори, кг	суммаси, сўм	микдори	суммаси, сўм	сабаби
	дебет				
кредит					

Кўрсатилган вазнадаги чорва моли сўйилиши ва маҳсулот чиқишини тасдиқлайман:      Бош ветврач:

Ветврач: \_\_\_\_\_  
имзо \_\_\_\_\_  
ф.и.о. \_\_\_\_\_

имзо \_\_\_\_\_  
ф.и.ш. \_\_\_\_\_

Иқтисодчи томонидан текширилган

имзо \_\_\_\_\_  
ф.и.ш. \_\_\_\_\_

ELEKTRON HISOBBLASH MASHINALARI UCHUN YARATILGAN  
DASTURNING RASMIY RO'YXATDAN O'TKAZILGANLIGI TO'G'RISIDAGI  
**GUVOHNOMA**  
СВИДЕТЕЛЬСТВО ОБ ОФИЦИАЛЬНОЙ РЕГИСТРАЦИИ ПРОГРАММЫ  
ДЛЯ ЭЛЕКТРОННЫХ-ВЫЧИСЛИТЕЛЬНЫХ МАШИН

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI  
INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI  
АГЕНТСТВО ПО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ  
ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ DGU 09518

Ushbu guvohnoma O'zbekiston Respublikasining  
«Elektron hisoblash mashinalari uchun yaratilgan  
dasturlar va ma'lumotlar bazalarining huquqiy  
himoyasi to'g'risida»gi Qonuniga asosan quyidagi  
EHM uchun dasturga berildi:

Настоящее свидетельство выдано на  
основании Закона Республики Узбекистан  
«О правовой охране программ для  
электронно-вычислительных машин и баз  
данных» на следующую программу для ЭВМ:

«1С Предприятие 8» платформасида чорвачилик хўжаликлари бухгалтерия ҳисобини  
юритиш учун конфигурация  
Конфигурация для ведения бухгалтерского учета животноводческого хозяйства на  
платформе «1С Предприятие 8»

Talabnomha kelib tushgan sana:  
Дата поступления заявки:

27.10.2020

Talabnomha gaqamni:  
Номер заявки:

DGU 2020 1903

Huquq egasi(egalari):  
Правообладатель(и):

Норалиев Нурилла Хайдаралиевич, UZ

Dastur muallif(lar):  
Автор(ы): программы

Норалиев Нурилла Хайдаралиевич, Менгликулов Бахтиёр Юсупович, UZ

O'zbekiston Respublikasi elektron hisoblash mashinalari uchun  
dasturlar davlat reestrida 30.11.2020 yilda Toshkent shahrida  
ro'yxatdan o'tkazilgan.

Зарегистрирован в государственном реестре программ для  
электронно-вычислительных машин Республики Узбекистан,  
в г. Ташкенте, 30.11.2020 г.

Direktor  
Директор

Т. Абдулсаттаров

